

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАХРИРИЯТ ХАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:

проф. Набиев Д.Х.

Бош муҳаррир ўринбосари

доц. Холмирзаев Н.С.

Масъул котиб

ф.ф.д. Жумаев Т.Ж.

Тахририят хайъати аъзолари:

проф. Бахриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборов А.М.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

к.ф.д. Камолов Л.С.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

т.ф.д. Мўминова Г.

проф. Нормуродов М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

проф. Очилов А.О.

п.ф.д. Расулов А.И.

ф.ф.д. Тожиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умирзаков Б.Е.

проф. Хайриддинов Б.Х.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев А.Ч.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрназарова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Курбонов Ш.Қ.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳакимов Н.Х.

доц. Орипова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Курбонов П.Қ.

доц. Хамраева Ё.Н.

Журнал 2009 йилда

ташқил этилган

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.

Қарши давлат университети,

Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@umail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlari

1/2(57) 2023

Январ-феврал

ҚАРДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

Ижтимоий-гуманитар

фанлар

Муассис: Қарши давлат университети

**Журнал Қашқадарё вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармаси
томонидан 17.09.2010 йилда
№ 14–061 рақамли гувоҳнома
билан қайта рўйхатдан ўтган.**

Мусахҳихлар:

М.Набиева

З.Кенжаева

Ж.Буранова

Б.Турсунбоев

Сахифаловчи

Я.Жумаев

Навбатчи

Т.Жумаев

Техник муҳаррир

М.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг қарорлари билан **физика-математика, кимё, биология, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик, филология, педагогика-психологи ва иқтисод** фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

Йилига 6 марта

чоп этилади

Журналдан олинган материалларга “ҚарДУ хабарлари” журналидан олинди”, деган ҳавола берилиши шарт.

Муаллифлардан келган қўлёзма материалларэгаларига қайтарилмайди.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

Бўриев О., Муҳаммадиева А. Абу Райҳон Беруний – Туркистон биринчи ренессанси даврининг ёрқин намояндаси.....	4
Саидов Ф. Бухоро амири нега немис-меннонетларини қабул қилмади? (XIX аср охири XX аср бошлари).....	9
Хушматова Г.Н. Бугунги кун ёшларининг сиёсий онги ва маънавий дунёкараши (Хитой ёшлари мисолида).....	11
Эшмуҳаматов А.Ш. Жиззах воҳасининг йилқичилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари хусусида.....	16
Xudayberganov S.S. Mustaqillik yillarida Xorazm viloyati xalqaro iqtisodiy aloqalari rivojlanishining tarixiy tahlili.....	20
Юлдашев Ю.Х. Янги Ўзбекистон шароитида Хоразм вилоятида архив иши.....	25
Хўжаёров А.О. Ўрта асрларда Насаф воҳаси шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.....	30
Холхужаева Ю.У. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Самарқанд вилояти Каттакўрғон бўлими аҳолиси: ижтимоий таҳлил.....	34
Темиров Ф.У. Ёш бухороликларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва уларнинг фожеали тақдири.....	39
Абдуллаева Д.А. Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш Ўрта Осиё кўмитасининг Бухородаги фаолияти.....	43

ФАЛСАФА

Хайдаров К.Д. Тасаввуф фалсафасида маънавий-ахлоқий баркамоллик ғоялари.....	48
Sunatov D.H. The effect of globalization and localization of moral consciousness on cultural space.....	55
Гуламова М.Т. Ҳаким Термизийнинг Қумушхонавий тасаввуфи таълимотига таъсири.....	60
Qodirov B.S. Ma'naviyatning jamiyat ijtimoiy taraqqiyotidagi o'rnini o'rganishning nazariy-metodologik asoslari.....	65
Умаржонов С.С. Фахриддин Розий фалсафий қарашларида борлиқ муаммоси.....	72
Авазов С. Меҳнат миграциясининг шахс маънавий қиёфасига таъсири.....	80
Хандамова М.А. Ал-Хоразмий илмий меросида қадимги ҳинд ва юнон илмларининг аҳамияти.....	83
Suvanov I.A. Globallashuv sharoitida ma'naviy tahdidlarga qarshi kurash tendensiyalari xususida ayrim mulohazalar.....	86
Қурбонов Т. Маънавий тикланиш негизида миллий менталитетнинг ўзгариши.....	92
Очилов У. Ахборот-психологик хуружларнинг инсон онги ва қалбига таъсири масаласи.....	96
Axmedova D.S. Barkamol avlodni shakllantirishda etikaning zamonaviy muammolari.....	101
Usanov Sh.M. Qashqadaryo viloyat arablar milliy-madaniy markazining millatlararo munosabatlar rivojlanishidagi ahamiyati.....	104
Авазов К.Х. В системе политических исследований угрозоустойчивое общество как условие устойчивого социального развития.....	110
Саломова Н.М. Ислом манбаларида табиат борлиғи неъматлари ва уларнинг саломатликка таъсирига оид фикр-мулоҳазалар.....	115

СИЁСАТШУНОСЛИК

Маматқобилов Т.Д., Шокирбоев А.А. Узлуксиз маънавий тарбиянинг таълимийлиги.....	120
Сеитова З.П. Личность, проблема идентичности в социологии.....	123
Рашидов Р.Р. Афғонистон қуролли тузилмалари: шаклланиши, таснифи ва ўзига хос хусусиятлари.....	127

ФИЛОЛОГИЯ

Рўзиев Я.Б. Ноқардош тиллар қурилишининг бош хусусиятлари.....	136
Nizomova M.B. Ingliz va o'zbek tillarida pedagogikaga oid terminlarning leksikografikasida formal-strukturaviy tahlil.....	139
Sulaymonov B.N., Akbarov A.M. Metaforik va metonimik ko'chma ma'no hamda ularning tarjimada berilishi.....	145
Раджабова З.И. Фразеологик маънонинг лексикографик талқинида этимологик шарҳнинг ўрни.....	148
Kazakov I.R. Paremiyalarda gender konsepti talqini.....	152
Рўзиева Х. Улуғбек Ҳамдам асарларида қўлланган антропонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	157
Жуманов В. Прагматик транспозиция ҳодисаси ёхуд сўроқ гапларда прагматик кўп маънолиликнинг юзага келиши.....	161
Masharipova Sh., Bahodirova F.B. Neyrolingvistika va tilning buzilishi.....	163
Мадиева Г.М. Ўзбек тилининг тарихийлик ва замонавийликка муносабати.....	166
Бахтиёрва С. Тил бирликлар ўртасида фонетик ва морфологик симметрия ва ассиметрия ҳодисаси (“Девону луғотит турк” асари мисолида).....	170
Кенжаева З.С. Ўзбек тилида вақт-замон англлатувчи лексик бирликларнинг этимологик-семантик белгилари хусусида.....	173
Бегимова М. Ўзбек тилида бир қисми мустақил маънога эга бўлмаган жуфт сўзлар таснифи.....	176
Дусёрова К. Анъанавий кутубхоналардан интеграллашган ахборот-кутубхоналар сари.....	179
Хамраева Ё.Н., Тиллаева М.Я. Изучение устойчивых сочетаний слов в сопоставительном аспекте.....	182
Попов Д.В. О формировании языковой картины мира.....	186
Филлипова О.И. Функциональная значимость избыточности в художественном тексте.....	189
Хамраева М., Гуломова М. Антропонимы как макросфера ономастического пространства (на материале русского и узбекского языков).....	196

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – ТУРКИСТОН БИРИНЧИ РЕНЕССАНСИ ДАВРИНИНГ ЁРКИН НАМОЯНДАСИ

Бўриев О., Муҳаммадиева А. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Туркистон биринчи Ренессанс даврининг ёркин намояндаси, маърифатпарвар ва қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг тарихий мероси ёритилган.

Таянч сўзлар: *Туркистон, илк Ренессанс даври, намоянда, Абу Райҳон Беруний, Хоразм, Қот, маърифатпарвар ва қомусий олим, Ибн Ироқ, Ўзбекистон, мустақиллик.*

Аннотация. В данной статье описывается историческое наследие Абу Райхана Беруни, яркого деятеля первого Ренессанса Туркестана, просветителя и энциклопедиста.

Ключевые слова: *Туркестан, первый период Ренессанса, деятель, Абу Райхан Бируни, Хорезм, Қот, просветитель ученый-энциклопедист, Ибн Ирак, Узбекистан, независимость.*

Annotation. This article describes the historical heritage of Abu Raykhan Beruni, a prominent figure in the early Renaissance of Turkestan, an educator and encyclopedist.

Key words: *Turkestan, the period of the early Renaissance, in the image, Abu Raykhan Beruni, Khorezm, Kot, an enlightened scientist-encyclopedist, Ibn Iraq, Uzbekistan, independence.*

Ўтмиш бой тарихимиз, диний қадриятларимиз, бой ва кўхна тарихий меросимизга муносабат, айниқса, истиқлолдан кейинги мантиқий изчиллик билан бардавом тус олиб, биринчи даражали ҳаётий масалалардан бирига айланди. Олис мозийда боқий қолувчи асарлар яратиб кетган буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиб, уларни кенг халқ оmmasига етказиш, хусусан ёшларни баҳраманд қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу соҳада оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Истиқлол яратган имкониятлар туфайли юртимиздан чиқиб, жаҳон миқёсида алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган етук алломаларимизнинг ҳаёти ва бой илмий меросини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Халқимизга, айниқса ёш авлод том маънода беназир Ҳазрати Инсон ўз олдида қўйган эзгу мақсадига етишда етук салоҳиятга эга бўлган буюк алломаларнинг ибратга тўла ҳаёт йўллари ва қолдирган бой илмий-маърифий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳозирги давр учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Марказий Осиё марказида жойлашган Туркистон, Хуросон ва Эронда IX-XII асрларда маданий кўтарилиш содир бўлиб, илм-фан, маданият юксак даражада ривожланган. Илғор инсонпарварлик ғоялари жамият ривожига катта туртки бўлиб, ақлий ва ижодий фаоллик ўсган. Бу давр дунё миқёсида “Муслмон Ренессанси”, “Шарқ уйғониши” номлари билан маълумдир. “Исломот маданиятининг олтин асри” деб ҳам эътироф этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳаммамизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи IX-XII асрларда Марказий Осиё худудида қайта порлади десак ҳақиқат. Мана шуни ҳеч қачон, ҳеч қайси биримиз унутмаслигимиз керак. Бу даврда юртимиз худудида Биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур алломаларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий, ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди. Исломот маданиятининг олтин асри деб эътироф этилган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий, Бурҳониддий Марғилоний, Абул Мўйин Насафий каби улуғ уламолар бутун муслмон оламининг фаҳру ифтихори ва халқимиз ғурури ҳисобланади” (“Халқ сўзи”, 2020 йил 1 октябрь).

Туркистон Биринчи Ренессанси даври (IX-XII асрлар)нинг ёркин намояндаси, ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973-1048) замонасининг қатор фанлари: астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, тарих кабиларни чуқур эгаллаган. У Хоразмнинг қадимги пойтахти Қот

шаҳрида туғилган ва ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқиши орта борган¹. Абу Райҳон кейинчалик машҳур олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ қўлида таълим олган. Устози Ибн Ироқ астрономия, геометрия, математикага оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини шогирди Абу Райҳонга бағишлаган. Беруний она тилидан ташқари 10 дан зиёд тилларни: араб, сўғдий, форсий, сурёний, қибтий, юнон ва қадимги яҳудий тилларини, кейинчалик Ҳиндистонда эса санскрит тилини ўрганган [1].

У Хоразмда яшаган даврида, 990 йиллардан бошлаб Кот шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказиб, ўзи астрономик асбоблар ихтиро қилган. Хоразм зодагонлари орасида тахт учун бошланган курашлар олимнинг илмий ишларини давом эттиришга имкон бермаганлиги боис, 22 ёшида Ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган ва бир қанча муддат Каспий денгизининг жануби-шарқий соҳилидаги Журжон шаҳрида муҳожирликда яшаган [2].

Беруний қадимги Рай шаҳрига борган, 998 йиддан кейин яна Журжонга келган ва бу ерда ўзининг иккинчи устози табиб, астроном, файласуф Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Масихий билан танишиб, ундан таълим олган. Беруний “Ал осор ал-боқия ан ал-курун ал-холия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”)асарини Журжонда муҳожирлик даврида 1000 йилда ёза бошлаган ва 1003 йилда тамомлаган[3]. Ушбу асар алломага жуда катта шухрат келтирган, уни фаннинг барча соҳаларига қизиқувчи буюк олим эканлигини кўрсатган [4].

Шунингдек, Беруний Журжонда астрономия, метрология тарихига оид 10 та асар ёзган. У Хоразмнинг янги ҳукмдори Абу Аббос Маъмун II ибн Маъмун томонидан мамлакатнинг янги пойтахти Урганчга чақиртирилган. Хоразмшоҳ томонидан жуда катта ҳурмат билан қабул қилинган. У Урганчда Маъмуннинг бевосита раҳнамолигида вужудга келган илмий марказда фаолият кўрсатган ва шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳам фаол қатнашган.

Маҳмуд Ғазнавий томонидан Хоразмнинг босиб олиниши Беруний ҳаётини хавф остига қўйиб, Хоразмшоҳ саройидаги барча олимлар билан бирга Ғазна шаҳрига асир қилиб олиб кетилган. У 1017-1048 йилларда Ғазнада кечирган ҳаёти, бир томондан ниҳоят оғир кечган бўлса, иккинчи томондан, унинг илмий фаолияти учун энг маҳсулдор давр эди. Олимнинг “Хоразмнинг машҳур кишилари” асари ҳам шу даврда яратилган. У муҳим астрономик-географик асари “Таҳдид ниҳоёт иламоким ли тасҳия масофат ал-масокин” (“Турар жойлар (орасидаги) масофаларни аниқлаш учун манзилнинг чегараларини белгилаш” – “Геодезия”) 1025 йилда ёзиб тугалланган.

Берунийнинг “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар” асари ҳам 1029 йил Ғазнада ёзилган. Асарнинг форсча, арабча нусхалари бизгача сақланиб, унда ўша замон астрономияси билан боғлиқ бўлган бир қанча фанлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Олимнинг “Ҳиндистон” номи машҳур йирик асари “Таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъқуда мақбула фи-л-ақл ав марзула” (“Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби”) 1030 йилда ёзилган бўлиб[5], бу шоҳ асар Ғарб ва Шарқ олимлари, шу жумладан, ҳозирги замон ҳинд олимлари томонидан юксак баҳоланган. Академик В. Р. Розен «Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрдаги бутун илмий адабиёти орасида бунга тенг келадиган асар йўқ», деб баҳо берган эди.

Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистонга қилган юришларидан бирида шоҳга ҳамроҳ бўлган Беруний, у ерда санскрит тилини пухта ўрганиши ҳинд маданияти адабиёти ва Ҳиндистоннинг ўша давр олимлари билан яқиндан танишишга ҳамда бу мамлакат ҳақида ўлмас асар яратишга имкон берган. “Ҳиндистон” асари ёзиб тугатилган йили Маҳмуд Ғазнавий вафот этган ва унинг ўрнига тахтга ўғли Масъуд ўтирган. Бу даврда Берунийнинг шарт-шароити анча яхшиланган. Астрономияга оид “Масъуд қонуни” асарини Султон Масъудга бағишлаган. Ўша давр олимларидан бири Ёқутнинг ёзишича: “Масъуд қонуни” китоби математика ва астрономия бўйича унғача ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборган [6]”. Мазкур асарни форс тилидан А.К. Ареодс рус тилига таржима қилиб, 1969 йилда Тошкентда нашр этилган.

¹Бу ҳақда батафсил қаранг: Хайруллаев М. Беруний Абу Райҳон. – ЎзМЭ, 1-ж.: Т.: ЎзМЭ ДИН, 2000. – Б.719-733.

Беруний ўз асарлари рўйхатини тузгандан кейин яна иккита муҳим китобини ёзган. Булардан бири “Қимматбаҳо жавоҳир ҳақида билимлар китоби” (“Минералогия”) [7] бўлиб, бу китоб ўз замонаси учун Марказий Осиё ва Яқин Шарқ, ҳатто Европада ҳам минералогия соҳасида энг яхши, тенгги йўқ асардир. Олимнинг охириги асари – “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”нинг қўлёзмаси XX аср 30-йилларида Туркияда топилган. Асар “Сайдана” номи билан машҳур бўлиб, унда олим Шарқ, айниқса, Марказий Осиёда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг тўла тавсифини берган [8].

Беруний шогирди Абу-л Фадл ас-Серахсий маълумотига кўра, 1048 йил 11 декабрда вафот этган.

Беруний сўнгги авлодларга катта илмий мерос қолдириб, унинг ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималари, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари қолганлиги бизга маълум. У юқорида кўрсатиб ўтилган катта ҳажмдаги асарларидан ташқари астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармакогнозия, тарих, филология масалаларига оид қатор рисолалар яратган ва санскрит тилидан арабчага, араб тилидан санскрит тилига таржималар қилган, бадий ижод билан ҳам шуғулланиб, шеърлар ёзган: “Астрологияга кириш”, “Астрономия калити”, “Жонни даволовчи кўёш китоби”, “Икки хил ҳаракатнинг зарурлиги ҳақида”, “Кўпайтириш асослари”, “Птолемей “Алмагест”нинг санскритчага таржимаси”, “Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар”, “Фарғоний “Элементлар”га тузатишлар”, “Турклар томонидан эҳтиёткорлик”, “Оқ кийимлилар” ва қарматлар ҳақида маълумотлар”, “Шеърлар тўплами”, “Ал-Муқанна ҳақидаги маълумотлар таржимаси”, “Ибн Сино билан ёзишмалар” шулар жумласидандир.

Беруний қадимги юнон илми ва унинг вакиллари Аристотель, Платон, Птолемей, Евклид кабиларнинг асарлари, ҳинд олимлари, мусулмон олимлари ал-Хоразмий, Фарғоний, Баттоний, Розий, Абу Таммам, Ибн Кайсум, Абу Машъар асарлари билан яқиндан таниш бўлган, уларга шарҳлар, изоҳлар, тузатишлар, раддиялар ёзган.

Аллома филология соҳасида ҳам қалам тебратиб, мумтоз араб шеърляти, ҳинд шеърляти тузилишига оид тадқиқотлар, Эрон фольклори намуналарининг араб тилига таржималарини яратган. Беруний мамлакат раванқи фан ривожланиши билан узвий боғлиқ деб билган. У «Ҳар бир олим ўз муҳокамасида амалиётга асосланиши, ўз тадқиқотида аниқ бўлиши, тўхтовсиз меҳнат қилиши, хатоларини қидириб тузатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар хил уйдирма, юзакичиликка қарши кураш олиб бориши зарур», деган эди.

Олим халқлар дўст, инोक, иттифоқ бўлиб яшаши учун курашиб, инсониятга, у яратган фан ва маданиятга қирғин келтирувчи урушларни қаттиқ қоралаган. Олим ўзининг “Ҳиндистон” асарида “халқлар ўртасида тортишиш ва талашини кўп”, деб афсусланиб ёзган эди. Унинг Ҳиндистонда олиб борган кенг илмий-тадқиқот ишлари халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва маданий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Бундан кўриниб турибдики, Беруний маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта эътибор берган.

Берунийнинг асарлари мусулмон Шарқи маданиятининг сўнгги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Сўнгги асрларда араб ва форс тилларида ёзилган Байҳақий, Шаҳризўрий, Қифтий, Ёкут Ҳамавий асарларида Беруний ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. XIII асрда яшаган суриялик тарихчи ва табиб Христиан Иоанни Барэрей (122–1286) Берунийга шундай баҳо беради: “Ўша ўтган йилларда юнон ва ҳинд фалсафаси денгизини кечиб ўтган Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўтмиш илмларда шуҳрат қозонди. У математика илмларида мутахассис бўлиб, бу соҳада қатор муҳим китоблар яратди. Ҳиндистонга бориб, у ерда бир неча йил яшади, ҳинд файласуфларидан уларнинг санъатини ўрганди ва уларга юнон фалсафасини ўргатди. Унинг асарлари ниҳоятда кўп, етук ва ишончлидир. Бир сўз билан айтганда, ўз даврида, ундан сўнг ва ҳозирга қадар ҳамкасблари орасида астрономия илмида бундай билимдон ва бу илмнинг асосини ҳамда нозик томонларини чуқур биладиган олим бўлмаган”. Беруний ҳақидаги олий баҳолар Табризий, Суйутий, Қазвиний, Тусий, Муҳаммад ибн Мансур ал-Алломи, ал-Хуросоний кабиларнинг асарларида келтирилган.

XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида Беруний мероси билан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари лотин, француз, итальян, немис, инглиз, форс, турк тилларига таржима этила бошланди. Олим асарларига бағишланган европалик олимлар – Ж. Рено, Э. Захау, Г. Зутер, Э. Видеман, К. Наллино, Ж. Сартон, Р. Райт, М. Мейерхоф, Осиё олимлари – С. Х. Наср, М. Козим, С. Бараний, М. Низамуддин, Ш. Ялтқай кабиларнинг китоблари, таржималари нашр этилиб, бу тадқиқотчилар Беруний ижодига жуда юқори баҳо беришган.

Америкалик тарихчи олим Ф. Старр Берунийнинг меросига энг олий баҳо бериш билан бирга, унинг ўз даврининг жаҳондаги биринчи донишманди деб баҳолаган.

Инглиз шарқшуноси Ж.Сартоннинг “Беруний – IX асрнинг Леонардо да Винчидир” – деган фикрига жавобан С.П.Толстов шундай ёзган: “Берунийни Леонардо да Винчи билан таққослаб, уни IX аср Леонардо да Винчиси дейишди. Бу нотўғри қиёслаш. Ахир Птолемейни II аср Берунийси дейишмайди-ку! Аслида, Леонардо да Винчини XVI аср Берунийси” десак мантиқли бўлар эди”. У Берунийга юксак бериб, XI асрнинг биринчи ярмини “Беруний асри” деб атаган ва “Беруний замонасининг энг улуғ олими бўлибгина қолмай, балки ҳамма замоннинг энг улуғ сиймосидир” деган.

Атоқли шарқшунос В.Р.Розен эса, унга илмий қарашлари таажжуб қоларли даражада кенглиги, унинг ҳозирги маънодаги ҳақиқий фаннинг руҳига эга эканлигини қайд этган. Ҳинд олимлари ҳам Берунийнинг Ҳиндистон фалсафаси, илми, урф-одатлари тарихини ўрганишга қўшган ҳиссасига юқори баҳо берган.

Беруний мероси рус олимларини ҳам ҳар томонлама қизиқтириб келган. И. Ю. Крачковский, В.В.Бартольд, С.П. Толстов, А. А. Райнов, А. М. Белиницкий, А. А.Семёнов, Г.Матвиевская, Б. А. Розенфельдларнинг унга бағишланган асарлар эълон қилинди. Машҳур рус шарқшунос олими, академик И. Ю. Крачковский Беруний меросини илмий таҳлил қилиб, “Унинг қизиққан илм соҳаларидан кўра қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш осондир”, деб алломанинг қомусий салоҳиятига юксак баҳо берган эди.

Берунийнинг ўз ватани Ўзбекистонда ҳам унинг илмий меросига катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳ. М. Абдуллаев, С.Ҳ.Сирождидинов, И. М. Мўминов, В. Й. Зоҳидов, Я. Ф. Ғуломов, К. Шониёзов, М. Хайруллаев, А.Саъдуллаев, У.Каримов, М. А. Салье, П.Г. Булгаков, И.Абдуллаев, А.Расулов, А.Аҳмедов, Ю.Ҳакимжонов, Б. Тўраев, А. Отахўжаев, Х.Жалолов, А. Ирисов, А.Шарипов, Ҳ.Содиқов, П.Шермухаммедов, Б.Каримов каби етакчи олимларимиз Беруний фаолияти ҳақида қатор рисола ва асарлар яратишган. Тошкентда буюк аллома меросига бағишланган қатор халқаро илмий конференциялар ўтказилди. Биринчи бор 1957-1987 йилларда Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Масъуд қонуни”, “Геодезия”, “Сайдана” каби асосий асарларини ўз ичига олувчи етти жилдланган асарлари ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти томонидан нашр этилди. Ҳозир ҳам бу йўналишда илмий изланишлар ва нашр ишлари изчил давом эттирилмоқда. “Минералогия” (2017), “Ёдгорликлар” (2020) каби асарлари қайта нашр қилинди.

Абу Райҳон Берунийнинг бизгача етиб келган 31 та асаридан, 24 таси немис, инглиз, рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган. Таниқли берунийшунос олим А.Аҳмедовнинг сўнгги маълумотларига кўра буюк аллома асарлари 170 тадан ошади. Булардан 143 тасини олим ўз қўли билан ёзган. 27 тасини Ибн Ирок, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Али Жилийлар унга атаб ёзишган. Олимнинг ҳозирда 33 та асари ва “Рўйхат”и бизгача етиб келган. Шунингдек, алломанинг асарлари лотин, француз, итальян, форс, турк тилларига ҳам ўгирилган.

1986 йилда Қуёш тизимида кашф этилган Гарвер марказида 9936 - рақами билан рўйхатга олинган планетага Берунийнинг номи берилган. 1973 йилда аллома таваллудининг 1000 йиллиги бутун жаҳон миқёсида кенг нишоланган эди.

Буюк алломанинг ҳаёти ва ижодига ёзувчи ва санъаткорлар ҳам эътибор берилиб, у ҳақида “Ўзбекфильм” студияси ижодкорлари 2 қисмдан иборат “Абу Райҳон Беруний” фильмини яратган (1974). Ўзбекистон халқ шоири Уйғун “Абу Райҳон Беруний” пьесасини яратган (1973). Академик А. Қаюмов “Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино” тарихий асарини ёзган (1987). Шунингдек, Ҳ. Содиқов, П.Шермухаммедов, Қурбон Муҳаммадризолар Берунийга бағишлаб асарлар яратишди.

Мустақиллик йилларида аллома хоки Ғазнадан Беруний шахрига олиб келиниб, қайта дафн этилди.

Буюк аллома таваллуд топган кун – 4 сентябрь куни –“Беруний куни” деб эълон қилиниши ҳам буюк аждодимизда жаҳон илм-фанини эгалаганини яққол исботлайди.

Абу Райҳон Беруний мероси совет даврида ҳам ўрганилган эди, аммо у пайтларда алломанинг табиий-илмий мероси, материалистик дунёқараш, ҳукмрон мафкура нуктаи назаридан тадқиқ этилган эди. Мустақиллик давридагина Беруний меросига кенг камровли ёндашувга кенг йўл очилиб, унинг Куръони карим ва ҳадиси шарифга муносабати, диний мазҳаблар тадқиқи бугунги кунда олимларимиз томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда.

Ўз даврида Абу Райҳон Беруний раҳбар бўлган Маъмун академияси қайта тикланди. БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг таклифи билан 2005 йилда “Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди. Юбилей тантаналари доирасида Маъмун академияси, Ўзбекистон Фанлар академияси Хоразм–Амударё минтақаси бўлими сифатида қайтадан тикланди. 1997 йил 11 ноябрдаги “Хоразм Маъмун академиясини” тиклаш тўғрисида”ги Фармонга кўра академия таркибида археология, тил ва адабиёт, биология бўлимларидан иборат эди. Кейинги даврда мазкур академия янада кенгайтирилади ва моддий-техник базаси кучайтирилди.

Берунийнинг бой илмий мероси Ўзбекистон ва ундан ташқари ҳам чуқур ўрганилмоқда. Унинг асарлари лотин, француз, итальян, немис,инглиз, форс, турк тилларига таржима қилинмоқда. Қорақалпоғистон республикасидаги шаҳар, туман Беруний номига қўйилган. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, метро бекати, Тошкент шахрида, Қорақалпоғистон, Хоразмда Беруний номида кўча, майдон ва кўплаб муассасалар унинг номи билан аталади. Жаҳонда биринчи марта Ўзбекистонда топилган минералга Беруний номи қўйилган. Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (1967) ва олий ўқув юртлари талабаларига махсус стипендия таъсис этилган. Берунийга Тошкент, Хива,Беруний, Вена шаҳарларида ҳайкаллар ўрнатилган.

Ўзбекистон мустақиллиги даврида буюк алломанинг илмий асарларини чуқурроқ ва ҳолисона ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳозирги пайтда Берунийнинг номаълум асарларини излаб топиш давом эттирилмоқда. Истиқлол даврида аллома кўплаб мероси ҳақида асарлар ёзилмоқда ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Олимнинг жаҳон фани тараққиётига кўшган ҳиссасига бағишланган қатор асарлар яратилмоқда, изчил илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, ушбу йўналишда кенг камровли тадқиқотлар олиб бораётган етакчи халқаро илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини ЮНЕСКО ташкилоти шафелигида 2022-2023 йилларда кенг нишонлаш мақсадида мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 25 августдаги қарори қабул қилиниб, кенг кўламли тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда¹.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тўраев Б. Абу Райҳон Беруний. – Буюк юрт алломалари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – Б. 37-47.
2. Тўраев Б. Кўрсатилган асар. – Б. 47.
3. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – ТА 1-ж –Т.: Ўзбекистон, 2020.
4. Абу Райҳон Беруний. Геодезия. – ТА., 3-т. –Т.: Фан, 1982.
5. Беруний Абу Райҳон. Ҳиндистон – ТА 2-ж –Т.: Фан, 1965.
6. Беруний Абу Райҳон. Қимматбаҳо жавоҳир ҳақида (Минералогия) –Т.: ЎЗМЭ ДИИ, 2017.
7. Беруний Абу Райҳон. Қонуни Масъудий. 1-5 мақолалар, –Т.: 1973; Қонуни Масъудий. 6-11 мақолалар, –Т.: 1976;.
8. Беруни Абу Райхан. Фармакология в медицине. (Китоб ал-сайдана фит-тиб) –Т., 1973.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида. 2022 йил 25 август. – “Халқ сўзи”, 2022 йил 26 август.

БУХОРО АМИРИ НЕГА НЕМИС-МЕННОНЕТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАДИ?
(XIX аср охири XX аср бошлари)**Саидов Ф. (ҚарДУ)**

Аннотация. Ушбу мақолада архив ҳужжатлари ва тарихий манбалар таҳлили орқали немис-меннонетлари тарихий тақдири қочқоқлик билан боғлиқлиги, уларнинг Бухоро амирлиги чегараларига қадар етиб келганлиги сабаблари очиқ берилган.

Таянч сўзлар: *Нидерландия, немис-меннонет, қочоқ, мажбурий кўчиш, таъқиб, деҳқончилик, чорвачилик, диний маҳзаб, уезд, амир, музокара, рухсатнома, тарихий тақдир.*

Аннотация. В данной статье путем анализа архивных документов и исторических источников раскрываются причины, по которым историческая судьба немцев-меннонитов связана с бегством, и как они достигли границ Бухарского эмирата.

Ключевые слова: *Нидерландия, немецко-меннонеты, беженцы, вынужденная миграция, преследование, земледелие, скотоводство, секта, графство, эмир, переговоры, разрешение, историческая судьба.*

Annotation. In this article, through the analysis of archival documents and historical sources, the reasons why the historical fate of the German-Mennonites is connected with the flight, and how they reached the borders of the Bukhara Emirate are revealed.

Key words: *Netherlands, German-Mennonet, refugee, forced migration, persecution, farming, pastoralism, sect, county, emir, negotiation, permission, historical destiny.*

Россия империясининг Туркистон минтақасига аҳолини кўчириш сиёсати ва кўчирилганларнинг миллий- этник таркиби рўйхатида оз сонли бўлсада немис-меннонетлари ҳам мавжудлиги ҳақида манбаларда ва айрим тадқиқотларда қимматли маълумотлар келтирилади. Немис-меннонетлари тарихи XVI асрнинг 30-йилларига тўғри келиб, Нидерландияда Буржуа инқилобидан олдин ислохотлар босқичида бу диний маҳзаб Менно Сименс (1496-1561) раҳбарлигида шаклланди. Меннонетлар жамоасида қабул қилинган қонунга, кўра давлат бошқаруви ва сиёсий ҳаётда иштирок этмаслик, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, бошқалар билан фақат иш юзасидан мулоқотда бўлиш, тинч-тотув, ўз меҳнат кучи билан яшаш, ахлоқли ва саводли бўлишга интилиш қабилар етакчилиги қилган. Улар асрлар давомида таъқиб ва тазйиқларга бир неча бор дучор бўлиб Нидерландиядан Шимолий Германия, Польша ва Пруссияга, XVIII асрнинг 60-йилларида эса Пруссиядан Россияга қочиб келганлар. “Меннонетлар биродарлиги” жамоаси асосан Волга бўйида, Россиянинг Жанубий вилоятлари Самара, Саратов, Рязанда истиқомат қилиб, асосан деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик билан шуғулланишган. Уларнинг мажбурий кўчиш босқичларидан бири 1880-1881 йилларга тўғри келиб, Туркистоннинг Сирдарё, Еттисув вилоятлари бўйлаб тарқалганлар¹.

Немис меннонетлари 1880-1881 йилларда ва 1892-1893 йиллардаги Россияда юз берган очарчилик даврида яъни икки тарихий босқичда Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларидан Сирдарё, Каспийorti, Самарқандга ҳамда Хива ва Бухоро хонликларида кўчиб ўтганлиги, уларнинг хўжалиги, маданий маиший турмуши ҳақида адабиётларда қайд этилган. Бироқ, немис меннонетларининг Туркистон вилоятларидаги русча-немисча номланган бир қатор қишлоқлари, 1884 йилда Хива хонлигининг Оқмасжид (Ҳақмасжид) яқинидаги Қипчоқ қишлоғида жойлашганлиги тарихий ҳақиқат. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) немис меннонетларидан 107 нафарини Оқмасжидга кўчирган, улар хон буюртмаларини бажаришган. Ушбу немисларнинг аждоқлари асли Германиянинг Морменбург шаҳридан бўлишган². Немис меннонет жамоалари Бухоро

¹ Граф Головин. Колонизация Туркестана//Туркестанский сборник. Том 942. –С. 343; Собиров Н. Эгамназаров А. Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида немис ишбилармонлари ҳиссаси. –Т., 2002. –Б.160-163; Ҳайитов Ж.Ш. Россия империясининг кўчириш сиёсати ва немис меннонетлари тақдири (XIX аср охири XX аср бошлари) Миллий Хабарнома АДУ, – №1. 2018. –Б. 65-70.

² Қаранг: Маткаримов С.А. Хива хонлигида нарх-наво, аҳоли ва солиқ // Ўзбекистон овози, 2005 йил 15 октябрь; Ҳайитов Ж.Ш. Ўша мақола . –Б. 67; Жўраев Х.П. Туркистонга кўчирилган аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти

амирлиги тасарруфидаги худудларга келиб жойлаша олмаганлар. Уларнинг оз сонлиси 1868 ва 1873 йиллардаги Россия-Бухоро нотенг шартномаларидан сўнг, амирлик кўлидан кетган Самарқанд вилоятига қарашли ерларда оз сонли бўлиб яшаган холос.

Тадқиқотдан аён бўладики, немис-меннонетларининг давлат ва ҳарбий хизматларидан бўйин товлаши, ҳарбий солиқ тўлаш шартини ҳукумат аъзоларига қатъий талаб қилиб кўйилиши, маиший ҳаёт турмуши славян-проваславдан фарқ қилиши чор маъмурларига маъқул келмаган. Улар немис меннонетларини таъқиб қилишда давом этишган. Шундан сўнг немис –меннонет колониялари Хива ва Бухоро давлатлари чегараларига кўч-кўронлари билан қочиб келишган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II уларнинг бир қисмини қабул қилиб хонлик аҳолиси немис меннонетлари билан ўзаро хўжалик ва маданий таъсир доирасида бўлишган. Бу жараёнлар истиқлол даври тадқиқотларида, тарихий-бадий китобларда имкон қадар ёритилган.

Айрим муаллифлар немис-меннонетларининг чорвачилик, паррандачилик (Курка парваришlash), қорамол, зотдор серсут сигирлар боқиш, картошка, карам, помидор, каби янги навларини жорий этганлиги, фотография, киномотография соҳасидаги ютуқлари, “Зингер” тикув машинаси билан муомала қилганликлари, дурадгорлик маҳорати ҳамда янги технологиялар (плуг, телега, сеялка, сенокосилка ва ҳ.к.) қўллаши ҳақида манбалар орқали маълумотлар беришган. Уларда немис меннонетлари жамоаларининг иноклиги, меҳнатсеварлиги, аҳоли саводлилик даражаси нисбатан юқорилиги ҳам қайд этиб ўтилган [1].

Профессор Ш.С.Ғаффоровнинг Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати бағишланган фундаментал монография тадқиқотида немис меннонет оилаларини Бухоро амирлигига мурожаати, бироқ айрим сабабларга кўра уларни амир Музаффар ҳукмронлиги (1860-1885 йиллар) уларни қабул қилмаганлиги билан боғлиқ маълумот чет эл матбуоти материалларига таянилган ҳолда келтирилган¹. Бироқ, амирлик чегара чизигига етиб келган немис меннонетлари тарихий тақдири масаласи ушбу тадқиқотда ҳам очик қолдирилган.

Ушбу масалага архив ҳужжати маълумотлари аниқлик киритишда асос бўлади. “Немис меннонетлари жамоасидан 24 оила (85-90 киши атрофида) Сирдарё вилояти Авлиёота уездидаги қишлоғидан (немис меннонетларининг ушбу уездда 5 та колонияси бўлган) Бухоро амирлиги чегарасига қочиб келишган. Улар Туркистон генерал-губернаторлиги худудидан туриб Бухоро амири ҳукуматидан сиёсий бошпана, ер-мулк ва жой сўрашган. Ўз йўлбошчиларини амир мулозимларини ҳузурига юборишни илтимос қилган [2].

Албатта, ўзининг кўч-кўронлари билан 48 та темга (ароба, бричка-от тортади, 4 ғилдиракли, темир бортли)да Самарқанд вилоятига кириб келган немис-меннонетлар жамоаси вилоят маъмурларини эътиборсиз қолдирмаган. Ўша пайтдаги Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори генерал-майор Иванов Туркистон генерал-губернатори, генерал-лейтинант Колпаковский (Фон Кауфман касаллиги туфайли у вақтинча генерал-губернаторлик лавозимини бажариб турган эди)га махсус хат (рапорт) йўллаб, немис-меннонетлари оиласи Самарқандгача етиб келганлиги, ўздан вақтинча бошпана сўраётганликлари, тез кунда Бухоро амирлигига ўтиб кетиши хабар қилган. Шунингдек, қандай йўл тутиш ҳақида Тошкентдан кўрсатма берилишини ҳам сўраган [3]. 1881 йил сентябрь ойи ўрталарида Самарқанд вилояти Каттақўрғон уезди раҳбари юқори ташкилотларга немис-меннонетлари Туркистон-Бухоро амирлиги чегарасида турганлигини билдирган. Вилоят ва уезд ҳарбий раҳбарларига немис-меннонетлари ҳар бир қадамини назорат қилишни қатъий буюрар экан,

(XIX аср охири XX аср бошлари): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Тошкент, 2021. – Б. 75.

¹ Жўраев Ҳ.П. Туркистонга кўчирилган аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти (XIX аср охири XX аср бошлари) РНД диссертацияси афтореферати. –Фарғона, 2021. – 54; Элова Д.Д. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда янги техникалар тарқалишининг иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маиший ҳаётига таъсири: PhD диссертацияси. – Бухоро, 2022. –154 б.

Қаранг. Ғофуров Ш.С. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари) – Т., 2006.

Калпаковский тезда Бухоро амири қочоқларни қабул қиладими ёки қайтарадими [4]. Ушбу масалани аниқлаш кераклигига кўрсатма берган. Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторлиги статистик маслаҳатчиси А. Ибрагимов ушбу масалада чегерадаги Зиёвиддин ва Кармана бекликлари билан музокарага киришган, бироқ аниқ жавоб ололмаган. Уларнинг маълумотига, амир 1881 йил сентябрь ойи охирида Ширбудида бўлган, у ердан чиқиб Қарши беклигига боришни, ўша жойда охириги қарорини билдириш кераклиги хабар қилинган [5].

Амир кушбегисидан иккала бекликларга 1881 йил 5 октябрда юборилган хат (телеграмма) да амир немис-меннонетларини ўз давлати тасарруфидаги иккита бекликдан бирида ёхуд Панжикент шаҳри (ҳозирги Тожикистон Республикаси ҳудуди) да қаршиланишини билдирган. 1881 йил октябр бошларида статистик маслаҳатчи А.Ибрагимов маълумотларидан бирида бир неча юз нафар (500 оиладан ортиқ) немис меннонетлари Казалинскийга келганлиги, улар Бухоро амирлигига кетиш йўлларини суриштирганини хабар қилган [6]. Ушбу хабар Бухоро амирлигини бир қадар саросимага солган. Амир немис-меннонетлари жамоаси билан учрашишидан бўйин товлаган.

1881 йил 13 октябрда амир немис-меннонетларини Бухоро амирлигига қабул қила олмаслигини, улар илтимосини рад этганлиги Зиёвиддин ва Кармана бекларига билдирган [7]. Амирга Россия империяси маъмурияти бу масалада ижобий қарор қабул қилмаслик учун тазйиқ ўтказганлиги исбот талаб этмайди. Бухоро амири архив хужжатида келтирилишича, куйидаги вазларни келтириб, немис-меннонетларини ўз мамлакатларига қабул қилмаган.

1. Немис меннонетлари ўзларига ажратилган ерларни ташлаб, қочиб келишган, улар ҳукумат талабларини бажаришдан бўйин товлаган.

2. Улар учун амирликда ер танқис, сув заҳиралари мавжуд эмас. Немислар сунъий суғориш деҳқончилик хўжалигидан узоқ бўлиб, ерни ишлай олмайдилар.

3. Немислар бизни урф-одатлардан узоқ, маҳаллий аҳоли тилини билмайди.

4. Уларнинг аёллари юзи очиқ бу эса, бизни хотин-қизларга салбий таъсир кўрсатади [8].

Хуллас, немис-меннонетларининг колонияси Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятлари ҳамда Хива хонлигида вужудга келиб, Бухоро амири тасарруфида улар қишлоғи ва посёлкаси мавжуд эмасди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳайитов Ж.Ш. Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар (XIX аср охири XX аср бошлари). – Бухоро: Дурдона, 2018 йил. – 212 б.

2. Ўзбекистон Миллий Архиви. У-І-фонд, 29- руйхат, 537 йиғма жилд, 1,2-варақлар.

3. Ўзбекистон Миллий Архиви. У-І-фонд, 29- руйхат, 537 йиғма жилд, 3,4-варақлар, 4-варақ орқаси.

4. Ўша жойда, 5,6-варақлар, 6-варақ орқаси.

5. Ўша жойда, 7,варақ, 7-варақ орқаси, 8-варақ.

6. ЎМА; . У-І-фонд, 29- руйхат, 537 йиғма жилд, 9,10-варақлар.

7. Ўша жойда, 12,13-варақлар, 14-варақ.

8. Ўша жойда, 15-варақ, 16-варақ, 16-варақнинг орқаси.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ОНГИ ВА МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИ (Хитой ёшлари мисолида)

Хушматова Г.Н. (ЎЗМУ)

Аннотация. Муаллиф ушбу мақолада ёшларнинг сиёсий онги ва дунёқараши жамиятга қай даражада таъсир этиши мумкинлигини ёритади. Масаланинг моҳияти ёшларимиз жамиятга қандай билим, қандай интеллектуал ва маънавий бойлик, қандай замонавий билимлар билан кириб келишидадир. Хитой ёшларининг сиёсий фаоллиги сиёсий дунёқараши қай даражада, уларга қандай имкониятлар яратиб берилмоқда. Бугунги кун ёшларининг психологиясидаги ўзгаришлар сабаби нималарда эканлиги ақс этган.

Таянч сўзлар: ёшлар, ёшлар дунёси, сиёсий дунёқараши, ёшларга оид давлат дастури,

Хитойлик ёшлар, ёшлар психологияси.

Аннотация. В этой статье автор подчеркивает, насколько политическое сознание и мировоззрение молодежи могут влиять на общество. Суть вопроса в том, как наша молодежь входит в общество с какими знаниями, с какими интеллектуальными и духовными богатствами, с какими современными знаниями. Уровень политической активности китайской молодежи, ее политическое мировоззрение и какие возможности для нее создаются. В чем отражаются причины изменений психологии современной молодежи?

Ключевые слова: *молодежь, молодежный мир, политическое мировоззрение, государственная молодежная программа, китайская молодежь, молодежная психология.*

Annotation. In this article, the author highlights the extent to which the political consciousness and worldview of young people can influence society. The essence of the matter is how our young people enter the society with what knowledge, what intellectual and spiritual wealth, what modern knowledge. The level of political activism of Chinese youth, their political outlook, and what opportunities are being created for them. The reasons for the changes in the psychology of today's youth are reflected in what.

Keywords: *youth, youth world, political worldview, state youth program, Chinese youth, youth psychology.*

Кириш. Ёшлар сиёсати жамият ривожига ва ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим омили сифатида турли механизм, услуб ва стратегияларни ишлаб чиқишни ҳамда изчил равишда амалиётга татбиқ этишни тақозо этади. Давлатдаги ижтимоий барқарорлик кўп жиҳатдан ёшларнинг барча қатламларига йўналтирилган кучли ижтимоий ҳимояга, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имкониятларини юзага чиқаришда етарли шарт-шароит яратилганига боғлиқдир.

Шу жиҳатдан, 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги асосий тамойилларини белгилаб бериб, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, истеъдодини юзага чиқариш ва уларни қўллаб қувватлашда муҳим ўрин тутмоқда. Президент Ш.Мирзиёев бугунги кунда мамлакатимизнинг ёшларга оид сиёсати ҳақида тўхталиб, “Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бораётган даврда барча жаҳонларда бўлгани каби ёшлар сиёсатини амалга ошириш, улар билан ишлаш соҳасида ҳам янгича қарашлар, муносабатлар тизимини ишлаб чиқишда хорижий давлатларнинг ҳам илғор тажрибаларидан фойдаланишни замон тақозо этмоқда.

Зеро, ушбу тажрибаларни таҳлил қилиш, улардан мамлакатимиз амалиётида унумли фойдаланиш йўллари ўрганиш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин. Мазкур мақолада Хитой давлатида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда қўлланилган айрим механизм ва тажрибалар хусусида фикр юритилади. Хорижий мамлакатларнинг аксарияти давлатнинг ёшлар сиёсати соҳасидаги асосий принциплари ва вазифалари акс этган ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш масаласига катта эътибор қаратади.

Асосий қисм. Бугунги кун ёшларининг сиёсий онги ва дунёқараши қай даражада эканлиги уларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигида намоён бўлади. Инсоннинг қанчалик дунёқараши кенг, маълумоти кўп бўлса, унинг сиёсий баҳс мунозараларда иштирок этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Сиёсий онги ва дунёқараши мукамал инсон ўзини кичик бир мурватча эмас, балки жамиятга таъсир кўрсатишга қодир инсон деб ҳисоблайди. Шундай ёшларни тарбиялаш бугуннинг асосий вазифасидир.

Ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол бўлишлари учун энг аввало уларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда сиёсий онг тушунчасига тўхталиб ўтиб кетсак. *Сиёсий онг*-ижтимоий-сиёсий борлиқнинг идрок қилинишидир. Кишилар мавжуд воқелик билан қаноатланиб қолмайдилар. Улар ҳамиша бу воқеликни билишга англашга ва уни ўзгартиришга интиладилар. Кишиларнинг ана шу борлиқ ҳақидаги билимлари қарашлари тасаввурлари

уларнинг ижтимоий-сиёсий онгини ташкил этади. Сиёсий онг борлиқнинг субъектив акс этишидир. У борлиқни қандай бўлса, шундай холисона тарзда бўямасдан бўрқтирмасдан, мутлоқлаштирмасдан акс эттиради. [2]

Ёшларимиз эртами кечми хоҳлайдиларми ёки йўқми, аммо муқаррар равишда сиёсат дунёсига дуч келади. Улар бу соҳа билан шуғулланишни хоҳламасаларда сиёсат улар билан барибир “шуғулланади”. У кишиларнинг ҳаётига ва тақдирига давлат, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали таъсир кўрсатиб бораверади. Сиёсат ҳар бир инсон онгига сиёсий ахборот кўринишида кириб боради.

Барча мамлакатлар сингари Хитой давлати ҳам ёшларини ҳар томонлама ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Ёшлар муҳитидаги мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, Хитой ҳукумати ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ўта жиддий кўз билан қарайди. Хусусан, Хитой расмийлари ўзларининг ёшларига икки нуктаи назарда баҳо беради.

Бир томондан, турли соҳаларда тараққиёт ва ривожланишга ҳисса қўшадиган инсон ресурси сифатида.

Бошқа томондан, ёшлар-бу аҳолининг энг ҳаракатчан гуруҳи бўлиб, уларга ёрдам бериш ва уларнинг ижтимоийлашуви ва мослашишига кўмаклашиш учун маълум механизмлар мавжуд бўлмаганда, давлат бошқарувида муайян қийинчиликларни туғдириши мумкин бўлган қатлам. Яъни ёшлар давлатнинг энг эътибор талаб қиладиган нозик нуқтаси дейишимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Хитойдаги ёшларга оид давлат сиёсати аниқ режага эга деб айта оламиз. Ҳокимият 2017 йилда ёш авлодни тарбиялаш, иш билан таъминлаш ва соғлиқни сақлашни яхшилашни назарда тутадиган 10 йиллик “Ёшларни Ривожлантириш Режаси”ни ишлаб чиқди. Ушбу режа асосида Хитой Давлат кенгаши “Ёшлар”ни 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган инсонлар тоифаси сифатида белгилайди. [3]

Хитойнинг сиёсий расмийлари Хитойдаги энг нуфузли партиявий таъсир гуруҳларидан бири бўлган ёшлар ташкилоти-1922 йилда ташкил этилган Хитой Коммунистик Ёшлар Иттифоқидан (КСМК ёки комсомоллар)дан чиқади. Сиёсий фаол ёшлари 14-28 ёшларида комсомолларга аъзо бўладилар. [4]

Хитой сиёсий маъданиятига мувофиқ, камида 50-60 ёшга тўлган сиёсатчиларга мамлакатни бошқаришга руҳсат берилиши мумкин. Яъни, 25-30 ёшдаги ҳозирги Хитойлик ёшлар Хитойни бошқаришлари учун яна 20-25 йил билим ва тажрибага эга бўлишларига тўғри келади. Бу вақт келганда, дунё Хитой раҳбарларининг мутлақо янги авлодига дуч келиши шубҳасиздир. Улар Хитойнинг жаҳон давлати сифатида ривожланиб, юксалиб бориш йилларида ўсган кучли, юқори маълумотли, ўзига ишонган ва ўзини ўзи таъминлай оладиган сиёсатчилар бўлиб етишади.

Бугунги хитойлик ёшлар тобора мустақил, эркин ва илғор бўлиб бормоқдалар. Кўп сонли ёшлар чет элларда олий маълумот олиб қайтишмоқда ва Хитойнинг давлат сиёсатини мамлакат ичида ва ташқарисида тарғиб қилувчи қудратли кучга айланмоқдалар. Улар орасида турли ҳил давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этаётган иқтидорли ва фаол ёшлар талайгина.

Аксарият ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби хитойлик ёшлар ҳам ўзларининг муаммоларини ўзлари ечиш йўллари кидирмоқдалар. Бунинг учун давлат ёшлар учун қулай шароитлар яратиб бермоқда. Ёшлар ислохотлар йилларида Хитой қандай натижаларга эришганини ва улар учун қандай шароитлар яратиб бераётганини тушунадилар ва шунга яраша ҳаракатда бўлишмоқда. Шунга асосланган ҳолда ўз мамлакатлари билан чинакам ғурурни ҳис қилишмоқда, ўз ватанидан фахрланиш туйғуси уларда жуда кучли.

Хитой ёшлари кучли ватанпарварлик руҳида тарбияланиб, янада ватанпарвар бўлиб боришмоқда. Чунки, Хитойнинг бугунги ёшлари 30 йил олдин талабалар учун курашган нарсаларнинг катта қисмини қўлга киритди. Юқори сифатли таълим, фаровонлик, тез иқтисодий ўсиш, бу умуман хитойликларнинг фаровонлик даражасини, ҳаракат

эркинлигини, чет элда таълим олиш имкониятини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, хитойлик ёшлар бунунги кунда ушбу мақомга хос барча имтиёз ва имкониятларга эга бўлган глобал кучга эгадирлар.

Хитойда ёшларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, 80-90 йилларда туғилган ёшлар ўзларининг экрин фикрларига эга. Шу билан бирга Хитой ёшларининг кадрият йўналишлари ўзгариб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Иван Зуенко таъкидлаганидек, “тахминан 20-25 ёшдаги хитойликлар энди ўзларини ривожлантиришга, карерага эътибор беришмоқда, ижодий касбларни эгаллашга интиломқдалар, ота-оналари сингари кўп меҳнат қилишни, эрта турмуш қуришни хоҳламайдилар.”

Бугунги ёш хитойликлар Хитой давлати энг яхши, энг ривожланган ва энг қулай мамлакат эканлигига ишонадилар. Чет эл давлатларида ўқиган хитойлик талабалар ўқишни тугатгач, албатта, ўз давлатларига қайтиб ишлашни режа қилишади. Иван Зуенко “Владивостокда ўқиган хитойлик талабалар билан мулоқотда бўлганимда уларнинг деярли барчаси ўқишни тугатгач Хитойга қайтиш истагида эканликларини билдиришди” [5] дейди.

Хитойни тарк этиш истагининг йўқлиги хитойлик ёшларда умуман муаммолар йўқлигини англатмайди, албатта. Дунёнинг аксарият давлатларида бўлгани каби хитойлик ёшлар ҳам иш топиш, уй сотиб олиш, сифатли таълим олиш ва х.к. қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Ёш хитойлик йигитлар учун ўз жуфтларини топиш бироз мушкул. “Бир оила-битта бола” сиёсати натижасида улкан гендер номуаносиблик шаклланди. Шундан сўнг Хитой ҳукумати демографик сиёсатни юмшатиб, 2015 йилда расмий равишда иккинчи фарзанд кўришга рухсат берди. [6] Катталарни (ота-оналар ва бобо-бувиларни) боқиш ва қўллаб-қувватлаш юки ёшлигидан ишлаётган хитойликларга оғирлик қилмоқда. Буларнинг барчаси ёшларнинг масъулиятини ошириб ва натижада психологик босимнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиб кетиш керакки кўпчилик ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари Хитойлик ёшларда кўп учрамоқда.

Тан олиш қийин бўлса ҳам айтиш керакки, ҳар қандай миллатнинг ёшлари ҳам катта авлод вакиллари ҳам ижтимоий, психологик инқирозга дуч келмоқдалар ва бунинг сабабини топиш анчайин қийин бўлмоқда. Сиёсатчилар ҳақиқий ўзгаришларга эришиш учун таклиф қилинган ижтимоий ислохотлар режаларини амалга оширмоқдалар ва жамоалар хатти-ҳаракатларини назорат қилиш мақсадида тобора кўпроқ қонунлар қабул қилиб, муаммонинг манбасини топишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ёшларнинг салбий хатти-ҳаракатларининг сабабларини аниқлаш учун, ўз табиатимизни ўрганишимиз улардек фикрлаб кўришимиз, ва унинг қандай ривожланиб боришини кузатишимиз керак. Кабалистларнинг сўзларига кўра, “Бизнинг барча ҳаракатларимиз учун ҳаракатлантирувчи куч-бу бахтли бўлиш истагидир”. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракати, у қанчалик кичик ёки катта бўлмасин, баъзи бир бахтга эришишга бўлган истаклари сабаб бўлади. [7]

Бу бахтга бўлган интилиш инсонларда ривожланиб бормоқда ва бу доимо бахтнинг янги шакллари излашга мажбур қилади. Ушбу эволюция бизнинг энг асосий истакларимиздан бошланган, яъни тирик қолиш учун кондиришимиз керак бўлган нарсалар, масалан овқатланиш ва бошпана топиш истаги. Кўп йиллар олдин қорин тўқлиги ва бошпананинг мавжудлиги катта бахт бўлган.

Инсоният ривожланишининг кейинги даврида янги ижтимоий истаклар пайдо бўла бошлади. Бу истаклар жамиятдаги одамларнинг ўзаро таъсирдан келиб чиқиб, бундай истаклар бойлик орттириш, шон-шарафга эришиш ва куч-қудратга эришиш истакларидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, кино юлдузлари, спорт иконалари ёки сиёсий арбоблар одамларда шаклланган ижтимоий интилишларни ифода этади.

Инсоният шундай мавжудотки қанчалик билгани, ўргангани, эришгани сайин шунчалик кўп нарсаларга эришишга, англашга ҳаракат қилаверади, гарчи уни қандай тўлдиришни билмасада ўз мавжудлигининг сабабини билишга интилади.

Албатта, ҳар бир авлодда ҳар доим “Мен кимман?, “Нега мен мажудман” Нега мен бу ердаман” каби саволлар бўлган бўлиши табиий.

Улар интилишнинг, ривожланишнинг чўққисига чиққанлари сабабли, улар табиий равишда пул, обрў-этибор ва куч-қудрат ҳақиқий бахтни келтира олмаслигини ҳис қилиб бораверишади. Ёшларимиз учун ҳар қандай истак иккинчисига тез тез сакраб туради, лекин улар доим ўзларини қониқтирмасликларини пайқашади. Улар жуда катта истакка эга: улар шунчаки уни қаноатлантиришни билишмайдилар холос.

Янги асрда дин, тасаввуф ва шарқ фалсафаси тобора ўсиб бораётгани ҳам ёшлар ҳаёт мазмунини топишга тобора кўпроқ эҳтиёж сезаётганлигини кўрсатмоқда. Ницше “Инсонларни ўз қобикларига кириб ўтирган қуртга ўхшатади. Уларнинг қалблари ҳам, таналари ҳам, ҳатто яшайдиган уйлари ҳам майдаланиб кетган. Улар ўз қобикларидан бошларини чиқаришга қўрқадилар. Янги эсан шабададан нафас олгилари келмайди. Бу эсан шабада янгиликлар, умид ва ўзгаришлар шабадасидир. Инсоният бу ўзгаришлардан қўрқади. Чунки энг катта ўзгариш уларнинг ўзларида содир бўлиши керак. Инсон ўзини софлаши, поклаши зарур. Ўзини кибри, худбин, иккиюзламачи ахлоқ руҳидан тозаланиши керак, ундай ахлоқдан бутунлай воз кечиши лозим. Унинг ўзи ахлоқий дурдонага айланиши керак”. [8]

Ёшлар ҳар қандай бўшлиқ ва чалкашликларнинг сабаби борлигини тушунишлари лозим. Улар инсоният ривожланишининг ўзига ҳос жараёнига қандай мослашишлари мумкинлигини англашлари керак. Ҳаётдаги мақсадларини билиб, англаб олгач фаол равишда унга эргашадилар. Бефарқлик, ғазабланиш, руҳий тушкунлик ва умидсизлик гайратга айланади.

Инсон ва олам муносабатлари инсоният фалсафий фикрида “Борлик ва Мен” назарий масала сифатида алоҳида ўринга эга. Хитой (*дао*) таълимотига эътибор қаратилса хитой ва хитойликлар билан боғлиқ сиёсий, фалсафий ва маъданий масалаларга ойдинлик киради. Биргина юзаки нигоҳ орқали чуқур тарихий илдизга эга бўлган кўп сонли, кўп миллат ва элатли халқнинг устувор ҳаёт ғоясини илғаб олиш қийин. Бироқ асосий жиҳатларидан илмий-назарий томонлама хабардор бўлиш илмий мақола, тадқиқот иши ва ҳ.к.з.лар яратишга кифоя бўладиган манба бера олиши шубҳасиз.

Халқнинг тарихан буюклигини белгилловчи жиҳатларидан бири унинг руҳий таълимотидир. Руҳан тарбия топган, эътиқодига эга бўлган халқ энгилмас куч соҳиби бўлади. Бу руҳий қувват миллий тараққиёт сари ундовчи омил бўлиб, давлат қурилиши, фан, маориф, таълим-тарбия, техника, технология, иқтисод, сиёсат, гуманитар-ижтимоий билимлар тараққиётига ҳисса қўшади.

Конфуцийчилик қадимги Хитойда вужудга келган ва ҳозирги кунга қадар ўз таъсирини йўқотмай келаётган фалсафий мактабдир. Конфуций – Конгзи (эр ава 551-479 йй) таълимоти анъаналарига қатъий риоя қилган мутафаккирдир. .. Конфуций ўзи ҳақида шундай деб ёзади: “Эскини баён қиламан ва янгини яратмайман”. Конфуций табиат ва дин фалсафасига унчалар аҳамият қаратмайди, балки инсон (одам)ни диққат марказига қўяди. У ва унинг издошлари жамиятнинг парчаланиб кетишидан безовта бўладилар, асосий эътиборни инсоннинг ўз атрофидагиларга ва жамиятга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратадилар. Шахс ўзи учун эмас, балки жамият учун шахсдир. Конфуцийчилик ахлоқи инсонни ижтимоий вазифаси билан боғлиқ равишда тушунади, таълим-тарбияни эса, инсонни ана шу вазифани бажаришга олиб келадиган омил сифатида идрок қилади. Конфуцийчилик шарқ халқлари онгида шундай ахлоқий меъёрларни шакллантирадики, ўзининг омма онгидаги таъсир кучи жиҳатидан уни инжилдаги ўнта диний буйруқ билан солиштириш мумкин бўлди. Бу – аввало, беш муқумлик ёки беш фазилят:

- инсонпарварлик
- бурчга содиқлик
- тавфиқлик
- ақлга мувофиқлик
- ростгўйлик. [9]

Ушбу таълимотлардан ибрат олиб, тажриба сифатида жамиятга татбиқ қилиб бориш, униб ўсиш келаётган ёш авлод онгига сингдириш мақсадга мувофиқдир. Ёшларимиз

чексиз бахтга эриша оладилар, қачонки уларнинг саёҳати учун воситалар ва кўрсатмалар бериб борилгандагина.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, дунёдаги энг кўхна маданиятга эга бўлган Хитой халқи тамаддун зиналаридан оғишмай ошиб, эволюцион курашишда тараққиёт чўққиси сари кўтарилишда давом этмоқда. Ушбу тадрижий ўсиш поғонадан поғонага юқорилар экан, қуйи босқичда эриша олган натижаларини оламни англаб етиш истагида ўз фалсафий, тарихий миллий менталитетига жамлаб боради. Асрлар давомида тил, анъанавий фикр талқини, рухий тарбия, теварак олам билан бақамти уйғунликка эришиб, комиллик ахтариб, умргузаронлик қилиш хитойликлар онгига, зехнига, шуурига сиёсий ва маънавий дунёқарашларига сингиб концептик асосий тамойилларига айланиб бормоқда ва буларнинг барчасини юрт келажаги бўлган ёшлар онгига ҳам сингдириб келмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни /2016 йил 14 сентябрь ЎРҚ-406-сон.
2. Политология. Ўқув қўлланма / Маъсул муҳаррир: с.ф.д., С.Жўраев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 184. 3. Самусева О.А. Молодежная политика в КНР, России и США. 2015. (Электрон ресурс)
3. Зуенко И.Ю. Кадры решают всё: формирование нового руководства Компартии Китая по итогам 19-го съезда// Итоги 19-го съезда Коммунистической партии Китая: ожидания, оценки, перспективы (по материалам круглого стола). У карты Тихого океана, 2017. – №49.
4. Зуенко И.Ю. Региональное сотрудничество регионов России со странами Северо-Восточной Азии//Азиатские соседи России: взаимодействие в региональной среде: коллективная монография / 2016.
5. Чэнь Цзиньлин “Гендерная политика Китая” статья. 2016 г. (Chen Jinling “China's Gender Policy” article. Feb 2016)
6. Каббалисты https://ru.chabad.org/library/article_cdo/aid/2201048.
7. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримова Р., Қобулниёзова Г., Рўзматова Г. Янги ва энг янги давр гарбий Европа фалсафаси. –Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа. 2002. –194 б.
8. Хошимов С.С. Ван янМиннинг дунёқараши. –Т. 2015: Тарих фанл. номз. дисс. – Т. 2015.

Наширға проф. Б. Эшов тавсия этган

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ЙИЛҚИЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРИ ХУСУСИДА

Эшмуҳаматов А.Ш. (ЖДПУ)

Аннотация. Ўзбекистонда йилқичилик соҳаси ўзининг кўп минг йиллик тарихига эга. Ушбу мақолада муаллиф этнологик дала тадқиқотларига таяниб Ўзбекистоннинг бошқа хуудлари каби Жиззах воҳаси аҳолисининг ҳам қадимдан шаклланиб то бугунги кунга қадар сақланиб келаётган от билан боғлиқ урф-одатлари ва маросимлари хусусида фикр-мулоҳаза юритади. Шунингдек, мақола мазмун-моҳиятини асослаш жараёнида тадқиқотчининг бир қатор илмий адабиётлар ва республикамиз археолог олимларининг кўп йиллик изланишларига ҳам мурожаат этганлигини таъкидлаш жоиз.

Таянч сўзлар: *Сузьмойлота, Нахраж, Сигомсой, Сайхонсой, қорабайр, тақа, гоз туёқ, қуйма туёқ, қингир-қийшиқ туёқ, эгар, Новқа қизил эгари, қушбоши эгар.*

Аннотация. Область коневодства Узбекистана имеет многотысячелетнюю историю. В данной статье на основе полевых этнографических исследований автор размышляет о традициях и обрядах, связанных с лошадьми, которые сформировались с древних времен и сохранились до наших дней. Также следует отметить, что в процессе обоснования содержания статьи исследователь ссылается на ряд научной литературы и многолетние исследования ученых-археологов нашей республики.

Ключевые слова: *Сузьмойлота, Нахрай, Сигомсой, Сайхонсой, гнедая, подкова, гуслиное копыто, литое копыто, кривое копыто, седло, красное седло Новка, седло птичьей головы.*

Annotation. The field of horse breeding in Uzbekistan has a history of many thousands of years. In this article, based on ethnological field research, the author reflects on the traditions and rituals related to horses, which have been formed since ancient times and have been preserved to this day. It should also be noted that in the process of justifying the content of the article, the researcher referred to a number of scientific literatures and long-term researches of archeological scientists of our republic.

Key words: *Suzmoyilota, Nakhraj, Sig'omsoy, Saykhonsoy, black bay, horseshoe, goose hoof, cast hoof, crooked hoof, saddle, Novka red saddle, bird's head saddle.*

Ўзбекистонда қадимдан йилқичилик ривожига алоҳида эътибор берилган. Жиззах воҳасида йилқи аҳолини ишчи кучи билан таъминлашда муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилган. Жиззах воҳасидаги очиб ўрганилган археологик топилмалар [1: 23-26] [2: 10-11], Сузмойилота, Нахраж ва Сиғомсой қоятош тасвирлари [1: 14] воҳа аҳолиси учун йилқичиликнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлигини исботлайди.

Чорвачиликнинг қайси тури билан шуғулланишдан қатъий назар, ҳар бир хўжалиқда отларга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги кунда ҳам халқ ижодиётида, дoston ва ривоятларда, шоирлар ва бахшилар тилида отлар куйланиб келинмоқда. Зомин тумани Қарапчи қишлоғида ёш ўғлига атаб той олиб бериш анъанаси яқин вақтларгача бўлган [3]. Бу анъанани ўтказишига сабаб, йигитнинг ҳамиша ёнида йўлдоши бўлсин деб, от олиб бериш ва суннат тўйларида ҳам той келтириш бугунги кунда ҳам сақланиб қолган.

От-йигитнинг қаноти бўлган. Чорвадорларнинг ҳамиша узоқ сафарларда бўлишини ҳисобга олсак, от доимо улуғланиб, уни муқаддаслаштириш даражасига кўтарилганлигини кўриш мумкин. Халқ орасида шу пайтгача сақланиб қолган оғзаки ижод намуналари ҳам отнинг чорвадорлар хўжалигида юқори мавқега касб этганлигини далиллайди.

Воҳада хўжалигини юритишда отлар, одамларнинг энг яқин қўмақдоши сифатида уларнинг маънавий ҳаёти ва урф-одатларида юқори мавқега эга бўлган. От тотемига бўлган эътиқод излари воҳа аҳолиси анъанавий турмуш тарзида сақланиб қолган. Отларни илоҳийлаштириш илк бор Марказий Осиёнинг Жанубий Туркменистондаги Намозгоҳ VI ёдгорликлари материалларида кузатилади [5: 1977]. Жиззах воҳаси ўрганилган мазоркўрғонларда марҳумларни “Отда кетаётган” кўринишда дафн этиш ўрганилган [1:24-26]. Қадимги туркий қабилаларда бир қатор маросимлар от билан боғлиқ бўлиб, жумладан, бирон амалдор вафот этганда у билан бирга оти дафн қилинган. Ёки Нурота тоғи жанубий ёнбағирларида яшовчи аҳоли удумларида вафот этган кишининг отини ясантириб, “эгаси билан хайрлашсин”, деган маънода ташқарида отни боғланадиган жойи-яккамиғига боғлаб қўйишган [6]. От халқлар ўртасидаги урушининг олдини олиш, бир – бирларига уруш қилмаслик ҳақида отнинг қонини майга аралаштириб ичиб қасамёд қилишлари ҳам ана шундай маросимларнинг биридир [7:67].

Одамлар осмон билан (шунингдек, бошқа худолар ва рухлар билан) муносабатларида отни қурбон қилишни ижтимоий жамоа гуруҳи билан худо ўртасидаги боғловчи бўғин деб ҳисоблашган [7:65]. Қадимда отларни худолар билан бирга уларни узоқ манзилларга элтувчи илоҳий жонивор сифатида тасвирлашган. Отлар нафақат ёши, хусусиятлари балки, рангига қараб ҳам ажратилган. Отларнинг оқ ранглиси кўпроқ илоҳийлаштирилган [8:74]. “Массагетлар куюшни тангри деб билганлар ва унинг шарафига отларни қурбонлик қилганлар” [9:23].

Жиззах воҳасида ўрганилган, Сузмойилота, Равотсой, Нахраж ва Сиғомсой қоятошларида суворилар тасвирлари кўплаб учрайди. Улар отда кетаётган ҳолатда чизилган бўлиб, отлиқлар тасвири турли хил – реалистик, ярим реалистик ва схематик тарзда ишланган [10:14]. Бу борада археолог олим А.А.Раимқуловнинг тадқиқотларида Нурота тоғларидаги қоятошларда “от ва туя минган суворийлар” [11:170] тасвирланганини ёзиб ўтган. Демак, бундан кўринадикки ўлкада йилқичилик қадимий соҳалардан бири бўлиб, от турли хил маросимларнинг муҳим иштирокчиси бўлган.

От билан боғлиқ кўплаб ирим-сиримлар бугунги кунгача сақланиб қолган. Чорвадор аҳоли отни турли хил назарлардан ва кўздан сақлаш чораларини кўрганлар. Шунинг учун ҳам отларга дўлана новдасидан ясалган, қуръон суралари ва муқаддас дуолар ёзилиб тайёрланган

туморлар тақилган [12]. Туморлар аксарият ҳолларда учбурчак шаклида тикилган мато ичига жойлаштирилган ва отнинг пешонасига, ёлига, думига тақилган.

Воҳа аҳолиси отнинг ёвуз кучлардан асровчанлик фазилатига ҳам ишонган. Хонадон эшикларига ёки кираверишга отнинг барака рамзи сифатида тақаси осиб қўйишган. Бу анъана бугунги кунда ҳам ҳовлига киришдаги дарвозаларда, от тақаси рамзи туширилганлиги гувоҳи бўлди.

Фориш туман аҳолиси орасида “отни кавш қайтариши” [13:79] билан боғлиқ удумлар учрайди. Шунингдек, чавондоз ёки отбоқар оғир касалликка чалинса, от девидан кўриш одати мавжуд [14]. Кўпқариларда полвон отдан йиқилиб ҳушидан кетган вақтиларда чавондозлар томонидан ўша отга миндириб отда чавондозни даврадан олиб чиқишган. Бу ҳақида ахборотчимизнинг маълумотига кўра полвон йиқилган отга миндирса отнинг деви полвонни ўзига келтирган [15]. Шунингдек, кўпқариларда от ишқибозини от уриб кетган вақтида полвон қамчиси билан 3 марта урганда от ишқибози ўзига келган ҳолатлар кўп бўлган. Полвоннинг қамчисида отнинг девининг кучи бўлади деб билишган [16]. Бу каби одатлар Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам кузатилади. Хусусан, жанубий Тожикистон ўзбек лоқайлари хўжалигини тадқиқ этган элшунос олима Б.Кармышеванинг маълумотига, агар отбоқар чорвадорлар йилки орасида юриб касал бўлса, ва у вафот этса, бу балони от деви юборган деб ҳисоблаган [17:91-92]. Бу каби иримлар отни сотиш ёки сотиб олиш жараёнида ҳам бажарилган. Биринчидан, от эгалари яхши отни сотмаган. Мабодо унга қутилмаганда харидор чиқса, уни сотмаслик учун жуда юқори нарх айтганлар. Харидорга маъқул келса уни сотиб олган, бу ҳолатда от сотилмаса ҳам ҳеч нарса қилмаган. Агар нархни юқори қўйиб харидорни “йўқ сотмайман”, деб, қайтармаса, от касалликка чалинади ёки бошқа фалокат билан ҳалок бўлади деган тушунча бўлган [18]. Шунинг учун “отни харидори чиқса тўхтатма, от”-яъни “бериб юбор” деган тушунча кенг ёйилган. Мабодо отни сотишга тўғри келса, отнинг ёлидан бир тутамини олиб қолган. Шунингдек, сотилганда отнинг анжомлари эски ва ярқисиз бўлган тақдирда ҳам харидорга берилмаган. “Шу нарсаларни бериб юбориш шу жонликларга боғлиқ уйдаги ризқни ҳам бировга бериб юбориш, яъни жонликнинг изини қирқиш деб қаралган” [19:52].

Сотиб олинган отга эса, ҳовлига киритилишдан олдин исирик тутатиб, кейин ҳовлига киритилган. Халқ орасида “от олишдан аввал эгар ол”, деган нақл кенг ёйилган. Бунинг моҳияти шуки, сотиб олинган отга ўша куннинг ўзида янги эгар жабдуқ урилган.

Жиззах воҳаси аҳолиси отни илоҳий жонивор сифатида эъзозлаб касалликка чалинса зиёратгоҳ атрофида айлантириб, дуо ўқиб, йилки пирларига атаб ис чиқаришган [20]. Хусусан, отнинг боши турар-жой уй томон қаратиб боғланса, у ўз нафаси билан уйга қут-барака беради, деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам йилқини уйга яқин жойга боғлашиб, от бор жойга инс-жинс кирмайди деб билишган. Шунинг учун ҳам Зомин тумани аҳолиси “От еттикечувликлар учун одамнинг “жон”и эди. Жон кетса кетсин, от кетмасин. От-йигитнинг қаноти, рўзгорнинг фариштаси. Уйда йирик ва майда мол бўлмаса ҳам бир отнинг бўлишига жон жаҳди билан киришарди” [21:88] деб билишган ва бўлмаганда битта от сақлаб келишган.

Йилқичилик воҳа аҳолисининг қадимдан энг севган касби бўлгани учун бўлса керак, ушбу жонивор воҳа аҳолисининг айтивлар, дoston ва ривоятларида асосий мавзуси. От мавзусини баён қилишдан олдин биз Жиззахлик от ишқибози, оқин Юсуф Ҳолматовнинг от ҳақидаги қуйидаги бағишловини келтиришни лозим топдик. “От йигитнинг йўлдоши. Эрнинг йулдоши эса аёл. Йигитнинг йўлдоши кўп. Инчунун отидай йулдоши камдиоров... Ҳай узок тарихга бўйласак қоқ ерга ўтириб уйласак, кейин ростини сўйласак. Тангри берган Туркнинг (Ўзбекнинг), улут мерган Туркнинг, кўкрак керган Туркнинг тоза насл йигитлари, асл йигитлари от минишган. Не бахтки, Тангрининг узида Туркни отга ошна қилган. Узоғи яқин, юраги чақин бўлсин деган. Ори баланд, кўкси Фаҳрга тўлсин деган. Ганимларга қувиб етсин, бошини сапчадай узиб кетсин, деган. Обрўйини кетказмасин, қочса етказмасин деган. Зўр йигит Тангрининг қалқони. Зўр йигит элнинг қалқони!.. [22:3]

Жиззах воҳасида йилкичилик билан боғлиқ удумларидан бири кўпқари (улоқ)дир. Воҳада тўйлари кўпқарисиз ўтмаган [23:134] ва бугунги кунда ҳам бу анъана давом этиб келмоқда. Кўпқари-воҳа аҳолисининг от билан боғлиқ маросимларининг асосий қисмини ташкил этган. Воҳада кўпқари-суннат тўйларнинг анъанавий миллий халқ ўйини ва томошаси сифатида доимий тарзда ўтказилиб келинган. Чорвадор аҳолиси орасида “... от ҳаракатларига тақлид қиладиган ўйинлар вужудга” [24:7] келиб инсонларга бу ўйинларни ўтказиш анъанага айланиб келган. Воҳада кўпқари чопишнинг бир неча хил кўринишлари сақланиб қолган. Энг оммавий усули бой хонадонлар томонидан бериладиган чортоқ кўпқари. Унда асосан қиммат солимлар қўйилиб, кўплаб қишлоқ ва туманларга хабар юборилган. Бунда улоқни узоқ масофага олиб бориб ташлаш ва чавондозларнинг белгиланган манзил-чортоққа келтириб ташлаши асосий ўринни эгаллаган. Кейингиси қохма (гаштак) кўпқарини асосан, камбағал оилалар берган. Қишлоқдан ташқарига хабар қилинмаган ва у кўпроқ ҳаваскорлар учун уюштирилган. Бу кўпқариларда улоқни узоқ масофага ташланган жойдан келтириб чортоққа ташлаш, чавондозларга қараб отилиши ва уни тўдадан олиб чиққанга соврин берилиши, ёки улоқни қозонга келтириб ташлаш каби усуллар қўлланилган.

Кўпқари асосан фарзандларни суннат тўйида берилган. Бунда, кўпқарига тайёргарлик тўй оқсоқоли ва жамоа аъзолари маслаҳати билан ўтказилган [25:90-98]. Бунда тўйга тайёргарликда бериладиган совринларни аниқлаш, қўноқ олиш, отларга ем-хашак жамғариш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Улоқ тўй маросимининг асосий қисми бўлиб, қишлоқ чавондозлари тўйхонага йиғилган. Узоқ қишлоқлардан келадиган чавондозларнинг баъзилари бир кун олдин келиб тўйхона эгаси томонидан белгиланган хонадонларда қўноқ бўлган. Тўйдан бир кун олдин кўпқарига чопиладиган улоқ (асосан бир неча ёшарлик сарка) сўйиб ичига туз тиқиб, тайёрланган.

Кўпқарининг бошланишида улоқ “чортоқбоши” кўрсатмаси билан улоқ маълум масофага олиб бориб ташланган. Ўйинда иштирокчилар сони чегараланмаган бўлсада, чавондозлар улоқни тортишишлари, бир – бирини ўйин жараёнида қўллашлари маросимнинг жамоавий кўмак хусусиятини белгилайди. Кўпқарида улоқ ташланадиган махсус жой “чортоқ” деб аталган. Бундай жойлар кўпқари чопиладиган майдоннинг қулай қисмида танланган.

Кўпқарида соврин тўй эгасининг имкониятига қараб қўйилган. Агар тўй эгаси бадавлат бўса, бош совринга той ёки тана қўйган, ўрта ҳол бўлса, бузук, қўй ва улоқ қўйилган. Аммо бу халқ ўйини ва томошасини ўтказиш воҳа қишлоқларида кейинги пайтларда мавжуд шароит ва иқтисодий муаммолар туфайли камайиб бормоқда. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд. Биринчидан, барча оилалар ҳам от боқиб, парваришlash имкониятига эга эмас. Иккинчидан, халқ турмуш тарзининг тобора замонавийлашиши, ёшларни бўш вақтини ўтказиш учун бошқа имкониятларнинг пайдо бўлиши ҳам кўпқари мусобақасининг камайишига сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тошбоев Ф.Э. Отлар билан боғлиқ удумлар ўзбек халқининг қадимий қадрияти сифатида // СамДУ ахборотномаси. – Самарқанд, 2008. – № 6 (52).
2. Матбобоев Б.Х. Олтиндан қиммат тулпорлар // Фан ва турмуш. – № 3. – Т., 1994.
3. Холматов А., Хўжаназаров М. Жиззах воҳаси янги қоятош расмлари // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Жиззах, 2020.
4. Дала ёзувлари: Зомин тумани, Бешқуви маҳалласи. 2021 йил.
5. Кузмина Е.Е. Кон в религии и искусстве саков и скифов. – М.: 1977.
6. Дала ёзувлари: Фориш тумани, Қораобдол қишлоғи. 2021 йил.
7. Алламбергенов Х.К. Қадимги туркий адабиётда ғайритабиий тимсоллар тараққиёти. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. – Тошкент, 2019.
8. Абдолниёзов Б., Исоқов М. “Авесто” ва қадимги чорвачилик. – Т., 2008.

9. Ишмуротов М. “Авесто”да мифологик қатлам (табиат културлари асосида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2001.
10. Холматов А., Хўжаназаров М. Жиззах воҳаси янги қоятош расмлари // Жиззах воҳаси Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозиргача). Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Жиззах, 2020.
11. Раимқулов А.А. Катта Сугд – Сугдиёна. Тарихий жараёнлар чоррахасидаги ўлка. – Т., 2017.
12. Дала ёзувлари: Ш.Рашидов тумани, Желли Ғули қишлоғи, 2020 йил.
13. Салимов Т. Нурота ва нуроталиқлар. –Т.: Университет, 2019.
14. Дала ёзувлари: Ғаллаорол тумани, Ўдамали қишлоғи. 2021 йил.
15. Дала ёзувлари: Фориш тумани, Қораобдол қишлоғи. 2020 йил.
16. Дала ёзувлари: Фориш тумани, Қизилқум маҳалласи. 2021 йил.
17. Кармышева К.Б. Узбеки локайцы Южного Таджикистана. Вып. 1. Сталинабад. 1954.
18. Дала ёзувлари: Фориш тумани, Йўлисой қишлоғи. 2021 йил.
19. Тўйчибоев Б. Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Т.: 2010.
20. Дала ёзувлари: Ш.Рашидов тумани, Тўптолобод қишлоғи. 2021 йил.
21. Мирҳайдаров Ҳ. Чинор. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2021.
22. Холматов Ю. Жиззах қорабайири. Дўстлик МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. – Жиззах, 2008.
23. Қозоқов Э., Худойбердиев Т. Чаман ичида бир гул. – Тошкент:, Sharq, 2020.
24. Шарипов А. Фориш: одамлар ва удумлар. – Самарқанд: Turon nashr, 2020.
25. Токарев С.А. Обычаи, обряды и поверья, связанные с животноводством // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. –М., 1983.

Наширға проф. Б. Эшов тавсия этган

MUSTAQILLIK YILLARIDA XORAZM VILOYATI XALQARO IQTISODIY ALOQALARI RIVOJLANISHINING TARIXIY TAHLILI

Xudayberganov S.S. (UrDU)

Annatsiya. Ushbu maqolada istiqloq yillarida Xorazm viloyatida amalga oshirilgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, viloyatda barpo etilgan qoʻshma korxonalarining ishga tushirilishi hamda eksport salohiyati tahlil etiladi.

Tayanch soʻzlar: *Xorazm viloyati, eksport, qoʻshma korxonalar, tashqi savdo, Darital, «Yazeks» (Turkiya) korporatsiyasi, «Xorazm shakar» zavodi, bozor islohotlari, investitsiya.*

Annotation: In this article analyzes the social-economic reforms implemented in the Khorezm region during the years of independence and constructed of joint ventures in the region and export potential.

Keywords: *Khorezm region, export, joint venture, foreign trade, Darital, Yazeks (Turkey) corporation, Khorezm sugar factory, market reforms, investment.*

Аннотация: В данной статье анализируются социально-экономические реформы, проведенные в Хорезмской области за годы независимости, запуск совместных предприятий, созданных в регионе и экспортный потенциал.

Ключевые слова: *Хорезмская область, экспорт, совместное предприятие, внешняя торговля, Даритал, корпорация «Язеки» (Турция), Хорезмский сахарный завод, рыночные реформы, инвестиции.*

Xorazm viloyati Oʻzbekiston Respublikasining shimoli-gʻarbida joylashgan. Yer maydoni 6,1 ming km² ni tashkil etadi va Oʻzbekiston hududining 1,4 foizini egallaydi. Viloyat qishloq xoʻjaligi, yirik sanoat korxonalari, transport-kommunikatsiya tizimi, kichik biznes salohiyati va imkoniyatlari tufayli mamlakat taraqqiyotida muhim oʻrin tutadi.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev “hayotning oʻzi va oʻtgan yillar tajribasi hududlarni kompleks rivojlantirishni va infratuzilma faoliyatini tubdan oʻzgartirishni taʼminlashdagi jiddiy kamchiliklarni bartaraf etishni talab qilmoqda”, -deya toʻgʻri taʼkidladi [1]. Shu boisdan ham, mustaqillik yillari davomida Oʻzbekistonning shimoli-gʻarbiy hududi hisoblangan Xorazm viloyatidagi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy sohalaridagi oʻzgarishlarni haqqoniy oʻrganish dolzarb vazifalar sirasiga kiradi. Zero, mustaqillik yillarida mamlakatimizning izchil taraqqiyoti Xorazm viloyatida ham ulkan oʻzgarishlarga zamin yaratdi. Shahar va tumanlarda keng koʻlamli bunyodkorlik ishlari, istiqbolli investitsiyaviy loyihalar amalga oshirildi [2].

O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining dastlabki yillarida Xorazm viloyati iqtisodiyoti, uning xo'jalik yurituvchi subyektlari boshqa viloyatlardagi kabi og'ir vaziyatni boshdan kechirdi. Ana shunday bir davrda Xorazm viloyati rahbariyati oldiga ham tarixiy qisqa davr ichida zamonaviy texnologiyaga asoslangan ko'p tarmoqli sanoatni bunyod etish vazifasi qo'yildi.

Mamlakatda agrar sohadagi o'zgarishlar doirasida Xorazm viloyatida fermerlik harakatini rivojlantirish jarayonlarida ko'rilgan chora-tadbirlar natijasida 1991-yilning o'zida 248 ta fermer xo'jaligi tashkil etilib, ularga 648 gektar yer, 2679 bosh yirik shoxli qoramol, 1294 ta sigir berildi [3]. Qishloq xo'jaligida amalga oshirilgan islohotlar Xorazm viloyati yerlarning unumdorligini oshirish bilan bir qatorda sohada eksport salohiyatining oshishiga ham xizmat qildi.

1995-yilga kelib, Xorazm viloyati Shvetsariya, Niderlandiya, Italiya, Janubiy Koreya, Avstriya, Kanada va boshqa bir qator davlatlarga 70 ming tonnadan ko'proq voha tolasini eksport qildi [4]. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1995-yilning 22-iyunida qabul qilingan «Yazeks» (Turkiya) korporatsiyasining texnikaviy ko'magida qurilayotgan to'qimachilik majmuilarining faoliyatini tashkil etish masalalari to'g'risida"gi qarori[5] ga ko'ra, Turkiya davlati bilan hamkorlikda Gurlan tumanida "Gurlan-Yazeks" to'qimachilik majmui ishga tushirildi.

1994-yil 18-oktabrida qabul qilingan Vazirlar Mahkamasining qarori asosida [6]Xorazm viloyatida qand-shakar zavodi barpo etildi. Har sutkada 3000 tonna qand lavlagini qayta ishlash quvvatiga ega bo'lgan mazkur zavodning qurilishi 26 oyga belgilanib, imzolangan shartnomaga binoan qurilishning umumiy qiymati 83,25 mln AQSh dollarini tashkil qildi. Ushbu zavod Turkiyaning «Turk Sheker Yuksel Inshaat SP» firmasi bilan 1993-yil 25-mayda tuzilgan shartnomaga asosan Hazorasp tumanidagi «Sharq yulduzi» jamoa xo'jaligi hududida qurilgan. Korxonada ishlab chiqarish sexlariga 44,7 mln. dollar qiymatiga teng bo'lgan xorijiy uskunalar, shuningdek 273,3 mln. so'mlik boshqa jihozlar o'rnatildi.

«Xorazm shakar» zavodining qurilishi bilan shu mintaqadagi bir qancha ijtimoiy masalalarning hal bo'lishiga erishildi. Jumladan, ishsizlik muammosi qisman bo'lsa-da hal qilinib, yangidan bir qancha ishchi o'rinlari tashkil qilindi.

Mustaqillik yillarida yaratilgan imkoniyatlar viloyatning tumanlarida ham sezilarli o'zgarishlarga zamin yaratdi. Masalan, Yangiariq paxta tozalash zavodi 1991-yildan keyin ochiq hissadorlik jamiyati shaklida tashkil etilib, zavod ishlab chiqarilayotgan tolaning 90 foizdan ko'pini xorijga eksport qilish imkoniyatiga ega bo'ldi. Hissadorlik jamiyatining 1994-yil chet elga eksport hajmi 84,5 foizni tashkil etgan bo'lsa, 1999-yil bu ko'rsatkich 90,3 foizni tashkil etdi. Mazkur sanoat ishlab chiqarish jamiyati AQSH, Buyuk Britaniya, Italiya, Xitoy, Koreya, Eron, Turkiya, Shvetsariya, Belgiya, Gollandiya, Irlandiya, Germaniya va boshqa rivojlangan mamlakatlarning nufuzli firmalari bilan hamkorlik aloqalarini o'rnatgan. 2000-yilda ushbu jamiyat Ark Yevropa xalqaro mukofotiga sazovor bo'ldi [7].

Viloyat sanoatining rivojlanishida Urganch yog'-moy zavodining ham o'z o'rnini bor edi. 1977-yilda qurilib ishga tushirilgan kombinat 1994-yilda davlat tasarrufidan chiqarilgandan so'ng "Urganch yog'" ochiq aksiyadorlik jamiyatiga aylantirildi[8]. Mazkur sanoat korxonasi O'zbekiston bozorida aholini uzluksiz ravishda yog'-moy va xo'jalik sovuni va boshqa xalq iste'moli mollari bilan ta'minlabgina qolmasdan xorijga ham o'z mahsulotlarini eksport qilib keldi. Xususan, aksiyadorlik jamiyati 2008-yildan boshlab xo'jalik sovunini xorijga eksport qila boshladi. 2012-yilda jami 778 602,77 AQSh dollariga teng 944,5805 tonna xo'jalik sovuni Afg'onistonga eksport qilindi. 2013-yilda 785 000 AQSH dollariga teng 995 tonna xo'jalik sovuni eksportga yo'naltirildi [9].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007-yil 12-iyundagi "2007-2011 yillardagi davrda yog'-moy sanoati korxonalarini modernizatsiya qilish va texnikaviy qayta jihozlash dasturi to'g'risida"PQ-651-sonli qarorining[10]qabul qilinishi bilan yuqoridagi korxonaning ishlab chiqarish salohiyati yanada takomillashtirildi. Shuningdek, korxonada tomonidan ehtiyoj yuqori bo'lgan mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish hamda yangi turdagi raqobatbardosh, eksportga yo'naltirilgan va import o'rnini bosadigan mahsulotlar ishlab chiqarishni o'zlashtirish ishlari amalga oshirildi. Qaror bilan amaliyotga joriy etilgan Davlat dasturini bajarilishi natijasida

korxonalarini chetdan keltirilgan "B6-T MEM-400", "YeTR-20,16", "SKET", "MT3-80", gidrogenizatsiya sexi kabi yangi zamonaviy dastgohlar bilan ta'minlandi.

Viloyat paxta tolasini qayta ishlab eksport qilishga yo'naltirib kelayotgan «Xorazm-Nurtop» qo'shma korxonasi 1994-yilda Turkiyaning «Nurtop» firmasi bilan hamkorlikda «Xorazm» hissadorlik jamiyati bazasida tashkil qilingan edi [11]. Qo'shma korxonalar qurilishi uchun Yevropa Taraqqiyot banki tomonidan 5 million AQSH dollari ajratildi [12]. Qo'shma korxonalar birgina 2006-yilning yarim yili davomida xorijlik to'qimachilarga 1,4 million dollarlik ip-kalava eksport qildi.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, 1994-1996-yillarda O'zbekistonga jalb qilingan xorijiy investitsiya miqdori 300895,0 ming AQSH dollariga teng bo'lgan bo'lsa, Xorazm viloyatining bu miqdordagi ulushi 2129,4 ming AQSh dollarini tashkil etdi [13].

1997-yilgi ma'lumotlarga ko'ra viloyatda jami 36 ta qo'shma korxonalar ro'yxatdan o'tgan edi, ammo ularning 26 tasi faoliyat yuritgandi. Shulardan 15 ta korxonalar Urganch shahri hisobiga to'g'ri kelardi. Tashkil etilgan qo'shma korxonalar xalq iste'mol mollari ishlab chiqarish, paxta tolasidan kalava ishlab chiqarish, savdo-sotiq va qishloq xo'jalik texnikalariga xizmat ko'rsatish yo'nalishlariga to'g'ri kelgan [14].

Viloyatning tashqi savdo aylanmasi 1997-yilning 1-choragida 68,8 million AQSH dollarini tashkil etib, shu qatorda eksport 42,9 million dollarni, umumiy savdo hajmi 62,3%, import 25,9 million dollarni yoki 37,7% tashkil etdi. Chet el mamlakatlari bilan tashqi savdo aylanmasi 63 million AQSH dollarini, umumiy hajmi 96,1 foizni tashkil etdi va 1996-yilga nisbatan 3,1 baravar ko'paydi. Eksport 39,4 million dollarga yetib 2,1 baravarga, import 23,6 million dollarga yoki 15,7 baravarga ko'paydi. 1997-yil 1-aprel holatiga viloyat hududida xorijiy investitsiyalarga ega 38 ta korxonalar ro'yxatga olindi [15].

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 13-mayda qabul qilgan «1999-2001-yillarda Xorazm viloyatida bozor islohotlarini chuqurlashtirish va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni jadallashtirish dasturi to'g'risida»gi [16] qarorida mazkur yillarda viloyat iqtisodiyotiga 274,8 mln. AQSh dollari va 23 mln. nemis markasi miqdorida chet el kapitali jalb qilish bo'yicha 19 ta investitsion taklif ko'zda tutildi. Ushbu qarorda ko'zda tutilgan investitsiya takliflarini o'z ichiga qamrab olgan holda 2005-yilgacha Xorazm viloyatining eksport salohiyatini oshirish dasturi ishlab chiqildi. Dasturda ko'zda tutilgan chora-tadbirlar natijasida 1999-2000-yillarda eksportga mo'ljallangan mahsulot chiqaradigan bir qancha korxonalar ishga tushirildi. Jumladan, Urganch shahrida tashkil etilgan O'zbekiston-Italiya «Darital LTD» qo'shma korxonasi 1999-yil iyun oyidan erkaklarning modeli poyafzalini chiqara boshladi. Uning loyiha quvvati yiliga 810 ming juft erkaklar poyafzali ishlab chiqarish; 2 navbati ishga tushgach, yiliga 810 ming juft ayollar modeli poyafzali ishlab chiqarishga mo'ljallandi. O'sha davrda bir yilda qo'shma korxonalar 102 ming juft poyafzal ishlab chiqardi. Qo'shma korxonalar tashkil qilishda Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki ajratgan 4,5 mln. AQSh dollarilik kredit katta yordam berdi [8, B. 66].

Tahlillarga ko'ra, bu davrda viloyatda faoliyat ko'rsatgan 26 ta qo'shma korxonalarining 8 tasi yirik va o'rta korxonalar bo'lib, ular tomonidan 2000-yilda 472,3 ming AQSh dollariga teng miqdorda mahsulot eksport qilindi, import ulushi 96,9 ming AQSh dollarini tashkil etdi [8, B. 65]. Shuningdek, o'sha yili «Urganch yog'» hissadorlik jamiyati bazasida Rossiyaning «Ximvekt» ilmiy-ishlab chiqarish firmasi bilan hamkorlikda «Uzximvekt» O'zbekiston-Rossiya qo'shma korxonasi tashkil qilingan. Korxonada kimyo sanoatida keng foydalaniladigan «A» va «V» markali olein va palmitin kislotalari, distillangan yog' kislotalari ishlab chiqarish yo'lga qo'yildi. Korxonalar yiliga 21000 tonna paxta yog'i chiqindisini qayta ishlash quvvatiga ega bo'ldi [11, B. 29].

Xorazm viloyatida 2001-yilda Xitoyning Blue Ocean International kompaniyasi bilan hamkorlikda «Aziya tekstil ltd.» O'zbekiston-Xitoy qo'shma korxonasi tashkil qilingan. Qo'shma korxonaga Xitoyda ishlab chiqarilgan, qiymati 154 ming AQSh dollari bo'lgan trikotaj mahsulotlari ishlab chiqarishga mo'ljallangan dastgohlar o'rnatilgan. Korxonalar mahalliy bozor bilan cheklanib qolmasdan, chetga ham mahsulot eksport qilgan [11; 30].

2002-yilda viloyat iqtisodiyotiga qariyb 41 mln. AQSh dollarlik xorijiy investitsiyalar jalb etildi, 7 ta qo'shma korxonalar tuzildi. Natijada xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalarda mahsulot ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatish ikki martadan ortiq o'sdi [17].

2003-yilda ham viloyatda yangi qo'shma korxonalar ishga tushirildi. Jumladan, «Shovot-Turon» mas'uliyati cheklangan jamiyati bazasida Germaniyaning «Shuls eksport-import Gmbx» kompaniyasi bilan hamkorlikda «Shovottekst» O'zbekiston-Germaniya qo'shma korxonasi tashkil etildi. Korxonada Germaniyaning KFW banki kredit liniyasi bo'yicha 998 ming yevro kredit mablag'i hisobiga Germaniya va Turkiyada ishlab chiqarilgan ishlab chiqarish dastgohlari o'rnatildi. Korxonada yiliga 3 mln. 360 ming dona futbolka va ko'ylaklar ishlab chiqarish quvvatiga ega bo'lib, 98 kishi ish bilan ta'minlandi. Ishlab chiqarilgan mahsulotlar MDH davlatlari va Hindiston eksport qilindi [11; 28]. Bundan tashqari Turkiya bilan hamkorlikda Bog'ot tumanida «Bog'ottekstil» qo'shma korxonasi foydalanishga topshirildi. Korxonaga Germaniyaning «Hallesche Vitteldeutsche AG» kompaniyasining qiymati 6,7 mln. yevro bo'lgan zamonaviy asbob-uskunalar o'rnatildi. Qo'shma korxonada yiliga 4350 tonna ip-kalava va 1440 tonna trikotaj matosi ishlab chiqarish quvvatiga ega bo'lib, korxonada ishlab chiqarilgan mahsulotlar eksportga yo'naltirildi [11; 30].

Chet ellik investor va ishbilarmonlarning Xorazm viloyatiga tashriflari viloyatining iqtisodiyotiga xorijiy sarmoyalarning kirib kelishga zamin yaratdi. Masalan, 2000-yil iyun oyida O'zbekistonga rasmiy tashrif bilan kelgan Isroil ishbilarmonlar delegatsiyasi Xorazm viloyatida ham bo'lib, viloyatning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyati bilan yaqindan tanishadilar [18]. Shuningdek, Pokiston Islom Respublikasining O'zbekistondagi favqulodda va muxtor elchisi janob Muhammad Axtar Tufayl 2003-yilning noyabr oyida Xorazm viloyatida bo'ldi [19]. 2003-yilning oktabr oyida Rossiya Federatsiyasi Vladimir viloyati gubernatorining birinchi o'rinbosari V.Veretennikov boshchiligidagi delegatsiya Xorazm viloyatida tashrif buyurdi. Uchrashuvda Urganch ekskavator zavodi bilan hamkorlikni yo'lga qo'yish, traktorlar uchun dvigatellar, ehtiyot qismlar yetkazib berish borasida va boshqa sohada ham foydali kelishuvlarga erishildi [20].

Viloyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish borasida ko'rilgan choralar tufayli 2001-2003-yillar va 2004-yilning birinchi yarmida viloyat iqtisodiyotiga jami 102 mln. AQSh dollari hajmida xorijiy investitsiyalar jalb qilindi. Biroq xorijiy sarmoyaning kengroq jalb etilishiga qaramasdan 2002-yilda tuzilgan 5 ta qo'shma korxonaning 3 tasi 2004-yilga kelib tugatilish yoqasiga kelib qolganligi kuzatiladi [21].

2005-2007-yillarda Xorazm viloyatiga chet el investitsiyalarini jalb qilish dasturi asosida «Xorazm avtomobil ishlab chiqarish birlashmasi» hissadorlik jamiyati bazasida Polshaning «Noven Solor» kompaniyasi bilan hamkorlikda «USP cotton» qo'shma korxonasi tashkil qilindi. Qo'shma korxonada oyiga 450-500 ming pogon metr trikotaj matosi ishlab chiqarishga mo'ljallandi. Ishlab chiqarilgan mahsulot 100 foiz eksportga yo'naltiriladigan bo'ldi [11, B. 28].

Viloyatda kompyuter programma dasturlari ishlab chiqilib, chet mamlakatlarga eksport qilish yo'lga qo'yila boshladi. Urganch shahrida «INFORM ALGO» xususiy korxonasi 2006-yilda davlat ro'yxatidan o'tib, asosiy faoliyat turi dasturiy ta'minot ishlab chiqish hisoblandi. Ushbu korxonadan Amerika Qo'shma Shtatlariga birgina 2010-yilda 54 mln AQSh dollari miqdorida dasturiy ta'minot xizmatlari eksporti amalga oshirilgan [8, B. 159].

Viloyatda 2011-yilning birinchi choragida hududiy tasarrufdagi korxonalar tomonidan 1,1 mln AQSh dollari miqdorida eksport amalga oshirilib, eksport prognozi 287 foizga bajarildi. Bu 2010-yilning birinchi choragiga nisbatan 181 foizni tashkil etdi. 2010-yil birinchi choragida 601 ming AQSh dollari miqdorida eksport amalga oshirilgan edi. 2011-yil birinchi choragida hududiy tasarrufdagi kichik biznes subyektlari tomonidan 1032,6 ming AQSh dollari miqdorida eksport amalga oshirilib, hududiy eksport hajmidagi ulushi 94,7 foizni tashkil etdi [8; 160].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 26-martdagi «Eksport qiluvchi korxonalarni rag'batlantirishni kuchaytirish va raqobatbardosh mahsulotlarni eksportga yetkazib berishni kengaytirish borasida qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarori [22] ijrosini ta'minlash borasida viloyatda bir qator chora-tadbirlar amalga oshirildi. Jumladan, hududiy tasarrufdagi sanoat korxonalarida ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar sifati, hajmi ortdi hamda

faoliyatlari har tomonlama takomillashtirildi. 2015-yil viloyatdagi korxonalar tomonidan 45,7 mln. dollarlik yoki 2014-yilga nisbatan qariyb 3,5 barobar ko'p mahsulot va xizmatlar eksport qilinib, belgilangan prognoz ko'rsatkichi 105,6 foizga bajarildi. Ushbu yilda viloyatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish Dasturi doirasida eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarishga qaratilgan yangi 11 ta loyiha amalga oshirildi. Unga ko'ra 5 ta korxonada 4 million dollarlik mahsulot eksportini amalga oshirdi. Gurlan tumanidagi "Xorazm antikorr invest" korxonasi tomonidan Singapur va Chexiyadagi kompaniyalar bilan tuzilgan shartnomalarga asosan 83,8 ming dollarlik bitum mahsuloti yetkazib berildi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 13-mart kuni 59-sonli "2015-yil Xalqaro sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya tashkil etish va o'tkazish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qaroriga [23] muvofiq 2015-yilning 26-oktabr – 5-noyabr kunlari Toshkent shahridagi "O'zbekspomarkaz" Milliy Ko'rgazma zalida IX Xalqaro Sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya birjasi doirasida Xorazm viloyati hududiy korxonalar tomonidan 2016-yilda mahsulot eksporti bo'yicha xorij kompaniyalari bilan umumiy qiymati 13 million dollardan ortiq eksport shartnomalari imzolandi [24].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi Farmoni bilan "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi"ni tasdiqlashni nazarda tutuvchi tarixiy hujjat qabul qilindi. Ushbu hujjat asosida mamlakatimiz bo'ylab amalga oshirilganidek, Xorazm viloyatida ham keng ko'lami buniyodkorlik ishlari olib borildi. Shu davr mobaynida Xorazm viloyatida umumiy qiymati 9,3 trln. so'mlik 685 investitsiya loyihasi amalga oshirilib, 14 909 yangi ish o'rni yaratildi [25].

To'qimachilik, avtomobilsozlik, elektrotexnika va oziq-ovqat sanoati, sayyohlik, xizmat ko'rsatish va issiqxonalar Xorazm viloyatining asosiy "o'sish nuqtalari" sifatida belgilangan. Xususan, yangi korxonalar, kichik biznes subyektlari, ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklari tashkil etildi. Turizm, to'qimachilik sanoati, baliqchilik, parrandachilik, irrigatsiya va boshqa sohalarda istiqbolli loyihalar amalga oshirildi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, mustaqillik yillarida Xorazm viloyatida olib borilgan ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, millatlararo bag'rikenglik, bozor islohotlariga yo'nalish olish va shu davrning qiyinchiliklarini yengib o'tishi bilan birga, yaqin va uzoq chet el davlatlari bilan har jihatdan aloqa o'rnatilib, qabul qilinayotgan davlat dasturlari asosida viloyatda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarni jahon bozoriga olib chiqish bo'yicha xalqaro hamkorlikni o'rnatish borasida sezilarli ishlar amalga oshirildi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – T.: O'zbekiston, 2017. – B.21.
2. Davletov S. Xorazm viloyatidagi iqtisodiy islohotlar // Ilm sarchashmalari, 2019, – №6. – B.3.
3. Xorazm viloyat hokimiyati arxivi. 1150-fond, 7-ro'yxat, 14-yig'ma jild, 51-varaq.
4. "Xorazm haqiqati" gazetasi. 1996-yil 7-fevral
5. O'zbekiston Respublika Vazirlar Mahkamasining «Yazeks» (Turkiya) korporatsiyasining texnikaviy ko'magida qurilayotgan to'qimachilik majmuilarining faoliyatini tashkil etish masalalari to'g'risida"gi qarori. 1995-yil 26-iyun. 233 son. <https://lex.uz/docs/519922>
6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Xorazm viloyatida qand-shakar zavodi qurish to'g'risida" Qarori. 1994-yil 18-oktyabr. 513-son.
7. "Xorazm haqiqati" gazetasi. 2000-yil 19-fevral.
8. Bobojonov B. Asrga teng yillar. 2-kitob. Xorazm mustaqillik yillarida. Istiqlol, 2011. –B. 118
9. "Xorazm haqiqati" gazetasi. 2013-yil 18-dekabr.
10. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2007-y., 24-son, 249-modda; 2009.
11. «Xorazm-nurtop» qo'shma korxonasi // Yoshlik jurnali. 4-son, 2005. – B. 29.
12. "Xorazm haqiqati" gazetasi. 2006-yil 21-iyul.
13. Vaisov O.X. Mustaqillik yillarida Xorazm viloyati ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotidagi o'zgarishlar (1991-2021yy.). Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) diss. avtoref. – Urganch: 2022. – B. 15.
14. Xorazm viloyati davlat arxivi. 818-fond, 1-ro'yxat, 3-yig'ma jild. 65-varaq
15. Xorazm viloyat statistika boshqarmasining 1997-yilga oid ma'lumotlari.

16. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «1999-2001-yillarda Xorazm viloyatida bozor islohotlarini chuqurlashtirish va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni jadallashtirish dasturi to‘g‘risida»gi qarori. 1999-yil 13-may. 243-son. <https://lex.uz/docs/1559245>
17. Xorazm viloyati hokimligi arxivi. 1150-fond, 7-ro‘yhat, 62-ish, 9-bet.
18. “Xorazm haqiqati” gazetasi. 2000-yil 12-iyul.
19. “Xorazm haqiqati” gazetasi. 2003-yil 26-noyabr.
20. “Xorazm haqiqati” gazetasi. 2003-yil 25-oktyabr.
21. Xorazm viloyati hokimligi arxivi. 1150-fond, 7-ro‘yhat, 68-ish. 7-bet
22. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 13-son, 140-modda.
23. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., – № 11, – С. 126.
24. “Xorazm haqiqati” gazetasi. 2016-yil 27-fevral.
25. Infografika: Xorazm viloyatining besh yillik ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi. 22.09.2021// www.yuz.uz

Наширға проф. Б. Эшов тавсия этган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА АРХИВ ИШИ

Юлдашев Ю.Х. (Хоразм Маъмун академияси)

Аннотация. Ушбу мақолада сўнгги йилларда Ўзбекистонда архив ишини такомиллаштириш, тизимда давлат хизматларини кўрсатиш, архив муассасаларида моддий-техник базани мустақамлаш билан боғлиқ масалалар Хоразм вилояти архив бошқармаси мисолида таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада архив бошқармасининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳам ёритилган.

Таянч сўзлар: *Хоразм вилояти, архив, шахсий таркиб ҳужжатлари, моддий-техник база, фонд, ноёб ҳужжат, ҳамкорлик, хизматлар.*

Аннотация. В данной статье проанализированы вопросы, связанные с совершенствованием архивного дела в Узбекистане, оказанием государственных услуг в системе, укреплением материально-технической базы архивных учреждений за последние годы на примере Хорезмского областного архивного управления. В статье также освещаются взаимоотношения сотрудничества архивного отдела с научными учреждениями.

Ключевые слова: *Хорезмская область, архив, документы личного содержания, материально-техническая база, фонд, уникальный документ, сотрудничество, услуги.*

Annotation. This article analyzes issues related to the improvement of archiving in Uzbekistan, the provision of public services in the system, the strengthening of the material and technical base of archival institutions in recent years, using the example of the Khorezm Regional Archival Administration. The article also highlights the relationship of cooperation between the archive department and scientific institutions.

Key words: *Khorezm region, archive, personal documents, material and technical base, fund, unique document, cooperation, services.*

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб Ўзбекистон архив муассасаларининг меъерий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритила бошлади. 1992 йил 19 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси (“Ўзбошархив”) тўғрисидаги низомни ва Республика давлат архивлари тармоғини тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди [1]. Ушбу меъерий ҳужжатга мувофиқ архив ишини бошқариш бўйича давлат органи “Ўзбошархив” зиммасига архив фонди ва республиканинг архив ташкилотларини бошқариш юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сонли «Архив иши бўйича меъерий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» қарори билан Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисида Низом ва Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тасдиқланди [2].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 49-сон қарорига асосан “Ўзбошархив” “Ўзархив” агентлигига айлантирилди [3].

Мамлакатимизда архив соҳаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқарувни янада

такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлди [4].

Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат бошқаруви ва назоратини такомиллаштириш, қоғоз шаклидаги, кино, фото ва фоно ҳужжатларини рақамлаштиришни янада жадаллаштириш мақсадида, шунингдек 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги ташкил этилди [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-4463-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 72-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида қабул қилинган Низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлигининг мақоми, асосий вазифалари, фаолият йўналишлари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлиги белгиланган [6].

Бугун Ўзбекистон Республикасидаги архивлар тизимини архив ишини бошқариш органлари, давлат ва нодавлат архивлари, хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари ҳамда идоравий архивлар ташкил этади. Ушбу тизимда Хоразм вилоятидаги архив тузилмаларининг ҳам роли катта.

Хоразм вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси тизимида 4 та давлат архиви ва 11 идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бошқарма ва унинг тизимидаги давлат архивларида 65,5 штат бирлиги мавжуд бўлиб, 67 та раҳбар ва ишчи ходимлар фаолият кўрсатади.

Вилоят архив иши бошқармаси ва унинг тизимидаги архив муассасалари мустаҳкам моддий-техник базага эга бўлиб, 51 та компьютер қурилмалари, принтер, сканер, нусха кўчириш, инфокиоск ва бошқа ахборот технологиялари қурилмалари билан таъминланган. Хоразм вилояти архив иши бошқармасининг www.khorezmarchive.uz веб-сайтида вилоят архивлари ахборот ресурслари шакллантирилиб, янгиланган бўлиб, вилоят архив муассасалари сақловидаги ташкилотлар ҳужжатларининг рўйхати ҳар ойда янгиланиб, янги маълумотлар билан тўлдириб борилади ва ушбу маълумотлар базалари архив муассасаларига тарқатилади, республика архив муассасаларидаги ташкилотларнинг шахсий таркиб ҳужжатлари рўйхатидан керакли маълумотларни осон излаб топиш учун 2016 йилда вилоят давлат архивига инфокиоск қурилмаси сотиб олиб ўрнатилди [7].

Хоразм вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси ва тизимидаги давлат архивларида [.uz](mailto:exat.uz) доменларидаги exat.uz, umail.uz, inbox.uz электрон ахборот айланиши тизимларида ўз электрон почталари орқали электрон ҳужжат айланиш ишлари жорий қилинган.

Хоразм вилояти архив иши бошқармасининг www.khorezmarchive.uz веб-сайтида архив маълумотларини бериш, қидирув маълумот тизими, ариза ва бланклар шакллари, давлат хизматлар рўйхати, тадбиркорларга услубий ёрдам, савол ва жавоблар бўлимлари ташкил қилинган. Веб-сайтда виртуал қабулхона ва онлайн мурожаат бўлимлари ишга туширилган. Вилоят давлат архивининг жисмоний ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш хонасида инфокиоск қурилмаси ўрнатилган бўлиб, Республика архивлари бўйича ягона дастур ўрнатилган, шахсий таркиб ҳужжатларининг қидирув тизими мавжуд, бундан ташқари вилоят архив иши бошқармаси ва унинг тизимидаги архив муассасалари фаолияти бўйича ҳужжатлар ҳам жойлаштирилиб, фуқароларга фойдаланишга қулайликлар яратилган. Вилоят архив иши бошқармаси ва унинг тизимидаги архив муассасаларида ҳар ойда янгиланиб, қўшимчалар билан тўлдириб борилаётган шахсий таркиб ҳужжатлари

базасидан унумли фойдаланилмоқда, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларига асосан маълумотлар тезкор қидирилмоқда.

Архив муассасаларига бўлаётган мурожаатларнинг йилдан йилга ошиб бориши ҳам мурожаатлар билан ишлашда янги амалиёт ва механизмларни иш жараёнига татбиқ қилишга асос бўлди, дейиш мумкин. Жумладан, 2016 йилда сўровлар 2015 йилга нисбатан 12 фоизга ошди, ёки 7743 та сўровлар ижроси таъминланди [7]. 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши архив муассасаларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда янада масъулият билан ёндошишга туртки бўлди.

Хоразм вилоят Архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил давомида кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 448,3 млн. сўмни ташкил этди. Вилоятдаги хўжалик ҳисобидаги гуруҳлар фаолиятини такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатишни яхшилаш эвазига эришилди, бу даврда олинган даромадларга асосан давлат архивларининг хўжалик ҳисобидаги гуруҳлари томонидан идора ва ташкилотлар ҳужжатларига илмий-техник ишлов бериш, мавзули сўровлар ва депозитар сақловга қабул қилиш хизматларидан бажарилди [8].

Вилоят архив муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан унумли фойдаланилди. 2017 йилда вилоят архив иши бошқармаси ва унинг тизимидаги архив муассасалари раҳбар ва ходимларининг лавозим йўриқномалари қайта кўриб чиқилди, ўзгартириш ва қўшимчалар билан қайта тасдиқланди.

Хоразм вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги архив муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга 2017 йил давомида жами 33157200 сўм пул маблағи, шундан Янгибозор туман давлат архивини таъмирлашга 11157200 сўм сарфланди. Хоразм вилоят давлат архиви 22000000 сўм пул маблағи эвазига жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Вилоят давлат архиви томонидан 6390000 сўмга темир жавонлар сотиб олинди.

2017 йилда Бошқарма ва давлат архивларида 6850,0 минг сўмга ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар, АКТ материал-техник таъминоти учун 3004,0 минг сўм, компьютер қурилмалари учун 17300,0 минг сўм, интернет тармоғи учун 5110,0 минг сўм, бошқа харажатлар учун 4800,0 минг сўм, жами 37064,0 минг сўм маблағ сарфланди.

Бу даврга келиб, Хоразм вилоят архив бошқармаси тизимидаги давлат архивларида архив ҳужжатларининг 2406 фонд мавжуд бўлиб 382675 та сақлов бирликда сақланмоқда эди. 2017 йил Миллий архив фонди ҳужжатларининг 80 фонди 33096 сақлов бирлик ҳужжатлари, шахсий таркиб ва фирмаларнинг 135 фонди 1024 сақлов бирлик ҳужжатлари қайта фондлаштирилди ва 23 та фондда 23 та рўйхат такомиллаштирилди. Ҳисобот даврига қадар 783 та шахсий таркиб ҳужжатлари рўйхатлари (опись) нинг электрон нусхалари ва уларнинг базалари яратилди.

Хоразм вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 17 январда АКТ жорий этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бошқарма ва давлат архивларида ахборот хавфсизлигига масъул ходимлар буйруқ асосида тайинланган, барча ходимлар ахборот хавфсизлиги ва сиёсати билан таништирилди. 2017 йил 5 майдаги Хоразм вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг кенгайтирилган дирекция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги 2015 йил 9 декабрда қабул қилинган Қонуни ижросини таъминланиши, АКТни жорий этилиши ва ахборот хавфсизлигига риоя этилиши ҳолати танқидий муҳокама қилинди.

Давлат архивлари томонидан асраб келинаётган ноёб ҳужжатлар халқимизнинг бой маданий-маънавий мероси ҳисобланади. Ягона асл нусхадаги қўлёзма ҳужжатлари давлат архивларидагина мавжуд. Шу сабабли ҳам 2017 йилда Марказий давлат архивида сақланаётган архив ҳужжатларидан «Хива хонлиги архив ҳужжатлари» фонди ҳужжатлари халқаро аҳамияти инobatга олиниб, мазкур тарихий ҳужжатлар тўлалигича ЮНЕСКОнинг «Жаҳон хотираси» дастури халқаро рўйхатига киритиш учун тақдим қилинди ва Париж

шаҳрида бўлиб ўтган мажлисда бутун дунё мамлакатларидан 78 та номзоднома рўйхатидан «Хива хонлиги канцелярияси» номзодномаси ЮНЕСКО дастури бўйича халқаро қўмита мажлисида учинчи бўлиб эътироф этилиб, халқаро миқёсда сертификат билан тақдирланди [9].

Агар Хоразм вилоят Архив иши ҳудудий бошқармасининг 2018 йилги молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йил давомида давлат архивлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 638,6 млн сўмни ташкил этди, шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 718,6 млн сўмни ташкил қилди, вилоятдаги хўжалик ҳисобидаги гуруҳларини фаолиятини такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатишни яхшилаш эвазига эришилди [10].

Архивларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 140 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Шундан вилоят ва янгибозор туман давлат архивларини таъмирлашга 72,03 млн сўм сарфланган бўлса, 58 млн. сўмга техника жиҳозлари, 7,6 млн. сўмга 4 та ҳужжатларни тикиш қурилмаси, 32.3 млн сўмга 2 та “WISE SCAN” замонавий сканери, 20,0 млн. сўмга вилоят давлат архивига 60 погон. метр темир жавонлар сотиб олинди.

2018 йил ҳисобот даврида ахборот-коммуникацион технологиялар сотиб олишга бюджетдан ташқари маблағлардан жами 68,5 млн. сўм маблағ сарфланиб, Бошқарма 4.4 млн сўмга моноблок, Янгибозор тумани давлат архиви 8 270,0 минг сўмга компьютер комплекти ҳамда 4 таси бирда (факс, принтер, ксерокс, сканер) қурилмаси, Хонқа тумани давлат архивига 2800,0 минг сўмга компьютер комплекти, Хива ва Хонқа туман давлат архивларига 32.3 млн сўмга 1 тадан “WISE SCAN” замонавий сканери сотиб олинди.

Вилоят давлат архивларида сақланаётган шахсий таркиб ҳужжатлари рўйхатларининг электрон нусхалари шакллантириб келинаётган бўлиб, қабул қилинган шахсий таркиб ҳужжатлари рўйхатлари доимий равишда базага кўшилиб, янгиланиб келинмоқда. 2018 йил 22 июнь ҳолатига вилоят давлат архивлари сақловидаги жами 30989 сақлов бирлик шахсий таркиб ҳужжатларининг 847та рўйхатлари рақамлаштирилди.

Хоразм вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг 2019 йил ҳисоботининг таҳлилий маълумотномасида 2019 йил давомида давлат архивларидан кўрсатилган пуллик хизматларнинг умумий ҳажми 1080,0 млн сўмни ташкил этгани, вилоятдаги хўжалик ҳисобидаги гуруҳларини фаолиятини такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатишни яхшилаш эвазига эришилгани қайд этилади.

Ҳисобот даврида 3,6 млн. сўмга вилоят Архив иши бошқармасига 1 та моноблок, 19,662 млн. сўмга Хоразм вилояти давлат архивига 6 та моноблок компютери, 4,3 млн. сўмга тезкор автоматик сканер қурилмаси сотиб олинди, 3,780 млн. сўмга нусха кўчириш аппарати сотиб олинди, 5,5 млн. сўмга видеокузатув қурилмалари ўрнатилди, Янгибозор тумани давлат архивига 46,0 млн. сўмга сервер қурилмаси, 50,281 млн. сўмга 5 та компьютер, 4 та принтер, 5 та UPS ва видеопроектор қурилмалари сотиб олинди, 11,825 млн. сўмга Хонқа тумани давлат архивига 2 та компьютер комплекти ва 1 та принтер сотиб олинди, 37,720 млн. сўмга Хива шаҳар давлат архивига 7 та компьютер ва 2 та принтер қурилмаси сотиб олинди.

Вилоят давлат архивларида ҳисобот даврида 14468 варақ ҳужжат таъмирланиб режага нисбатан 102 фоиз ўсиш суратига эришилди, 3901 та йиғмажилд муқоваланиб ва тикилиб режа 109 фоизга бажарилди, архив ҳужжатларининг 2188 та йиғмажилдда 478289 варақ электрон нусхаси яратилиб режа 456 фоизга ошириб бажарилди, ҳисобот даврида 2781 та йиғмажилд ўта қимматли ҳужжатларни аниқлаш учун кўриб чиқилиб режа 128% фоизга бажарилди. Корхона ва ташкилотлардан 19203 йиғмажилд бошқарув ҳужжатлари сақловга қабул қилинди. 6 нафар фуқародан 24 та шахсий фонд йиғмажилдлари қабул қилинди.

Вилоят архив иши бошқармаси ва давлат архивларининг ахборот хизматлари томонидан фаолиятнинг муҳим жиҳатлари бўйича 2019 йил давомида оммавий ахборот воситалари орқали жами 5 та радиоэшиттириш, 7 та телекўрсатув ва 13 та мақолалар тайёрланди [11].

2020 йил давомида Хоразм вилоят Архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан давлат архивларидан кўрсатилган пуллик хизматларнинг умумий ҳажми 606,0 млн сўмни ташкил этди [12].

2020 йилда шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларидан кўрсатилган пуллик хизматларнинг умумий ҳажми 1005,0 млн сўмни ташкил этди, ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116% ўсиш суратига эришилди, хўжалик ҳисобидаги гуруҳларини фаолиятини такомиллаштириш, ҳужжатларни сақлаш хизматлари, жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатишни яхшилаш эвазига эришилди. Бу даврда олинган даромадларга асосан шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларининг хўжалик ҳисобидаги гуруҳлари томонидан идора ва ташкилотлар ҳужжатларига илмий-техник ишлов бериш, ҳужжатларни сақлов хизматини кўрсатиш, депозитар сақловга қабул қилиш хизматларидан бажарилди.

2020 йилда Хоразм вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси ва тизимидаги давлат архивларида 42,57 млн. сўмга 3 та махсус сканер қурилмаси, 17,87 млн. сўмга 5 дона компьютер қурилмаси харид қилинди. Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш учун 7,467 млн сўм, АКТ бўйича махсус бўлинма ходимларининг иш ҳақи ва уларни моддий-техника билан таъминлаш учун 0,596 млн сўм маблағ сарфланди. Хива шаҳар давлат архивига 23,5 млн. сўмга сервер компютери сотиб олинди. Шунингдек, Хазорасп тумани архиви 1 та ноутбук, Янгиариқ тумани архивига 1 та компьютер комплекти, 1 та “3 таси бирда” ускунаси, видеокузатув тизими ўрнатилди, Урганч тумани архивига 1 та компьютер комплекти ва 1 та “4 таси бирда” (факс, ксерокс, принтер, сканер) ускунаси сотиб олинди.

Архивларда сақланаётган ҳужжатларни рўйхатлаш кўрсаткичи 2019 йил режасида шахсий таркиб ҳужжатларини рўйхатлаш кўзда тутилган бўлса, 2020 йилда Бошқарув ҳужжатларини ҳам рўйхатлаш режалаштирилган бўлиб, умумий ҳисоблаганда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 123 % ўсиш суратига эришилган.

2021 йил 25 март санасида Хива шаҳри “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси ҳамда Хоразм вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси, Хива шаҳар давлат архиви ташаббуси ҳамда Ўзбекистон миллий архиви кўмагида “Давлат архивлари музейи” очилди.

Урганч давлат университети узоқ йиллардан буён ҳам илмий, ҳам архив соҳаси бўйича ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаб, ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Урганч давлат университети, хусусан Тарих факултети ҳам вилоятдаги давлат архивлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Университет профессор - ўқитувчилари, илмий ходимлари, докторантлари ва талабалари вилоят давлат архивларида ўзларининг тарихий даврларнинг турли босқичларига оид мавзуларидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

2022 йил май ойида “Ўзархив” агентлиги директори Улуғбек Юсупов Урганч давлат университетига ташриф буюриб, учрашув доирасида “Ўзархив” Агентлиги ва Урганч Давлат университети ўртасида “англашув меморандуми” имзоланди [13].

Эндиликда ушбу ҳамкорликни нафақат университет ва Хоразм вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси ўртасида, балки университетнинг республика архив муассасалари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Зеро, мамлакатимиз тарихий тараққиётининг турли босқичларида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳам муҳим стратегик ҳужжатларда акс этади. Ушбу йўналишдаги жараёнларнинг асосий мазмун моҳиятини ўрганишда Ўзбекистон Миллий Архиви ҳужжатлари асосий база бўлиб хизмат қилади [14].

Хулоса қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган жадал ислохотлар доирасида архив ишида ҳам сезиларли янгиланишлар рўй бермоқда. Бу жараёнлар бевосита Хоразм вилояти архив муассасалари фаолиятида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, Хоразм вилоят Архив иши ҳудудий бошқармаси тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, архив ҳужжатларини келажак авлодга бекаму қўст етказиш соҳа мутахассисларининг энг муҳим вазифаси саналгани боис, сўнгги йилларда давлат архивларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда асл архив ҳужжатларнинг умрини узайтириш мақсадида алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишларига эътибор янада кучайтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 19 июндаги 296-сон қарори//www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 10-сон, 62-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 5-сон, 53-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.09.2019 й., 06/19/5834/3780-сон.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.02.2020 й., 09/20/72/0142-сон.
7. Хоразм вилояти Архив иши ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 27 февраль № 01-08/84-сонли хати.
8. Хоразм вилоят Архив иши ҳудудий бошқармасининг 2017 йил йиллик Ҳисоботининг таҳлилий маълумотномаси. Урганч, 2018.
9. Хоразм вилояти Архив иши ҳудудий бошқармасининг 2018 йил 21 февраль № 01-08/147-сонли хати.
10. Хоразм вилоят Архив иши ҳудудий бошқармасининг 2018 йил йиллик ҳисоботининг таҳлилий маълумотномаси. Урганч, 2019.
11. Хоразм вилоят Архив иши ҳудудий бошқармасининг 2019 йил йиллик ҳисоботининг таҳлилий маълумотномаси. Урганч, 2020.
12. Хоразм вилоят Архив иши ҳудудий бошқармасининг 2020 йил йиллик ҳисоботининг таҳлилий маълумотномаси. Урганч, 2021.
13. УрДУ ахборот хизмати жорий архив маълумоти. Урганч, 11.05.2022 й.
14. Davletov S., Nurmetov I. Reflection of the international relations of the Republic of Uzbekistan in the archive materials// Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. January, 2022-I. p.81-86.

ЎРТА АСРЛАРДА НАСАФ ВОҲАСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ

Хўжаёров А.О. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Сомонийлар ҳукмронлиги даврида унинг тасарруфига кирган Насаф воҳаси ва унинг шаҳарлари ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг айрим жиҳатлари тарихий манбалар ва мавжуд илмий адабиётлар асосида ёритилади.

Калит сўзлар: *Сомонийлар давлати, Насаф воҳаси, шаҳар ва қишлоқлар, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт.*

Annotation. In this article, some aspects of the social, economic and spiritual life of the Nasaf oasis of Somonians are illuminated on the basis of historical sources and available scientific literature.

Keywords: *The state of Samanid, Nasaf oasis, cities and villages, socioeconomic and spiritual life.*

Аннотация. В данной статье на основе исторических источников и существующей научной литературы освещаются некоторые аспекты социальной, экономической и духовной жизни оазиса Насафа и его городов, входивших в его ведение в период правления Саманидов.

Ключевые слова: *Состояние Саманидов, оазис Насаф, города и деревни, социально-экономическая и духовная жизнь.*

Сомонийлар сулоласи IX асрнинг биринчи чорагида Мовароуннаҳр вилоятларини идора қилишни ўз қўлларига олади. IX асрнинг 70-йилларида сиёсий низолар кучайиб, парчаланиш янада авж олади. Фақат Исмоил ибн Аҳмад (847 – 907) давридагина сиёсий тарқоқликка барҳам берилиб, ички ва ташқи жиҳатдан юксалиш бошланади. Исмоил Сомоний Бухорода ҳокимликни қўлга киритишда, асосан ислом рухонийларига таянган. У

ислом динига, рухонийларга ва олимлар фикрларига ҳурмат ва эътибор билан қараган. Бу даврда ханафий мазҳабидаги билимдон фикршунослар танлаб олинди, уларга устодлик рутбаси берилган. Устод, яъни шайхулислом давлат ишларида маслаҳатчилик қилиб энг мушкул муаммоларни ечимини топишга кўмаклашган. Рус шарқшуноси В.В.Бартольднинг (1869 – 1930) ёзишича бутун Мовароуннаҳрда олимларни донишмандлар деб аташган [1:522].

Бу даврда халқ оммаси осойишта яшаб, хунармандчилик, савдо-сотик тараққий этган. Академик В.В.Бартольд араб муаррихи Муқаддасийга (947 – 1000) таяниб, буни далиллар билан исботлаган ва совун, мато, чирок, гилам, от-улов, эгар-жабдуқлари, меҳнат қуроллари кўплаб ишлаб чиқарилганлигини қайд этган.

Иқтисодий ривожланиш фикр, ҳадис, гуманитар фанлар, Қуръон мутоаласи бўйича олимлар етишиб чиқишига сабаб бўлган. Сомонийлар сулоласи даврида (865 – 999) Насаф шаҳри анча ривожланган ва ўзига хос маданий марказлардан бирига айланган. Сомонийлар давлати тож даъвогарларининг Насафда туриши ҳам бунинг яққол исботидир.

Бу шаҳар Сомонийлар даврида йирик шаҳарлар даражасига кўтарилган ва катта аҳоли манзилларида амал қиладиган алоҳида, хос лавозимлар унда ҳам жорий этилган. Масалан, Абу Али Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Вазарий (X аср), Абу Ишқ ибн Муҳаммад ал-Мастиний (XI аср) лар ҳокимлик қилишган. Шунингдек, қонуншунос аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Сўфён ал-Усбаникасий (986 йилда вафот этган) ҳам Насаф ҳокими вазифасини бажарган [2:308 – 309].

Сомонийлар даврида Насафдан илмли фозил кишилар ва давлат арбоблари етишиб чиқишган. Насаф яқинидаги Губдин қишлоғидан чиққан Абу Бакр Муҳаммад ал-Ҳасан ал-Губдиний ан-Насафий Самарқанднинг бош нозири бўлиб турган. Насаф шаҳрида бу лавозимни анча вақт Абу Ҳамид Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Камидодий (903-904) эгаллаган эди. Ундан сўнг бош қози Абу Ишқ Иброҳим ибн Маъқил ан-Насафий бўлиб, у шикоят ва аризаларни ҳам кўрган ва жавоблар айтган. Насафда Абу Муҳаммад Абдуҳолик ибн Яҳё ас-Сарахсий аш-Ширазодий (917) ҳам қонунчиликнинг бош ҳимоячиси вазифасини бажарган [3:134 – 136].

Сўнгги Сомонийлар даврида Насаф шаҳрида Абу Аҳмад ал-Қосим ибн Муҳаммад ал-Қантарий Насафий (998 йилда вафот этган) ва Али ибн ал-Ҳусайн Сардорий (980 йилда вафот этган) бош нозирлик лавозимида туришган. Абу Аҳмад Насафий кейичалик Чағониёнда ҳам шу лавозимни эгаллаган. Насафлик уламо, алломалар X – XII асрларда Бухоро, Самарқанд, Марв, Сарахс каби йирик шаҳарларнинг бош қозиси – садрлик лавозимини бажаришган. Насаф мулкида 182 нафар авлиёлар яшаб ўтганлиги манбаларда учрайди. Насаф кейинчалик Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар тасарруфига ўтади. XI асрда Кеш ва Насаф алоҳида вилоят ҳисобланган [4:247 – 248].

Рус қадимшуноси С.К.Кабановнинг маълумотича, қуйи Қашқадарё худудида аниқланган 123 манзилдан 59 таси илк ўрта асрларга тааллуқли бўлиб, қолганларида IX – X асрларда ҳам ҳаёт мавж урган бўлган. Шаҳарларнинг мақоми ҳам муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш қуроллари, маданий салоҳият тўпланадиган, хунармандчилик, савдо-сотик ривожланган аҳоли йиғиладиган йирик манзил сифатида баҳолаш мумкин. Манзилгоҳда жомеъ масжиди, карвонсарой мавжуд бўлган, хунармандчиликнинг 32 тури ривожланган бўлиши лозим. Шундагина бу манзилгоҳ шаҳар мақомини олган. Шаҳар майдони ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Масалан, Кеш 40, Нахшаб 150, Заҳҳоки Марон қалъаси 225 танобдан иборат эди. Манбаларда Насаф 100, Самарқанд 65, Бухоро 35, Термиз 20 гектарни эгаллаганлиги қайд этилган [5:21 – 22].

Қадимшунослар фикрича Насаф шаҳри майдони 70-100 (С.К.Кабанов) баъзан эса 200 танобни (Б.Кочнев) ташкил этган. X – XII асрлар Насафнинг энг гуллаб яшнаган даврига тўғри келган. Бу даврда Кеш таназзулга учраб, Хузор ҳам Насафга тобе эди. Кўриниб турибдики, Насаф эгаллаган майдон Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг энг йирик шаҳарлари ҳажмидан қолишмаган. Насаф шаҳри кўхандиз, работ ва шаҳристондан иборат эди. Воҳада 20 танобдан 40 танобгача майдонга эга бўлган шаҳарлар кўп бўлиб, Сариктепа,

Кўрғонтепа, Тупроктепаларни бунга киритиш мумкин. Бу манзилларда асосан хунармандчилик тараққий этган эди [6:61 – 62].

IX – X асрларда қуйи Қашқадарёдаги манзилларга Фарҳуздиша (Парғўза), Қўлбуқатепа, Шайхалитепа, Наймантепа, Олгинтепа, Офуронтепа, Ҳайбартепа, Хонободтепа, Каттатепа киради. Шунингдек, X-XII асрларда яшашда давом этган қишлоқлар мундарижасини Кўрғонтепа, Қўштепа, Мозорттепа, Бобокенттепа, Бойғўндитепа, Поштонтепа, Деновтепа, Ёзтепа сингари обидалар билан ҳам тўлдириш мумкин. Бу манзилгоҳларда X-XII асрларда қизгин ҳаёт давом этган, кулолчилик ривожланган ва аҳоли асосан деҳқончилик билан машғул бўлган.

Ўрганилаётган даврда Насаф шаҳри Бухородан Балхга борадиган қарвон йўлида Қашқадарёнинг ёқасида жойлашган бўлиб, ўз даврининг муҳим иқтисодий, маданий ва сиёсий марказларидан ҳисобланган. Ўрта Осиёнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний (973 – 1048) асарида Насаф шаҳри номи тилга олинган. Шунингдек, аллома “Қонуний Масъудий” асарида бешинчи иқлимдаги жойларга тавсиф бериб, “Насаф шаҳри ёки бу Нахшобдир. У (Сўғд) нинг чегарасида” деб кўрсатган эди [7:426].

Араб сайёҳлари Насаф шаҳри атрофида бир қанча қишлоқларнинг мавжудлигини қайд қилишган: Базда, Касби, Маймурғ. Булар Насафдан йирик бўлиб, аҳолиси ҳам кўпчиликини ташкил этган. Рус тадқиқотчиси О.Болшаков ҳисобича Қашқадарё воҳасидаги мавжуд 6 та шаҳардан 2 тасида (Кеш ва Насафда) 30 мингдан 60 минггача киши яшаган. Қолган 4 тасида 5 мингдан 20 минггача, жами 6 та шаҳарда 80 минг киши истиқомат қилган [8].

IX – X асрларда Қашқадарё воҳасининг аҳолиси этник таркиби ҳам бир хил бўлмаган. Кеш ва Насаф вилоятларида туркийзабон аҳоли билан бирга тожиклар ҳам яшашган [9:210 – 211].

Қишлоқларда араблар ҳам истиқомат қилишган. IX аср бошларида қарлуқ қара хитойлари Мовароуннаҳрни батамом эгаллагач бу ҳудудга кўплаб этник гуруҳларнинг кўчиб келиши тезлашган. Шу даврда Сирдарё соҳилларигача Еттисув ва Шарқий Туркистондан қарлуқ, чигил, холач, аргун, тухси каби этник гуруҳлари ҳам келиб жойлашишган. Уларнинг баъзилари Насаф воҳасига ўрнашиб, маҳаллий аҳолига қўшилиб кетишган [10:184].

IX – X асрларда Насаф шаҳрида қасрлар, работлар, қарвонсаройлар, тимлар, масжиду мадрасалар қурилиши авж олган. Бу иморатларнинг аксарият қисми паҳса ва хом ғиштдан тикланган. Пишиқ ғишт ҳам иккинчи даражали ўринда турган. Аммо пишиқ ғиштдан иморат қуриш ҳам аста-секин таомилга қира бошлаган.

Насаф воҳаси ва унинг пойтахт шаҳри ҳақида араб муаррихлари ва саёҳатчиларининг асарлари ғоят муҳим манба ҳисобланади. Машхур муаррих ва сайёҳ, ҳадисшунос Абу Саъид Абдулқарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1113-1167) ўзининг “Китоб ал-ансоб” (“Насаблар ҳақида китоб”) асарини бу соҳадаги энг ноёб манба дейиш мумкин [11:40].

Самъоний XII аср ўрталарида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Насаф шаҳарларида бўлган. У 1155 йилда бир муддат Самарқандда тўхтаб, Кешда 12 кун, Насафда эса 2 ой яшаган. Олим Кеш ва Насафнинг 85 манзиллини тилга олган. Унга асосланган академик В.В. Бартолд “Мўғул босқини даврида Туркистон” асарида Кеш ва Насафнинг 57 та шаҳар ва қишлоқларини санаб ўтган. Самъоний Насафда 2 ой яшаб, ўз асарида шаҳарнинг маҳаллалари ва теваарак – атрофидаги мавзелар ва қишлоқларни ҳам қайд этган. У ўз асарларини ёзишда Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ан-Насафийнинг 2 жилдлик “Насаф ва Кеш тарихи” асарида унумли фойдаланган. Олим Насафнинг 3 та маҳалласи, 4 та кўчаси, 2 та масжиди, 2 та қарвонсаройи, 1 та работи, 1 та минораси ва 1 та дарвозаси ҳақида маълумот берган. У, шунингдек, Насаф вилоятидаги 40 та қишлоқ, 1 та мавзе, 1 та қаср номини ҳам тилга олган [3:100 – 107].

Араб сайёҳи Абул Исҳоқ ибн Муҳаммад ал Форсий ал-Истаҳрий (850-934) Насаф шаҳридаги работ, Самарқанд, Кеш, Нажжория, Ғубдин каби 4 та дарвозасини қайд этган. Жумладан, Муқаддасий (X аср) эътирофича Насафнинг кўхандизи бузилган бўлиб, аҳоли

жойлашган работ баландликда эди. Шахарни дарё кесиб ўтган бўлиб, унинг қирғоғида ҳукумат девони жойлашган эди. Жоме масжиди бозор ёнидаги работда ўрнашганди.

Абулқосим ибн Ҳавқал (X аср) “Масолик ул мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар”) асарида Бухоро, Кеш қатори Насаф ҳам Суғд мулкларидан бири бўлиб, махсус девон томонида бошқарилишини қайд этган. У ҳам Насафнинг Нажжория, Самарқанд, Кеш ва Губдин дарвозалари ҳамда шаҳардаги арк харобаси мавжудлиги ҳақида хабар берган. Олим маълумотича Насаф бозори жоме масжиди билан ҳукумат девони оралиғидаги Губдин дарвозаси яқинида жойлашган эди.

Ривожланган ўрта асрларда (VIII – XII асрларда) Қашқа воҳасида аҳоли манзилгоҳлари деҳқончилик ва чорвачилик учун жуда қулай бўлган ҳудудларда анъанавий тарзда тараққий этган. Сунъий суғоришга қулай ҳудудларда янги қишлоқлар пайдо бўлган. Насаф шаҳри атрофида ўрта асрларда аҳоли манзилгоҳлари асосан сув билан боғлиқ ҳудудларда қарор топган эди.

Бу даврдаги Қашқа воҳаси иқтисодий тараққиётида унинг турли туманларидаги ўзига хос жихатлари муҳим ўринда турган. Воҳанинг энг серҳосил ва унумдор ерлари унинг юқори қисми Китоб – Шаҳрисабз ҳавзасида жойлашган эди. Бу ҳудудда табиий намлик юқорилиги сабабли суғорма деҳқончилик анча ривожланганди.

Куйи Қашқадарёда эса, аксинча сел сувларига асосланган шартли суғорма деҳқончилик нисбатан кичик майдонларда амал қилинган. Ваҳоланки, тоғ олди ҳудудлари, доимий яйловлари эса лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай эди. Қашқадарё суви етиб келадиган Насаф атрофидаги баъзи қишлоқларда эса полизчилик ва боғдорчилик ривож топган. Ёзма манбаларда VII-VIII асрлар бошларида Қашқа воҳасида буғдой, арпа, тарик, нўхат, ловия, беда, жўхори, пахта каби ўсимликлар экилган. Шарқшунос А.Ю. Якубовский фикрича, воҳада боғдорчилик, полизчилик ҳам ривож топган, боғларда ўрик, олча, бодом, ёнғоқ ва бошқа мевалар кенг тарқалган, пахтадан турли газламалар тўқилган.

Воҳанинг табиий иқлими унинг иқтисодий тараққиётида бош омил эди. VI-VII асрлардан эътиборан куйи Қашқадарёда сунъий суғориш шаҳобчалари юксалган, пул – моддий муносабатлари йўлга қўйилиб, аҳоли турмуш шароити яхшиланган. Суғорма ва лалми деҳқончилик ривожланган. Насаф атрофида узумзорлар ва боғлар жойлашган. Боғ, полиз экинлари қудуқ сувларидан суғорилган. Ёз пайтида Қашқадарё суви Насафдан ўтган (Маймурғ), Бухоро воҳаси сарҳадига йўл олган ва Зарафшонга қуйилган. Сув танқислиги сабабли деҳқонлар ариқлар қазилган, дамбалар солишган, сардобалар қуришиб сел сувларидан унумли фойдаланишган.

Қадимшунослар Олтинтепадан буғдой қолдиғини топишди. VI-VII асрларда Нахшабда буғдой етиштирилганлиги муаррих Н.Й.Бичурин ҳам ёзиб қолдирган. Насаф работида IX асрда фойдаланиб келинган гишт қудуқдан олма, қовок, қовун, тарвуз, жийда, ўрик, шафтоли, ерёнғоқ, бодом, узум уруғлари топилган. Ялонттепадан шафтоли, тарвуз, қовун уруғлари, Киндиклитепада тарвуз уруғлари учраган. Араб сайёҳлари ҳам Насаф атрофида сара навли узумзорлар мавжудлигини қайд этишган. Воҳада узумдан шароб тайёрлаш йўлга қўйилган.

Воҳанинг кўпгина ерларига илк ўрта асрлардаёқ пахта экилган. IX асрга оид Насаф қудуғидан бир чаноқ пахта ва чигитлар топилган. Пахтадан газламалар ва кийим-кечаклар тайёрланган. Насаф вилояти ерларининг маълум қисми суғорма ҳосилдор ерлар ҳисобланиб, боғлар ва мевазорлар мавжуд эди. Қишлоқлар ерларининг аксарият қисми қор, ёмғир сувларидан суғорилган. Боғ, чорбоғларни суғоришда эса қудуқ сувидан фойдаланишган.

Манбаларга кўра, Қашқадарё воҳасида 80 минг гектар суғорма ерлар мавжуд эди. 2-3 кишига 1 гектар ер тўғри келганидан қишлоқ аҳолиси 160 – 240 минг нафар кишини ташкил этган. 80 минг шаҳар аҳолисини ҳисобласак, воҳа турғун аҳолиси сони 280 минг нафар кишини ташкил этган. Аҳолининг аксарият қисми чорвадор бўлиб, кўчманчи, ярим ўтрок тарзда ҳаёт кечирган. Чорва учун бепоён чўл, тоғ олди ва тоғ оралиғидаги яйловларга бой эди. Бу қишин-ёзин мол сақлаш ва боқишни тақоза этган. Аҳоли ўтов, капаларда

яшашган. Араб муаллифлари асосан шаҳарлар ва йирик қишлоқлар аҳолисини ҳисобга олишган, албатта.

Хуллас, IX – XII асрларда Насаф вилоятидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларни мухтасар қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Насаф вилояти ва унинг пойтахти Насаф шаҳри ўрганилаётган даврда Мовароуннаҳрнинг йирик марказларидан бири ҳисобланган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Бартольд В.В. Сочинения. том. II. часть 2. – М.: Наука, 1964. – С. 522.
2. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995. – Б.3 08 – 309.
3. Камалиддинов Ш. “Китаб ал-ансаб” Абу Са’да Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Сам’ани қандак источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т., 1993. – С.134 – 136.
4. Равшанов П. Қарши тарихи. – Т., 2006. – Б. 247 – 248.
5. Кабанов С.К. Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарьи. Труды Института истории и археологии. Вып. 7. – Т., 1955. – С. 21 – 22.
6. Раимқулов А. Жанубий Суғднинг VIII – XIV асрлар даври тарихий топографияси. Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2018. – Б.61 – 62.
7. Абу Райхон Беруний. Қонуний Масъудий. – Танланган асарлар. V жилдлик.1-китоб. – Т., 1973. – Б. 426.
8. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – М., 1973.
9. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001. – Б. 210 – 211.
10. Бўриев О. Қарши воҳасидаги этник жараёнлар // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. – Қарши: Насаф, 2006. – Б. 184.
11. Бўриев О. Насаф шаҳри муаррих Самъоний наздида // Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида. – Қарши: Насаф, 2006. – Б. 40.

Наширга проф. О.Бўриев тавсия этган

ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАТТАҚЎРҒОН БЎЛИМИ АҲОЛИСИ: ИЖТИМОЙ ТАҲЛИЛ

Холхужаева Ю.У. (СамДУ Каттақўрғон филиали)

Аннотация. Ушбу мақолада Россия империяси ҳукмронлиги йилларида Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан асосий ўринларда турувчи Каттақўрғон бўлими аҳолисининг этник таркиби ва сони тўғрисида бирламчи ёзма манбаларда, шунингдек, махсус тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларни тадқиқ ва таҳлил этиш, уларни умумлаштириш аҳолининг сони ва этник таркиби хусусиятларини аниқлаш вазифалари қўйилган. Бу вазифаларни бажариш натижасида Самарқанд вилояти ва Каттақўрғон бўлимига оид бирламчи манбалар ва махсус тарихий адабиётлар устида кичик тарихий-манбавий таҳлилни амалга ошириш кўзда тутилган.

Таянч сўзлар: *Россия империяси, Туркистон ўлкаси, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон бўлими, аҳолисининг тоифалар, миллатлар таркиби, сони, статистик маълумотлар.*

Аннотация: В данной статье ставятся задачи исследования и анализа представленной в первичных письменных источниках информации об этническом составе и численности населения Каттакурганской ветви, которая в годы правления Российской империи занимала основное место в социально-экономическом аспекте Самаркандской области, а также в специальной исторической литературе, в результате выполнения этих задач, предусмотрено провести небольшой историко-источниковедческий анализ по первоисточникам и специальной исторической литературе по Самаркандской области и Каттакурганскому филиалу.

Ключевые слова: *Российская империя, Туркестанская область, Самаркандская область, Каттакурганский филиал, категории населения, состав, количество наций, статистика.*

Аннотатсион. This article sets the tasks of researching and analyzing the information presented in the primary written sources on the ethnic composition and number of the population of the Kattakurgan branch, which during the years of the rule of the Russian Empire took the main place in the socio-economic aspect of the Samarkand region, as well as in the special historical literature. As a result of these tasks, it is envisaged to carry out a small historical-source analysis on primary sources and special historical literature on the Samarkand region and the Kattakurgan branch.

Keywords: *Russian Empire, Turkestan region, Samarkand region, Kattakurgan branch, categories of population, composition, number of Nations, statistics.*

Ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида юзлаб этнослар ва этник бирликларни бағрига сиғдирган Ўзбекистон тарихини ҳам аҳолининг этник таркиби ва сони каби асосий аспектларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, маълум бир ҳудуд аҳолисининг миллий таркиби ва сони тўғрисида чоп этилган ёзма манбалар, архив материаллари, илмий тадқиқотлар ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларнинг тарихий-манбавий таҳлили тарих фанининг бош масалаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу мақолада 1868 йилда Зарафшон водийси катта қисмининг Россия империяси томонидан эгалланиши ортидан таъсис этилган Зарафшон музофоти ва унинг Каттакўрғон бўлими аҳолисининг этник таркиби ва сони тўғрисида бирламчи ёзма манбаларда, шунингдек, махсус тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларни тадқиқ ва таҳлил этиш, уларни умумлаштириш аҳолининг сони ва этник таркиби хусусиятларини аниқлаш вазифалари қўйилган. Бу вазифаларни бажариш натижасида Самарқанд вилояти ва Каттакўрғон бўлимига оид бирламчи манбалар ва махсус тарихий адабиётлар устида кичик тарихий-манбавий таҳлилни амалга ошириш кўзда тутилган. Мақолада моҳиятан муаммо бўйича тарихшунослик таҳлили амалга оширилгани боис мавзунинг тарихшунослиги бўйича алоҳида тўхталинмади.

“Туркистон ўлкасининг 1870 йилда Санкт-Петербургдаги Бутунроссия мануфактура кўргазмасида иштирок этиши тўғрисида” аталмиш йиғма жилдидаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, Зарафшон музофоти аҳолиси сони тўғрисида дастлабки маълумотлар 1869 йилда тўпланган. Масалан, Туркистон Ҳарбий-топографик бўлимига тақдим этилган ахборотда Самарқанд бўлимида 179 минг 522 киши, Каттакўрғон бўлимида 136 минг 11 киши истиколат қилганлиги кўрсатилган. Ахборотда келтирилган маълумотларни умумлаштирадиган бўлсак, музофот аҳолиси 1869 йилда 315 минг 533 кишидан иборат бўлган, деб ҳисоблашимиз мумкин.

1870-1871 йилларда музофотга Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган бекликларнинг қўшиб олиниши натижасида музофот аҳолиси сони ўсган, бироқ бу тўғрисида маҳкама иш юритиш ҳужжатларида ҳеч қандай қайд келтирилмаган. Иш юритиш ҳужжатларининг аксариятида музофот аҳолисининг сони бўйича 1880 йилларда тўпланган маълумотлар ўрин олган. Хусусан, 1885 йил феврида Туркистон Ҳарбий-топографик бўлимига тақдим этилган маълумотларга кўра, Зарафшон музофоти аҳолисининг умумий сони 398 минг 535 кишидан иборат бўлган. Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори А.М. Яфимович томонидан собиқ Зарафшон музофоти бўйича тақдим этилган ожизона ҳисоботга кўра, 1886 йилда музофот аҳолиси 464 минг 985 кишини ташкил этган. Юқорида келтирилган маълумотлар музофот шаҳар ва қишлоқларидаги уйлар сонига нисбатан олинган ва тахминий статистик маълумотлар ҳисобланади. [1; 20].

1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш Низоми” га мувофиқ, Туркистон ўлкасининг маъмурий-худудий бўлиниши ўзгартирилди. Бунда мавжуд бирликларни унификациялаш принципига изчил риоя қилина бошланди. Зарафшон округи Самарқанд вилоятига айлантирилди. Унинг таркибига Сирдарё вилоятининг Хўжанд ва Жиззах уездлари ўтказилди ва кейинчалик Самарқанд вилояти Жиззах, Каттакўрғон, Самарқанд ва Хўжанд уездларидан ташкил топди. Самарқанд вилояти ва унинг таркибидаги уезд (туман), шаҳар ва участка (жабҳа)лар номи келтирилди. 1897 йилда М.Вирский берган маълумотларга кўра, Самарқанд узеда-32 та, Хўжанд уезде-11 та, Каттакўрғон уезде-

31 та, Жиззах уездда-17 та волост мавжуд эди. Вилюят бўйича 390 та қишлоқ ва 48 та овул жамоалари, аҳоли пунктлари 2267 та қишлоқ ва 158 та овулдан иборат бўлган [2; 75].

Самарқанд вилоятида аҳолиси сони бўйича Каттақўрғон уезди етакчи ўринда турган. Жумладан, 1897 йилдаги Россия империя аҳолисининг биринчи марта рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотларга кўра уездда аҳоли сони умумий 110006 нафар кишидан иборат бўлган. Шундан эркалар 60897 нафар ва аёллар 49109 нафарни ташкил этган. Каттақўрғон шаҳар аҳолиси умумий 10087 киши, шундан эркалар 5954 нафар аёллар, 4133 кишидан иборат бўлган.[3; 3-4].

1880 йил учун Каттақўрғон бўлими аҳолисининг тоифалар ва миллатлар бўйича сони кайдномаси: [4; 49-50].

№	Каттақўрғон бўлими ва шаҳри	Шаҳарда		Бўлимда		Жами		Умумий
		эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	
1	Наслий дворянлар	30	9			30	9	39
2	Шахсий дворянлар	10	9			10	9	19
3	Рухонийлар	1				1		1
4	Шаҳар сартлари	4500	4600					
5	Рус савдогарлари	1	1			1	1	2
6	Рус мешчанлари	6	3			6	3	9
7	Қишлоқ крестянлари	1	1			1	1	2
8	Қишлоқ сартлари							127,100
9	Истеъфодаги ҳарбийлар	6	2	1	1	7	3	10
10	Қуйи унвонли ҳарбийлар	1575	96			1575	96	1671
11	14 ёшгача бўлган болалар	30	26	1770	2000	1800	2026	3826
12	Ҳиндлар	48		25		73		73
13	Яҳудийлар	195	163	67	67	262	230	492
	Жами	6403	4910	1863	2068	3766	2378	133244

1880 йил Каттақўрғон бўлимида жами аҳоли таркибида православлар 1496, расколниклар 15, рим-католиклар 50, арманлар 13, яҳудийлар 542, мусулмонлар 132403 ва бутпарастлар 80 нафарни ташкил этган.

1883 йил учун Каттақўрғон бўлими рус аҳолисининг тоифалар бўйича рўйхати кайдномаси бўйича.

Каттақўрғон бўлимида наслий дворянлар 3, шахсий дворянлар 3, рухонийлар 1, қуйи унвонли хизматчилар 466 ва 14 ёшгача бўлган болалар 28 нафарни ташкил этган. Уларнинг жами сони 501 кишидан иборат бўлиб, шундан хотин-қизлар 57 нафар.

1883 йил учун Каттақўрғон шаҳридаги ҳарбий-халқ бошқаруви хизматчиларининг диний эътиқод бўйича рўйхати кайдномаси.

Каттақўрғон шаҳридаги ҳарбий-халқ бошқаруви хизматчиларидан 395 нафари православ (шундан 30 нафари аёллар), 14 нафари расколник, 1 нафар рим-католик, 16 нафари мусулмон ва 11 нафари бутпараст бўлган. Уларнинг жами сони 466 нафарни ташкил этган [5; 19-20].

1883 йил учун Каттақўрғон шаҳридаги жами русийзабон аҳолининг тоифалар бўйича кайдномаси.

Каттақўрғон шаҳрида наслий дворянлар 32, шахсий дворянлар 3, қуйи унвонли ҳарбий хизматчилар 801, 14 ёшгача бўлган болалар 42 нафарни ташкил этган. Шундан хотин-қизлар 71 нафар.

1883 йил учун Каттақўрғон шаҳридаги жами ҳарбий хизматчиларнинг диний эътиқод бўйича қайдномаси.

Ҳарбий хизматчилардан 758 нафари православ, 28 нафари расколник, 18 нафари рим-католик, 17 нафари яҳудий, 15 нафари мусулмон эътиқодига мансуб бўлган. Уларнинг жами сони 836 нафарни ташкил этиб, шундан 55 нафари хотин-қизлар[6; 23-24].

1-жадвал

1883 йил учун Каттақўрғон бўлими аҳолиснинг тоифалар ва элатлар бўйича қайдномаси

№	Каттақўрғон бўлими ва шаҳри	Каттақўрғон шаҳри		Каттақўрғон канцелярия бўлими		Жами		Умум
		Эрк	Аёл	Эрк	Аёл	Эрк	Аёл	
1	Наслий дворянлар	29	10			29	10	39
2	Шахсий дворянлар	17	6			17	6	23
3	Руҳонийлар	1				1		1
4	Шаҳар сартлари	8000	8000	5000	5000	13000	13000	26,000
5	Рус мешчанлари	1	3			1	3	4
6	Қишлоқ крестянлари	5	3			5	3	8
7	Қишлоқ сартлари			62000	62000	62000	62000	124,000
8	Истеъфодаги ҳарбийлар	11	4			11	4	15
9	Қуйи унвонли ҳарбийлар	1189	78			1189	78	1267
10	14 ёшгача бўлган болалар	48	39			48	39	87
11	Ҳиндлар	45		25		70		70
12	Яҳудийлар	225	192	80	80	305	272	577
	Жами:	9571	8335	67105	67080	76676	75415	152,091

1883 йилда Каттақўрғон бўлимида православлар 1,341, расколниклар 19, яҳудийлар 577, мусулмонлар 150,031, бутпарастлар 81 нафарни ташкил этган[7; 30-31].

2-жадвал

Каттақўрғон бўлимида ҳовлилар, уйлар, ўтовлар ва масжидлар сони тўғрисида статистик маълумотлар (1870 йил учун).

№	Каттақўрғон бўлими	Ҳовлилар сони	Уйлар сони	Ўтовлар сони	Масжидлар сони
1	Пайшанба қўрғони	503	644		10
2	Пайшанба тумани қишлоқларида	3028	5287		147
	Жами:	3531	5931		157
1	Каттақўрғон шаҳрида	843	1027		30
2	Каттақўрғон тумани қишлоқларида	2914	3594	759	124
	Жами:	3757	4621	759	154

Каттақўрғон бўлими бошлиғи томонидан тақдим этилган маълумотлар:

1870 йилда Пайшанба шаҳрида истиқомат қиладиган ҳиндларнинг сони 23 кишини ташкил этган. Уларнинг деярли барчаси саройда (карвонсарой) яшаган ва сутхўрлик билан шуғулланган.

1870 йилда Каттақўрғон шаҳрида яшовчи ҳиндларнинг сони 33 кишини ташкил этиб, улар карвонсаройларда яшаган ва сутхўрлик билан шуғулланган. Айримлари бой ҳиндларнинг хизматкорлари ҳисобланади.

1870 йил 20 апрел ҳолатига кўра, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи яхудий эркаклардан 40 нафарининг рўйхати тақдим этилган.

1870 йил 20 апрел ҳолатига кўра, Пайшанба шаҳрида яшовчи яхудий эркаклардан 69 нафарининг рўйхати тақдим этилган[8; 29, 35, 40, 50].

1883 йилда Каттақўрғон бўлими бўйича ҳовлилар сони 30,040 тани, аҳоли сони 159,145 нафар кишини ташкил этган[9; 8-15].

3-жадвал

ККБ шаҳарлари аҳолиси сони таркиби тўғрисида қайднома (1872)

№	Каттақўрғон бўлими	Каттақўрғон шаҳри		Пайшанба шаҳри		Митан кўрғони (Гирдиқўрғон)	
		Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл
1	Тожиқлар	1700	1630			53	51
2	Ўзбеклар	550	451	1018	925	118	126
3	Еронилар	18	20				
4	Яхудийлар	120	101	85	77		
5	Ҳиндлар	47		19			
6	Лўлилар	100	73				
	Жами аҳоли:	4810		2124		348	

2.12.1872 да ККББ томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, ККБда эркаклар 27378, аёллар 34031 кишини жами аҳоли 51,409 кишини ташкил этган.

4-жадвал

ККБ бўйича статистик маълумотлар (30.03.1873) [10; Б. 25-26].

№	Умумий маълумотлар	сон
1	Ҳовлилар	17895 та
2	Эркаклар	27388 жон
3	Аёллар	24031 жон
	Жами:	69314
1	Этнографик маълумотлар	
2	Тожиқлар	6469 киши
3	Ўзбеклар	41408 киши
1	Тоифавий маълумотлар	
2	Диндорлар	677 киши
3	Савдогарлар	79 киши
4	Қора ишчилар	5430 киши
5	Саноатчилар	4268 киши
6	Дехқонлар	16934 киши

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Самарқанд вилояти Каттақўрғон бўлимига кўра, Самарқанд аҳолисининг этник таркиби ва сони тўғрисида янги фактларни қўлга киритиш имкониятини берди. Каттақўрғон бўлимида уйларнинг умумий сони 2080 тани ташкил этиб, шундан 48 таси русларга тегишли бўлган. Самарқанд шаҳри аҳолисининг этник таркиби ва сони тўғрисида фақат музофот бошлиғи маҳкамаси

хужжатларидан нисбатан ишончли маълумотларни олиш мумкинлиги аниқланди. Шаҳарнинг барча аҳолиси кўшинлардан ташқари 10000 жонни ташкил этган. Юқоридаги маълумотларга таяниб шуни алоҳида таъкидлаш лозим Каттақўрғон бўлими ижтимоий жиҳатдан ўзига хос ўринга эга еканлигини манбалар орқали билиш мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ахмедов Т.О. Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш хужжатлари тарихий манба сифатида: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. – 20 б.
2. Нормуродова Г.Б. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси. – Тошкент: Янги нашр, 2013. – Б. 75.
3. Первая Всеобщая перепись населения Российской империи, 1897 г. Самаркандская область. – СПб., 1905.-С. III-IV.
4. ЎзР МДА, И 22-жамғарма, 1-рўйхат, 269-иш, 49-50 varaқлар.
5. ЎзР МДА, И 22-жамғарма, 1-рўйхат, 365-иш, 19-20 varaқлар.
6. ЎзР МДА, И 22-жамғарма, 1-рўйхат, 365-иш, 23-24 varaқлар.
7. ЎзР МДА, И 22-жамғарма, 1-рўйхат, 365-иш, 30-31 умумий varaқлар.
8. ЎзР МДА, И 22-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш, 29, 35, 40, 50varaқлар.
9. ЎзР МДА, И 22-жамғарма, 1-рўйхат, 343-иш, 8-15 varaқлар.
10. ЎзР МДА, И 22-жамғарма, 1-рўйхат, 97-иш, 25-26 varaқлар.

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

ЁШ БУХОРОЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ФОЖЕАЛИ ТАҚДИРИ

Темиров Ф.У. (БухДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада тарихнавис олим ва маърифатпарвар адиб Садриддин Айнийнинг илмий-ижодий фаолияти, тарихнавислик истеъдоди, тарихий қарашлари, шунингдек Бухоро амирлигида юз берган 1918-1920 йиллардаги воқеалар талқини, Колесов воқеаси, унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, Ёш бухороликлар билан амир ҳукумати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган

Таянч сўзлар: Колесов, Ёш бухороликлар, маърифатпарвар, жаҳид, матбуот, қўлланма. дарслик, “Ойина”, инқилоб, “Мехнаткашлар товуши”, “Зарафшон”, Хуррият”, Инқилоб”.

Аннотация. В данной статье научно проанализированы научно-творческая деятельность, талант в историографии, исторические подходы историка учёного и просветителя Садриддина Айни, а также события в 1918-1920-х годах в Бухарском эмирате, дело Колесова, его причины и последствия, политические отношения между младобухарцами и эмиром Бухары на основе исторических источников.

Ключевые слова: просветитель, джаҳид, пресс, учебное пособие, учебник, “Ойина”, революция, “Мехнаткашлар товуши”, “Зарафшон”, “Хуррият”, “Инқилоб”.

Abstract: Abstract: This article scientifically analyzes the scientific and creative activity, talent in historiography, historical approaches of historian and educator Sadrididdin Aini, as well as events in 1918-1920s in Bukhara Emirate, Kolesov case, its causes and consequences, political relations between young Bukhara and Bukhara Emirate on the basis of historical sources.

Keywords: Enlightenment, Jadid, Press, Guide. Textbook, "Mirror", Revolution, "Voice of Workers", "Zarafshan", "Hurriyat", "Revolutionary".

Бухородаги жаҳидчилик ҳаракати Туркистон ўлкасига нисбатан бошқача ижтимоий-сиёсий шароитда юзага келган эди. Унинг таркиби асосан Бухородаги шаҳар аҳолисининг тараккийпарвар қисми: зиёлилар, мадраса талабалари, майда дўкондорлар, маъмурлар, хунармандлар ва савдогарлардан иборат эди. Жаҳид тараккийпарварлари аввало мавжуд солиқларни камайтириш, мамлакат миқёсида маданий ва маърифий ўзгаришлар қилиш

талаблари билан чиқишган эди. Улар дастлаб Бухородаги амирлик тузуми доирасида ислохотлар жорий қилмоқчи бўлишди.

Жадидчилик ҳаракати XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон минтақаси, Кавказ, Қрим, Татаристон халқлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий - сиёсий ва маърифий ҳаракат ҳисобланади. Жадидчилик ҳаракати дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида Қримда Исмоилбек Гаспринский (1851-1914) раҳбарлигида қрим татарлари орасида вужудга келди. Бу ҳаракат намояндалари дастлаб ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик эса жадидлар деб аташган. Ўша даврнинг илғор тараққийпарвар кучлари, биринчи навбатда, зиёлилар мусулмон аҳолининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлигини ҳис этиб, жамиятни ислоҳ қилиш заруриятини тушуниб етган эдилар.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг кучайиши натижасида ундан Бухорода Ёш бухороликлар (1910) ва Хивада Ёш хиваликлар (1914) партиялари ажралиб чиқди. Бу ташкилотларнинг аъзолари нафақат ёшлар бўлганлиги учун, балки фикр ва ғоялари теран бўлганлиги учун ҳам улар ўзларини шундай аташган. Бу ёшлар ҳаракатлари ўз таркибига турли зиёлилар, савдогарлар, сармоядорлар ва хунармандлар каби турли ижтимоий гуруҳларни бирлаштириб, жадидчилик ғоялари билан қуролланган эди.

Бу даврда миллий зиёлилардан Садриддин Айний (1878-1954 й), Абдурауф Фитрат (1886-1938 й), Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим) (1875-1934 й), Файзулла Хўжаев (1896-1938 й), Убайдулла Хўжаев (1882-1938 й), Мукамил Бурҳонов (1884-1937 й), Усмон Хўжа (1878-1968 й), Атоулла Хўжаев (1880-1937 й), Абдукодир Муҳиддинов (1892-1934 й), Мусо Саиджонов (1893-1937 й) кабилар Ёш бухороликлар ҳаракатининг фаол вакиллари эдилар.

С.Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида ёзишича, Русия ва Туркияда юз берган инқилоблар, Истанбул (Туркия), Боку (Озарбайжон), Қрим (Россия) ва бошқа ўлкалардан Бухорога тарқала бошлаган турли газета ва журналларнинг таъсири остида секин-аста эркин фикрлилар яъни янги миллий зиёлилар гуруҳи шаклланган. Шунингдек, Бухорода фаолият кўрсатаётган Низом Собитовнинг татар мактаби, Мулла Жўрабой томонидан 1900 йилнинг бошларида Бухоронинг Пўстиндўзон гузаридида очилган янги мактаб тез орада шуҳрат қозонганидан кейин, бу мактаблар бир қанча кишиларнинг фикрини юксалтириб, мактаб атрофида бирлашадилар. “Яна бир янги ёш фикрлилар (тараққийпарварлар) гуруҳи вояга етдилар. Мактаб муқобили натижасида, ўқувчилар бош кўтариб қиёмат қилдилар, бир - бирларига ҳамфикр ва ҳамдард бўлиб, худди жамият рангини олдилар. Улар бир жойда тўпланиб, мақсадлари ўзларига маълум эди”.

Демак, амирликда яширин равишда тарқала бошлаган газета ва журналларнинг мутолаа қилувчилари, янги мактаб тарафдорларининг Бухорода алоҳида бир жамиятнинг шаклланишига сабабчи бўлади. Бунда Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхожа Меҳрий, Аҳмаджон маҳдум Ҳамдий, Усмон Хўжа каби “эски жадидлар” (кекса ёшли) сафларига уларга ҳамфикр ва хайрихоҳ бўлган Абдурауф Фитрат, Ф.Хўжаев каби тараққийпарварларнинг ўзаро жипслашувига олиб келади. Бунинг натижасида 1910 йилда Ёш бухороликлар ташкилоти вужудга келди.

Ёш бухороликлар 1910-1917 йилларда, асосан, маърифатпарварлик ишлари, янги усул мактабларини ташкил этиш, таълим - тарбия тизимини ислоҳ этиш учун курашиб, тожик тилида “Бухоройи шариф” 1912 йилнинг 11 мартидан - 1913 йил 12 январгача ва ўзбек тилида “Турон” номли газета 1912 йил 11 июндан - 1913 йил 3 январигача нашр қилинди. 1917 йилга келиб жадидларнинг бу ташкилоти сиёсий тусга киради. Энди, уларнинг асосий мақсадлари мавжуд бўлган амирлик тузуми доирасида, эскича бошқарув идорасида кенг ислохотлар ўтказиш орқали ҳукуматда Ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан мукамал ассамблеяни тузиш, шунингдек, маҳаллий халқ аҳолини яхшилаш, солиқларни камайтириш, мактаб ва мадраса таълими тизимида жиддий ўзгартиришлар яшашдан иборат эди.

1914 йилда Ёш бухороликлар томонидан икки муҳим иш амалга оширилди. Буларнинг биринчиси, “Маърифат кутубхонаси” ва “Баракат ширкати” очилди. Бу

кутубхоналарга Туркия, Татаристон, Қрим, Озарбайжондан зиёли жадидларнинг китоблари, дарслик ва қўлланмалар келиб турди. Шу даврда Усмонхўжа ва Ҳамидхўжалар Бухорода, Атаулла Хўжаев ва Фитрат Шаҳрисабзда янги мактаблар очдилар. Айниқса, 1914 йилдан бошлаб амир таъқиби асосида Бухорода жадид мактаблари ёпила бошлагач, Фитрат ва Атауллахўжалар бошчилигида Ғиждувон, Кармана, Нурота, Чоржўй, Карки каби манзилларда янги усул мактабларини очишга муваффақ бўлдилар. С.Айний 1914 йилги Бухорода юз берган воқеалар тафсилотини баён қилар экан: “Бу орада Фитрат билан Атаулла Хўжаев Бухорога қайтиб келиб, мактаблар ислоҳида бош бўлиб, мактаблар очиш йўлида қатор ишларни амалга ошириб, ёшлар ва муаллимлар билан маслаҳатлашган ҳолда мактаблар атрофида бирлашдилар”, - деб ёзган эди,

1917 йил Бухородаги апрель воқеалари муносабати билан кўпгина жадидлар, тараққийпарварлар жадидчиликда ва намойишда иштирокчи сифатида тухмат билан кўплаб кишилар қамокка олинган ва жазога тортилди. Жадидларнинг таниқли намояндаларидан айримларининг қўлга тушганлари ҳам бўлган. Бу ҳақда олим шундай ёзади: “Булар: Зиёвуддин Маҳдум, Аҳмад Наим, Мирзо Абулфаёз, Мирзо Аҳмад, Мирзо Назрулло Ғаффулло, С.Айний, Мирбобо Муҳсинзода ва Абдурасул.

Бухородаги 1918 йил “Колесов воқеалари” муносабати билан ҳам бир гуруҳ Ёш бухороликларнинг фаол аъзолари, маърифатпарварлар жазога тортилиб, қаттиқ жазга тортилган: Ҳамидхўжа Меҳрий, Ҳожи Абдусаттор, Мирзошоҳ Фоиз, Мирзо Аҳмад, Мулло Вафо, мударрис Ҳожи Сирожиддин, Мирзо Раҳмат, Исмоилхўжа, Мулло Шарифи Гурбуний, татар Низомиддин Собитовнинг Боқий ва Маҳмуд исмли икки ўғли, Абу Наср номли кишининг икки нафар ўғли, Мирхон, Мирзо Сачоқ, Мирсиддик, Муҳаммадазим Ғиждувоний, Авазбек, Шоқир Ёвачиний, Қори Нурилло, Фазлиддин маҳдумнинг акаси Бурҳонжон, Насрулло қўшбегини катта ўғли, Сулаймон Қорақўлий, Фатхулложа Бухорий, Ҳожи Додхоҳ ва Мирзо Саҳбо Вобқандий, Ислоом Тўқсоба, Ҳожи Мирзо Юнус Мирохур, Ҳожи Одилбой, Мирзо Юсуф, Низомиддин маҳдум, Шаҳрисабз ҳокими Насруллобек каби ўз даврининг ўқимишли кишилари Колесов воқеаларининг иштирокчилари ва жадидчиликда айбдорлар сифатида қатл этилган.

1920 йил 2 сентябрда Бухоро амирлиги тугатилиб, ўрнига Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилгач, янги ёш республика бошқарувида ҳам собиқ жадидлар-Ёш бухороликларнинг фаол аъзолари ҳукумат бошқарувида фаол қатнашдилар, турли лавозимларда ишлаб, ижтимоий-иқтисодий ва сисий-маданий соҳаларида хизмат этдилар. 1920-йил 14-сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Ревком ва Бухоро Компартияси МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий қўмитаси (раиси-Абдулқодир Муҳитдинов) ва республика ҳукумати - 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси-Файзулла Хўжаев) тузилди. Мамлакатни бошқариш мақсадида тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидагича эди: раис ва хорижий-ташқи ишлар (нозир-Файзулла Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), ички ишлар (Мухтор Саиджонов), молия (Усмонхўжа Пўлатхўжаев), давлат назорати (Нажиб Хусайинов), фавқулодда комиссия (Чека раиси-Юсуф Иброҳимов), адлия (Мукамил Бурҳонов), харбий ишлар (Баҳовуддин Шихобуддинов), ер-сув ишлари-деҳқончилик (Абдулқодир Муҳитдинов), савдо ва саноат (Мирзо Муҳитдин Мансуров) нозирликлари. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, асосан жадидлардан ташкил топган Бухоро ҳукумати ўша пайтда маълумотли кишилар йиғилган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Бухоро жадидлари ўзларининг ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

Ёш давлат етакчиси Файзулла Хўжаев мураккаб ва оғир шароитда ишлашга мажбур бўлди. Бухоро ҳукумати ичида сиёсий бўлиниш кучайди. Бир тарафдан, Бухоро Компартияси ичидаги сўл ва ўнг коммунистларга қарши ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришга тўғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодда органлари бўлган Турккомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси ёш мустақил давлатнинг босган ҳар бир қадамни сергаклик билан назорат қилиб турар эди. Шундай бўлишига қарамасдан

Ф.Хўжаев, У.Пўлатхўжаев, Атаулла Хўжаев, Фитрат, **Муинжон Аминов**, Мухтор Сайиджонов, Саттор Хўжаев, М.Мансуров, А. Мухитдинов ва бошқалар ҳукуматда демократик ён тутиб, мўтадил мавқеда турдилар. Улар БХСРнинг амалда мустақил бўлиши, ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.

Абдурауф Фитрат ижодий фаолияти гуллаб-яшнаб турган бир пайтда, 52 ёшида истиқлол жаллодлари қўлида ўлим топди. Унга шунчалик кўп айбномалар қўйилган эдики, бир киши бунчалик кўп жиноятларни қилишга жисмонан ҳеч қачон қодир эмаслиги ўз-ўзидан аён эди. Абдурауф Фитратга “аксилнқилобчи”, “миллатчи”, “пантуркист”, “инглиз айғокчиси”, “немис айғокчиси” каби асосиз айблар қўйилди.

1937 йил 24 апрелида Фитрат камоққа олиниб, 1938 йил 4 октябргача ҳибсга сақланди. Бор-йўғи уч бор сўроқ қилинган Абдурауф Фитрат отувга ҳукм қилинганди. Абдурауф Фитратнинг адабиёт, фалсафа, ахлоқ, илоҳиёт, тарих, мусиқа санъати каби кўплаб соҳаларга оид асарлари бугунги авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғуларини жўш урушида йўлчи юлдуз бўлиб қолаверади.

Файзулла Хўжаев совет режими томонидан 1938 йили Москвада отиб ташлангач, қарийб 30 йил давомида унинг номини тилга олиш ва у ҳақда ҳатто гапириш қаттиқ тақиқланди. 1965 йил 6 мартда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси Файзулла Хўжаевни айбсиз деб топди ва оқлади. Ўзбекистон ҳукумати 1967 йил 28 февралда Файзулла Хўжаев хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан, 1970-1973 йилларда рус тилида, 1976–1980 йилларда ўзбек тилида Файзулла Хўжаевнинг уч жилдлик «Танланган асарлар» китоби нашр қилинди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда янги босқич бошланди.

Истеъодли тарихчи, ўлкашунос-археолог ва манбашунос олим, биринчи ўзбек миллий профессорларидан Мусо Саиджоновнинг (1893-1938) илмий мероси ҳам ҳали тўла ўрганилмаган. Етишиб келаётган ёш тарихчи олимларимизнинг аксарияти бу олимнинг илмий хизматлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмас. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Мусо Саиджонов қатағон қилингандан сўнг, унинг кўп асарлари нашр этилмай, қўлёзма ҳолича қолиб кетди.

Атаулла Хўжаев Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг ногиронларнинг Бутун ўзбек уюшмаси (Всеузбексоюз) раиси ўринбосари(1925), 1930-1933 йилларда Хоразм округи ва Тожикистон АССРда турли лавозимларда ишлаган. Кейинчалик Кисловодскдаги “Ўзбекистон” санаторийси директори, “Ўзбекбирлашув” тизимида масъул ходим (1935-1936), Бухоронинг Лаби ҳовузида жойлашган биринчи гастронимнинг ташкилотчиси ва директори (1935-1937) лавозимларида ишлаб эл-юртга муносиб хизмат қилиб келди. 1937 йил Собик Иттифокда бошланган маъмурий-бўйруқбозлик сиёсатининг авж олиши, шахсга сифинишнинг кучайиши оммавий-сиёсий қатағонликларга йўл очиб берди. Файзулла Хўжаевни бадном қилиш мақсадида унинг барча сафдошлари қатори Атаулла Хўжаев ҳам 1937 йил 17 январида Бухорода камоққа олинади. У 57 ёшга кирган бўлиб, ташвишлардан вақтли кексайган, сочларига оқ оралаган бир ҳолатда Бухоро шаҳридаги гастронимда ишлар эди. Ўша даврнинг ўлим машинаси ҳисобланган “учлик”нинг қарори билан Атаулла Хўжаев БХСРнинг 17 раҳбарлари қатори 14 октябрда отувга ҳукм қилинади. Тошкентда 1937 йил 25 октябрда ҳукм ижро этилади. Атаулла Хўжаев 1965 йил 2 декабрда вафотидан сўнг оқланган.

Мукамил Бурҳонов (1884, Бухоро — 1938, Тошкент) — Бухородаги жадидлик ҳаракати намояндаси. 1910 йилдан Ёш бухороликлар ташкилотининг аъзоси. Бухорода мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиб, ёшларга замонавий таълим беришга ҳаракат қилган «Тарбия атфол» («Болалар тарбияси») махфий жамиятини тузишда иштирок қилди (1910 йил ноябрь). Ўз уйида яширин равишда янги усулдаги мактаб очди (1912), саводсиз ва чаласаводлар учун кечки курс ташкил қилди (1913). Жадидларга қарши Бухоро амирининг зулми кучайгач, Бухорони тарк этди (1918). Амир ҳокимияти ағдариб ташлангач, БХСР адлия нозири, БХСРнинг РСФСР ҳукумати хузуридаги мухтор вакили (1920-1924). 20-йилар ўрталаридан бошлаб сиёсий фаолиятни тўхтатди. Мақомчилар Ота Фиёс ва Ота Жалоддан

таълим олиб, жияни Бурхонов Мутаваккилга дастлабки мусиқавий тарбия берди. Мукамил Бурхонов 1937 йил қатағон қилинди ва ака-укалари билан биргаликда 1938 йил 24 сентябрда отиб ташланди.

“Менинг уч амаким бўлган. Катта амаким Мазҳар махсум, ўртанча амаким Мукамил махсум, кичик амаким Муаммир махсум. Уларнинг учови ҳам ўқиган, тараққийпарвар бўлиб, инқилобдан олдин Бухорода жаҳид ҳаракатининг ташкилотчиларидан эди. Садриддин Айний ҳам, Файзулла Хўжаев ҳам ўзларининг Бухоро инқилоби тарихи ҳақидаги китобларида уларнинг номларини зикр қилишган ва фаолиятларига юқори баҳо беришган. Амакиларимнинг учови ҳам 1937 йилда қамоққа олинган ва «халқ душмани» сифатида отиб ташланган” - деб, ёзган эди Мутаваккил Бурхонов.

Хулоса қилиб айтганда Ёш бухороликлар айрим аъзолари (Усмон Хўжа, Абдулҳамид Орипов ва б.) кейинчалик Бухорода қизил армияга Қарши қуролли ҳаракат сафларига кетиб, бу ҳаракатнинг мафкурачиларига айланишди. 1923 йил июнда Москванинг қатъий талаби билан Атаулла Хўжаев, Фитрат, Наим Ёқубзода, Мухторжон Саиджонов, Саттор Хўжаев, Муинжон Аминов каби 6 та нозир (собик Ёш бухороликлар) лавозимларидан олиниб, Бухоро давлати ҳудудидан чиқариб юборилди. Бундан ташқари Қори Йўлдош Пўлатов, Абдурахим Юсуфзода, Музаққар Махсум Бурхонов, Ҳожи Ҳамро Йўлдошев каби БХСР нозирлари ҳам лавозимларидан четлаштирилди. Ёш бухороликлар сафидаги жаҳидларнинг деярли ҳаммаси XX аср 30 – йилларининг ўрталарида совет тузуми томонидан қатағон ёилинди.

Ёш бухороликлар XX аср бошларида Бухоро амирлигида жуда катта миқёсдаги сиёсий ислохотларни амалга ошириш учун фаолият крсатдилар. Бухоро тараққийпарварларининг амирлик тузуми шароитида маърифат учун кураши ҳам диққатга сазовордир. Улар янги усул (жаҳид) мактаблари ташкил қилишди, газета ва журналлар чоп этишди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926. – Б. 59, 64, 74, 84.
2. Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987.
3. Айний С. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро /Куллиёт. жилди 14. – Душанбе: Матбуот, 2005. – С. 42.
4. Айний С. Бехбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим / Зарафшон, 1922 йил 25 март, 32-сон.
5. Ҳожи Муин. Самарқанд матбуотининг тарихи / Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2005. – Б.123.
6. Ражабов Қ. Турма – югур, тинма – тириш, букилма – юксал! (Биринчи мақола) // *Yosh kуч*, 2017, – № 7. – Б. 14 – 18.
7. Ражабов Қ. Ёш бухороликлар // Бухоро мавжлари, 2005, – № 2. – Б. 26.
8. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил 19 апрель.
9. Бухорода мактаблар ёпулмоқ // Садои Фарғона. 1914 йил, – № 44, 21 июль.
10. Бухоронинг аҳволи ҳозираси // Садои Фарғона, 1914 йил, – № 26, 11 июль. – Б. 38.
11. Бюллетень САГУ, вып. 16. – Т., 1927. – С. 93.
12. Қаранг: Наим Каримов. XX аср адабиётини манзаралари. Т.: “Ўзбекистон” 2008. – Б. 56.

Нашрга т.ф.д. Н.Мўминова тавсия этган

МУЗЕЙ ИШЛАРИ, ҚАДИМГИ ЁДГОРЛИКЛАР, САНЪАТ ВА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЎРТА ОСИЁ ҚЎМИТАСИНING БУХОРОДАГИ ФАОЛИЯТИ

Абдуллаева Д.А. (БухДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш Ўрта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис) ва унинг Бухоро меъморий обидаларини муҳофаза қилиш ҳамда таъмирлаш билан боғлиқ фаолияти ёритилади. Шунингдек, тарихий ёдгорликларнинг рўйхатга олиниши, қайта тикланиши ва сақловида қўмитанинг иштироки ва ўрни таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *Турккомстарис, Средазкомстарис, меъморий ёдгорликлар, И.И.Умняков, В.В.Бартольд, Мирзо Улугбек, Абдулазизхон, Кўкалдош мадрасалари.*

Annotation. This article will cover the activities of the Central Asian Committee for museum work, ancient monuments, art and nature protection (Sredazkomstaris) and its activities related to the protection and repair of architectural monuments of Bukhara. Also, the participation and role of the committee in the registration, restoration and preservation of historical monuments was analyzed.

Keywords: *Turkkomstaris, Sredazkomstaris, architectural monuments, I.I.Umnyakov, V.V.Barthold, Mirzo Ulugbek, Abdulazizkhan, greyish Madrasah.*

Аннотация. В данной статье описывается деятельность Среднеазиатского комитета по делам музеев, охраны памятников старины, искусства и природы (Средазкомстарис) и его деятельность, связанная с охраной и реставрацией архитектурных памятников Бухары. Также анализируется участие и роль комитета в учете, реставрации и сохранении исторических памятников.

Ключевые слова: *Турккомстарис, Средазкомстарис, памятники архитектуры, И.И.Умняков, В. В. Бартольд, Мирзо Улугбек, Абдулазизхан, медресе Кокалдош.*

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши қадимги ёдгорликлар, табиатни муҳофаза қилиш ва музей ишларини ташкилий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Натижада, 1924 йил 26 декабрда Турккомстарис қайта ташкил этилиб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига бўйсунувчи Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш Ўрта Осиё кўмитаси (Средазкомстарис) деб номланди [1].

Ўзбекистон ССР МИҚ ва ХКСнинг 1925 йил 7 майдаги қарорига асосан ишлаб чиқилган Средазкомстарис низомини ўрганиш жараёнида ташкилот Турккомстарисдан тузилиши ва маблағ ажратилиши масалаларида фарқланиши маълум бўлди. Тадқиқотимиз кўмита ташкил этилган дастлабки йилнинг ўзиёқ таъмирлаш соҳасида энг самарали давр бўлганлигини кўрсатмоқда. Эндиликда, барча тарихий ёдгорликлар ўта аниқлик билан рўйхатга олинди, яъни уларнинг нафақат номи ва қурилган йили, балки расми, сақланиш ҳолати, жойлашган ўрни, бинокори каби маълумотлар ҳам инobatга олинадиган бўлди.

Ўзбекистон ССР МИҚ ва ХКСнинг 1925 йил 4 майдаги қарорига мувофиқ, Бухородаги тарихий аҳамиятга эга деб топилган 19 та меъморий ёдгорликлар Средазкомстарис тасарруфига ўтказилди. Арк иншоотлари, Исмоил Сомоний, Баёнқулихон, Мирзо Улугбек, Абдулазизхон, Абдуллахон, Модарихон, Гавкушон, Кўкалдош, Нодир Девонбеги ва Мири Араб, Хиёбон мадрасалари, Намозгоҳ масжиди, Минораи Калон, шаҳар девори колдиклари, Регистон майдони, Шербудин ва Ситораи Моҳи Хоса каби меъморий обидалар шулар жумласидандир [2].

Ёдгорликларни рўйхатга олиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилганлиги маълум бўлди. Дастлаб, кўмита томонидан тузилган махсус комиссия ёдгорликларни ўз манзилида ўрганиб чиққач, уларнинг аҳволи, тарихий қиймати каби жиҳатлар инobatга олиниб тегишли рўйхатларда қайд этилган. Шундан сўнг ушбу рўйхатларни қонунчилик асосида тасдиқлаш ишлари амалга оширилган.

1927 йилнинг март ҳолатида Бухорода рўйхатга олинган тарихий ёдгорликлар сифатида Масжиди Калон, Масжиди Баланд, Болоҳовуз, Мағоки Аттор, Сайфиддин Бохарзий, Чорбақрадаги Абдуллахон, Хўжа Калон, Баҳовуддин мақбараси, Даҳмаи Шоҳон, Хўжа Зайниддин, Абдулазизхон, Нодир Девонбеги, Чашмаи Аюб, Тими Абдуллахон, Ҳаммоми Саррофон, Зиндон, Учта ток, Работи Малик, Вобкент минораси, Карманадаги Қосим Шайх мақбараси кабилар қайд этилади [3].

Кейинчалик, Ўзбекистон ССР МИҚ ва ХКСнинг 1927 йил 6 октябрдаги №128 сонли қарорига мувофиқ Средазкомстарис таркибига Бухоро худудидаги яна 18 та ёдгорлик киритилди. Давр хусусиятидан келиб чиқиб, ёдгорликлар рўйхатга киритилгандагина уларни таъмирлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва бюджет ҳисобидан маблағ ажратилишига эришилишини инobatга оладиган бўлсак, уларнинг кўмита ихтиёрига ўтказилишини обидаларни сақлаб қолишнинг муҳим чораси сифатида баҳолаш мумкин.

Средазкомстариснинг санъат ва қадимий ёдгорликларнинг муҳофазаси бўлими низомига мувофиқ ташкилот йиғилишларида шўъбага тааллуқли масалалар кўрилганда

қўмита ушбу йиғилиш баённома ва қарорларини йўлланма хат билан ўз бўлимларига тақдим этган. Бу мазкур ва бошқа масалалар шўъбаларда кўриб чиқилиб, ҳудудларда улардан хабардор бўлиш учун ҳам амалга оширилган.

1925 йил 30 декабрда ўтказилган №15 сонли йиғилиш баённомасининг таҳлили ташкилотнинг Бухоро ёдгорликларига нисбатан муносабатига ойдинлик киритди. Унда Нодир Девонбеги ва Исмоил Сомоний мақбарасида олиб борилган ишлар хусусидаги И.И.Умняков фикрлари тингланади. Қизгин муҳокамаларга сабаб бўлган маъруза баён этилган масалаларга янада ойдинлик киритиш мақсадида олимни бир ҳафта муддат давомида хизмат сафарига юборилишига сабаб бўлди. Қўмита мазкур илмий сафардан Бухоро ёдгорликлари айна дамда кимлар томонидан таъмирланаётганлиги, қилинган ишлар қўлами ва ҳолати, таъмирлаш жараёнининг ёдргорликлар ташқи кўринишига таъсирини кузатиш, бу каби тадбирларнинг Средазкомстарис рухсатсиз олиб борилишининг сабабларини ўрганиш каби мақсадларни кўзлаган[4]. Бу ҳол қўмита рўйхатидаги ҳар бир ёдгорликда амалга оширилган ишларда унинг рухсати талаб этилганлиги, қолаверса таъмирлаш ишлари бинонинг асл ҳолати кўринишига таъсир этмаслигига алоҳида эътибор қаратилганлигини аниқлатади.

Средазкомстарис фаолиятини ёритишга хизмат қилувчи архив маълумотлари орасида қўмита топшириқлари асосида ҳудудларга юборилган ходимларнинг қисқа ҳисоботларини учратиш мумкин. Улар жойларда таъмирлаш ишларининг ўзига хос жиҳатлари ва бу йўналишдаги фаолиятни ўрганиш учун бирламчи аҳамият касб этади.

Бухоро, Қарши, Ғузур ва Самарқандда амалга оширилган археологик ва тарихий ёдгорликларни асраш бўйича И.И.Умняковнинг 1924 йил сентябрдаги ташрифига асосланган ҳисоботи шулар жумласидандир. Унда Бухоронинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва шаҳар тарихий ёдгорликлари билан танишиш, суғорилиш масалаларини тадқиқ этиш, Ибн Сино номидаги Бухоро марказий кутубхонасидаги қўлёзмалар билан танишиш, ташкил этилиши режалаштирилган музей иши ва тарихий ёдгорликларни асраш ташкилотининг Бухородаги доимий комиссия фаолиятига хизмат қиладиган аниқ илмий вазифаларни белгилаш, маҳаллий интеллигенция вакиллари билан алоқаларни тиклаш каби масалалар хусусида атрофлича баён этилган.

Шунингдек, И.И.Умняков 1920 йил сентябрь воқеалари меъморий обидаларга ўзининг улкан асоратини қолдирганлигини қайд этиб, энг ачинарлиси амирнинг (50.000 томли) қимматли кутубхонаси каттагина зарар кўрганлигини, Чилдухтарон қадимий масжиди, Искандархон хонақоҳи, Сайид Абдулғози мақбараси каби обидалар қайта тикланмайдиган бўлиб вайрон бўлганлигини афсус билан таъкидлайди. У "...*Каттагина талофот кўрган Минораи Калон эса маҳаллий усталар томонидан таъмирланган. Бир қарашда ёдгорлик асл ҳолига қайтгандек кўринса-да, диққат билан қараганда, таъмирлаш жараёнидаги камчиликлар кўзга ташланади...*" деб ўз қарашини баён этган[5].

Ёдгорликлар ҳолати ҳақида мулоҳаза юритар экан, олим ярим европача ярим осийча қурилишлар, шаҳарни қайта режалаштириш каби ишлар жадаллик билан олиб борилиши ҳисобига Бухоро ўз шарқона қиёфасини йўқотиб бораётганлигигаурғу беради. Шу ўринда тузилиши режалаштирилаётган Бухоро комиссияси(Бухкомстарис) олдидаги энг муҳим вазифалардан бири шаҳарнинг тарихий қиёфасини асраб қолиш эканлигини алоҳида қайд этади.

И.И.Умняковга юклатилган вазифа ижроси бўлган вақф ҳужжатлари билан танишиш жараёнида улар Бухородаги Мирзо Улуғбек мадрасасида жамланганлиги,масъул шахс сифатида вақф бошқармаси бошлиғи Т.Йўлдошев тайинланганлиги ҳам аниқланади. Унинг Ибн Сино кутубхонасида олиб борган изланишлари доирасида эса шаҳар марказий кутубхонаси асосан амирзода Муҳаммад Содик(амирнинг амакиси), Мирза Салимбек парвоначи, қозикалон Бурхониддин кабиларнинг шахсий кутубхоналаридаги китоблари асосида шакллантирилганлиги тўғрисидаги илмий қараш илгари сурилади [6].

Средазкомстариснинг Бухорода амалга оширган ишларининг ижросида бевосита В.В.Бартольд фаолияти ҳам кўзга ташланади. Унинг Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқандга

1925 йил 27 августдан 9 сентябрь санасига қадар бўлган сафар ҳисоботи Мирзо Улуғбек мадрасасида сақланган вақф ҳужжатларини ўрганишга қаратилган эди [7]. Шу билан бирга, шарқшунос олим Минораи Калон яқинидаги кутубхона қўлёзмалари билан танишиб чиққач, П.П.Иванов томонидан 1922 йилда амалга оширилган дастлабки уринишлар асосида каталог яратиш устида иш олиб боради. Буни Бухоро қўлёзмаларининг дастлабки каталоги десак хато бўлмайди.

Тадқиқ этилаётган даврда Средазкомстарис томонидан Бухоро шаҳрининг тарихий-географияси ва топографиясини ўрганишга қаратилган экспедициялар ҳам амалга оширилди.

Музей иши билан танишиш, Арк ва шаҳристон майдони ҳақида батафсил маълумотларни тўплаш мақсадида М.Е.Массон 1927 йил 27 июндан 2 июлга қадар Бухорога илмий сафар уюштирган[8]. Олим томонидан топографик суратлар олиниши учун Арк қўрғони кузатиб чиқилганда, қабул залининг айвонлари абгор ҳолатдалиги аниқланади. Сафар давомида шаҳристон қисмининг топографик фиксациясини амалга оширишда Мусо Саиджонов таклиф этган жойлар ҳам кўздан кечирилади.

Кўкалдош мадрасасида ташкил этилган музейга ташриф давомида олим экспонатларнинг жойлашув тартиби ҳақида ўз тавсияларини билдиради. Шунингдек, у алоҳида оғборхоналарда Бухоро амирларига тегишли буюмлар сақланаётганлигини аниқлайди ва уларни келгусида амир саройларидан бирига кўргазма учун қўйилиши таклифини беради. М.Е.Массон Бухородаги ташрифи давомида Бухкомстарисга тарихий ёдгорликлардаги ёзувлар(эпиграфикаси)ни фотофиксация қилиш кераклигини ҳам тавсия этган [9]. Бу келгусида уларнинг реставрация жараёнига ёрдам беради.

Средазкомстарис ташаббуси билан 1927 йил 12 сентябрда Москвадаги Шарқ маданияти давлат музейи директори профессор Б.П.Денике, архитектор Б.Н.Засипкин, муҳандис Б.Н.Косталский, Бухкомстарис илмий котиби Б.И.Буткевич, шунингдек, П.Е.Корнилов, бош қурувчи-техник П.С.Катунинлар иштирокида Исмоил Сомоний мақбараси кўриқдан ўтказилади. Натижада ёдгорлик ҳолати ўрганилиб, таъмир жараёнида йўл қўйилган камчиликлар аниқланади [10].

Кўмитанинг 1928 йил 5 сентябрдаги йиғилиш баённомаси кун тартибидаги масалаларни таҳлил қилганимизда М.М.Цвибакнинг Самарқанд, Бухоро ва Ашхободга амалга оширган сафари хусусида маълумот ўрин олганлиги аниқланди. Унда Бухорода таъмирлаш ишлари Тоқи Телпақфурушон, Тоқи Саррофон ёдгорликларида олиб борилаётганлиги ҳамда Кўкалдош мадрасасидаги ишлар ҳам режалаштирилганлиги ҳақида ахборот берилган [11].

Ўрта Осиё Бош музейининг этнография бўлими ходими Е.М. Пешерева ҳам ташкилот томонидан 1928 йил 17 майда Бухорога 10 кун муддатга илмий сафарга юборилади. Сафардан кўзланган асосий мақсад Бухоро музейи фондидаги ашёларни қўлга киритиш ёки улардан нусха олиш имкониятини ўрганиш бўлганлигини ташрифга доир ҳужжатлар тасдиқлайди.

Ташкилотнинг 1928 йил 24 сентябрда М.М.Цвибак раислигидаги йиғилишида А.А.Семёновнинг Бухорога амалга оширган ташриф ҳисоботи тингланади. Унга кўра, Бухорода таъмирлаш ишлари Кўкалдош мадрасаси, Абдуллахон тими, Тоқи Заргаронда олиб борилаётганлиги айтилади. Реставрацион ишлар давомида йўл қўйилган камчиликлар қаторида Улуғбек мадрасаси таъмирланмаётганлиги, бу ишлар учун зарур иқтисодий таъминотнинг ёмон ҳолатда эканлиги қайд этилади. А.А.Семёнов Бухородаги ёдгорликларда реставрация ишлари эмас, балки асосан бирламчи ремонт-таъмирлаш ишларигина олиб борилаётганлигини таъкидлайди. Йиғилиш давомида ушбу масала кенг муҳокама этилади, унда иштирок этган И.И.Умняков ҳам Бухородаги Мирзо Улуғбек мадрасасининг эшикларини таъмирлаш даркорлигини таъкидлаб ўз фикрларини беради ва ушбу ёдгорлик ёнидаги Абдулазизхон мадрасасининг ҳолати хусусида кизиқиш билдиради. Бунга жавобан А.А.Семёнов икки мадраса беркитилган ҳолда бўлганлигини ва Бухкомстарис муҳофазасига олинганини маълумот сифатида келтириб ўтади [12].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Бухоро ёдгорликлари сони ва аҳамияти доимо Средазкомстариснинг диққати ва эътиборида эди, буни шаҳардаги тарихий қийматга эга биноларнинг кўп сонда бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. А.А.Семёнов, М.М.Цвибак, М.Е.Массонларнинг Бухоро ёдгорликларида амалга оширилган таъмирлаш ишлари давомида йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, топографик фиксация ҳамда археологик йўналишдаги изланишлари, Бухоро қўлёзмалари асосида каталог яратиш устида иш олиб борган В.В.Бартольднинг тадқиқот иши, Бухкомстариснинг меъморий ёдгорликларда амалга оширилган реставрация ва таъмирлов фаолиятини кузатиш мақсадида келган В.А.Шишкин каби шарқшуносларнинг илмий сафарлари натижасида ёдгорликларни рўйхатга олиш, уларнинг муҳофазаси ва таъмиротига алоҳида эътибор берилди.

Турккомстарис таркибига маҳаллий аҳоли вакилларида санокли мутахассислар жалб қилинган бўлса, кейинчалик Средазкомстариснинг жойлардаги комиссиялари ташкил этилиши натижасида қўмита ходимлари таркибида маҳаллий кадрлар улуши салмоқли бўлганлиги кўринади. Бу уларда мутахассис-олимлар тажрибасини ўрганиш ва тарихий ёдгорликлар тақдирини ҳал этишда иштирок этиш имкониятини берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 2783-йиғмажилд, 1-варақ.
2. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 199-йиғмажилд, 57-варақ.
3. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 266-йиғмажилд, 45-варақ.
4. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 181-йиғмажилд, 18-варақ.
5. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 311-йиғмажилд, 25-варақ.
6. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 311-йиғмажилд, 28-варақ.
7. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 186-йиғмажилд, 3-4-варақлар.
8. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 214-йиғмажилд, 33-варақ.
9. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 214-йиғмажилд, 37-варақ.
10. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 309-йиғмажилд, 66-67-варақлар.
11. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 261-йиғмажилд, 91-варақ.
12. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 261-йиғмажилд, 110-варақ.

Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган

ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИК ҒОЯЛАРИ

Ҳайдаров К.Д. (Самарқанд вилояти педагогика маркази)

Аннотация. Ушбу мақолада илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалган тасаввуф фалсафаси, унинг асосий тариқатлари, намояндалари, ғоявий-фалсафий манбалари, ушбу таълимотнинг маънавий баркамолликка эришишга қаратилган устувор ғоялари ҳақида мушоҳада юритилади. Шарқ халқлари маънавий ҳаётида муҳим ўринни эгаллаган ҳамда минтақада ижтимоий-фалсафий фикрлар таракқиётига сезиларли таъсир кўрсатган тасаввуф (сўфийлик) таълимотининг маънавий тарбиядаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида хулосалар баён қилинади.

Таянч сўзлар: *тасаввуф, калом, тариқат, эманация (жилоланиш), экстаз (жазава), тарбия.*

Аннотация. В данной статье рассматривается философия суфизма, широко распространенной в Центральной Азии в ранние средние века, его основные течения, представители, идейно-философские истоки, приоритетные идеи, направленные на достижение духовного совершенства человека. Делаются выводы о роли и значении учения суфизма в процессе духовного воспитания, занимавшего важное место в духовной жизни народов Востока и оказавшего всестороннее воздействие на развитие общественно-философской мысли в регионе.

Ключевые слова: суфизм, калом, течение, эманация, экстаз, воспитание.

Annotation. This article discusses the philosophy of Sufism, which was widespread in Central Asia in the early Middle Ages, its main currents, representatives, ideological and philosophical origins, priority ideas aimed at achieving the spiritual perfection of man. Conclusions are drawn about the role and significance of the teachings of Sufism in the process of spiritual education, which occupied an important place in the spiritual life of the peoples of the East and had a comprehensive impact on the development of socio-philosophical thought in the region.

Key words: *Sufism, feces, flow, emanation, ecstasy, education.*

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида маънавий меросни ҳар томонлама ўрганиш билан боғлиқ масалаларга тўхталиш баробарида жорий йилда буюк муҳаддис Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафий мероси, шунингдек, диний бағрикенглик мавзуларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманлар, буюк аллома Баҳовуддин Нақшбанднинг 700 йиллик таваллуд айёми ўтказилишини таъкидлади [1; 1]. Зеро, Марказий Осиё халқларининг бой ва бетакрор илмий ва фалсафий мероси дунё халқлари эътиборини тортаётгани бежиз эмас.

Ўлка тарихидан маълумки, XII асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ҳудудида тасаввуф (сўфийлик) фалсафаси кенг тарқалди. Ушбу оқим Шарқ халқлари ижтимоий фикри тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Минтақа ҳаётида сўфийлик ўзига хос мистик-аскетик йўналиш сифатида майдонга келди. Машҳур шоир Абдурахмон Жомийнинг фикрича, “сўфий» сўзи куфалик Абу Ҳошимга (778 йилда вафот этган) нисбатан айtilган. Сўфийлик таълимотини дастлаб мисрлик Зунун (796-861) ифодалаб берган, бағдодлик Жунайд томонидан тартибга келтириб, ишланган ҳамда Шибай деган аллома томонидан тарғиб қилина бошланган. Филипп Хитти деган тадқиқотчи ўзининг “Араблар тарихи” деган китобида мисрлик Зунун сўфийликка доимий шакл берди, деб ёзади. Зунуннинг фикрича, худони фақат яккаю ягона йўл - экстаз (жазава) орқали ҳақиқий билиш мумкин.

Олимларнинг сўфийлик оқимининг келиб чиқиши ва манбалари ҳақида фикрлари ҳар хил бўлса-да, биз уни системалаштирилган ғоявий доктрина сифатида кўриб чиқамиз. Қатор сўфийларнинг қарашлари эклектик мазмунда, баъзилариники эса хур фикр тарзида бўлган. XI асрда сўфийлик Шарқни бутунлай қамраб олди. Реакциянинг авж олишига қарамай, мафкуравий кураш кескинлашиб борди. Таниқли аллома *Ибн Халлож* ўзининг ўткир мушоҳадалари учун 922 йилда қатл этилди. Шунингдек, файласуф, “Ҳикмат ал-шират” (“Фалсафий лаззат”) асарининг муаллифи Шаҳобиддин Яҳё ҳам инквизиция

қурбони бўлди. У, Абдурахмон Жомийнинг гувоҳлик беришича, юнон фалсафасига садоқати учун бидъатда айбланиб, халкнинг олдида қатл қилинди. Қатор сўфий алломалар ортодоксал инквизиция қурбони бўлдилар. Шу боисдан Шарқдаги, хусусан, Марказий Осиёда яшаган кўплаб аллома ва мутафаккирлар ўз фикрини “сўфийлик қобиғида” баён қилар эдилар. Ўз эркин фикрини илгари суришда улар сўфийлик атамаларидан фойдаланар ва шу йўл билан қатағондан қутулиб қоларди.

Жабр-зулм ҳаддан ташқари кучайиб кетган вақтда сўфийлик ижтимоий ҳаётда чуқур илдиз ота бошлади. У давр руҳига монанд гоҳ мистик, гоҳ бидъат шаклида, гоҳ қуролли кўзғолон кўринишида намоён бўлди. Сўфийлик тизими олам кўплаб кўринишларда мавжуд бўлса-да, фақатгина Худога хосдир, деган ақидадан бошланади. Худо сўфийлик нуқтаи назаридан соф борлиқдир, чунки у соф эзгулик ва мутлақ гўзаллиқдир, шу боис у суюқлидир.

Агар Ислом учун яккахудолик (тавҳид) “Аллоҳдан бошқа худо йўқдир” дегани бўлса, сўфийлар учун эса “Худодан бошқа нарса йўқдир” деган ғояни билдиради. Ҳар бир нарса ўзининг қарама-қаршилиги орқали билинади, масалан ёруғлик қоронғилик орқали, эзгулик ёвузлик орқали, соғлиқ касаллик орқали билиб олинади. Шу боис, худонинг борлиғи унинг йўқлиги бўлиб туюлиши мумкин. Худо гўзаллигининг мазмун-моҳияти ўзини намоён қилиш истагидадир. “Мен ёпиқ хазина эдим, – дея талқин қилинади Худо сўфийлар назарида, – мени билиш мумкинлигини истадим, – яратган нарсаларимни ҳам билиш мумкин деб яратдим”.

Х аср охири XI аср бошларига келиб сўфийлик таълимоти хуросонликлар томонидан нисбатан кенг кўламда ишлаб чиқилди, у тез ва фаол тарғиб қилинди. Ушбу гуруҳда *Абу Абдурахмон Муҳаммад ас-Суламий* (1021 йилда вафот этган), унинг шогирди *Абу ал-Қосим ал-Қушайрий* (986-1072), *Абу Саййид* (967-1049), *Абу Ҳасан Хораконий*лар бор эди.

Бу даврда аҳоли турли қатламларининг вакиллари сўфийликка келиб қўшила борди. Давр шу қадар нотинч эдики, салжуқийлар таъсирида тарқоқлик ва бўлиниш кучли эди. Ашъарийларнинг нозик фаолияти ҳам, перипатетикларнинг неоплатончилик билан муросага келиш йўлидаги ҳаракатлари ҳам фойда бермади. Илғор кишиларнинг эртанги ёруғ кунларга, ёрқин дунёқарашга бўлган ишончлари ҳам сўна борди. XI асрга келиб сўфийлик серқирра ва зиддиятли таълимотга айланди. Унда кўплаб оқим ва йўналишлар юзага келди.

Мустақилликдан олдин, совет фалсафий адабиётида сўфийлик бир ёклама, хусусан, таркидунёчилик фалсафаси сифатида олиб қаралар эди. Бошида сўфийлик зулмга қарши курашнинг энг “қулай” шаклига айланди. Ундаги хилма-хил ва қарама-қарши оқимлар ташқи кўринишидан “сўфийлик ниқоби”ни кийишга уриндилар. Шу боисдан сўфийлар орасида феодал давлатга қарши фикрларни илгари сурган довюрак вакиллари ҳам бор эди. Айниқса, инсонпарварлик ва илмий ғояларни тараннум этган сўфийлар феодал мусулмон реакцияси тазйиқига учраб, ҳатто қатл этилдилар. Бундай сўфийлар даҳрий деб эълон қилиниб, қораландилар. Юқорида номи зикр этилган Мансур Халлож: “Мен ҳақман! Менинг қалбимда Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ!” деб хитоб қилгани учун қатл қилинди.

Шайх Мансур Халложнинг ихлосманд ва шогирдлари кўп эди. Улардан бири Абул Фузайл Ибн Муҳаммад даҳрий деб эълон қилиниб, 1138 йилда Ҳамадондаги ўзи сабоқ берган мадраса дарвозасига осиб ўлдирилди. Ҳиротлик шайх *Абдуллоҳ Ансорий* (1006-1088) тақдири ҳам ана шу тариқа фожиали якунланди. Насаби ансорларга доир бўлганлиги учун Ансорийнинг тахаллуси шундай эди (ансор – арабча – ёрдамчилар). Ансорий араб ва форс тилларида ижод қилди. Асарларининг аксарияти дидактик характерга эга бўлиб, уларда вужудиюнга мойиллик сезилиб туради. Маълумки, вужудиюн ўрта асрлар Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган пантеистик таълимот бўлиб, Аллоҳ ва реал борлиқ бутун бир вужуд – мавжудотни ташкил этади. Аллоҳ билан реал борлиқни бир-бирдан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди – улар ўзаро сабаб-оқибат занжири билан боғланган.

Ансорий ўз асарларида одамларнинг илму маърифатга, гўзалликка интилишини улуғлаган, ҳукмдорларни адолатга чақирган, халққа таянч бўлиш, унинг хизматида бўлиш,

инсонийлик каби фазилатларни тарғиб қилган. Шу сабаб Ҳиротда Ансорийнинг обрў-эътибори янада ошиб кетади ва Шайх ул-ислом даражасигача кўтарилади, халқ орасида “Пири Ҳирот” деб аталади. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий уни “Муқарраби борий” (Тангрининг яқини) деб тилга олади. Бойсунгур Мирзо Ҳиротда унинг қабрига мухташам мақбара бунёд этган, Навоий у ерда хонақоҳ қурдириб, атрофини янада обод қилган” [2; 61-62].

Таниқли шайхлардан бири бўлган *Ибн Арабий* (1165-1240) сўфийликда ўзига хос доктрина ишлаб чиқди. Унга кўра дунё икки хил бўлади – нарсалар ва ғоялар дунёси. Нарсалар дунёси ғоялар дунёсининг маҳсулидир. Ғоялар дунёси ягона, ўзгармас ва абадий дунё. Ибн Арабий Андалусия ва Шимолий Африка бўйлаб қилган сафар чоғларида ўша даврнинг машҳур аллома ва мутафаккирлари билан суҳбатда бўлган. Шарқнинг машҳур сўфий алломаларидан бўлмиш Харроз, Ҳаким Термизий, Ҳаллож, Ғаззолий ва бошқаларнинг асарларини ўрганган. Унинг “Футуҳот ал-Маккийя” (Макка илҳомлари) номли асарини “Сўфийликнинг қомуси” деб аташган. Замонасининг қомусий билим эгаси сифатида танилган Ибн Арабий “Фусус ал-ҳикам” (Ҳикматлар дурдонаси) номли асари билан янада машҳур бўлди.

Исломда сўфийликни “қонунийлаштирган” ва мусулмон оламида катта обрўга эга бўлган *Абу Ҳамид Зайниддин Муҳаммад Ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий*ни (1058-1112) етакчи сўфийлар “Ислом исботчиси” деб атар эдилар. Ғаззолий анча йиллар мутакаллимлар ғояларини ҳимоя қилиб, Форобий ва Ибн Сино қарашларига қарши бўлиб келди, ашъарийча илоҳиётни ёқлади. 1091 йилда салжуқийлар вазири Низомулмулк уни Бағдоддаги машҳур “Низомия” мадрасасига мударрис этиб тайинлайди. Мадрасада тезда обрў-эътиборга эришди. Сўнгра Ҳаж сафарини адо этгач, роса ўн бир йил дом-дараксиз, ҳеч кимга кўринмай зоҳидликда яшади. Ўн бир йилдан сўнг узлатдан қайтиб келган Ғаззолийни 1106 йилда Низомулмулкнинг вазир бўлган ўғли Фахрулмулк яна “Низомия»га мударрис этиб тайинлади.

Унинг асосий асарлари “Ал-Мунқиз мин-аз-залал” (“Залолатлардан кутқарувчи китоб”), “Таҳофут ул-фалосифа” (“Файласуфларга раддия”), “Мақосид ул-фалосифа” (“Файласуфларнинг мақсадлари”), 5 жилдлик “Иҳйа алулум ад-дин” (“Диний илмларни тирилтириш”), “Кимё-и-саодат” (“Саодат кимёси”), “Ар-Рисолат ал-қудсия” (“Қудсия рисоласи”), “Қавоит ал-Ақоид” (“Ақидаларнинг қоидалари”), “Жавоҳир ул-Қуръон”, “Мушкот ул-анвор” ва б. Европа олимлари (Жон Беньянь, Франческо Петрарка, Август Толук ва бошқалар)нинг эътироф этишларича, Ғаззолий дин ва фалсафада шундай юксак фазилатларни топдики, улар ёрдамида барча ҳақ динларнинг замири, ички маъно, моҳиятидан келиб чиқиб, дин – барча файласуфларга сув ва ҳаводай зарур маънавий озик беришини далиллаб, илми ғайб, тасаввуф ва фалсафанинг умумий илдизларини очиб берган. Ғаззолий талқин ва тафсир этган Қуръон ғоялари яҳудий ва масиҳийлик динлари учун ҳам азиз эканини исботлаб берди.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да ёзишича, Ғаззолийнинг “Жавоҳир ул-Қуръон” ва “Мушкот ул-анвор” асарлари атоқли авлиёлар, сўфийларнинг хонақоҳларида асосий сабоқ китобларидан ҳисобланган. Ғаззолийнинг жаҳон фалсафа тараққиётига муҳим таъсир кўрсатган “Таҳофут ул-фалосифа” (“Файласуфларга раддия”) асари асрлар давомида Шарқ ва Ғарб файласуфлари ва илоҳиётчилари Фома Аквинский, Франческо Петрарка, Рене Декарт, Гегель ва бошқаларнинг фалсафий қарашларига жиддий таъсир кўрсатди. У сўфийлик йўлидаги камолот фақат танланган, нодир инсонларга хосдир, барча мусулмонлар Ҳаққа яқинликка муносиб эмас, деб ҳисоблади. Шу сабабли, у авом халққа бошқа сўзларни айтади ва ҳол илмига доир билимларни барчага айтишга руҳсат йўқ, деб тушунтиради. Чунки, Ғаззолий фикрича, авом одамлар олий ҳақиқатларни билишга тоқатлари етмайди. Айни вақтда у, тасаввуфга кириш учун барча йўл очик, лекин кўпчилик бу йўлнинг машаққат-риёзатларига чидамайди, дейди мутафаккир.

Ғаззолий ислом илоҳиётини фалсафий жиҳатдан асослашга уринди. Суннийлик ақидаларини тасаввуф ғоялари бирга қўшиб талқин қилиш баробарида Ғаззолий ислом

фалсафий тафаккури тараккиётига катта ҳисса қўшди. Шу боис замондошлари уни “Хужжат ул-ислом” (“Ислом далили”) деб аташган.

XIII аср Эрон илоҳиётчиси *Шаҳобуддин Яҳё Ҳабаш (Сухравардий)* сўфийлик қоидаларини янада бойитди. Сухравардий ғоялари “ишроқ (вахийлик) фалсафаси” деган ном қозонди ва, асосан, перипатетиклар ғояларига қарши қаратилди. Унингча, ҳақиқатга эришиш манбаи ақл ҳам эмас, интуиция ҳам эмас, балки ички ваҳийдир. У баъзи руҳонийларни диний лўтгибозликка айблаб, ёлғон ва шубҳали хулосаларни исботлашда эпчил эканлигига шаъма қилди. Шу боис Сухравардий бидъатда айбланиб, 1191 йилда 36 ёшида халқ кўзи ўнгида қатл этилди. Сухравардийнинг қарашлари Эрон файласуфлари орасида кенг тарқалиб кетди. Таъкидлаш жоизки, Эроннинг шимоли-шарқдаги Сухравард шаҳридан икки буюк сўфий аллома чиққан, уларнинг бири буюк дипломат, ҳуқуқшунос *Шаҳобуддин Умар Сухравардий* (1144-1235) бўлиб, Шайх Саъдий “Бўстон” номли асарида уни “ўзининг устози деб атаган, сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳам у ҳақда илиқ фикрларни келтирган” [4; 269].

Сўфийлик тарғиботида Аҳмад Жон тахаллуסי билан машҳур бўлган *Абу Наср Аҳмад ан-Намиқий*нинг (1141 йилда вафот этган) ўзига хос ўрни бор. Унинг “Ёруғ йўлга равона бўлган биродар” деган 45 бобдан иборат каттагина асарида сўфизм шариати ва тариқати қоидалари баён қилиб берилган.

Шундай қилиб, XII асрга келиб сўфийлик ислом билан узил-кесил қўшилиб кетди. Сўфийлар нафсга эрк бермаслик, уни жиловлай олиш инсоннинг маънавий етуклик гарови, деб тушундилар. Нафс ва ғазабнинг кушандаси – билим. Билим инсонни барча бало-қазолардан қутқаради. Ҳақиқий, чинакам билимга эга бўлмоғи учун инсон ўзини ўзи бошқариши, турли номаъқулчиликдан ўзини ўзи тия олиши зарур. IX асрдаги сўфийлардан бири Абу Бакр аш-Шаълий айтганидек, сўфий ёлғон гапирмаслиги, ўғирлик ва зино қилмаслиги, рўза тутиб жонини қийнаши, жисмини тоза тутиши, бойликка интилмаслиги, Тангрини улуғлаб, доимо тоат-ибодат қилиши зарур. Булар туфайли инсон танаси покланади, хиссиёти нозиклашиб, ҳайвоний одатлардан тозаланади.

Сўфийликнинг яна бир нуқтаи назарига кўра фақат худо реал борлик бўлиб, теварак-атрофдаги нарсалар ва воқеа-ҳодисалар эманация (илоҳий қудратнинг кўринишлари) деб эътироф қилинади. Инсон руҳининг худо билан мистик қўшилиши – олий мақсад. Бу қўшилиш эманация босқичлари орқали содир бўлади. Эманация босқичлари соф ёруғлик ва мутлақ борлик – худодан борган сари узоқлашиб ва хиралашиб боради. Бунини “пастлашиб бориш жараёни” дейиш мумкин. “Юқорилаб бориш жараёни” ҳам борки, инсон ўзининг дастлабки уйига худо билан “қўшилиб кетганидан сўнг” қайтиб келади. Динга ишонувчи киши экстазда, яъни жазава билан зикр-самога тушгандагина худонинг жамолини кўришга муяссар бўлади. Сўфийларнинг этикаси, инсонпарварлик фалсафаси аслида ана шундан бошланади.

Инсон оламини билиши орқали гуноҳлардан тозаланиб боради. Бу билиш кўп босқичли бўлиб, сўфийлар ибораси билан айтганда, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборатдир. Буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, ўнта шартни ўз ичига олади. Масалан, шариатнинг асосий шартни худонинг ягоналиги ва мавжудлигига ишончдан иборат.

Тариқатнинг ўнта шартларига тавба-тазарру, пири ёки устозига қўл бериш, худодан кўрқиш, тангрининг марҳаматига ишонч, роҳат-фароғат ва шаҳвоний нафсдан ўзни тийиш, пирга хизмат қилиш, пирнинг руҳсати билан гапириш, пирнинг панд-насихатларига амал қилиш, тарки дунёчилик, узлатда бўлиб туриш киради.

Маърифатнинг ўнта шартлари эса фано, зоҳидлик, сабр-чидам, барча соф ва руҳсат этилган нарсаларни излаш, билимли бўлиш, шариат ва тариқатнинг барча қоидаларига амал қилиш, дунё роҳатларидан тийилиш, келажак ҳаёт ҳақида қайгуриш, экстаз босқичига эришиш, ҳақиқатга интилишдан иборат.

Ҳақиқатнинг асосий шартлари – эзгулик ва ёвузликнинг фарқига бориш, экстаз (жазава) сирларини динсизлардан асраш, шариат, тариқат ва маърифат шартларини билиш ва бажариш. Сўфийлик амалиётига кўра, баркамол инсон юқоридаги қоидаларга оғушмай

амал қиладиган, ақли ва заковатини ҳар нарсадан устун қўя оладиган, қалби яхшилик ва эзгулик билан лиммо-лим бўлган инсондир. Бундай одамлар бу фоний дунёда қанчалик кўп бўлса, ҳаёт шунчалик барқарор ва осойишта бўлади.

Мусулмон Шарқи фалсафаси тарихида Хожагон ҳаракати катта ўрин тутди. Ушбу ҳаракатнинг барча аъзолари сўфийлар эдилар. Ҳаракатнинг ижтимоий мазмуни ва мафкуравий моҳияти бошдан оёқ халқпарварлик эди. Ҳаракат халқ хўжалигини тиклаш, халқнинг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳаракат кенг қулоқ ёйди, Марказий Осиё, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа минтақа ва давлатларнинг маънавий ҳаётига чуқур кириб борди. Хожагон тариқатнинг асосий намояндалари Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Али Ромитаний, Амир Кулол ва бошқалар эдилар.

Тасаввуф тариқатларининг тадқиқотчиларидан бири, таниқли олим Хуррам Барақаев Мовароуннаҳр тасаввуф аҳли намоёндалари тарихини ёзиб қолдирган муаррих Фаҳриддин Али ас-Сафий (вафоти 1532 йил)нинг “Рашаҳоти айнул-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғидан қатралар”) деган асарига таъяиб, Хожагонлар силсиласининг 47 нафар вакилини баён қилди [3; 54-55].

Хожагон тариқатининг намоёндалари мўғуллар ҳукмронлиги давридаёқ зўравонликка қарши курашдилар. XVI аср биринчи ярмининг охири, иккинчи ярмининг бошларида улар раҳбарлигида деҳқонлар, ҳунармандлар ва куллар кўзғолони бўлди, у “сарбадорлар» (дор тагидан қочганлар) кўзғолони сифатида тарихдан жой олди. Сарбадорларнинг шиори шундан иборат эдики, агар улар ғолиб чиқсалар, зулм ва зўравонликка барҳам берилиб, озодлик таъминланади, бордию мағлуб бўлсалар, унда дор тагига бориб осиладилар.

Ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида Сарбадорлар кўзғолони фақатгина қуйи табақаларни эмас, балки мўғул зулмига қарши бўлган маҳаллий майда феодалларни ҳам ўзига бирлаштирган эди. Кўзғолончилар кўпгина ҳудудларда ҳокимиятни эгаллаб, ўз қўлларида маҳкам тутиб турдилар.

Мусулмон Шарқида “Тасаввуф” (сўфийлик) номи билан машҳур бўлган Хожагон ҳаракати VIII асрнинг охири ва IX асрнинг бошларида вужудга келди. Сўфийлик ва унинг турли-туман шакл ва кўринишлари ҳақида кўплаб фаразлар мавжуд. Ҳатто “сўфий” атамаси ҳақида ҳам нуқтаи назарлар кўп [5; 134]. XV асрнинг машҳур шоири Абдурахмон Жомий ўзининг “Нафаҳот ал-унс мин Хадарат ал-Кудс” (“Муқаддас кўшкдан эсан дўстлик шабадаси”) деган асида 604 нафар сўфийнинг номини тилга олади. Юқорида қайд қилинганидай, “сўфий” сўзи биринчи марта куфалик Абу Ҳошимга (766 йилда вафот этган) нисбатан қўлланган. “Худо йўли худди инсон жони сингари сон-саноксиздир”, дейдилар сўфийлар. Шу билан бирга, улар “Хитойгача борсанг-да, илм изла!” деб ҳам таъкидлайдилар.

Сўфийлик фалсафаси, том маънода айтганда, дин, унинг табиати ва функциялари, Тангрининг мавжудлигини асослаш, унинг инсон ва табиатга муносабати тўғрисидаги долзарб фалсафий муаммолар ва нуқтаи назарлар йиғиндисидир. Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ижтимоий-фалсафий фикри тарихида пантеизм, калом ва исмойлизм таълимотлари билан бир қаторда диний-фалсафий таълимот – сўфийлик ҳам муайян ўрин тутди.

XIII-XIV асрларда ижтимоий-фалсафий жабҳада янги ғоялар ва таълимотлар шаклланди. Адабиёт ва санъат арбоблари, файласуфлар аввалги даврларда яратилган ғоявий меросни ўрганиш, шарҳлаш ва уларни тарғиб қилиш билан машғул бўлдилар. XIII асрнинг мутафаккир шоири *Саъдий Шерозий* (1203-1292) узоқ йиллар мобайнида Шарқ мамлакатларига сафар қилди. Бундай сафарлар туфайли Саъдий кўп юртларни кўрди, ҳаётий тажрибаси ортди, диний ва дунёвий илмларни эгаллаб, тасаввуф адабиётининг ёрқин намояндаси бўлиб етишди. Сафарлар натижаси ўлароқ ўзининг машҳур “Гулистон” ва “Бўстон” номли асарларини ёзди, уларда ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва машаққатларини ёритиб берди.

“Саъдий икки тилда ёзиладиган шеър тури – муламмаъ (ширу шакар)нинг ҳам асосчиси ҳисобланади. Араб тилини яхши билганлигидан у арабча масра ва байтларни форсий билан уйғунлаштириб, ушбу шаклни ихтиро қилган. Кейинчалик форсий-туркий ибора ва мисралар воситасида ширу шакар ёзиш анъанаси пайдо бўлди. Саъдий таржеъбанд жанрини ҳам ривожлантириб, баланд пояга кўтарди. Ундан кейин ўтган шоирлар, ҳатто Ҳофиз ва Жомий каби шеър устодлари ҳам бу борада унга эргашдилар” [6; 160].

XIV аср, эронлик аллома Саид Нафасий таъкидлаганидек, ёлғон ва алдов учига чиққан давр бўлди ва у Эрон ва Марказий Осиё тарихининг алоҳида хусусиятига айланди. Сўфийлар ислом динини тиклашга қаратилган фаолият олиб бордилар. Мўғуллар вайрон қилинган иқтисодиётни тиклаш учун диний эркинликни тан олишга мажбур бўлдилар. Мўғул хонликларида ислом дини бирин-кетин қабул қилина борди. Шу тариқа Ислом Марказий Осиёда яна ҳукмрон дин бўлиб қолди. Иброҳим ҳамда Барзаний сўфий шайхлар бўлиб, ислом динининг қайта тикланишида катта рол ўйнадилар. Сўфий шайхлар билан ортодоксал ислом шайхлари ўртасидаги ғоявий кураш давом этди.

Сўфийлик халқ орасида кенг тарқалди. Бу унинг фалсафий мазмуни содда ва барча учун тушунарлилиги, Худога бўлган меҳр-муҳаббат унинг асосий ғояси эканлиги билан изоҳланади. Оламдаги жонли ва жонсиз табиат мутлақ ҳақиқат – Худонинг жилоланиши, нурланиши, яъни эманацияси туфайли намоён бўлади.

Инсон Аллоҳ томонидан яратилган бўлиб, унинг билан қўшилишга тинмай интилиши лозим. Бунинг учун инсон молу мулкдан, бойликдан воз кечиши, хоҳиш-истаклардан тийилиши, фикру зикрида Тангри жамолига етишиш истаги жўш уриши керак. Сўфийлар ўз нуктаи назарини, эътиқодини асослаш мақсадида эротик символика ҳамда илоҳий ишқнинг табиий образларидан фойдаланганлар. Сўфийлар севимли ёр деганда Худони, илоҳий ишқ деганда Тангри билан маънавий қўшилишни, мастлик деганда экстаз (жазава)ни, кулба деганда масжидни тушунганлар.

Бу даврда сўфийлик ҳам, исмойлизм ҳам ўзларининг илк даврдаги нисбатан илғор томонларини йўқотди. Ғоявий кураш икки йўналишда шарҳлаш тарзида борди. Улардан *биринчиси* сўфий назарийчиларининг маънавий меросини мистицизм нуктаи назаридан талқин қилдилар. Бу мерос, маълумки, диний қобикқа ўралган айрим илғор ғояларни ўз ичига олган эди. Бу даврда сўфий шарҳчиларнинг китоблари қуйидагилар эди:

1. Садриддин ал-Казаруний (вафоти 1209 йил)нинг “Маънавий камолот босқичларини тушунтириш китоби”;

2. Азиз Ибн Муҳаммад ан-Насафий (1262 йилда вафот этган)нинг “Четлашган мақсад” номли сўфизм доктринасига бағишланган китоби;

3. Абу Закариё Яхё ибн Шарофиддин Нававий (1233-1277)нинг “Риёз ас-солиҳин” (“Покиза одамлар боғи”) номли мусулмон ахлоқи тўғрисидаги китоби;

4. Хусайн ал-Маданийнинг “Қувноқ ҳикоялар” номли тўплами;

5. Амир Саййид Али Ибн Шаҳоб ал-Ҳамадоний (вафоти 1384 йил)нинг “Намунали хулқ” номли китоби. Унда ғайриахлоқий хатти-ҳаракатларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинади. Хасислик, такаббурлик, ҳасад, мунофиқлик, ўз сўзида турмаслик, очкўзлик ғайриахлоқий ҳаракатларнинг ибтидосидир. Агар инсон ўз қусурларини бартараф қилиб, маънавий қиёфасини ўзгартира олса, унда намунали хулқ шаклланади, сахийлик, камтарлик, қалби поклик, мардлик, нафсни тия олиш каби сифатларга эга бўла боради. Бунга Муршид (раҳбар)га итоат этиш орқали эришилади.

6. Аҳмад Ибн Саҳл ал-Китоб (вафоти 1276 йил)нинг “Ноёб китоб” асари. Ушбу китоб фалсафа, этика, табиий фанлар, мантик, тиббиёт фанларининг таърифи ҳамда уларнинг мусулмон теологияси нуктаи назаридан тавсифига бағишланган қомусий асардир.

*Иккинчи йўналиш*даги шарҳловчилар маънавий ўтмишни сийқалаштирадиган илоҳийгиларга қарши курашни давом эттирувчи алломалардан иборат эди. Улар, асосан, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқа мутафаккирларнинг фалсафий ғоялари софлиги учун курашдилар. Бу даврда Қутбиддин Муҳаммад ар-Розий ат-Тахтаний (вафоти 1364 йил)нинг Ибн Сино асарларига ёзган шарҳлари, Жалолиддин Даванний

(вафоти 1502 йил)нинг Ибн Сино ғояларини ортодоксал руҳонийлардан ҳимоя қилганлигини таъкидлаш жоиз.

Муҳаммад ибн Умар Саъдиддин Тафтазоний (1322–1392) “Таҳзиб ал-мантиқ ва-л-калом” (“Мантиқ ва каломдаги тузатишлар”), “Мақосид ат-толибин” (“Дин асосларини изловчиларнинг мақсадлари”) ва бошқа асарлари орқали ўзининг фалсафий мактабини яратди. Унинг риторика, теология ва мантиққа доир асарлари Шарқда машхур бўлиб кетди. Тафтазоний калом илмини мантикий хулосалар билан бойитди. Инсоннинг ирода эркинлиги – унинг фалсафий қарашларида устувор ғоя бўлган. Аллоҳ бандаларига икки йўлни кўрсатади, улар савоб ишлар қилиб рағбат ёки жазо оладилар. Аллоҳ томонидан кишиларга фақат эзгу ва хайрли юмушлар буюрилган, ножўя ишлар эса инсоннинг ўз иродасига боғлиқ.

Умуман, XIII-XIV асрларда фалсафий адабиёт шарҳлаш, комментария бериш шаклида бўлса-да, соғлом ғоялардан бегона эмас эди. Мунозаралар орқали янги-янги ғоялар илгари сурилар эди. Нақшбандийа тариқатининг аҳоли қатламлари ўртасида тарқалиб боришида *Муҳаммад Порсонинг* хизмати каттадир. Унинг асли исми шарифи Муҳаммад ал-Ҳофизи ал-Бухорий бўлиб, “Порсо” унга берилган нисбатдир. Ривоятга кўра Хожа Муҳаммад биринчи марта Баҳоуддин Нақшбанднинг уйига келиб, унинг эшигини тақиллатади. Оқсоч аёл эшикни очиб, салом-алиқдан сўнг Баҳоуддиннинг олдига боради-да, “Қандайдир художўй ва покдомон (яъни порсо) одам ташриф буюрди”, дейди. Хожа Баҳоуддин келиб эшикни очади-да, “Биз сенга “Порсо” деб ном қўйдик, Худонинг ўзи ёрлақасин, исминг жисмингга монанд бўлсин”, дейди ва шу тариқа унга ном беради.

Манбаларда Муҳаммад Порсонинг таваллуд вақти аниқ кўрсатилмаган. “Рашаҳот” номли асар муаллифи Фахриддин Али Сафий (Хусайн Воиз Кошифийнинг ўғли) уни 622 хижрий, яъни 1420 мелодий йилда, 72 ёшда вафот этганлиги ҳақида ёзган. Порсо Шайх Баҳоуддиннинг алоҳида эҳтиромга сазовор бўлган суюкли шогирдидир. Хусайн Воиз Кошифийнинг қайд қилишича, Нақшбанд ҳазратлари “Мен уни (Порсонинг – К.Ҳ.) тарбияладим, унга мистик ҳолатга эришиш ва жазавага тушишни, яъни “Сулук” ва “Чазба”ни ўргатдим”, деган экан. Маълумки, Нақшбандийа тариқатига кўра, “сулук” шундай усулдирки, унга кўра олий мақсадга эришиш жараёнида инсон олдида илоҳий ҳақиқатлар очила боради, “Чазба” усулида эса ҳеч бир воситасиз олий мақсадга эришилади.

Порсо ўзидан кейин катта маънавий мерос қолдирган, асарлари асосан сўфийлик тарихи ва назариясига бағишланган. Порсо асосан нақшбандийлик таълимотининг ўзига хос хусусиятларини тизимга солишга алоҳида эътиборни қаратган. Асосий асарлари “Фасл ал-китоб”, “Рисолаи кудсия”, “Тухфат ус-солиқин” ва бошқалар. Айниқса, “Фасл ал-китоб” номли асари “ислом алломалари томонидан энг ишончли қўлланма сифатида фойдаланилган” [2; 541], сўфийлик назариясини ишлаб чиқиш, унинг таҳлили, асосий қоида ва тамойилларига бағишланган. Асарда сўфийлик ва калом фалсафасининг Абдурахмон Суламий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Умар Насафий каби вакилларининг ғоялари ёритилган.

“Кудсия” (Авлиёлик) деган асарида Шайх Баҳоуддиннинг ўз яқинлари, шогирдлари ҳузуридаги фикрлари баён этилган. Ушбу трактат Порсонинг энг кенг тарқалган асари ҳисобланади. Унинг сўзларига кўра, ушбу трактат Хожа Баҳоуддиннинг ноиб Аттот номи билан машхур Хожа Алоуддин Муҳаммад ал-Бухорийнинг кўрсатмаси билан ёзилган. Унда Ҳаққа яқинлашув босқичлари, диний маросимлар, “фано”, “бақо” ва бошқалар тўғрисида сўз боради.

“Тухфат ус-солиқин” (“Йўлдош совғаси”) трактатида (ушбу китоб “Тадқиқоти Хожа Муҳаммад Порсо” номи билан ҳам машхур) ҳам сўфийлик таълимоти ривожлантирилган. Муқаддимадан сўнг Хожа Муҳаммад Порсо Худонинг номлари, уларнинг мазмун-моҳияти, сифатлари, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом таълимоти, нақшбандийликни ўрганиш, художўйлик, узлатпаноҳлик, зикр, иродавий эркинлик ҳақида сўфиёна мушоҳада юритади. Мистик билиш жараёнида ақл, интуиция, кузатиш ва мушоҳаданинг ўрни, фанларнинг таърифи, уларнинг турли-туманлиги, сўфийлик атамалари ва бошқалар ҳақида қимматли фалсафий фикрлар баён қилинган.

“Анис ут-толибин ва идат ус-солиқин” (“Ҳақиқатга интилаётган биродар ёки илоҳий йўлдан олға бораётганлар учун озуқа”) номли трактат тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисми “Вали” (авлиё) ҳамда “вилоят” (авлиёлар) деган атамаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган. Иккинчи қисмида Баҳоддин фаолиятининг бошланиши ҳақида гап боради. Учинчи қисмда тариқат асосчисининг билишнинг мистик йўли ҳақидаги фикрлари келтирилади. Тўртинчи қисм улуғ Шайхнинг илоҳий қароматлари ва мўъжизаларига бағишланган.

Мовароуннаҳр сўфийлик ҳаракатининг вужудга келиши, ёйилиши ва эришган муваффақиятлари хусусида қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин: минтақа халқлари ҳаётида ўзига хос мистик-аскетик йўналиш сифатида майдонга келган сўфийлик XII асрга келиб ислом билан узил-кесил қўшилиб кетди. Сўфийлар таълимотининг ғоявий-фалсафий манбаи жуда кенг. Улар ўзларидан аввал яшаб ўтган мутафаккирлар ва фалсафий мактабларнинг таълимотларидан фойдаландилар – юнон ва ҳинд фалсафаси, зардуштийлик ҳамда христианлик таъсирида шаклландилар (масалан, сўфийларнинг Тангри ва унга яқинлашиш воситалари ҳақидаги тасаввурлари мусулмон фалсафасидан олдинги таълимотларни эслатади).

Bundan buyon Respublika Ma’naviyat va ma’rifat markazi barcha hududiy kengashlarning, vazirlik, idora va tashkilotlarning ma’naviy-ma’rifiy faoliyatini muvofiqlashtirib borishi belgilangan.

O‘tgan davrda ma’naviyatga bag‘ishlangan ko‘plab monografiyalar, risolalar, maqolalar chop etildi. Ma’naviyat va milliy g‘oyaga oid predmetlar ta’lim tizimining barcha bo‘g‘inlariga kiritildi. Ma’naviyat masalasini o‘rganishga, tahlil qilishga uning inson va jamiyat hayotidagi o‘rnini hamda boshqa o‘quv predmetlari bilan aloqalarini yoritishga qaratilgan turli mualliflar tomonidan yozilgan risola va maqolalar, o‘quv qo‘llanmalari va darsliklarda ba’zi bir chalkash, o‘zaro bir-biriga mos kelmaydigan fikrlar ko‘zga tashlanadi.

Yuqoridagilarga asoslangan holda, ushbu maqola mavzusining dolzarbligi quyidagi jihat va holatlardan kelib chiqadi:

Birinchidan, “Ma’naviyat” tushunchasining kelib chiqishi va shakllanish tarixi hali to‘liq tarzda o‘rganilmagan. Turli tadqiqotchilar tomonidan taklif qilinayotgan turlicha yondashuvlar biri ikkinchisini inkor etib, o‘zaro bir-biriga mos kelmaydigan fikrlar mavjudligi fanda ba’zi bir chalkashliklar yuzaga chiqishiga sabab bo‘lmoqda;

Ikkinchidan, yuqorida ta’kidlanganidek, mustaqillikka erishganimizdan so‘ng jamiyat ma’naviy hayotini o‘rganishga keng yo‘l ochib berildi va imkoniyatlar yaratildi. Ta’limning barcha bosqichlarida ma’naviyat va milliy g‘oyani o‘rganishga bag‘ishlangan alohida predmetlar kiritildi. Har bir o‘quv predmeti alohida fan sifatida shakllanishi va rivojlanishi uchun vaqt va tinimsiz izlanishlar talab etadi. Ma’naviyatshunoslik yangi, endilikda o‘rganilib kelinayotgan soha bo‘lganligi bois ma’naviyatni o‘rganishning metodologiyasi to‘liq va mukammal tarzda tizimlashtirilmagan;

¹ Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma’naviyat, 2008. – B. 19.

² O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 19-yanvar kuni ma’naviy-ma’rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish, bu borada davlat va jamoat tashkilotlarining hamkorligini kuchaytirish masalalari bo‘yicha videoselektor yig‘ilishida so‘zlagan nutqi.

Uchinchidan, yuqoridagi sabablarga ko'ra, ma'naviyatshunoslik doirasidagi fanlarning o'quv rejalari, dasturlari va darsliklarida ba'zi bir ziddiyatlar ko'zga tashlanadi;

To'rtinchidan, uzluksiz ta'lim tizimida ma'naviyatga oid fanlar (predmetlar)aro bog'liqlikda bir muncha zaiflik mavjudligi ham kuzatiladi. O'quv dasturlari, darsliklar va qo'llanmalar doimiy ravishda takomillashtirilib, kamchiliklari tuzatilib, predmetlararo bog'liqligi kuchaytirib borilishi kerak;

Beshinchidan, davlatimiz taraqqiyoti va kelajagi, barkamol avlodni tarbiyalash, turli ma'naviy-mafkuraviy tahdidlardan yoshlarni himoya qilish ma'naviy yuksalishimizga, ayniqsa kelajak avlod dunyoqarashiga, uning ijtimoiy mo'ljallariga, qadriyat tizimiga bog'liq. Bu esa ma'naviyatni alohida har tomonlama chuqur o'rganishni, uning yuksalish qonuniyatlarini yaxshi bilib olib, amaliyotda, tarbiyaviy ishlarda qo'llashni taqozo etadi.

Barcha zamon va makonlarda ma'naviyati kuchli, ishonch va e'tiqodi mustaqkam millat bir jonu bir tan bo'lib, muammolarni tez va soz yechgan, peshqadam bo'lgan. Mafkuraviy birligi ichidan yoki tashqaridan buzilgan millatlar esa, mag'lub bo'lib, mustamlakaga aylangan.

Mustaqillik tufayli bizning ma'naviy qadriyatlarimiz, o'tmish ajdodlarimiz qoldirgan meros, o'zining butun mukammalligida, qaychilanmasdan, "progressiv-reaksiya" atalmish zo'raki qoliplarga tiqishtirilmasdan tiklana boshladi. Qur'oni karim, hadisi shariflar birinchi marta o'zbek tiliga tarjima qilinib, nashr etildi, Nosiriddin Rabg'uziy, Ahmad Yassaviy, Ubaydiy, Muhammad Rahimxon Firuz, Burxoniddin Marg'inoniy, Abu Mansur Moturidiy, Behbudiy, Fitrat, Cho'lpon va boshqa "sovet davrida" hatto nomlarini eslash man qilingan allomalarimizning asarlari birin-ketin nashr etilib, chanqoq kitobxonlar qo'lga yetib kela boshladi. Davlat tili haqidagi qonun qabul qilindi. Tasavvuf pirlari - Ahmad Yassaviy, Najmiddin Kubro, Bahovuddin Naqshband yubileylari millatimizning ruhida poklanish tuyg'ularini uyg'otdi. Poytaxtimizning qoq markazida sohibqiron bobomiz Amir Temurning ulug'vor mujassamasi o'rnatilishi o'zbek xalqining har bir farzandi ruhida haqli iftixor hislaridan o'chmas yog'du paydo qildi. XX asr boshlarida millatni ma'rifat, adolat, hurriyat sari yetaklagan jadid allomalarimiz xalq dilidan yana munosib o'rin ola boshladi. "Bosmachi" deya yoppa qoralangan milliy ozodlik harakati ishtirokchilari o'z qadrlariga loyiq baholadilar.

Tarix xotirasi, xalqning, jonajon o'lkaning, davlatimiz hududining xolis va haqqoniy tarixini tiklash milliy o'zlikni anglashni, ta'bir joiz bo'lsa, milliy iftixorni tiklash va o'stirish jarayonida g'oyat muhim o'rin tutadi. Tarix millatning haqiqiy tarbiyachisidir. Buyuk ajdodlarimizning ishlari va jasoratlari tarixiy xotiramizni jonlantirib, yangi fuqarolik ongini shakllantirmog'i zarur. Bizning o'tmish madaniyatimiz butun insoniyatni o'ziga rom etib kelayotgan markaz bo'lib kelayotganligi tasodifiy emas. Samarqand, Buxoro, Xiva faqat olimlar va san'at ixlosmandlari uchungina emas, balki tarix va tarixiy qadriyatlar bilan qiziquvchi barcha kishilar uchun ziyoratgohga aylangan.

"Biz, - deydi Birinchi Prezidentimiz, - iqtisodiy o'nnglanish, iqtisodiy tiklanish, iqtisodiy rivojlanishni ma'naviy o'nnglanish, ma'naviy poklanish, ma'naviy yuksalish harakatlari bilan tamomila uyg'un bo'lishini istaymiz"¹. Chunki xalq ma'naviyati o'nnglanmaguncha, na ijtimoiy-siyosiy jarayonlarda, na iqtisodiy sohada jiddiy yangilanishlar quvvatga kirishi qiyin. Ma'naviyat juda murakkab, serqirra, shu bilan birga xalq diliga nihoyatda yaqin, tushunarli hodisa. Uni, bir tomondan, soxta «ilmiy» murakkab ta'riflar bilan mavhumlashtirmay, shu bilan bir paytda siyqa, odmi «targ'ibot»ga aylantirmay, xalq ongiga tiniq yetkazmoq, yosh avlod ruhiga esh qilmoq lozim. Bunda qanday me'yorlarga rioya etish zarurligini 1992-yildayoq Birinchi Prezidentimiz aniq tavsiflab bergan edi:

"Umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik;

Xalqimizning ma'naviy merosini mustahkamlash va rivojlantirish;

Insonning o'z imkoniyatlarini erkin namoyon qilishi;

Vatanparvarlik"².

¹ Karimov I.A. Asarlar. 3-jild.– B. 35.

² Karimov I.A. Asarlar. 1-jild.– B. 76.

Mustaqillik ma'naviyatining asosini tashkil etuvchi bu to'rt negiz o'zaro chuqur ichki uyg'unlikka ega. Shu bilan birga bugungi kun uchun dolzarbligi jihatidan alohida inson shaxsining o'z ichki imkoniyatlarini erkin namoyon qilishi masalasi birinchi o'ringa chiqib turibdi. "Erkin fuqaro ma'naviyatini, ozod shaxsni shakllantirish masalasi oldimizda turgan eng dolzarb vazifadir"¹, deb ta'kidladi Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov 1999-yili 14-apreldagi ma'ruzasida. Davlatimiz va Prezidentimizning milliy ma'naviyatimizni rivojlantirishga e'tibori, aslida va birinchi navbatda, har bir insonning haqiqiy erkinligini ta'minlashga bo'lgan asosli e'tiborini ko'rsatadi. Chunki o'zligini anglamagan odam, unga qancha imkon va sharoit yaratib bermang, voqean hur va ozod bo'la olmaydi. Ammo o'zligini anglash degani, o'zining Vatanga, millatga, bashariyatga, Borliq haqiqatiga nisbatini to'g'ri belgilay bilish degani, bunga erishish osonlik bilan bo'lmaydi. "Ma'naviyat asoslari" fani ayni shu yo'nalishda bilim berishga qaratilgan.

Milliy ma'naviyatimizni rivojlantirish va yosh avlod ma'naviy tarbiyasiga e'tibori keyingi yillarda yanada kuchaydi. 2008-yilda "Ma'naviyat" nashriyotida chop etilgan "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" nomli alohida asari bunga yana bir yorqin dalildir. 4 bob, 174 sahifali bu kitobda "ma'naviyat" tushunchasiga oid Birinchi Prezident I.A.Karimovning oldin bildirgan mulohazalari va ta'riflari chuqurlashtirilgan va mukammallashtirib bir tizimga keltirilgan, ma'naviyatni shakllantiruvchi mezonlar, ma'naviy va moddiy hayot uyg'unligi kabi masalalar keng omma uchun tushunarli shaklda batafsil bayon qilingan, yuksak ma'naviyatli insonlarning hayotga munosabatlari va ularning ma'naviyati sayoz, hayotga yengil-yelpi qarovchi kishilardan farqi ochib ko'rsatilgan. Birinchi Prezidentimizning chuqur ishonchiga ko'ra, bugun biz ma'naviy tarbiya masalasida aslo beparvo va loqayd bo'lishga haqqimiz yo'q², ijtimoiy fanlar sohasida faoliyat olib borayotgan ziyo va ilm ahli bu sohada jiddiy ish olib borishi va jahon miqyosida avj olib borayotgan ma'naviy va axloqiy jaholatga qarshi ajdodlarimiz bizga meros qoldirgan milliy ma'naviyatimizning qudratli kuchidan barcha ma'rifiy vositalarni ishga solib unumli foydalanishlari kerak. Dunyodagi eng buyuk jasorat ma'naviy jasoratdir, deb xulosa qiladi Birinchi Prezident Islom Karimov va yosh avlodning ma'naviy tarbiyasini Vatan taraqqiyotining mustahkam poydevori sifatida baholaydi.

O'zbekiston Respublikasida ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini yanada oshirish, aholining intellektual salohiyati va dunyoqarashini yuksaltirishga, mafkuraviy immunitetini mustahkamlashga doir chora-tadbirlar dasturi ishlab chiqilib, amaliy keng qamrovli ishlar olib borilmoqda.

A'zam, Forobiy, Moturidiy, Ibn Sino, G'azzoliy, Nasriddin Tusiy kabi islom mintaqa madaniyatining buyuk allomalari ijodida Aslida ma'naviyatga oid fanlarning metodologiyasi masalasi allaqachon ulug' ajdodlarimiz tomonidan hal qilingan. Bu ilm va imon birligi, aniqrog'i, naqliy va aqliy bilimlar uyg'unligi, ya'ni ilohiy kitoblar va ajdodlarimiz merosida bayon qilingan, tarixiy tajribaga asoslangan bilimlar bilan ratsional (mantiqiy) tafakkurga asoslangan xulosalarning o'zaro muvofiqligidir. Bu metodologik asos Qur'oni karim va Hadisi shariflardan sarchashma olib, Imomi o'z rivojini topgan, keyinchalik ulug' tasavvuf pirlari Attor, Rumi, Ibn al-Arabiy kabilar ijodida irfoniy g'oyalar bilan boyitilgan va Nizomiy Ganjaviy, Amir Xusrav Dehlaviy, Alisher Navoiy singari mutafakkir ijodkorlar asarlarida badiiy tafakkur jilolari bilan mukammallashtirilgan munazzam bir istehkom, metin poydevordir-ki, unga tayanib yaratilgan har bir jiddiy tadqiqot umumbashariy kashfiyot darajasida qabul qilinishiga shubha qilmasa ham bo'ladi.

Mustaqillikning ikkinchi yilida asosiy qonunimiz qabul qilindi. Uning ikkinchi bobi 12-moddasida "O'zbekiston Respublikasida ijtimoiy hayot siyosiy institutlar, mafkuralar va fikrlarning xilma-xilligi asosida rivojlanadi. Hech qaysi mafkura davlat mafkurasi sifatida o'rnatilishi mumkin emas," deb yozib qo'yilgan.³

¹ Karimov I.A. Asarlar. 7-jild.– B. 381.

² Islom Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma'naviyat, 2008. – B.4,15,116.

³ Karimov I.A. Asarlar. 8-jild.– B. 467.

NATIJALAR VA MUNOZARA

Maqolada umumiy qabul qilingan metodlar-xolislik, qiyosiy-mantiqiy tahlil, xronologik ketma-ketlik tamoyillari asosida mustaqillik yillarida ijtimoiy-gumanitar fanlar orasida jamiyat ma'naviy hayotini ijtimoiy taraqqiyotidagi o'rnini o'rganishning nazariy-metodologik asoslarini yoritib berish ko'zlangan.

1997-yildan boshlab mamlakatimizdagi barcha oliy o'quv yurtlarida "Ma'naviyat asoslari" fani o'qitila boshlandi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2001-yil 18-yanvardagi "Milliy istiqloq g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar fani dasturlarini yaratish hamda amaliyotga joriy etish to'g'risida"gi – 1331-son Farmoyishi asosida xalqning, ayniqsa yosh avlodning ilg'or ma'naviy dunyosini yanada yuksaltirishga qaratilgan chora-tadbirlarga binoan yangi yaratilayotgan Davlat ta'lim standartlari va o'quv rejalariga "Ma'naviyat asoslari" va "Milliy istiqloq g'oyasi" predmetlari kiritildi va uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarida o'qitish joriy etildi.

2011-2012-o'quv yili uchun umumta'lim maktablarining "Vatan tuyg'usi" hamda "Milliy istiqloq g'oyasi va ma'naviyat asoslari" fani o'quv dasturlari "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida ilgari surilgan g'oya, qarash va xulosalar asosida tubdan qayta ishlandi. Shu sinflar darsliklari ham mazkur takomillashtirilgan dasturga muvofiq yangidan yaratildi. Akademik litseylar hamda kasb-hunar kollejlari ushbu yangi fan o'qitilishi uchun "Ma'naviyat asoslari" va "Milliy istiqloq g'oyasi" fanlari kiritilib, darsliklar, o'quv qo'llanmalar ishlab chiqildi. Oliy o'quv yurtlarining magistraturagacha bo'lgan bosqichlarida barcha – mutaxassis va nomutaxassis yo'nalishlarida bu fan o'qitilmoqda.

Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida "Odobnoma", "Vatan tuyg'usi", "Milliy istiqloq g'oyasi va ma'naviyat asoslari" hamda "Dunyo dinlari tarixi" fanlarini birlashtirgan holda yagona "Tarbiya" fani 1 - 9-sinflarda - 2020/2021 o'quv yilidan, 10 - 11-sinflarda esa - 2021/2022 o'quv yilidan boshlab fanlarga ajratilgan umumiy soatlar doirasida bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etildi.¹

Insonning ma'naviy dunyosiga xos bo'lgan xususiyatlar, vositalar hamda ma'naviyatni yoritishga ko'maklashadigan tushunchalarni biz mutafakkir ajdodlarimizning yuksak g'oyalari, falsafiy qarashlari va ular me'ros qilib qoldirgan mumtoz adabiyotlar orqali yanada teranroq anglab, tushunib olamiz. Jumladan mashhur shoir va orif, kalom va tasavvuf ilmining ulug' bilimdoni Jaloliddin Muhammad Rumiy ma'naviyat tushunchasini sarbaland cho'qqiga olib chiqqan faylasufdir. Uning teran qarashlari namunasi bo'lgan "Ma'naviy Masnaviy" kitobida insoniy haqiqat hamda uning ichki-ruhiy, ma'naviy olami to'g'risida mulohaza yuritilgan. Atamaning "ma'naviyat" shakli ham aynan Jaloliddin Rumiy ijodi tufayli ommalashgan degan fikrda ham jon bor. Rumiyning "Ma'naviy Masnaviy" asari Yaqin Sharq, Eron, Markaziy Osiyo va Shimoliy Hindistonda mashhur bo'lgan². Rumiy qarashlarida ma'naviyat so'fiylik ta'limotining asosini ifodalaydi. Jaloliddin Rumiy o'zining "Ma'naviy Masnaviy" kitobiga yozgan so'z boshisida unga turlicha g'oyalarni singdirgan va mazmun bag'ishlagan. U eng avvalo "ma'naviy" tushunchasini "din usullari, usulining usuli, Haq taologa va Haqiqatga yetishish sirlarining kashshofi"³ – deya diniy mazmunda talqin qiladi. Fikrini davom ettirib Rumiy o'z kitobini "Ko'ngillar bog'i, hikmat va ma'rifat buloqlari" degan mazmun bilan to'ldiradi. Bu yerda "ko'ngillar bog'i" deb aynan qalb va ma'nas (ma'nas – sanskrit tilida "aql" degan ma'noni anglatgan) nazarda tutilmoqda. "Bu kitob ruhiy bemorlar uchun shifo, g'ussalarni ketkizuvchi, rozlar hamrozi, sirlar kashshofi, Qur'oniy haqiqatlarni ochguvchi, rizq-ro'zlarini, inchunin,

¹ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining umumiy o'rta ta'lim muassasalarida "tarbiya" fanini bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish chora-tadbirlari to'g'risidagi qarori, 06.07.2020-yildagi 422-son. (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 07.07.2020-y., 09/20/422/1033-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 05.04.2022-y., 09/22/153/0266-son).

² Erkaev A. Ma'naviyat – millat nishoni. – T.: Ma'naviyat, 1999. – B. 17.

³ Jaloliddin Rumiy. Ma'naviy Masnaviy. Birinchi jild, birinchi kitob. – Toshkent: "Sharq" nashriyoti-matbaa konserni bosh tahririyati. 1999. – B. 20.

ma'naviy rizqni ham kengaytiruvchi, axloqni har turli qabohat va palidlikdan asraguvchidir"¹, deb baho beradi. Rumiyl "ma'naviy rizqni ham kengaytiruvchi" deganda ma'naviy ozuqa, ma'naviy rizq – haqiqat, ezgulik, adolat, go'zallik va zavq-shavqdan bahramand bo'lishni nazarda tutgan.

Abu Nasr Forobiy "Fozil odamlar shahri" asarida ma'naviyatning mohiyatini "fozillik" tushunchasi bilan ochib bergan. Forobiy "ma'naviylik" atamasi o'rniga "fozillik" atamasini qo'llagan. Boshqalardan farqli Forobiy "fozillik"ni diniy mazmunda emas, balki dunyoviy, mazmunda qo'llaydi. Rumiya ham, Navoiya ham va boshqa mutafakkirlarda "ma'naviy" tushunchasi ko'proq diniy va tasavvufiy mazmunlarda qo'llanilgan. "Fozil" – "fazila" – arabcha so'z bo'lib, "komil" so'zining manodoshi, ya'ni sinonimidir. Forobiy "fozil kishilar" deganda komil insonlarni nazarda tutganligini ko'rish mumkin. Fozil odamlar shahri kishilari baxt-saodatga intilib yashaydilar: "Har bir shaxs baxt-saodatga eltuvchi faoliyat bilan qancha uzoqroq va avvalgidan yanada yaxshiroq shug'ullanaversa uning ko'ngli, ruhiy holati ham shunga muvofiq komilroq, fozilroq bo'lib borad. Kamolot orqali, baxt-saodatga intiluvchi zot qalbi tobora poklanib, yaxshiliklar qilganiga o'zining ham ko'ngli o'sib, zavqi oshib boraveradi"². Fozillar shahri hokimiga berilgan o'n ikkita xislat-fazilatlar ma'naviyatni mohiyatini, tushuncha va kategoriyalarini tashkil etadi. Fozillar shahri hokimi sog'lom, fahm-farosatli, nozik didli, aql-tafakkuri keng, zukko, adolatparvar, xalqparvar, atrofda narsa va hodisalarni tez fahmlab, idrok etishi va mulohaza yuritishi, irodasi baquvvat, izlanuvchan, ijodkor, or-nomusli, jasur hamda o'z nafsini tiya olishi, mol-davlatga ruju qo'ymasligi, amalparast, obro'parast bo'lmasligi aytilgan. Forobiy fozillar shahrining ziddi bo'lgan shaharlarga "johillar shahri, benomuslar shahri, ayirboshlovchilar shahri, adashgan, zalolatdagi, odamlar shahri" ni kiritgan. "Bu shaharlarning vakillari – ayrim odamlar ham fozillarning ziddi bo'lgan odamlardir"³.

XULOSA

O'zbekiston mustaqillikka erishganidan keyin "ma'naviyat" ilmiy tushuncha sifatida tahlil qilinib, o'rganila boshlandi. Avvalo "ma'naviyatning o'zi nima?" degan savol qo'yildi. Inson va jamiyatning ma'naviy dunyosini boyitishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan barcha ijtimoiy-gumanitar soha (fanlar: til, adabiyot, tarix, dinshunoslik, sotsiologiya, etika, estetika...) mutaxassislar oldiga mazkur masalaga ilmiy yondashib javob topish muammosi vujudga keldi. Ma'naviyat masalalari hamda ta'lim tizimida "Ma'naviyat asoslari" fanini o'qitishni joriy etish va yanada takomillashtirish borasida bir qancha islohotlar amalga oshirilmoqda. 1997-yildan boshlab mamlakatimizdagi barcha oliy o'quv yurtlarida "Ma'naviyat asoslari" fani o'qitila boshlandi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2001-yil 18-yanvardagi "Milliy istiqloq g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar fani dasturlarini yaratish hamda amaliyotga joriy etish to'g'risida"gi PF – 1331-son Farmoyishi⁴ asosida "Milliy istiqloq g'oyasi" va "Ma'naviyat asoslari" fani uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarida o'qitish joriy etidi. "Respublika ma'naviyat va ma'rifat markazi" tuzulib, barcha viloyatlarda, shahar va tumanlarda uning bo'limlari ochildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006-yil 25-avgustdagi "Milliy g'oya targ'iboti va ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish to'g'risida"gi Qarori chiqarilganligi ham bu mavzuga nisbatan olimlarimizning e'tiborini yanada kuchaytirdi.

Yurtboshimiz olib borayotgan izchil siyosat mazmuni Yangi O'zbekiston atamasida o'z tavg'ini topmoqda. Mamlakatimizning o'tgan besh yillik davrida ma'naviyatga katta e'tibor berildi.

O'zbekiston Milliy teleradiokompanyasi orqali ma'naviy qarashlarni keng ommaga targ'ib qilish maqsadida "Madaniyat va ma'rifat" telekanalini Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi, uning hududiy bo'lim va bo'linmalari faoliyatini yoritish masalalari bo'yicha Respublika kengashining bosh axborot hamkori etib belgilanib o'z faoliyatini olib bormoqda.

¹ Jaloliddin Rumiyl. Ma'naviy Masnaviy. Birinchi jild, birinchi kitob. – Toshkent. "Sharq" nashriyoti-matbaa konserni bosh tahririyati, 2017. – B. 20.

² Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. 2-nashri.– T., 2012. – B. 45-46.

³ Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. 2-nashri.– T., 2012. – B. 43.

⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2001-yil 18-yanvardagi "Milliy istiqloq g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar fani dasturlarini yaratish hamda amaliyotga joriy etish to'g'risida"gi PF – 1331-son Farmoyishi.

Markaz, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi va Jurnalistlar ijodiy uyushmasining ma'naviy-ma'rifiy ishlarni amalga oshirishdagi, yuksak ijtimoiy-ma'naviy muhitni shakllantirishdagi samarali mehnati va ibratli faoliyati uchun davlat organlari va tashkilotlar xodimlariga topshiriladigan "Ma'naviyat fidoyisi" ko'krak nishonini ta'sis etish to'g'risidagi taklifi ma'qullandi. Shi kabi islohotlarning barchasi komil inson tarbiyalashdagi davlatimizning oqilona izchil siyosati bilan bog'liqligini ko'rishimiz mumkin.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Ishonch gazetasi 2018-yil, 29-dekabr soni.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma'naviyat, 2008. – B. 19.
3. Erkaev A. Ma'naviyat – millat nishoni. – T.: Ma'naviyat, 1999. – B. 17.
4. Jaloliddin Rumi. Ma'naviy Masnaviy. Birinchi jild, birinchi kitob. – Toshkent: "Sharq" nashriyoti-matbaa konserni bosh tahririyati. 1999. – B. 20.
5. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. 2-nashri. – T., 2012. – B. 45-46.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2001-yil 18-yanvardagi "Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar fani dasturlarini yaratish hamda amaliyotga joriy etish to'g'risida"gi PF – 1331-son Farmoyishi.

Наширға проф. С. Чориев тавсия этган

ФАХРИДДИН РОЗИЙ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА БОРЛИҚ МУАММОСИ

Умаржонов С.С. (Тошкент давлат иқтисодиёт университети)

Аннотация. Борлиқ муаммоси ислом фалсафасининг муҳим элементи ҳисобланади. Ал-Киндий, Абу Носир ал-Фаробий, Ибн Сино, Фаҳриддин Розий каби мумтоз давр ислом мутафаккирлари учун ҳам фалсафанинг бу категорияси жуда аҳамиятли бўлган. Ушбу мақола муаллифининг эътибори Исломдаги эркин фикрловчилар ҳаракатининг асосий иштирокчиларидан бири Фаҳриддин Муҳаммад ар-Розийнинг таълимотидаги борлиқ муаммосини тушунишга қаратилган. Фаҳриддин Розий "интеллектуал салафийлик" вакили сифатида қадимги юнон файласуфлари Аристотел, Демокрид, Гераклит, Эпикур ва шарқ мутафаккирлари Фаробий, Ибн Сино, Абу Сухайл Масихийларнинг борлиқ ҳақидаги қарашларига муқобил ечимларни таклиф қилади. Ушбу мақола онтологияга доир Розийнинг ўз даври учун ўзига хос қарашларини ифода этган асарларига таянган ҳолда далиллар беради. Хусусан, Н. Наимов ўз тадқиқотларида "Чаҳордах рисола" асаридаги Розийнинг борлиқ, мавжудлик, оламнинг яратувчиси ҳақидаги ўткир фикрларини келтиради. Бошқа тарафдан эса Розийнинг ислом илоҳиётига доир асарларида бунинг аксини кўришимиз мумкин. Розий позитсиясини таҳлил қилишда унинг асарларини ва турли хил тадқиқотчиларнинг маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш орқали ўз хулосаларимизни бериб ўтганмиз.

Таянч сўзлар: *Мойл Херавий, борлиқ, мавжудод, назарий фалсафа, амалий фалсафа, вожиб ул-вуҷуд, мумкин ул-вуҷуд, материя.*

Аннотация. Проблема существования является важным элементом исламской философии. Эта категория философии была также очень важна для классических исламских мыслителей, таких как Аль-Кинди, Абу Насир аль-Фараби, Ибн Сина, Фаҳриддин Рази. Авторы данной статьи акцентируют внимание на осмысление проблемы бытия в учении Фаҳриддина Муҳаммада ар-Рази, одного из главных участников движения свободомыслящих в исламе. Фаҳриддин Рази как представитель «интеллектуального салафизма» предлагает альтернативные решения взглядам на существование древнегреческих философов Аристотеля, Демокрита, Гераклита, Эпикура и восточных мыслителей Фараби, Ибн Сины, Абу Сухайля Масихи. В этой статье приводятся аргументы, основанные на работах Рази по онтологии, которые были уникальными для его времени. В частности, в своем исследовании Н. Наимов приводит острые мысли Рази о бытии, существовании, творце мироздания в «Чаҳордах рисола» (Четыре трактата). С другой стороны, мы можем видеть обратное в работах Рази по исламскому богословию. При анализе позиции Рази мы сделали выводы на основе сравнительного анализа его работ и данных различных исследователей.

Ключевые слова: *Мойл Херавий, бытёе, сушество, теоретическая философия, практическая философия, ваджиб уль-вуджуд, мумкин уль-вуджуд, материя.*

Annotation. The problem of existence is an important element of Islamic philosophy. This category of philosophy was also very important for classical Islamic thinkers such as Al-Kindi, Abu Nasir al-Farabi, Ibn Sina, Fakhr al-Din al-Razi. The authors of this article focus on understanding the problem of being in the teachings of Fakhr al-Din Muhammad al-Razi, one of the main participants in the movement of freethinkers in Islam. Fakhr al-Din al-Razi as a representative of "intellectual Salafism" offers alternative solutions to the views on the existence of the ancient Greek philosophers Aristotle, Democritus, Heraclitus, Epicurus and the Eastern thinkers Farabi, Ibn Sina, Abu Suhail Masihi. This article provides arguments based on Razi's work on ontology that was unique to his time. In particular, in his study, N. Naimov cites Razi's sharp thoughts about being, existence, the creator of the universe in "Chahordoh risola" (Fourteen treatises). On the other hand, we can see the opposite in Razi's writings on Islamic theology. When analyzing Razi's position, we drew conclusions based on a comparative analysis of his work and data from various researchers.

Key words: *Moyl Xeraviy, universe, creature, theoretical philosophy, practical philosophy, wajib ul-wujud, mumkin ul-wujud, matter.*

КИРИШ

Ҳозирги замонавий цивилизациялар мулоқоти шароитида ҳар бир халқ ўзининг илмий, маънавий-маданий меросига катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий-маърифий жабҳаларда ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. "Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустақкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз." [1; 267]. Бугунги кунда мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳага катта эътибор берилмоқда. "Жамият ҳаётида тинчлик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий- ҳуқуқий, маънавий маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек қадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат руҳи қарор топишига замин яратади." [2; 416]. Ўтмишдаги бой маънавий меросимиз кенг миқёсда тадқиқ қилиш ва уларни амалиётга жорий қилиш юзасидан кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон фармонида "Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш" [3; 35] юзасидан буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар қаламига мансуб асарларни тадқиқ қилиш, халқчил таржимасини амалга ошириш, улар асосида илмий ва оммабоп рисоалар яратиш каби мақсадлар белгилаб берилган. Шу асосда Шарқ мутафаккирлари, хусусан, Фаҳриддин Розийнинг ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида фондида сақланаётган фалсафий асарларини ўрганиш, тадқиқ қилиш бугунги кунимиз учун муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз. Фаҳриддин Розий ўз асарларида фалсафа, калом, мантиқ, диншунослик, этика, тарих каби фаннинг турли соҳаларига доир кўплаб асарлар ёзган. Асарларида ўзининг фикрларини теран ва аниқ ифодалаган. Бизнинг фанимиз доирасида унинг фалсафий асарлари, улардаги ижтимоий-фалсафий, диний қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Фаҳриддин Розийнинг оламга бўлган ижтимоий-фалсафий қарашлари бугунги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Унинг фалсафий қарашлари ҳам турли хил фалсафий таълимотлар асосида, ҳам ўз тажрибаси ва билимлари асосида пайдо бўлган ва шаклланган. Фалсафий асарларининг мазмуни етарлича тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли ушбу мақоламизда Розийнинг унга тегишли аслиятдаги алоҳида асарлари нуктаи назари асосида баъзи бир ижтимоий-фалсафий ва умумий-сиёсий

қарашлари ҳақида, айнан, “Латоиф ул-ғиёсийя”¹ (Ғиёсиддинга бағишланган энг нозик фикрлар), “Жомеъ-ул-улум”² (“Билимлар тўплами”), “Ар-рисолат-ул-камолия ф-ил-ақоиқ-ул-илоҳия”³ (“Теология ва метофизика ҳақида рисола”), “Шарх-ул-Ишорат в-ат-Танбеҳот”⁴ (“Ибн Синонинг “Кўрсатма ва буйруқлари” китобига шарҳлар”), “Чахордах рисола”, (“Ўн тўртта рисола”) каби унинг фалсафий қарашлари ёрқин акс этган маълумотларни беришга қарор қилдик. Шунингдек аввалги тадқиқотларимизда ЎзР ФА Шарқшунослик институтида фондида сақланаётган Фаҳриддин Розий асарларининг қисқача шарҳи бўйича маълумот бериб ўтган эдик. [4].

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаҳриддин Розий учун фалсафада намуна сифатида қадимий юнон мутаффақкир-файласуфлари Аристотель, Гераклит, Демокрит, Эпикур ва унинг издошлари Ўрта Осиё ва мусулмон шарқининг буюк олимлари Ал-Киндий, Абу Носир ал-Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Сухайл Масихий ва бир қатор шу каби олимлар бўлган. Шунинг учун, ушбу мутаффақкир-файласуфлар номини бир қатор асарларда тилга олиб фалсафий қарашларини ривожлантиришдаги уларнинг хизматларини тан олган ҳолда, Розий шундай ёзган эди: “Улар (яъни, Аристотель, Демокрит, Гераклит, Эпикур, Ал-Арабий, Ибн Сино, Абу Сухайл Масехий) ўзларининг улкан илмлари билан фалсафа фанини бойитган ноёб файласуф ва йирик мутаффақкирлар бўлишган. Гарчи бизнинг замондош-файласуфларимиз билимлар чўққисни забт этган бўлсалар-да, улар билан қиёсланса – улкан денгиз қаршисидаги томчи кабир [5; 228].

Розийни фалсафа соҳасида Аристотель, Абу Носир Форобий ва Ибн Синонинг маълум даражадаги издоши деб ҳисоблаш мумкин. Аммо у нафақат издош балки, юқорида

¹Изоҳ: *فخر الدين الرازى لطايف الغيسيت امام* Имом Фаҳриддин ал-Розий “Латоиф ул-ғиёсийя” қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фондида 2 та нусхаси мавжуд. 10873 ва 2355 инвентар рақамли қўлёзма нусхаларидир. Биринчи қўлёзма нусха (10873) 1265/1848-йилда кўчирилган. Котиб исми берилмаган. Котиб ушбу асарни ўқиган инсонлар кўчирувчи ҳақида дуо қилиб қўйишни сўраган яъни дуо талаб қилган. Форс тилида, насталиқ ёзувида кўчирилган. 120 вароқдан иборат. Розийнинг ушбу асари номи “Қашф ал-зунун” да берилмаган. 2355/2 рақамли нусхаси форс тилида, насталиқ ёзувида Утман ибн Мир Муҳаммад Валид Мир Камал (*عثمان بن ملا محمد ولد ملا كمال*) томонидан 1060/1650 – йилда Патнада (Ҳиндистон) кўчирилган. 100 вароқдан иборат (556-1546). Розийнинг тадқиқотчилар томонидан ўрганилмаган асари ҳисобланади. Ушбу асарни (10873) тадқиқ қилишда ёрдам берганлиги учун Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, фалсафа фанлари номзоди Муҳаммадjon Қодировга ўз миннаддорчилигимизни билдирамыз.

²Изоҳ: *جامع العلوم محمد ابن عمر فخر الدين الرازى* Муҳаммад ибн Умар Фаҳриддин ал-Розий “Жами ул-улум” асарининг 10583/7, 415, 5514 инвентар рақамли 3 та қўлёзма нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фондида сақланади. Араб тилида, насталиқ ёзувида кўчирилган. Ушбу асар хоразмшоҳ Такаш илтимосига биноан ёзилган. Асар XII-XIII асрлар мусулмон шарқидаги 60 га яқин фан ва уларнинг таснифи ҳақида маълумот беради. Библиографик маълумот учун: <http://scam.beruni.uz/scam/items-search/tome>

³Изоҳ: *رساله الكماليه فى حقايق الالهيه محمد بن عمر بن الحسين بن على الرازى* Муҳаммад ибн Умар Фаҳриддин ал-Розий “Risalat al-kamaliya fi haqiqat al-ilahiyya” асари ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фондида сақланади. 2536 инвентар рақамли қўлёзма нусхаси Шохжаҳонобод (*شاه جهان آباد*), Hindistonda 1076/1665-yilda fors tilida, nastaliq xatida ko'chirilgan. 87 varoqdan iborat. Худди шу асарнинг 2687 рақамли қўлёзмаси Мисрил Мактум томонидан тожикча таржимада насталиқ ёзувида кўчирилган. Тўлиқ маълумот учун: Auman Shihadeh, *The Teleological ethics of Fahr al-Din al-Razi*. Brill Leiden-Boston, 2006. 280 p // Tariq Jaffer, *Razi Master of Qur'anic Interpretation and Theological Reasoning*. Oxford University Press, 2015. 244 p // Frank Giffel. *Herausgegeben von Ulrich Rudolph, Philosophie in der Islamischen welt, 11. und 12. jahrhundert: Zentrale und Ostliche gebiete*. Schwabe verlag, 2021. s 471-501.

⁴Изоҳ: *شرح الاشارات وتبهيها فخر الدين الرازى* Фаҳриддин ал-Розий “Шарҳ ал-Ишарат в-ал-танбихат” асари асосий фондининг 4957/1, 4957/2 ва 4957/3 инвентар рақамлари остида ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фондида сақланади. Тахминан 580/1184-йилда ёзилган. Бу асар Ибн Синонинг “Ал-Ишарат в-ал-танбихат” асарига Розийнинг машҳур танқидий шарҳидир. Қўлёзма ким томонидан ва қачон кўчирилганлиги номалум. Араб тилида, насталиқ ёзувида кўчирилган. Тўлиқ маълумот учун: Shihadeh A. (2016). *Razi's (d. 1210) Commentary on Avicenna's Pointers: The Confluence of Exegesis and Aporetics in The Oxford Handbook of Islamic Philosophy*, eds. K. El-Rouayheb and S. Schmidtke Oxford: Oxford University Press, 296-325. // Shihadeh A. (2014). “Fakhr al-Din al-Razi's Response to Sharaf al-Din al-Mas'udi's Critical Commentary on Avicenna's Isharat”. *The Muslim world*, volume 104, 1-60. // Rapoport AM. “The life and afterlife of the rational soul: Chapter VIII-X of Ibn Sina's Pointers and Reminders and their commentaries”. A dissertation presented to the faculty of the Graduate school of Yale university in Cand. for the degree of doctor of philosophy, 2018. p 500. // Gutas D. *Avicenna and the Aristotelian Tradition*. Brill, Leiden. Boston, 2014. P. 617

кўрсатилган файласуфлар таълимотининг оддий шарҳловчиси ва тақлидчиси ва шунингдек уларнинг фалсафий ва табиий-илмий меросига ижодий ва танкидий руҳда ёндошган.

Розий ўзига устоз деб билган файласуфларни қуйидагича эътироф этади: “Билимларнинг турли соҳаларида, шу жумладан, фалсафа борасида кўплаб асарлар ёзган Аристотель файласуфлар ўртасида энг буюги эди. Форобий ва Ибн Синодан бошқа ҳеч бир файласуф унинг ишларини бу қадар чуқур ўрганмаган, шу қадар шарҳлай олмаган. Фалсафа ихлосмандлари унинг ишлари ва ўзига катта ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Мен ҳам унинг фалсафий асарларига жуда қизиққанман ва умримнинг бир қисмини унинг фалсафий асарларини ўрганишга сарфладим. Бунинг натижасида ўзимнинг фалсафий ишларимнинг бир қисмини ёза олдим, шуларнинг жумласига “Ниҳоят-ул-уқул”¹ (“Онг чегараси ҳақида рисола”), “Ал-Мулаххас” (“Мантиқ бўйича кичик китоб ҳақида рисола”), “Ибн Синонинг “Кўрсатма” китоби асосий қисмлари ҳақида рисола” (“Шарҳи Ишорот ва Абу Али”) киради [6; 144].

Ушбу парчадан маълум бўладики, гарчи Розий ҳаётининг бир қисмини Аристотелнинг илмий меросини ўрганишга сарфлаган ва унинг асарлари таъсири остида ўзининг бир қатор асарларини ёзган бўлса-да, шу қатори у ўзига хос асарлар яратган, уларда ўздан аввал ўтганларнинг, шу жумладан, Аристотель, Форобий ва Ибн Синоларнинг баъзи бир фалсафий долзарб, материалистик ғояларини ривожлантирган файласуф ҳам эди. Бу ҳақда унинг қадимий юнон файласуфи Аристотель ҳақида айтган қуйидаги сўзлари гувоҳлик беради:

*“Гирем, ки ба хидмати ту, эй садр,
Дар хурди таахуде набудем.
Бар даргахат, эй ба ҳакки салимон,
Охир кам худ-худе набудем.
Алқисса, ту форигию мо низ,
Мухтоджи тараддуде набудем”* [7; 144].

Таржимаси:

Гарчи биз сени кўрмаганмиз, донишлар бошлиғи,
Аммо ҳаммамиз бир бўлиб сенинг ишинга қўл урдик.
Дўстлар номуси билан қасам ичамизки, биз
Сенда ҳақиқатга йўл ахтардик.
Ва биз ишларингни ижодий давом эттираммиз,
Ва сени безовта қилишга ҳожат йўқ.

Мазкур шеърнинг икки сатридан кўриниб турганидек, Розий аждодларнинг меросига ижодий ёндашув кераклигини тан олди, афғон олими Мойл Херавий унинг моҳиятига чуқур кириб бориш билан бир қаторда, шундай ёзган эди: “Фаҳриддин Розий ўз даврининг фалсафани бошқалардан кўра чуқурроқ билган буюк файласуфи эди” [5; 3].

Розий ўзининг деярли барча, айниқса, соф фалсафий кўринишга эга асарларида ўз олдида фалсафанинг бир қатор муҳим, долзарб муаммоларига жавоб бериш ва улар бўйича ўз қарашларини билдиришни мақсад қилиб қўйди. Айни пайтда, у фалсафанинг нафақат муаммовий масалаларини назарий тушунишга уринди, балки ушбу назарий мулоҳозаларни ҳаёт билан боғламоқчи бўлди. Ва айтиш мумкинки, баъзи жиҳатларда бу ғояларни амалга оширишга эришди.

¹ Изоҳ: نهاية القول محمد ابن عمر فخر الدين الرازي: Мухаммад ибн Умар Фаҳриддин ал-Розий “Ниҳоят ал-уқул” асари ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фондининг 10129 рақамли нусхаси ҳисобланади. Насх хатида, араб ёзувида 680/1281-йилда Али ибн Мухаммад ибн Али Аннасафий (على بن محمدى على النسفى) томонидан кўчирилган, 200 вароқдан иборат. Ҳалигача нашр қилинмаган бу Калом илми ҳақидаги асар Ислом илоҳиёти тарихига жуда катта тасвир кўрсатган. Бу ар-Розийнинг олдинги Ашъарий тафаккури билан кейинг фалсафий илоҳиёт ўртасидаги ҳал қилувчи қисқа босқични ифодалайди. Тўлиқ маълумот учун: M. Saghir Hasan Masumi, “Imam Razi’s Ilm al-akhlāq”. Kitab Bhavāt.: New Delhi, 1992. – p 333 // Ayman Shihadeh, The Teleological ethics of Fahr al-Din al-Razi. Brill Leiden-Boston, 2006. 280 p

Розий фалсафани энг қадимий фанлардан бири деб ҳисоблаган. Фалсафа, унинг кўрсатишича, атроф оламни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга, зеро, мавжуд ҳақиқий ҳаётни бутунлигича ўрганади. Шунинг учун ҳам Розий ўзидан аввал ўтганларнинг прогрессив материалистик ғояларига риоя қилган ўлароқ, фалсафани мулоҳоза юритишнинг ва борлиқнинг, вужуднинг (“мавжудод”) объективлигини исботлашнинг энг зўр воситаси, ҳақиқатга (“ҳақиқат”) этишнинг тўғри йўли, деб ҳисоблайди. [6; 144] Зеро, дейди мутафаккир, фалсафанинг предмети борлиқ, мавжудлик ҳисобланади, объектив ҳақиқат эса уни англаш, шу боис илм қисмларга бўлинади. Унинг қарашларига кўра, предметлар ва ҳақиқий ҳаётнинг предметлари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга инсоннинг фаолияти ва ихтиёрига боғлиқ бўлмаган предметлар киради. Иккинчи гуруҳга, инсоннинг ҳаракатлари ва ақлига боғлиқ нарса ва предмет киради. Шундан келиб чиқиб, борлиқ ҳақидаги фан икки қисмга бўлинади. Мазкур фаннинг биринчи қисми, мақсади ҳақиқатни англаш бўлган назарий фалсафа, мақсади фаровонликка этиш бўлган амалий фалсафа ҳисобланади. Розий дейди: “Бизнинг файласуфларимиз, амалий ва назарий фалсафа масаласига ёндошаркан, уни қуйидагича тушунтирганлар: назарий фалсафа шуки, унинг воситасида инсон оламни англайди. Амалий фалсафа воситасида эса инсон моддий ашёларни англайди. Шу сабабли ҳам улар фалсафани амалий ва назарий фалсафага бўлганлар, англашни (билишни) эса унинг ташқарисидаги ва ичидагига бўлганлар ва шунинг асосида борлиқни, қисман, бутун олам, деб тушунтирганлар” [7; 417].

Розий борлиқнинг, мавжудоднинг чиндан ҳам мавжудлиги ва уни ҳиссиёт органлари ва онг воситасида англанишига шубҳа қилмайди. “Ташқи дунё мавжуд ва у турли жисмлардан иборат эканлиги ҳиссиёт органлари ва онг воситасида аниқ кўрамиз ва англаймиз” деб фикр билдириб ўтади. (“Ин олами хоридж, ки аз мавжудод ва хар гуна қисм иборат аст, мо мушоҳида мекунем ва уро бо хис ва ақл дармеёбем”) [6; 32].

Розий таълимотига кўра, борлиқ бутун мавжудотни англаувчи умумий тушунчадир, онг туфайли мавжудотлар зарурий-борлиқ ва эҳтимолий-борлиққа бўлинади. Икки қисмга бўлинувчи нарса эса мазкур қисмлар учун умумий ҳисобланади, демакки, борлиқ барча мавжудот учун умумий (тушунча) ҳисобланади [8; 27].

Демак, Розий, борлиқнинг чиндан ҳам мавжудлигига шубҳа қилмай, Форобий ва Ибн Сино сингари, борлиқ зарурий-борлиқ (вожиб ул-вужуд) ва эҳтимолий-борлиқ (мумкин ул-вужуд) га бўлинади, деб ҳисоблаган [9; 101]. Ўз фикрини асослаш учун у ёзади: “Билгилки, борлиқ, мавжудод мавжудлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шу боис агар зарурий борлиқ мавжуд бўлса эҳтимолий борлиқ ҳам мавжуддир. Шундай қилиб, маълум бўлдики, барча борлиқ, мавжудот иккига бўлинади – улардан бири зарурий-борлиқ, бошқаси, эҳтимолий-борлиқдир” [6; 33-34].

Абу Наср Форобий, Ибн Сино ва Умар Хайёмлар сингари Розий ҳам зарурий-борлиқ ҳамма мавжуд нарсаларнинг бошланғичи – биринчи сабаби яъни Аллоҳдир, ундан келиб чиқувчи бошқа борлиқ предметлари вужуди мумкин дир [10; 63] деган фикрларига қўшилади. Бироқ унинг зарурий-борлиққа (Худо) нисбатан фикри ўзгармай қолмади. Кейинчалик Розий Худо мавжудлигини зарурий-борлиқ деб таъкидламайди, яъни, қандайдир яратувчи борлигини шубҳа остига олади: “Эҳтимол, оламни яратувчи бор” (“Оламо офаридагоре ҳаёт”) [6; 57].

Юқорида келтирилган мисол Розий худонинг оламни яратувчиси сифатида чиндан ҳам бор эканлиги ҳақидаги шубҳалари, иккиланишларига гувоҳлик беради. Профессор М.Н. Болтаев таъкидлаганидек, бизни Розийнинг бундай салбий қарашлари эмас, балки унинг фалсафий таълимотидаги ижобий ва рационал томонлари қизиқтиради [11; 195].

Розий, Эпикур сингари, Худонинг мавжудлигини мавҳум тарзда эътироф этиши, оламнинг яратувчиси сифатида чиндан ҳам мавжуд эканлигига қарама-қарши қўйилади. Розий айтади: “Оламнинг яратувчиси мавжуд эмас, мабодо у мавжуд бўлганда ҳам, яратилган бошқа нарсаларга ўхшаш (бошқаларга) бўларди”. (“Сансо олам нест. Агар мавжуд бувад, мисли мавжудод бувад, агар мавжуд набувад, бояд ки маъдум бувад”) [6; 57].

Розийнинг масалани бу тарзда қўйиши Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг фалсафий ижтимоий фикрлар тарихида муҳим прогрессив аҳамиятга эга бўлган. Чунки бундай фикрлар сўзсиз, исломнинг, мусулмон мафкурасининг доғмаларига қарши эди, бунга қўра, Худо нафақат оламни яратган, балки ҳар куни ердаги ишларни бошқарган деган ақида мажуд эди. Шундай ўткир чиқишлар ва Худони яратувчи сифатида чиндан ҳам мавжуд эканлиги инкор этилгани боис аксарият реакцион кучлар, мисол учун, суфийлар, унга қарши чиқиб, уни худосизликда айблаганлар [12; 57-58]. Худонинг чиндан ҳам мавжуд эканлигига оид нуқтаи назарини исботлаш учун улар бир нечта аргументлар келтиради. Мисол учун, кирамидлар айтишича: “Худо, бу –макон ва замонда мавжуд бўлган ҳақиқий индивидуумдир. У осмон устидан жой олган ва ҳамма тана аъзоларига шу жумладан хоботга ҳам эга” [6; 58].

Мазкур мулоҳазани танқид қилиб, Розий кўрсатадики, “уларнинг таълимоти ва шиорлари сеҳргарлик ва ғирромлик, сурбетлик ва ҳудожўйлик, фитнакорлик ва айёрлик, иккиюзламачилик ва алдовдан бошқа нарса эмас” [6; 125].

Юқоридаги маълумотлар Розийнинг “Чахордах рисола”, “Жомеъ-ул-улум”, “Шарх-ул-Ишорат в-ат-Танбеҳот”, “Ар-рисолат-ул-камолия ф-ил-ақоик-ул-илоҳия”, каби асарларидаги фалсафий ва мантикий қарашларини тадқиқ қилган Н. Наимов [11] ўзининг номзодлик диссертациясида ушбу маълумотларни бериб ўтган. Тадқиқотимиз давомида Ясин Сейланнинг [13] Фаҳриддин Розий бўйича тадқиқотлари муҳим маълумотлар сифатида ўрганиб чиқдик. Эътиборли жихати шундаки Ясин Сейлан Розийнинг “Рисала фил-Тавҳид”, “Ал-Мабаҳис ал-Машриқийя” каби асарларини таҳлил қилиб, ўз тадқиқотида Худонинг мавжудлиги тўғрисидаги Розийнинг аргументларини куйидагича келтириб ўтади: “Ал-Розий Худонинг мавжудлигини исботлашда турли хил аргументларни келтиради. “Рисала фил-Тавҳид” асарида у Худога нисбатан иккита асосий ёндашувни муҳокама қилади: бири фаол ва иккинчиси эса нофаол. Фаол ёндашув куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ортодоксал ёндашув.
2. Шиавий ёндашув.
3. Илоҳий эмонация ёндашуви (Spiritual Illumination, Ishraq).
4. Ақлий ёндашув.
5. Юлдузларга эътиқод қилувчилар ёндашуви.

Нофаол ёндашув сифатида у илоҳ тушунчасига Сўфийларча ёндашув билан ўз фикрларини ифодалайди.

“Ал-Мабаҳис ал-Машриқийя” асарида илоҳий билим изловчиларни олти гуруҳга бўлган:

1. Файласуфлар
2. Илоҳиётшунослар
3. Илоҳий аргументлар тарафдорлари
4. Натуралистлар
5. Эмпириклар
6. Мистиклар” [13, 109-б].

Шунингдек биз тадқиқ қилаётган ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган Фаҳриддин Розийнинг “Латоиф ул-ғиёсийя” қўлёзма асарида борлиқ фалсафасига доир фикрларни аввалги тадқиқотларимизда маълумот бериб ўтган эдик [14;19]. Асарни ўрганиш давомида унинг ички тузилиши учта катта мақоладан иборат эканлигини аниқладик. Улар куйидагича номланади:

1. Илм фазилати ҳақида.
2. Борлиқнинг ва оламнинг яратувчиси борлиги далиллари тўғрисида.
3. Инсон аҳволининг сифатлари ҳақида.

Айнан иккинчи “Борлиқнинг ва оламнинг яратувчиси борлиги далиллари тўғрисида” мақоласида Розийнинг онтологик қарашлари очиқ берилган [15].

Калом илмининг асосий мавзуларидан бўлган Аллоҳнинг борлиги масаласи илоҳиётшуносларнинг қўплаб тортишув ва бахсларига сабаб бўлган масала ҳисобланади.

Зеро Розий фалсафа илмининг ривожлантирувчиси ва файласуфларнинг йўлбошчиси ҳисобланади. Бу буюк мутакаллим Оллоҳнинг мавжудлиги билан алоқадор ақлий ва Куръони Каримда келтирилган нақлий далиллар билан очиб беришга ҳаракат қилган [16; 157]. Туркиялик тадқиқотчи Харун Кучул Розийнинг “Мулахҳас”, “Ал-Маталибу л-алия” асарларини таҳлил қилган ҳолда Худонинг мавжудлиги, оламнинг яратувчиси эканлигини ақлий ва нақлий далиллар асосида Розийнинг қарашларини куйидагича келтиради: “Розийнинг асарларини таҳлил қилганимизда Аллоҳнинг мавжуд эканлигининг исботи сифатида 4 далилга таянганини кўрамиз. Булар:

1. Предметлар пайдо бўлишига кўра келтирилган далиллар.
2. Предметларнинг эҳтимоллийлигига кўра келтирилган далиллар.
3. Ернинг пайдо бўлишига кўра келтирилган далиллар.
4. Ернинг эҳтимоллийлигига кўра далиллар” [17; 109-110 //18; 22].

Розий “Ал-Маталибу л-Алия” да Оллоҳнинг мавжудлигига оид 6 далилни кўрсати:

1. Инсон имкониятлари.
2. Инсон сифатларининг мавжудлиги.
3. Инсон чегараси.
4. Инсон сифатларининг чегараси.
5. Инсонда имкон ва чегара бирлашмаси.
6. Инсон сифатларининг чегара ва имкониятлар бирлашмаси [17; 22].

Ушбу икки хил маълумотлар Розийнинг онтологик қарашларида баъзи ғализликларни келтириб чиқаради. Бизнинг фикримизча Розийнинг диний-фалсафий билимлари ривожлангани сайин унинг борлик, илоҳиёт ҳақидаги қарашлари ўзгарган бўлиши мумкин.

Розий эҳтимоллий-борлик тушунчаси остида, объектив борликда реал жойлашиб, ақлий ва ҳиссий сезгилар воситасида бизга маълум бўладиган ташқи оламдаги нарса ва предметларни таъкидлайди. “Ташқи оламда мавжуд ва ақл ҳамда ҳис ёрдамида англанадиган нарсалар эҳтимоллий-борлик ҳисобланади” [6; 19].

Кўриниб турибдики, Розий, эҳтимоллий-борлик категорияси остида, биз ҳиссий органларимиз ва онгимиз орқали англайдиган, бизда турли ҳис-туйғулар ва ҳолат (кайфият) ни келтириб чиқарадиган моддий жисмларни назарда тутати. Шунинг учун ҳам борлик, материя масаласи, бошқача айтганда, ташқи олам масаласи борасида, у субъектив идеалист ва скептик эмасди [12; 58-59]. Унинг таълимотига кўра борлик, моддият мавжудликнинг бир шаклидан иккинчи шаклига, бир сифат ҳолатидан бошқа сифат ҳолатига узликсиз ўтиб туриши, борликнинг, моддиятнинг табиий ҳолатидир. “Инсон танаси, – дейди у, – руҳга айланади (ўтади), руҳ – юракка, юрак – гулга, гул – зарраларга, зарралар – йўқликка, йўқлик – борликка айланади” [6; 26].

Розийнинг таълимотига кўра, биронта ҳам нарса ҳеч нарсага айланиб қолмайди, балки, маълум бир из қолдиради ва ҳеч нарсадан пайдо бўлмайди, балки, ҳар доим аниқ бир сабабга эга бўлади. Аниқ бир нарсанинг нобуд бўлиши унинг бошқа бир нарсага айланганини англатади ҳолос, аниқ бир нарсанинг пайдо бўлиши эса унинг бошқа нарсадан келиб чиққанини билдиради. Табиат, шунга ишора қиладики у йўқ қилинмайди, унда мутлақ емирилиш ҳам, мутлақ пайдо бўлиш ҳам бўлмайди, “нимадир парчланади ва унинг ўрнида нимадир пайдо бўлади”, “бинобарин, емирилиш ва пайдо бўлиш аллақандай ғайритабиий кучлар асносида эмас, балки, ўша нарсаларнинг табиатида кўра ҳосил бўлади” [6; 44].

ХУЛОСА

Ғаззолий тарафдорларининг эркин фикрловчи мутафаккирларга қарши кураши кучайган бир пайтда Розийнинг ташқи дунё моддиятларининг йўқ бўлмаслиги ҳақидаги фикрлари илғор фалсафа позициясини мустаҳкамлаш учун катта аҳамият касб этган.

Бунинг барчаси, шубҳасиз, унинг таълимотидаги рационал марказни ташкил этади. Ва у, ўз навбатида, илмий ривожланишда улкан ижобий роль ўйнади, зеро, бу – исломнинг асосий доғмаларига зиддир. Шунинг учун ҳам Розийни Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг илғор фалсафий фикрларини ривожлантиришда катта роль ўйнаган, Ўрта асрлар

даврининг эркин фикрловчи ва илғор мутафаккир-файласуфлардан, шунингдек, Ўрта Осиё ва мусулмон Шарқининг бир қатор кейинги мутафаккир-файласуфларнинг дунёқарашига сезиларли ижобий таъсир кўрсатган мутафаккирлардан бири деб бемалол ҳисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон”. 2021. – 459 б.
2. Umarjonov S. (2022). Muhammad ibn Umar Fahriddin Roziy asarlarining qisqacha sharhi. Imom Vohoriy saboqlari, 1, 24-25.
3. Херавий Мойл. *Шархи ҳол, зиндаги ва мунозароти Фахриддин Рази*. Техрон, хижрий, 1340. – 320 б.
4. Фахриддин Розий. *Чахордах рисола*. Техрон, хижрий 1340. – 185 б.
5. Фахриддин Розий. *Жомеъ ул-улум*. – Тошкент, хижрий 1331. – 490 б.
6. Фахриддин Рази. *Ар-рисолат-ул-камолия*. – Тегеран, 1335 г. хиджри. – 215 с.
7. Қодиров, Муҳаммаджон. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар) –Т.:ТДШИ, 2009. – 191 б.
8. Хайруллаев, М.М. Абу Али Ибн Синонинг илмий-фалсафий ва ижтимоий қарашлари. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. –Т.: Ўзбекистон, 1995. –135 б.
9. Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн-Сины и его школы. – Душанбе, 1965. – 295 с.
10. Наимов Н. Философские и логические воззрения Фахриддин Розии: Дис. канд. фил. наук – Тошкент, 1975. – 203 с.
11. Ceylan, Yacin. Theological and Tafsir in the major works of Fakhr al-Din al-Razi; Thesis presented for the degree of Ph.D. in the Faculty of Arts, University of Edinburg, 1980. – 264 p.
12. Umarjonov S.S., Safarov M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ul-g’iyosiyot” qo’lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining qo’yilishi va uning diniy-falsafiy germevntik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), pp. 1058-1068.
13. Umarjonov S. (2020). Fahriddin Muhammad ar-Roziyning (1149-1209) “Latoif ul-g’iyosiyot” asarining falsafiy-germevntik tahlili. Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – 121 b.
14. Gölçük, Şerafettin. Kelam Tarihi, Esra Yayınları, Konya, 1992.
15. Fahriddin Roziy. “Mulahas” – Beirut, 1992.
16. Küçük Harun. Fahriddin er-Razi ve uluhiyyat anlayışı. –Konyo, 2008. Yüksek lısans tesı.
17. Umarjonov S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o’qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o’rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9). pp. 1029-1038.
18. Shihadeh Ayman. The Teleological ethics of Fahr al-Din al-Razi. – Leiden: Brill, 2006. – 280 p.
19. Jaffer Tariq. Razi Master of Qur'anic Interpretation and Theological Reasoning. Oxford University Press, 2015. – 244 p.
20. Giffel, Frank. Herausgegeben von Ulrich Rudolph, Philosophie in der Islamischen welt, 11. und 12. jahrhundert: Zentrale und Östliche gebiete. Schwabe verlag, 2021. – S 471-501.
21. Shihadeh Ayman. (2016). Razi’s (d. 1210) Commentary on Avicenna’s Pointers: The Confluence of Exegesis and Aoretics in The Oxford Handbook of Islamic Philosophy, eds. K. El-Rouayheb and S. Schmidtke Oxford: Oxford University Press, pp. 296-325.
22. Shihadeh Ayman. (2014). “Fakhr al-Din al-Razi’s Response to Sharaf al-Din al-Mas’udi’s Critical Commentary on Avicenna’s Isharat”. The Muslim world, volume 104, 1-60.
23. Rapoport, A.M. “The life and afterlife of the rational soul: Chapter VIII-X of Ibn Sina’s Pointers and Reminders and their commentaries”. A dissertation presented to the faculty of the Graduate school of Yale university in Cand. for the degree of doctor of philosophy, 2018. p. 500.
24. Gutas, D. Avicenna and the Aristotelian Tradition. Leiden: Brill, 2014. P. 617.
25. Masumi M., Saghir Hasan. “Imam Razi’s Ilm al-akhlaq”. Kitab Bhavat: New Delhi, 1992. – p. 333.
26. Ар-Розий, Имом Фахриддин. *Латоиф ул-ғиёсийя*. Ўз ФА Шарқшунослик институти, Инв: 10879, хижрий 1265/1849-йилда кўчирилган.
27. Ар-Розий, Муҳаммад ибн Умар Фахриддин. *Латоиф ул-ғиёсийя*. Ўз ФА Шарқшунослик институти, Инв: 2355/2, Патна (Ҳиндистон)да хижрий 1060/1650-йилда кўчирилган. – Б. 556-154.
28. Ар-Розий, Имом Фахриддин. *Risalat al-kamaliya fi haqaiq al-ilahiya*. Ўз ФА Шарқшунослик институти, Инв: 2536, Шоҳжаҳонобод (Ҳиндистон)да хижрий 1076/1665-йилда кўчирилган.
29. Ал-Розий, Фахриддин. *Шарх аль-Ишарат ва-л-танбихат*. Ўз ФА Шарқшунослик институти, Инв: 4957/1, 16-186. (араб тилида).

30. Ал-Розий, Фаҳриддин. *Шарҳ аль-Ишарат ва-л-танбихат*. Ўз ФА Шарқшунослик институти, Инв: 4957/2, 18а-2716.

31. Ар-Розий, Муҳаммад ибн Умар Фаҳриддин. *Нихаят аль-уқул*. Ўз ФА Шарқшунослик институти, Инв: 10129, ҳижрий 680/1281-йилда кўчирилган. 1а–204а.

Наишга проф. С. Чориев тавсия этган

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ШАҲС МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ

Авазов С. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги куннинг долзарб муаммосига айланган ташқи меҳнат миграцияси масалалари таҳлил этилган. Замон талаби билан кўпчилик юртдошларимизнинг ташқи меҳнат мигрантларига айланиши ҳамда уларнинг ижтимоий аҳволи, муаммолари хусусида атрофлича фикр юритилган. Шунингдек, аҳоли миграциясининг ёшлар маънавиятига таъсири, Янги Ўзбекистонда миграция соҳасидаги ислохотларнинг моҳияти, миграциянинг жамиятимизда қарор топган миллий маънавий қадриятлар тизимининг трансформациясига сабаб бўлаётганлиги, ушбу соҳада мавжуд муаммолар ва уларни ечиш учун лозим бўлган вазифалар, истиқболда юртимизда маънавий муҳит ва аҳоли миграциясининг ўзаро таъсирлашувини тадқиқ этиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикрлар билдирилган.

Таянч сўзлар: *миграция, ташқи меҳнат миграцияси, иқтисодий фаол фуқаро, меҳнат мигрантларининг ижтимоий аҳволи, ёшлар маънавияти, маънавий муҳит, меҳнат муҳожирлари.*

Аннотация. В данной статье анализируются вопросы внешней трудовой миграции, которая стала актуальной проблемой на сегодняшний день. Ввиду требования времени многие наши соотечественники стали иностранными трудовыми мигрантами, их социальное положение и проблемы были подробно обсуждены. А также влияние миграции населения на духовность молодежи, характер реформ в сфере миграции в Новом Узбекистане, то, что миграция является причиной трансформации сложившейся в нашем обществе национальной духовной системы ценностей, сложившейся проблемы в этой сфере и задачи, необходимые для их решения, в дальнейшем высказаны мнения о проблемах, связанных с исследованием духовной среды и взаимодействия миграции населения в нашей стране.

Ключевые слова: *миграция, внешняя трудовая миграция, экономически активный гражданин, социальное положение трудовых мигрантов, духовность людей, духовная среда, трудовые мигранты.*

Annotation. This article analyzes the issues of foreign labor migration, which has become an urgent problem today. Due to the demand of time, many of our compatriots have become foreign labor migrants and their social situation and problems have been thoroughly discussed. Also, the influence of population migration on the spirituality of young people, the nature of reforms in the field of migration in New Uzbekistan, the fact that migration is the cause of the transformation of the national spiritual value system established in our society, the existing problems in this area and the tasks necessary to solve them, in the future, researching the interaction of the spiritual environment and population migration in our country opinions about problems related to.

Key words: *migration, external labor migration, economically active citizen, social condition of labor migrants, spirituality of people, spiritual environment, labor migrants.*

Оила фаровонлигининг асосини, табиийки, бирор-бир даромад манбаига эга бўлиш ташкил этади. Шу боис мулкка эгалик қилиш, қасб эгаллаш ёки муносиб ҳақ тўланадиган ишли бўлиш ҳар бир одамнинг ҳаётдаги асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Табиий ресурслар ўзгармасдан ёки камайиб бораётган, аҳоли сони эса тобора кўпайиб бораётган бугунги замонда аксарият мамлакатларда барчанинг мулкдор бўлишининг имконияти йўқ. Шу боис бирор жойда ишлаш кўпчилик учун тирикчилик манбаига эга бўлишни англатади. Янги иш ўринларини яратиш эса ҳар қандай давлат ижтимоий сиёсатида асосий ўринлардан бирига чиқди. Айниқса, аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистонда ҳар йили кўплаб иш ўринларини яратиш ҳаётий заруриятдир. Ўзбекистонда ҳар йили 360-370 минг нафар ишчи кучи меҳнат бозорига кириб келаяпти.

Боз устига кўпгина соҳаларда нафақа ёшига етганларга ҳам ҳоҳиши бўлса меҳнат фаолиятини давом эттиришга руҳсат берилди. Демакки, ҳар йили кўп миқдорда янги иш ўринларини яратиш талаб этилмоқда. Мамлакат имкониятларидан келиб чиқиб баҳолаганда, бу жуда катта вазифа. Шу боис ишсизлик мамлакатимизда энг долзарб ижтимоий муаммога айлангани ҳеч кимга сир эмас

Иш ўринларининг етишмаслиги натижасида эса миллионлаб ватандошларимиз, асосан ёшлар яқин ва узоқ хориж юртларда меҳнат қилишяпти, яъни ташқи меҳнат мигрантларига айланишмоқда. “Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро миқёсда асосан эмигрант яъни мигрантларни тақдим этувчи мамлакатга айланди. Статистик маълумотларга кўра, 2022 йил 1 октябрь ҳолатида мамлакатимизнинг доимий аҳолиси сони 35,8 миллион нафардан ортиқ ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги умумий аҳолисининг деярли 8,5 фоизи, доимий ўртача аҳолининг эса деярли 5,0 фоизи ишлаш мақсадида мамлакатни қонуний тарзда тарк этган”¹. Мамлакатни ноқонуний йўллар билан тарк этган мигрантларнинг эса аниқ ҳисоби йўқ. “Маълумотларга кўра, 2,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонлик меҳнат мигранти хорижда ишлаяпти”².

Қолаверса, таълим, даволаниш, туризм ва шахсий мақсадларда чет элга кетган, бошқа давлатда камида уч ой истиқомат қилган инсонлар ҳам мигрант сифатида тасниф қилинади.

Статистик маълумотларга кўра, хорижда меҳнат қилаётган Ўзбекистонликларнинг 80 – 85 фоизи Россияда ишлаяпти³. Қолганлари АҚШ, Туркия, Исроил, Жанубий Корея, БАА ва Қозоғистонда меҳнат қилишмоқда. Шунингдек, сўнги йилларда миграция географияси тобора кенгайиб бормоқда.

Табиийки, Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси сони кўпайиши баробарида иш қидириб четга чиқаётган ҳам ошиб бормоқда. Ўзбекистоннинг ҳар ўнинчи иқтисодий фаол фуқароси ҳар йили иш топиш мақсадида хорижга чиқади⁴.

Меҳнат мигрантларининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади, яъни айнан куч-ғайратга тўлган кўплаб ёшларимиз четда ишлашяпти. Хўш, улар чет мамлакатларда қандай вазиятларга дуч келаяпти? Янгича шароит, янгича муҳит турли таъсирларга берилувчан ва яқинлари назоратидан четлашган ёшлар маънавий-ахлоқий қиёфасига қандай таъсир кўрсатаяпти?

Бир қарашда барчаси кўнгилдагидек бўлиб туюлиши мумкин. Зеро, кўпчилик меҳнат мигрантларимиз анча-мунча пул топаётгани, иқтисодий-маиший муаммоларини ҳал қилаётганини ҳеч ким инкор қилолмайди. Замонавий иморатлар, кўша-кўша машина олаётган ишнинг кўзини биладиган, қўлида хунари бор йигитларимиз ҳам талайгина. Меҳнат мигрантларимиз мамлакат иқтисодиётига анчагина фойда келтираётганини, катта миқдордаги хорижий валюта мамлакатимиз бозорига кириб келаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Шу тўғрисида ташқи меҳнат миграцияси кўпчилик ёшлар учун ўз иқтисодий аҳволини ўнглаб олишнинг сўнги чораси бўлиб қолаётгани ҳам бор гап.

Аммо, ушбу вазиятда яна бир муҳим жиҳатни унутмаслик керак. Яъни ташқи меҳнат миграциясининг моддий томондан ташқари маънавий томони ҳам бор. Бунга ҳозирда унчалик катта эътибор қаратилмаяпти. Бироқ кейинчалик оқибати жуда аянчли бўлиши мумкин. Зеро, ҳозирданок ўзининг айрим жиҳатларини намоён қилаётган бўлсада жуда катта маънавий ўпирилиш содир бўлаётганини бугун кўпчилик англаб етгани йўқ. Нимага асосланиб бундай деяпмиз? Ҳеч кимга сир эмас, пул топиш учун оила кучоғидан чиқиб, хорижга келиб қолган ўспирин мутлақо ўзгача шароитга, бегона муҳитга тушиб қолади. Бу ерда уни назорат қилиб, тергаб турадиган ота-она йўқ.

Албатта, ёшлар дунёқарашда ташқи таъсирларга берилувчанлик устунлик қилади. Ёшлардаги бу қизиқувчанлик уларни ҳатто уруш майдонларига ҳам етаклаётганлиги сир эмас.

¹ <https://cyberleninka.ru>).

² <https://uzanalytics.com/>

³ қаранг: <https://mover.uz/> .

⁴ Қаранг: <https://mover.uz/>.

“Узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган шахслар яқин қариндошлари ва жамоатчилик назоратидан четда қолиши, ҳаёт тажрибасига эга бўлмагани ва мутассибликка мойиллиги сабабли халқаро террорчилик ташкилотларига ёлловчи кимсалар таъсирга тушиб, ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган кескинлик ўчоқларидаги жангарилар сафларига кўшилиб қолмоқда”¹.

Шу билан бирга, халқаро миграциянинг ўсиб бориши, кўплаб муаммоларни хусусан, террорчилик хавфларининг ошиши, ноқонуний миграция ва одам савдоси каби жиноятларнинг содир этилиши, миллий анъана ва кадриятларга путур етказадиган кўп маданиятли жамиятларнинг пайдо бўлиши ва бунга қарши баъзи давлатларда ирқчилик каби социал-психологик муаммоларнинг ҳам манбасига айланаётганлигини таъкидлашимиз мумкин ва бу жараёндан ҳеч қайси давлат четда қолаётгани йўқ. Хусусан, бугунги глобал миграция жараёнлари Ўзбекистонда ҳам давлат ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий, сиёсий фаолиятига бевосита ўз таъсирини ўтказмоқда. Инсонларнинг бошқа давлатлар кадриятлар тизими билан алоқага киришиши фақатгина ўзларининг тақдирига эмас, давлат ва жамиятнинг келажагига, хусусан, мамлакатдаги маънавий макон қиёфасига ҳам дахлдорлик қилмоқда. Айниқса, унинг салбий таъсири ёшлар тарбиясида яққол кўзга ташланмоқда.

Мисол учун, мигрант сифатида хорижга кетган ота-онанинг фарзандлари кўпинча қариндош-уруғлар, оила аъзоларининг қарамоғида қолади. Ўзгалар қарамоғидаги бола психосоциал ва ҳиссий муаммоларга дуч келмаслигига ҳеч ким қафолат бермайди. Ота-онаси узоқ муддат чет элда бўлган болага ғамхўрлик қилишда муаммолар юзага келиши мумкин. Демак, миграция ёшларимизнинг таълимига, соғлиғига ва ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатапти. Шунингдек, мигрант ота-оналарнинг фарзандларида депрессия ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган уй юмушлари ва унинг зиммасига юклатилган масъулият уни эрта улғайтириб қўяди. Бир сўз билан айтганда, ота-онаси узоқда бўлган ёшлар ижтимоий ҳимоя, сифатли таълим, ота-она тарбияси ва жамиятда иштирок этиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади. Бунинг ижтимоий оқибатларини қанчалик оғир бўлмасин тан олишимиз шарт.

Келтириш ўринлики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида болаларнинг ҳимоя қилиниш, таълим олиш, жамиятда иштирок ва мустақил қарорлар қабул қилиш каби ҳуқуқлари мавжуд. Миграция эса уларнинг бу ҳуқуқларини қафолатлай олмайди. Шахсий кузатувлар шуни кўрсатадики, миграциянинг салбий таъсири ижобий таъсирдан кўра салмоқлироқдир. Чет элдан жўнатилган пул оиланинг иқтисодий заифлигини камайтириши мумкин, бироқ ота-она қаровисиз болаларнинг маънавий-психологик фаровонлигини тўлиқ қондириш учун етарлими ёки йўқ, бу савол ҳамон очиклигича қолмоқда.

“Ота-оналар миграция қилиб, ўз фарзандларини ташлаб кетишга мажбур бўлганларида, уларнинг фаровонлиги ва ҳимоясига жиддий зиён етади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, васийлар одатда болаларни тарбиялаш ва назорат қилишнинг турли усулларидан фойдаланадилар. Болаларнинг 7 фоизга яқини жисмоний жазолардан, уч фоизи оиладаги зўравонликлардан ва 6 фоизи мактабдаги таҳқирлашлардан азият чекади. Болаларнинг учдан бир қисми ота-оналарининг миграциясидан сўнг ўз зиммаларига уй юмушлар, болаларни парвариш қилиш ва ака-ука ва опа-сингилларга ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ бўлган кўшимча мажбуриятларни оладилар. Болаларнинг ўзлари кўшимча юмушларни ўқиш ёки ҳаётнинг бошқа соҳаларига халақит берадиган омилар қаторига кўшмайдилар”².

Демак, таълим муассасалари, маҳалла ва кенг жамоатчилик бу масалага эътиборини қаратиши, ота-онаси меҳнат миграциясида бўлган ёшларни аниқлаш, яшаш шароитини баҳолаш ва ижтимоий хизматларга йўналтиришнинг аниқ тизимини ишлаб чиқиши жуда

¹МирзиёевШ.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, 2021. – Б. 406.

²АбдуллаеваА.Х. Аҳоли миграциясининг ёшлар маънавиятига таъсири, <https://cyberleninka.ru>

муҳимдир. Маҳаллаларда болаларни ижобий тарбиялаш мавзусида умумий таълим кампаниялари уюштирилиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ташқи меҳнат миграциясини ҳозиргиданда фойдалироқ ва самаралироқ, юқоридаги сингари салбий оқибатларини камроқ қилишнинг фақат битта ечими бор. Бу ҳам бўлса, ўзимизда юқори даромадли иш ўринларини кўпайтириш орқали ташқи меҳнат мигрантлари сонини камайитиришга эришиш. Бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, албатта келажақда бунга имкон беради.

“Муҳтарам Президентимиз илгари сўрган Ўзбекистонни янада ривожлантириш, уни ривожланган 50 та мамлакат қаторидан ўрин олишига эришиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик даражасини ошириш, таълим сифатини такомиллаштириш, камбағалликка барҳам бериш, инновацион иқтисодий шакллантириш борасидаги ташаббусларини ҳаётга тадбиқ этиш меҳнат миграцияси масалалари билан узвий боғлиқ”¹.

Тараққиёт стратегияси меҳнат миграцияси муаммоларини оқилона, узоқ келажақни кўзлаб ҳал этилишини, халқаро миграцияда бўлган фуқароларимиз салоҳиятини миллий иқтисодий эҳтиёжларига йўналтиришни тақозо этади. Ўз навбатида, ушбу ташаббусларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши муҳожирликда оғир шароитларда меҳнат қилаётган фуқароларимизни она юртига қайтиши учун қулай шароит, муносиб иш ҳақи билан таъминлаш учун шароит яратади. Бунинг учун аввало, меҳнат мигрантлари муаммоси Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим, бугунги кун ва келажақ нуқтаи назаридан ўз ечимини кутаётган марказий масалаларидан бири сифатида қаралмоғи лозим. Ушбу масала давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари, илму-фан аҳли, кенг жамоатчилик ва ўз-ўзини бошқариш органларининг доимий диққат марказида бўлмоғи шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, 2021. – 406 б.
2. Абдуллаев А.Х. Аҳоли миграциясининг ёшлар маънавиятига таъсири, <https://cyberleninka.ru>.
3. Муҳаммедов М.М., Арабов Н.У. Ташқи меҳнат миграцияси: муаммо ва ечимлар, <https://cyberleninka.ru>.

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

АЛ-ХОРАЗМИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ҚАДИМГИ ҲИНД ВА ЮНОН ИЛМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Хандамова М.А. (ДЧТИ)

Аннотация. Мақолада буюк математик, астроном ва географ, “ҳозирги замон алгебрасининг отаси” Муҳаммад ал-Хоразмий яшаган даври ва “Байтул-ҳикма”даги фаолияти ёритилди. Шунингдек, Ал-Хоразмийнинг қадимги ҳинд ва юнон илмларининг Шарқда ёйилишида ҳам муҳим ўрин тутганлиги ўрганилди.

Таянч сўзлар: *ал-Хоразмий, ал-Маъмун, Байтул-ҳикма, ҳинд рақамлари, арифметика.*

Аннотация. В статье освещены работы великого математика, астронома и географа, отца современной алгебры Мухаммада аль-Хорезмия в период его жизни и «Байтуль-хикма». Также изучена роль Аль-Хорезмия в распространении древних индийских и греческих наук на Востоке.

Ключевые слова: *аль-Хорезми, аль-Мамун, Байтул-хикма, индийские числа, арифметика.*

Annotation. The article is enlightened about the great mathematician, astronomer and geographer, about the period when Muhammad al-Khorezmi, the "father of modern algebra", lived, and about his

¹МуҳаммедовМ.М.АрабовН.У.Ташқи меҳнат миграцияси: муаммо ва ечимлар, <https://cyberleninka.ru>

activities in "Baitul-Hikma". It has also been studied that Al-Khorezmi also played an important role in the spread of ancient Indian and Greek sciences in the East.

Keywords: *al-Khorezmi, al-Mamun, Baitul-hikma, Indian numbers, arithmetic.*

Буюк математик, астроном ва географ, “ҳозирги замон алгебрасининг отаси” Муҳаммад ал-Хоразмий VIII аср охири IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусийдир. Бу ерда исмнинг “Абу Абдуллоҳ Муҳаммад” қисми исломга янги ўтганларга бериладиган анъанавий исмдир, “Ибн Мусо” – “Мусонинг ўғли” демақдир; “ал-Мажусий” лақабиغا кўра, хоразмийнинг аждодлари мажусий қоҳинларидан, яъни муғлардан бўлиб, исломни отаси қабул қилган кўринади.

Олимнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳамда ҳаёт йўли ҳақида аниқ маълумот сақланмаган. У туғилган йилни 783 йил деб тахмин қилинади. Хоразмийнинг бошланғич таълими ва қандай шароитда Хоразмни ташлаб кетганлиги ҳам фан учун ҳозирча номаълум. Маълумки, мажусий қоҳинлари қадимий диний урф-одатлардан хабардор бўлган, ерли халқ ёзуви ҳамда диний ва илмий адабиётлар уларнинг қўлида сақланган. Шунга кўра, хоразмий бошланғич маълумотни ўз уйида олганлигига ишониш мумкин. Хоразмий ватанини ташлаб кетишига келсак, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг отаси мажусий қоҳинларидан бўлганлиги учун араб мутаассибларининг таъкибидан қочиб, Хоразмни ташлаб кетишга мажбур бўлган ва Хуросонга, кейинроқ эса Бағдодга келиб қолган [1; 5].

Ибн ал-Қифтий келтирган хабарига кўра Хоразмийнинг илк Бағдодга келиб, у ердаги Қутраббул маҳалласида яшаганлиги ва у “Байтул Ҳикмат”нинг кутубхонасида мудирлик қилганлиги ҳақидаги хабарларни келтиради. Агар Берунийнинг Қутайба ҳақида келтирган хабарлари нуқтаи назаридан қаралса, бу фикрга қўшилиш мумкин. Лекин бизнингча, бошқа бир мулоҳаза ҳақиқатга яқинроқ. Бу мулоҳаза халифа Ҳорун ар-Рашиднинг Хуросондаги ноиб, ўз ўғли Маъмун билан боғлиқ. Бунга кўра, Маъмун Хуросондаги ноибликнинг пойтахти Марвга, атроф ўлкалардан, жумладан, Хоразм, Шош, Фароб, Афғонистон ва бошқа қўшни ерлардан олимларни тўплаб, ўз саройида уларнинг илмий ишларига шароит яратиб берган. Марказий Осиёлик олимлардан Жавҳарий, Ҳабаш ал-Ҳосиб, Фарғоний ва бошқалар бўлган.

813 йили халифалик лавозимига Маъмун (813-833) ўтиргач, у ўзи билан Бағдодга Марвдаги сарой олимларини ҳам олиб келади.

Бу ҳақида Ал-Хоразмий шундай фикрларни келтиради “Оллоҳ ал-Маъмунга унга мерос бўлиб ўтган халифалик лавозимини инъом қилиб, мурувват этганлиги, бу лавозим либосини кийдириб, уни безаганлиги ва шу билан бирга унда фанларда муҳаббат ва олимларни ўзига яқин тутишга интилиши менга жасорат ато қилди, у ўз ҳомийлик қаноатини ёзиб, уларга ноаниқ бўлган нарсаларни ёритишга ва улар учун мушкул нарсаларни осонлаштиришга ёрдамлашарди. Шунинг учун мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи “Алжабр ва муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китобни таълиф қилдим” – дейди. Бундан кўринадики халифа ал-Хоразмийни ҳар томонлама қўллаб қувватлаган. Яна фикрини давом эттириб – “чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, геометрияда ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир”. Бундан кўринадики, алломанинг асарлари аниқ фанларнинг ривожлантириш билан бир қаторда халифаликнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Халифа ал-Маъмун томонидан саройга келтирилган бу олимлар Шарқда “алмаровиза”, яъни “марвлиқлар” номи билан машҳур бўлади. Улар орасида табиийки Хоразмий ҳам бор эди. Маъмун “дамашқликлар” ва “марвлиқлар”ни “Маъмун академияси” номи билан машҳур бўлган академияга бирлаштиради. Маъмун академиясида кўплаб олимлар, таржимонлар ва хаттотлар хизмат қилади. Фарб олимларидан Ҳ.Зутер томонидан тузилган математик ва астрономлар рўйхатидаги олимларнинг “деярли барчаси Хуросон,

Мовароуннахр, Бактрия ва фарғоналиклардир”. Демак, “Маъмун академияси”да олиб борилган илмий изланишларга асли Марказий Осиёлик бўлган олимлар муҳим ҳисса кўшган дейиш мумкин.

Халифаликда илмий кашфиётларнинг тарқалишида савдо муносабатлари муҳим роль ўйнаган. Халифалик Ҳиндистон, Хитой, Византия, Хазария, Булғор, Русь ва Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатлар билан савдо муносабатларига эга эди.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Бағдодда астрономия билан шуғулланишга туртки бўлган сабаблардан бири бағдодликларнинг ҳиндлар билимидан хабардор бўлганликларидир [2; 171].

Ал-Хоразмий қадимги ҳинд илмларининг Шарқда ёйилишида ҳам муҳим ўрин эгаллаган олимдир. Халифа ал-Мансур саройида фаолият олиб борган астрономлардан бири олим пандит Катка (Канка) бўлиб, у ўзи билан бирга жадваллик астрономик рисола ҳам олиб келган. Шарқда “Китоб ас-Синдҳинд” ёки “Катта Синдҳинд” деб аталган бу асар, кейин маълум бўлишича, VII аср ҳинд астрономи Браҳмагупта 628 йили ёзган “Брахмаспхута-сиддхонта” экан [3; 66]. Хоразмийнинг “Китоб ас-Синдҳинд”ни қисқартириб тузган зиж эса Шарқда “Ас-Синдҳинд ас-сағир”, яъни “Кичик Синдҳинд” деб машҳур бўлди.

Халифа Маъмун ва ал-Восиқлар даврида китоб йиғиш учун Хоразмий бошчилигида учта экспедиция уюштирилади. Буларнинг бири 830 йилга яқин Ғарбий Ҳиндистонга уюштирилган эди [4; 237]. Бизнингча, Хоразмий ўз экспедициясидан ана шу маълумотларни олиб келган ва шунинг учун ҳам уларни ўзининг “Алгоризми ҳинд ҳисоби ҳақида” (Арифметика) асарида акс эттирган.

“Мен ҳиндлар 9 та ҳарфдан, уларни ўзлари хоҳлаганларича жойлаштиришларига кўра, истаган сонларни тузатишларини кўрганимдан кейин, агар худо хоҳласа, ўрганаётганларга осонлик учун бу ҳарфлардан нима ҳосил бўлишини кўрсатишни азм қилдим. Агар ҳиндлар худди манга шуни хоҳлаган бўлса ва бу 9 та ҳарфнинг улардаги маъноси менга очилган маънонинг ўзгинаси бўлса, тангри мени шунга қарата йўллаган” [5; 59] дейди.

Ўз даврида ҳиндларнинг бу муҳим кашфиёти ҳақида суриялик руҳоний Север Себохтнинг ажойиб фикрларини келтиришни жоиз деб биламиз. “Мен сурёнийлардан фарқ қиладиган ҳиндларнинг фани ҳақида, уларнинг юнонлар ва бобилликларнинг кашфиётларига қараганда чуқурроқ бўлган астрономиядаги ажойиб ихтиролари ҳақида ва уларнинг барча тавсифдан ҳам ортадиган ҳисоб системалари ҳақида айтмоқчи эмасман. Балки мен фақат улар ҳисобни тўққизта белги ёрдамида бажаришлари ҳақида айтмоқчиман. Агар фақат юнонча сўзлашишнинг ўзи билан фаннинг барча ниҳояларига етдим деб ўйлайдиганлар бу ҳақда билганларида эди, улар бирор нарсани билувчи бошқалар ҳам борлигини билган бўлардилар” - деб ҳинд маданиятига юқори баҳо беради [5; 139]. Албатта бу ҳинд рақамларининг бутун Шарқ ва Ғарбга ёйилишида ал-Хоразмийнинг хизматлари буюқдир.

Хоразмийнинг арифметик рисоласида ҳинд арифметикасигина эмас, балки қадимги юнон фалсафасининг аксланиши ҳам сезилади. Бундай фикрларни унинг куйидаги сўзлари тасдиқлайди: “Мен кишиларга ҳисоблашда нима кераклигини текшириб қараганимда, бунинг ҳаммаси сон эканлигини кўрдим. Мен барча сонлар бирлардан тузилишини ва бир барча сонларнинг таркибига киришини топдим” [5; 78] дейди. Мутафаккирнинг ушбу фикрлари мил.авв. VI асрнинг иккинчи ярмида яшаган Элей мактабининг вакили Пифагор қарашларига жуда яқин ҳисобланади. У сонларни оламнинг бирламчи асоси сифатида деб билади. Пифагорчилар сонда гармоник уйғунликни кўрдилар ва соннинг аҳамиятини кўрдилар. Ёки Аристотел бирнинг сонлардан ташқаридалиги, яъни сон эмаслиги ҳақидаги фикрларни айтган бўлса, Евклид “Сон эса бирлардан тузилган тўпламдир” деган таърифи Хоразмийнинг “ҳар қандай сон бирлардан тузилган” деган фикрларига жуда яқин ҳисобланади. Бундан кўринадики, мутафаккир юнон олимларидан Пифагор, Евклид, Аристотелнинг асарларидан жуда яхши таниш бўлибгина қолмай балки, бу қарашларни ривожлантирди ва ҳаётга тадбиқ этди.

Ал-Хоразмий нафақат буюк математик, балки унинг ислом динига бўлган чуқур эътиқодини асарларида кўришимиз мумкин. Мутафаккирнинг “Алжабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” (Алгебра) асарида – “Биз у раббимизни тан оламиз, унинг улуғворлиги олдида тиз чўкамиз ва унинг қудрати олдида итоат қиламиз. Анча вақтлардан бери пайғамбарлар бўлмай, ҳақиқат тан олинмаган ва тўғри йўл аллақачонлар унутилган бир пайтда, у пайғамбар қилиб, Муҳаммадни – унга ва унинг қариндошларига Оллоҳнинг марҳамати ва саломлари бўлсин - юборди”. Бу туфайли у кўрларнинг кўзини очди, бу туфайли одамларни ҳалокатдан халос қилди, бу туфайли озни кўпайтирди, бу туфайли сочилиб ётганни тўплади. Раббимиз Оллоҳ марҳаматлидир, унинг қудрати буюк, исмлари муқаддас ва ундан бўлак илоҳият йўқдир [5; 77].

Ал-Хоразмий фан тарихида илмий кузатишлар олиб борган ва улардан назарий хулосалар чиқарган йирик олим ҳисобланади. Унинг билиш масаласига оид фикрлари муҳим ҳисобланади. У оламни инсон сезгиси ва билимининг манбаи деб билади. Унинг айтишича, оламдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини билиш ниҳоятда мураккаб, зиддиятли жараёндр. Лекин инсон бу масалада ҳам битмас-туганмас имкониятларга эгадир.

Профессор О.Файзуллаевнинг фикрига кўра, Ал-Хоразмий илмий кузатиш тадқиқотларини уч соҳада олиб боради [6; 41] ва улар қуйидагилардан иборат;

биринчиси – осмон жисмларидан Кўёш, Ой, юлдузлар, планеталарнинг самовий фазодаги ҳаракатлари, ўзаро силжишлари, уларнинг траекториялари, тезликлари, геометрик элементларини аниқлади;

иккинчидан – ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни кузатиш. Ўрта асрларда мерос тақсимлаш муаммоси долзарб ҳисобланиб, бу оилаларда ҳуқуқий масалаларни ҳам мураккаблаштирган. Ҳуқуқ амалиётига математиканинг ёрдамини жалб этган олим ал-Хоразмийдир. У математикани ривожлантиришда ҳуқуқ амалиётдан фойдаланади ва буни “Васиятлар” рисоласида исботлаб берди;

учинчидан – ер ўлчаш, каналлар ўтказиш, қурилиш ишлари, архитектура соҳасидаги тажрибаларни кузатиш ва тегишли назарий хулосаларни асослаб берди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ал-Хоразмий “Байтул-ҳикма”нинг илмий фаолиятида мунтазам иштирок этиб, фанлар соҳасида муҳим кашфиётларни амалга оширди ва ҳаётга тадбиқ эта олди. Шарқда – илк уйғониш даврини бошлаб берган мутафаккирдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Салъе М. Муҳаммед аль-Хорезми – великий узбекский учёный. – Ташкент, 1954, – С. 5.
2. Юшкевич А. П. История математики в средние века. – Москва. 1961.– С. 171.
3. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Избр. соч.-я. Т. IV, –М.; -Л., 1957. –С. 66.
4. Солиҳ Закий. Осори боқия (туркча). I-жилд. Истанбул, 1329 х. / 1911 й. – 237 б.
5. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1983, – 59 б.
6. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – Б. 41.

Наирга проф. С.Чориев тавсия этган

GLOBALLASHUV SHAROITIDA MA'NAVIY TAHDIDLARGA QARSHI KURASH TENDENSIYALARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR

Suvanov I.A. (Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi huzuridagi Ijtimoiy-ma'naviy tadqiqotlar instituti)

Annotatsiya. Globallashuv sharoitida jamiyat xavfsizligi hamda mamlakat barqarorligini ta'minlash hozirgi kunning dolzarb muammosi hisoblanadi. Mazkur maqolada axborotlashgan jamiyatning

globallashuvi sharoitida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan ma'naviy tahdid turlari hamda ularga qarshi kurash yo'lida olib borilishi zarur bo'lgan ijtimoiy va ma'naviy omillar xususida tahliliy mulohazalar berilgan.

Tayanch so'zlar: *axborotlashgan jamiyat, yot g'oyalar, mafkuraviy ta'sir va tahdidlar, kommunistik mafkura, kosmopolitizm, buyuk davlatchilik shovinizmi, diniy ekstremizm va aqidaparastlik, irqchilik g'oyasi, fashizm, neofashizm, agressiv millatchilik, separatizm, panislomizm, panturkizm, submadaniyat, ommaviy madaniyat.*

Аннотация. Обеспечение безопасности общества и стабильности страны в условиях глобализации является актуальной проблемой современности. В данной статье даны аналитические комментарии о видах моральных угроз, которые могут возникнуть в условиях глобализации информационного общества, а также социальных и моральных факторах, необходимых для борьбы с ними.

Ключевые слова: *информационное общество, иностранные идеи, идеологическое влияние и угрозы, коммунистическая идеология, космополитизм, крупногосударственный шовинизм, религиозный экстремизм и фанатизм, идея расизма, фашизм, неофашизм, агрессивный национализм, сепаратизм, панисламизм, Пантюркизм, субкультура, массовая культура.*

Annotation. Ensuring the security of society and the stability of the country in the conditions of globalization is an urgent problem of today. This article provides analytical comments on the types of moral threats that may arise in the context of the globalization of the information society, as well as the social and moral factors necessary to fight against them.

Key words: *information society, foreign ideas, ideological influence and threats, communist ideology, cosmopolitanism, big state chauvinism, religious extremism and fanaticism, the idea of racism, fascism, neo-fascism, aggressive nationalism, separatism, pan-Islamism, Pan-Turkism, subculture, popular culture.*

Kirish. Globallashuv sharoitida jamiyat xavfsizligi hamda mamlakat barqarorligini ta'minlash hozirgi kunning dolzarb muammosi hisoblanadi. Bunday dunyo miqyosida globallashuv jarayonining kuchayishi natijasida avj olib borayotgan ma'naviy xurujlar, yot g'oya va mafkuralar ta'sirida inson qalbi va ongini zabt etishga harakat tobora kuchayib bormoqda. Shu nuqtai nazardan qaraganda, missionerlik harakati globallashuv jarayonining eng murakkab muammolari qatorida o'ziga xos ijtimoiy-siyosiy tahdid sifatida namoyon bo'lmoqda. Bu esa, zamonaviy missionerlikni belgilangan maqsadlari asl mohiyatini siyosatshunoslik fanlari nuqtai nazaridan asoslab berilishini taqozo etmoqda.

Globallashuv jarayonining o'ziga xos jihatlaridan yana biri «...hozirgi sharoitda u mafkuraviy ta'sir o'tkazishning nihoyatda o'tkir quroliga aylanib, har xil siyosiy kuchlar va markazlarning manfaatlariga xizmat qilayotgani»dir[4:112]. Mana shunday vaziyatda odam o'z mustaqil fikriga, zamonlar sinovidan o'tgan hayotiy-milliy qadriyatlarga, sog'lom negizda shakllangan dunyoqarash va mustahkam irodaga ega bo'lmasa, har turli ma'naviy tahdidlarga, ularning goh oshkora, goh pinhona ko'rinishidagi ta'siriga bardosh berishi, amrimahol. Aytish mumkinki, davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek: "Biz boshimizdan kechirayotgan hozirgi globallashuv davri o'ta shiddat bilan o'zgarayotgani va turli tahdidlar ko'pligi bilan oldimizga hal etishni kechiktirib bo'lmaydigan g'oyat murakkab vazifalarni qo'yimoqda" [1:45-46].

Bugun dunyoning mafkuraviy manzarasida inson qalbi va ongiga ta'sir o'tkazuvchi, turli xil vositalar bilan kurash olib boruvchi mafkuraviy poligonlar faoliyati tobora yaqqolroq ko'zga tashlanmoqda. Taraqqiyotning hozirgi bosqichida jahonda g'oyat murakkab va tahlikali jarayon kechmoqda. Bular dunyoning siyosiy, mafkuraviy manzarasidagi o'zgarishlar, taraqqiyotning yangi bosqichiga ko'tarilishi va bu taraqqiyotga g'ov bo'ladigan demokratik rivojlanishni izdan chikaradigan, jamiyat barqarorligiga rahnasoladigan g'oyaviy-mafkuraviy to'siqlarning paydo bo'lishi bilan izohlanadi.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Axborotlashgan jamiyatdagi ma'naviyat mazmunini o'rganish ilm-fanning ko'plab tarmoqlari predmet tekisliklari kesishmasida yotadi. Ma'naviyat falsafa tarixi davomida o'rganish obyekti bo'lib kelgan, bu sohada juda ko'p nazariy, uslubiy va konseptual materiallar mavjud. Falsafa butun taraqqiyot tarixi davomida to'plangan g'oyalar, nazariyalar, ma'naviyat tushunchalarining muhim sonini mavjudligini hisobga olgan holda maqola mavzusi bilan bevosita bog'liq bo'lgan an'anaviy nazariyalarga e'tibor qaratamiz.

Ziddiyatli, noaniq, ma'naviyat tez o'zgaruvchan hozirgi zamon olamini anglashda falsafa alohida rol o'ynaydi, ularni hal qilish mumkin bo'lgan yo'llarini, sivilizatsiyaning keyingi

rivojlanishini tahlil qiladi. Maqolani tayyorlashda tarixiylik, tanqidiylik, tizimli metodlardan foydalanildi. Axborotlashgan jamiyatning bir qismi bo'lgan kibermakonga ijtimoiy reallikning, axborotlashgan jamiyatning voqeligi sifatida yondashilgan tadqiqotlarga M.Kastels, M.Maklyuyen va A.Ye.Voyskunskiy, T.Nabet kabilarning ishlarini kiritish mumkin.

D.Bell, A.Turen, E.Toftler, Z.Bjezinskiy, Y.Masuda kabi olimlarning tadqiqotlarida jamiyat virtuallashuvi jarayonining axborotlar oqimi bilan bog'liqligi aks etib, tahlil jarayonida axborotlashgan jamiyatning konseptual asoslari va uning nazariyalariga asos solingan. Ushbu yondashuv vakillari fikriga ko'ra, axborot insonlarning dunyoqarashiga ta'sir etish xususiyatiga ega bo'lib, jamiyatning tafakkuri transformatsiyasi shakllanishiga sharoit yaratib, yangi ijtimoiy tabaqa va guruhlar hosil bo'lishiga olib keladi.

J.Xenderson, P.Druker, P.Berger, B.Berger, R.Kollins, V.A.Pleshakov singari olimlarning tadqiqotlarida axborotlar oqimi kishilar turmush tarzining virtuallashuvi natijasida jamiyatning diniy, madaniy qadriyatlarining transformatsion xususiyatlari shakllanishidagi muhim omillardan biri ekanligi, xususan, insonlarning virtual madaniyati, xulq-atvori qoidalari hosil bo'lishi o'rin egallashi qayd etilgan. Axborotlashgan jamiyatning din omiliga ta'siri jarayonini nazariy-konseptual jihatdan tadqiq qilgan olimlarga X.Kempbell, S.O.Liri, K.Radd-Antvayle kabi olimlarni kiritish mumkin.

A.Gayurova va Y.Dolgov kabi mualliflar ijtimoiy tarmoq foydalanuvchilarining virtual jamiyatning faol a'zosi aylanishi ularning psixologik oriyentatsiyasi o'zgarishi bilan namoyon bo'lishini asoslagan[6].

Shuningdek, axborotlashgan jamiyatining metodologik asoslari, uning o'ziga xos xususiyatlari M.Abdullayeva, G.G'affarova hamda G.Jalolova axborotlashgan jamiyatda bilimlar transformatsiyasi masalalari ilmiy asarlari va tadqiqotlarida o'z aksini topgan.

Natijalar. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar va bunyodkorlik ishlari natijasida xalqimizning ongu tafakkuri, dunyoqarashi o'zgarimoqda. Yurtimizda huquqiy davlat, fuqarolik jamiyatini barpo etishda "Milliy tiklanishdan — milliy yuksalish sari" degan hayotbaxsh g'oyaning ahamiyati tobora ortib bormoqda. Respublikamizda madaniy-ma'rifiy ishlarining ahamiyati kattaligini inobatga olgan holda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2021-yil 26-martda "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5040 -sonli qarori qabul qilindi. Mazkur qaror bilan hududlarda ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligini mustahkamlash, aholi, ayniqsa, yoshlar ongi va qalbida ma'naviy fazilatlarini yuksaltirish, oila va mahallalarda hamjihatlikni mustahkamlash maqsadida barcha tuman va shaharlarda Ma'naviyat va ma'rifat maskanlari tashkil tashkil etildi [2]. Bugungi kunda amalga oshirilayotgan davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlari, keng ko'lamli islohotlarning mohiyati, qabul qilingan qonun hujjatlari va davlat dasturlarining ahamiyatini atroflicha sharhlash va tushuntirish, yurtimizga qarshi qaratilgan g'oyaviy va informatsion xurujlar, ularning ortida turgan kuchlarning g'arazli maqsadlarini fosh qilish, odamlarni hushyorlik va ogohlikka da'vat etish, olimlar siyosatini va mutaxassislar, ijodkorlar, ziyolilar ishtirokida joylarda samarali targ'ibot tizimini yo'lga qo'yish ushbu markazning asosiy vazifalari deb belgilandi.

Bunda har bir fuqaro g'ayriinsoniy yot g'oyalarning zararli oqibatlarini bilishi talab etiladi. Ular quyidagilardan iboratdir:

- insonni tabiatga zid, salbiy tomonga o'zgartiradi;
- nosog'lom turmush tarzini shakllantiradi;
- fikrlar xilma-xilligini cheklaydi; - qaramlik, tobelik muhitini yaratadi;
- tafakkur tarzini o'z negizlaridan begonalashtiradi;
- begona urf-odat va an'analarni targ'ib qiladi, ularning kirib kelishiga sharoit yaratadi;
- mamlakatni, xalqni o'z milliy qadriyatlaridan, oxir-oqibat, taraqqiyot yo'lidan begonalashtiradi;
- jamiyatda xalqlar va millatlararo totuvlik, dinlararo bag'rikenglikka rahna solib, ichki ixtiloflar, parokandalikka olib keladi[5].

O‘zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta’kidlaganidek: “Hozirgi vaqtda axloqsizlikni madaniyat deb bilish va, aksincha, asl ma’naviy qadriyatlarni mensimasdan, eskilik sarqiti, deb qarash bilan bog‘liq holatlar bugungi taraqqiyotga, inson hayoti, oila muqaddasligi va yoshlar tarbiyasiga katta xavf solmoqda va ko‘pchilik butun jahonda bamisoli balo-qazodek tarqalib borayotgan bunday xurujlarga qarshi kurashish naqadar muhim ekanini anglab olmoqda” [4:117]. Ularning bu xatosi dunyoda “boy berilgan avlod” – “lost generation” (beqarorlik, depressiya sharoitida tug‘ilgan, xudbin, loqayd, jamiyatga foydasi tegmaydigan, shafqatsiz, alamzada, ichkilikbozlikka ruju qo‘ygan, jinoiy ishlarga qo‘l urgan, qo‘lidan ish kelmaydigan, axloqsiz kishilar toifasi) iborasini paydo qildi. Shunday ekan, zararli g‘oyalarning oldini olishda quyidagilarga e’tibor qaratishim shart va zarur:

- oilada yoshlarga sog‘lom tarbiya berish;
- fuqarolarning iymon-e’tiqodini mustahkamlash;
- milliy g‘urur va iftixor bilan yashashlariga erishish;
- har tomonlama komil insonlar qilib tarbiyalash;
- mafkuraviy immunitetni kuchaytirish;
- fuqarolar ongida milliy g‘oyani shakllantirish.

Shu o‘rinda mafkuraviy ta’sir va tahdidlar, hozirgi zamonda inson ongi va qalbi uchun kurash haqida gapirar ekanmiz, quyidagi tushunchalarning mazmun-mohiyatini yoritish zarur:

1. Mafkuraviy immunitet – shaxs, ijtimoiy guruh, millat, jamiyatni turli zararli g‘oyaviy ta’sirlardan himoyalashga xizmat qiluvchi tizim.

2. Mafkuraviy bo‘shliq – g‘oyaviy tarbiya olib borilmaslik, e’tibordan chetda qolish natijasida vujudga keladigan g‘oyasizlik, mafkuraviy vakuum holati.

3. Mafkuraviy profilaktika – zararli g‘oyalar kirib kelishining oldini olishga qaratilgan chora-tadbirlar majmuasi.

4. Mafkuraviy tarbiya tizimi – tarbiyaning alohida tizimi bo‘lib, milliy g‘oyaning aholi, ayniqsa, yoshlar ongi va qalbiga chuqur singdirish mexanizmini nazarda tutadi.

O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta’kidlaganidek: “...ma’naviy-ma’rifiy targ‘ibot ishlarining ta’sirchanligini ta’minlaydigan zamonaviy informatsion va kompyuter texnologiyalarini keng joriy etish, jamiyatimizning mafkuraviy immunitetini kuchaytirishga qaratilgan samarali usul-uslublarni ishlab chiqish, davlat va jamoat tashkilotlari uchun tegishli tavsiya va qo‘llanmalarni tayyorlash bugungi kunda muhim vazifamizga aylanib borayotganini chuqur tushunib olishimiz zarur” [4:127]. Mafkuraviy immunitet tizimini shakllantirishda mafkuraviy profilaktikaning o‘rni katta. Zero, u o‘z mohiyatiga ko‘ra, yot g‘oyalar kirib kelishining oldini olish va ularni yo‘qotishga qaratilgan chora-tadbirlar majmuini o‘z ichiga oladi. Demak, mafkuraviy profilaktika ijtimoiy institutlar tomonidan amalga oshiriladigan xilma-xil g‘oyaviy-tarbiyaviy, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, ma’naviy ishlar majmuini, bir so‘z bilan aytganda, bu sohada to‘g‘ri tashkil etilgan ta’lim-tarbiya tizimini qamrab oladi. Yot g‘ayriinsoniy g‘oyalarning ko‘rinishlari:

- kommunistik mafkura;
- kosmopolitizm, buyuk davlatchilik shovinizmi;
- diniy ekstremizm va aqidaparastlik;
- irqchilik g‘oyasi;
- fashizm, neofashizm;
- agressiv millatchilik;
- separatizm;
- panislomizm;
- panturkizm;
- submadaniyat;
- ommaviy madaniyat va hokazolar.

Ayniqsa, «ommaviy madaniyat» mahsulotlari jahon bo‘ylab keng tarqalayotgan bugungi kunda ular yoshlar orasida turli norasmiy harakatlarning shakllanishiga sabab bo‘libgina qolmay, jamiyat hayotini izdan chiqarish, o‘spirin yoshlarni yo‘ldan urish vositasiga ham aylanmoqda.

Boshqa jihatdan, ularning hayoti egoistik mayllar – o‘zini haddan ziyod yaxshi ko‘rish, shaxsiy manfaatini hamma narsadan ustun qo‘yish tamoyiliga tayanadi.

Muhokama. Mafkuraviy jarayonlarning glaballashuvida bir-biridan tubdan farq qiladigan ikki yo‘nalish, tendensiya namoyon bo‘lmoqda. Birinchidan, insoniyat sivilizatsiyasi tarixida erishgan har qanday moddiy va ma‘naviy qadriyatlarining umuminsoniy jihatlari tarixiy makon doirasidan chiqib baynalminallashib, universallashtirib bormoqda. Boshqacha aytganda, milliylik va umuminsoniylik tamoyillarining integratsiyalashuv jarayoni kechmoqda. Ikkinchidan millatlar va davlatlarning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ma‘aniy-madaniy rivojlanishidagi beqarorlik, ular manfaatlaridagi o‘ziga xoslikni mutlaqlashtirish insoniyatga, shu jumladan, o‘z millatining kelajagiga xavf tug‘diradigan salbiy hodisalarning mafkuralashgan holda glaballashuviga olib kelmoqda [8]. Bu xalqaro terrorizm, ekstremizm, fundamentalizm va narokobiznes hodisalarida namoyon bo‘lmoqda. Biron-bir hudud yoki mamlakatda paydo bo‘layotgan g‘oyalar tez fursatda butun jahonga yoyilmoqda. Natijada odamzod ma‘lum bir davlatlar va siyosiy kuchlarning manfaatlariga xizmat qiladigan, olis–yaqin manbalardan tarqaladigan, turlimafkuraviy markazlarning bosimini doimiy ravishda sezib yashamoqda. Bu jarayonning eng muhim xususiyatlaridan biri – turli mamlakatlarni mafkuraviy zabt etish g‘oyat katta iqtisodiy manfaatlar bilan chirmashib ketganidir. Mafkuraviy glaballashuv saviyasi past audio va videokassetalar, axloqsizlik, tubanlik va yovuzlikni targ‘ib qiladigan «san‘at asarlari»ning ham keng tarqalishiga sabab bo‘lmoqda. G‘oyaviy–mafkuraviy tazyiq va tajovuzlarning oldini olish uchun esa har bir millat, davlat o‘zining g‘oyaviy–mafkuraviy daxlsizligini ta‘minlaydigan chora-tadbirlarni ko‘rish zarur bo‘lib qolmoqda. Ana shunday tadbirlar izchil amalga oshirilganda mafkuraviy jarayonlarning glaballashuvi g‘oyaviy qarashlardagi muayyan farqlardan qat‘iy nazar, umuminsoniy qadriyatlar, tinchlik g‘oyalariga sodiqlikning kamol topishiga sharoit yaratadi, umuminsoniy sivilizatsiya taraqqiyotining muhim omiliga aylanadi.

Jahonda ro‘y berayotgan g‘oyaviy jarayonlar, mavjud mafkura shakllari, ularning mohiyati, maqsadlari va o‘zaro munosabatlari bilan bog‘liq holat, xususiyat va faoliyatini yaxlit tarzda aks ettiruvchi tushuncha. Bugungi dunyo yaxlitlikni tashkil etsada, undagi mintaqa va davlatlar, millat va xalqlar tarixiy shart-sharoit, jo‘g‘rofiy joylashuvi, geostrategik holatiga ko‘ra turli mavqega ega. Hozirgi davr – dunyoda g‘oyaviy qarama-qarshiliklar murakkab tus olgan, mafkura poligonlari yadro poligonlaridan ham kuchliroq bo‘lib borayotgan davr. Shunday ekan, ularning o‘ziga xos manfaatlarini ifodalaydigan mafkuraviy ta‘sir usullari bo‘lishi shubhasiz. Jahon siyosiy xaritasida ko‘plab davlatlar mavjud bo‘lib, ularda turli siyosiy kuchlar, partiyalar, din va diniy oqimlar, mazhablar, guruh va qatlamlar faoliyat ko‘rsatmoqda. Ular o‘zaro farqlanadigan, ba‘zan bir-biriga zid bo‘lgan manfaatlariga ega. Aynan mana shu manfaatlar o‘zga xalqlar, turli mintaqalar, davlatlarning aholisi yoki ijtimoiy guruhlar ongiga, turmush tarziga ta‘sir o‘tkazish, ularni bo‘ysundirish uchun yo‘naltirilgan maqsadlarni shakllantiradi. Bundan ko‘zlangan asosiy maddao esa muayyan joydagi kishilarga iqtisodiy, siyosiy, huquqiy va diniy qarashlarni singdirish orqali o‘z manfaatlarini ta‘minlashga intilishdir. Bunday ta‘sir o‘tkazishning tinch yo‘li ko‘zlangan maqsadga olib kelmaganda boshqa mamlakatlarning ichki ishlariga aralashish, mavjud vaziyatni ataylab keskinlashtirish, kuch ishlatish yo‘li bilan bo‘lsa ham, ijtimoiy beqarorlikni yuzaga keltirishga harakat qilinadi. Bugungi dunyoning mafkuraviy manzarasiga nazar tashlansa, aksariyat ilg‘or davlatlarda umuminsoniy qadriyatlar va demokratik tamoyillarga asoslangan mafkuralar amal qilmoqda. Ularda tinchlik va taraqqiyot, inson va jamiyat kamolotiga xizmat qiladigan umuminsoniy g‘oyalar ustuvordir. Shu bilan birga, inson ongida yangicha dunyoqarash va tafakkur tarzi shakllanayotgan hozirgi davrda muayyan kuchlarning mafkura maydonida hukmronlik qilishga, o‘z ta‘sir doirasini kengaytirishga qaratilgan intilishi kuchayib bormoqda. Tajovuzkor millatchilik va shovinizm, neofashizm va terrorizm, irqchilik va ekstremizm mafkurlari shular jumlasidandir. Xususan, turli shakllarda namoyon bo‘layotgan terrorchilik kuchli moddiy asosga ega bo‘lib, mafkuraviy xavfi ortib bormoqda. Bundan tashqari, e‘tiqod umumiylikiga asoslanish (mas. panislomizm), etnik birlikka urg‘u berish (mas. Panslavizm, paneronizm, panturkizm) va yagona ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy makonda yashash natijasida yuzaga kelgan bog‘liqlik asosida (mas. pansovetizm) yakka mafkuralar hukmronligini ta‘minlash va shu yo‘l bilan jahon maydonlarini mafkuraviy jihatdan

bo'lib olinishga urinishlar ham ko'zga tashlanmoqda. Lekin bular bugungi dunyodagi mafkuraviy jarayonlarni to'la-to'kis aks ettira olmaydi. Chunki globallashuv sharoitida bu jarayonlar yangicha tus va shakllarda namoyon bo'lib, g'oyaviy-mafkuraviy ta'sir o'tkazishning nihoyatda o'tkir quroliga aylanib bormoqda. Bunday tahdidlarning xatarli jihati shundaki, I.A.Karimov ta'biri bilan aytganda, «...agar harbiy, iqtisodiy, siyosiy tazyiq bo'lsa, buni sezish, ko'rish, oldini olish mumkin, ammo mafkuraviy tazyiqni, uning ta'siri va oqibatlarini tezda ilg'ab olish nihoyatda qiyin»[3]. Shuning uchun dunyoning mafkuraviy manzarasida yuz berayotgan o'zgarishlar mohiyatini teran anglash, tahlil etish va zarur xulosalar chiqarish muhim ahamiyatga ega.

Jahon miqyosida axborot kommunikatsiya texnologiyalari dunyo tamadduni rivojiga ulkan hissa qo'shishi bilan birga, murakkab va ziddiyatli xarakterga ega bo'lgan jarayonlarni ham keltirib chiqarmoqda. XXI asrda axborot resurslari ijtimoiy, madaniy, ma'naviy sohadagi ma'lumotlar orqali turli yosh va toifadagi shaxslarning ongiga ta'sir qilib, ularning dunyoqarashi, ijtimoiy xarakteri hamda murakkab tafakkurini shakllantirish vositasi sifatida real voqelikka aylandi. Shu sababli shakllanayotgan axborotlashgan jamiyatda ma'naviyatda ham turli xil o'zgarishlarni inobatga olish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Shu sababli ham hozirgi davr jahon miqyosida globallashuv jarayoni kuchaygan, insoniyatning axborotlashgan jamiyat bosqichiga o'tishi tobora chuqurlashib borayotgan davr bo'lib, butun insoniyat, shu jumladan xalqimiz ham ma'naviyatga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan turli mafkuraviy tahdidlar ostida yashamoqda. Ushbu jarayonda jamiyatimiz ma'naviy hayotiga turli-tuman axborot, ilm-fan, madaniyat va san'at, yangi sivilizatsiyalar, texnologiyalarning kirib kelishi bilan birgalikda turli zararli g'oyalar va mafkuralar tahdidining vujudga kelishi bugungi kunda shunday globallashuv sharoitida ma'naviyat muammosini, ma'naviy xususiyatlarimizni saqlash hamda ma'naviy tarbiyani rivojlantirish masalalarini dolzarb vazifa sifatida kun tartibiga qo'yimoqda.

Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2021-yilning 19-yanvar kuni ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish, bu borada davlat va jamoat tashkilotlarining hamkorligini kuchaytirish masalalari bo'yicha videoselektor yig'ilishi o'tkazildi. Unda prezidentimiz, «jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi ma'naviyat» ekanligiga urg'u berdi[7:544-555].

Ayniqsa, bugungi raqamlashtirish jarayoni va pandemiya sharoitida barkamol yoshlarni ma'naviy tarbiyalash muammolariga e'tibor berish zarur. Chunki, ushbu muammolar insoniyatni, ayniqsa yoshlarga globallashuv, axborotlashgan jamiyat shakllanishi natijasida ma'naviyat o'rtasidagi aloqadorliklar mohiyatini, bugungi dunyoda yuz berayotgan geosiyosiy jarayonlar va mafkuraviy kurash hamda ma'naviy tahdidlarni kompleks tahlil qilish malakalarini shakllantirishga imkoniyat yaratadi.

Xulosa. O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta'kidlagandek, «Globallashuv jarayonining yana bir o'ziga xos jihati shundan iboratki, hozirgi sharoitda u mafkuraviy ta'sir o'tkazishning nihoyatda o'tkir quroliga aylanib, har xil siyosiy kuchlar va markazlarning manfaatlariga xizmat qilayotganini sog'lom fikrlaydigan har qanday odam, albatta, kuzatishi muqarrar» [4:113]. Bugungi kunga kelib anglab turibmizki, ularga qarshi kurashish har birimizning dolzarb vazifamiz ekan. Chunki, mafkuraviy tahdidlar aholining ma'lum bir qatlamlari, ayniqsa, yoshlarning qarashlarini o'zlariga ma'qul bo'lgan yo'nalishda o'zgartirish, diniy ekstremizm, axloqsizlik kabi buzg'unchi g'oyalarni singdirishga urinishdek ko'rinishlarda sodir bo'lmoqda.

Xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlash, fuqarolarning tinchligini asrash, hududiy yaxlitlik tushunchasi, aqidaparastlik, diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurash, ozod va obod Vatan, farovon hayot barpo etish, tinchlikni asrash g'oyalarini milliy g'oya turkumiga kiruvchi fanlar rejasidagi mavzular orqali o'quvchilar ongi va qalbiga singdirish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoev Sh. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Asarlar. I-jild. – Toshkent: O'zbekiston, NMIU, 2017. – 592 b.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 26.03.2021 yildagi PQ-5040-son. <https://lex.uz/docs/-5344692>
3. Karimov I.A. «Kamolot» yoshlarimizning chinakam suyanchi va tayanchi bo'lsin. // «Xalq so'zi» gazetasi, 2001-yil 25-yanvar.
4. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma'naviyat, 2008. – 176 b.
5. Akiyeva X.X., Saidova N. Globallashuv davrida yot g'oyalar va mafkuraviy xurujlarning zararlarini ochib berish hamda unga qarshi kurashish yo'llari. Zamonaviy ta'lim. 2015. – B. –18-24.
6. G'affarova G. Axborotlashgan jamiyatda ma'naviy hayotning o'ziga xos xususiyatlari. Academic research in educational sciences. Volume 2 | special issue 2 | 2021.
7. Hojiyev R. B., Norboyeva, D.O. (2021). Yoshlar ijtimoiy hayotining kognitiv asoslari. Academic Research in Educational Sciences, 2 (2).
8. Ma'naviyat asosiy tushunchalar izohli lug'ati. Qayta ishlangan yangi nashri. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashr, 2016. – 446 b.

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ НЕГИЗИДА МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТНИНГ ЎЗГАРИШИ

Қурбонов Т. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада маънавий тикланиш негизда миллий менталитетдаги ўзгаришлар илмий таҳлил этилади. Албатта, жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кундан бошлаб, ҳаёти-мизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «маънавий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» каби атамалар тез-тез ишлатила-диган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Зотан, мустақиллик, айни пайтда, маънавий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмаслиги илмий таҳлил этиб берилди.

Таянч тушунчалар: *маънавий тикланиш, менталитет, миллий менталитет, қадриятлар, миллий онг, миллий ғурур, миллий ифтихор, бағрикенглик, саҳоватлилик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамдардлик, елкадошлик, анъана, урф-одатлар.*

Аннотация. В статье будет проведен научный анализ изменений национального менталитета на основе духовного возрождения. Конечно, на определенных этапах развития общества отношение к общественным явлениям проявляется по-разному. В частности, с первого дня независимости во всех аспектах нашей жизни стали часто использоваться такие термины, как «ценности», «духовное возрождение», «национальное сознание», «национальная гордость». Это не зря. Независимость-это одновременно и духовное возрождение. А без этих понятий немислимо научное анализирование.

Ключевые слова: *духовное возрождение, национальный менталитет, ценности, национальное сознание, национальная гордость, толерантность, щедрость, гостеприимство, взаимное сотрудничество, сочувствие, товарищество, традиции, обычаи.*

Annotation. The article will provide a scientific analysis of changes in the national mentality on the basis of spiritual rebirth. Of course, at certain stages of the development of society, the attitude to social phenomena manifests itself in different ways. In particular, since the first Independence Day, terms such as "values", "spiritual revival", "national consciousness", "national pride", "national pride" have been frequently used in all aspects of our life. It's not for nothing. Independence is at the same time a spiritual rebirth. And without these concepts, scientific analysis is unthinkable.

Key words: *spiritual revival, national mentality, values, national consciousness, national pride, national pride, tolerance, generosity, hospitality, mutual cooperation, sympathy, camaraderie, traditions, customs.*

Маълумки, бугун янги Ўзбекистонда олиб борилаётган бугунги кенг қўламли ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар муқаррар тус олди, энди уларни ортга қайтариб бўлмайди, энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ишлар, яшаётган одамлар, уларнинг тафаккури, ментали-тети, ҳаётга ўз атрофида юз бераётган барча воқеаларга бўлган муносабати ўзгармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бугунги тараққиётнинг мана шундай ўзига хос хусусиятларини теран ҳис этиб, буюк мақсадлар билан яшаётган халқимизнинг интилишларига мос келадиган 2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналиши бўйича қабул қилинган қарорда инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, миллий иқтисодий жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш, маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, айтилган вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Кишилар ўзаро муносабатга киришаётганда миллатнинг менталитети, ахлоқи ва маънавий хусусиятлари ўз ифодасини топгани сингари, халқаро муносабатларда ҳам бундай хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади. Худди шунинг учун ҳам, маънавий тикланиш негизида миллий менталитетдаги ўзгаришлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, - “Биз - ғурури, орияти, маънавияти баланд халқимиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта бойлик. Аждодларимиз асрлар давомида асраб-авайлаб келган бу бойликни йўқотиб қўйсақ, келгуси авлодлар бизни асло кечирмайди. Аксинча – бу фазилатни халқимизни, миллатимизни бирлаштирадиган энг кучли тамойилга айлантиришимиз керак. Негаки, миллий ғурури баланд халқнинг кадр-қиммати ҳам баланд, маънавияти, иродаси кучли бўлади. Бундай халқ билан ҳар қандай буюк мақсадларга етиш мумкин”¹.

Маънавий тикланишнинг энг муҳим неъматларидан бири бу – ўзбек тилини Давлат тили мақомини олишидир. Тилнинг давлат тили мақомида бўлиши шу давлатнинг мустақиллигини кўрсатувчи муҳим шартлардан биридир. Бугун ер юзида 7000 га яқин тил ва лаҳжа бўлса, улардан бор-йўғи 178 таси давлат тили мақомига эга. Улар орасида ўзбек тили ҳам борлиги бизнинг бахтимиз, фахримиздир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш учун реал имконият вужудга келди. Тилнинг луғат таркибини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди. Унинг ўзига хос хусусиятлари яъни миллий жозибаси мамлакат матбуоти саҳифаларида чоп этилаётган материалларда, радио ва телевидение эшиттиришларида, давра суҳбатларида, баҳс-мунозараларда, шоирларимиз шеърларида, ёзувчиларимиз, олимларимиз асарларида, санъаткорларимизнинг ашулаю музыкаларида яққолроқ намоён бўла бошлади. Ўзбек тили миллий Парламентимиз минбарларидан, илмий-оммавий анжуманлардан баралла эшитилмоқда. У жамоат жойларида ҳам ўз ўрнини кенгайтди. Мамлакат таълим тизимида, хусусан, ўрта махсус ва олий ўқув юрларида ўзбек тилини ўрганишга эътибор тубдан ўзгарди. Давлат идоралардаги асосий ишлар ўзбек тилида олиб борилаётди. Бир ибора билан айтганда, ўзбек тилининг миллий жозибасини тиклаш ва ҳар томонлама ривожлантириш бошланди.

Ўзбек тили жозибасини тиклашнинг энг муҳим йўли унинг софлиги, мусаффолигини таъминлашдир. Фуқароларда ўз она тилида соф гапириш, нутқ сўзлаш, равон ёзиш маданиятини шакллантиришдир. Ҳар бир миллат ўз она тилининг соф бўлишини исташи

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 298-б.

тарихий ҳақиқатдир. Лекин фан ва техника жадаллик билан ривожланаётган, унинг ютуқлари фуқаролар турмуш тарзига кириб бораётган ҳозирги замон шароитида миллий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг софлигига эришиш мумкин эмас. Жаҳонда ҳеч бир тил ўзининг миллий хусусиятлари, сўз, ибора ва атамалари билан чегараланиб қолмайди. Аксинча, жаҳон цивилизацияси, хусусан фан ва техника тараққиёти туфайли муомалага кириб келган янги сўзлар, иборалар билан бойиб боради. Чунончи, бугун жаҳондаги барча кишилар нутқ маданиятига ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти туфайли кириб келган, байналминал аҳамиятга эга бўлган компьютер, электрон парапсихология, молекуляр физика, органик кимё, пластика, фонология каби қатор атамаларнинг она тилимизга кириб келиши фикримизнинг исботидир.

Ўзбек тилининг софлигини таъминлаш ўта нозик муаммо.

Ўзбек тили жозибасини тиклашнинг яна бир йўли луғатшунослик ва атамашуносликни ривожлантиришдир. Чунончи, ўзбек тилида луғатшунослик ва атамашуносликни ривожлантирмақ учун унинг катта изоҳли луғатини, этимологик луғатини, чет тиллардан кириб келган сўзлар луғатини, фан ва техниканинг турли соҳаларига оид мукамал атамалар луғатини, ҳатто халқимиз саводхонлигини оширишга мўлжалланган турли катта-кичик чўнтак луғатларини тайёрлаш лозим.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек тилини муҳофаза қилувчи, унинг миллий жозибасини оширувчи қудрат қонун эмас, балки халқнинг ўзидир. Чунки муайян тилда ҳеч ким гапирмай қўйса, у ижтимоий муносабатлар жараёнига татбиқ этилмаса, у ўз жозибасини йўқотади. Чунончи, олим ўз асарида, шоир ўз шеърида, она ўз алласида, ҳофиз ўз кўшиғида қўлламайдиган тил ҳеч қачон ўз миллий жозибасини намоён қила олмайди.

Маънавий тикланишнинг энг муҳим неъматларидан яна бири бу – миллий кадриятларнинг тикланишидир. Миллий кадриятлар ҳар бир кишининг тили, тарихи, дини, адабиёти, санъати, расм-русумлари, урф-одатлари, байраму-сайиллари, бошқача айтганда маданий-маънавий мероси, инсоний фазилатлари, хислатларининг йиғиндисидир. Миллий кадриятлар ўша миллатга мансуб ҳар бир киши томонидан яратилган инсонийлик, одамийликка хос фазилатлар, хислатлар, хосиятларни, миллий маданий мерос хазинасига қўшган ҳиссасини ифодаловчи кўрсаткичдир. Миллий кадриятлар миллатнинг равнақи ёки инқирози билан бевосита боғлиқ бўлади. Бошқача айтганимизда, миллий кадриятлар миллатнинг ўтмиши ва бугуни билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам «миллий кадриятлар миллат ривожланиши билан ривожланади, инқирозга учраши билан кадрисизланади. Шунинг учун ҳам миллат ўзининг кадриятларини вужудга келтириб, уларнинг янги-янги қирраларини ва жиҳатларини сайқаллаштириб, тараққиёт жараёнида такомиллаштириб туриши маъносида ўз кадриятларининг ҳақиқий эгаси, макон ва замондаги илгариланма ҳаракатдан иборат ўзгаришлар жараёнида уларни ўтмишдан келажакка тамон етказиб борадиган энг асосий объектдир»².

Миллий кадриятлар кишилар тарихий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади ва турли-туман шаклларда намоён бўлади. Кишиларнинг онги ва фаолиятига ўз таъсирини ўтказиши. Одамларнинг кундалик турмуш тарзида, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларида, манфаатларида, қизиқишларида яққол кўзга ташланади. Шунингдек, миллий кадриятлар бир жойда қотиб қолмайди, тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб, такомиллашиб боради. Янгича мазмун ва шаклга киради.

Маънавий тикланишнинг энг муҳим неъматларидан яна бири бу – миллий ғурурдир. Миллий ғурур деганда, ўз миллатининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини чуқур англаб етиш, она тили, дини, тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати, урф-одатлари, расм-русумлари, байраму-сайилларидан фахрланиш тушунилади. Миллий ғурур миллатнинг вужудга келиши, шаклланиши билан пайдо бўлади ва ривожлана боради. Миллатнинг вужудга келиши ва ривожланиши бевосита Ватан равнақига боғлиқ бўлганлиги учун

² Назаров Қ. Аксиология. Кадриятлар фалсафаси. – Т., 1998. – 56 б.

миллий ғурур тараққиёти ва юксалиши ҳам Ватан тараққиётига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам миллий ғурур-Ватанга бўлган садоқат, меҳр-мухаббат, бир сўз билан айтганда, ватанпарварликда яққол намоён бўлади.

Миллий ғурур инсонда мавжуд бўлган барча қобилиятлар, истеъдодларни Ватан ва миллат манфаати учун сафарбар қилишга ички стимул вазифасини бажаради. Мамлакатимизда содир бўладиган йирик ижтимоий ўзгаришларни янада жадаллаштириш кишилардаги миллий ғурур туйғуси билан бевосита боғлиқдир. Ўз тақдирини мамлакат, халқ тақдири билан мустақкам боғлаган кишигина мустақил давлатимиз манфаатини ҳаммадан кўпроқ ҳимоя қилишга қодир бўлади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мамлакат фуқароларининг миллий ғурури қанча баланд бўлса, уларнинг жамият тараққиётига қўшадиган хиссаси шунча кўп бўлади.

Миллий ғурури баланд инсон Ватан, миллат, халқ, давлат, жамият манфаатини ўз манфаатидан ҳамиша устун қуяди. Худди шунинг учун ҳам миллий ғурур туйғусини шакллантириш бугунги кундаги энг асосий вазифаларидан бири саналади.

Маънавий тикланишнинг энг муҳим неъматларидан яна бири бу – миллий фахр, миллий ифтихордир. Публицистик адабиётларда «ғурур», «фахр», «ифтихор» тушунчалари бири иккинчисига ўхшаш тушунчалар деб таърифланади. Аслида уларнинг мазмунан яқинлиги бўлсада, айна бир пайтда бири иккинчисидан маълум даражада фарк қилади. Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз ютуқларидан қониқиш ҳосил қилганидек, ўз халқи, ўз Ватани, ўз миллати, ўз қишлоғи, ўз тумани, ўз вилоятининг ютуқларидан фахрланади. Фахрланиш миллий ғурурнинг бошланиши, қониқиш туйғуси бўлса, миллий ифтихор миллий ғурурнинг юқори босқичидир. Худди шунинг учун ҳам миллий ифтихор миллатни яхлит ижтимоий бирлик эканлигини ҳис қилишда намоён бўлади. Бошқача айтганда, миллий ифтихор руҳий-маънавий фазилатдир. Миллий ифтихор инсоннинг онги ва фаолиятида ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданияти, тарихи, дини, тили, кадриятлари қанчалик ўрнашиб олганлигини ҳам ифодалайди. Унинг мустақкамлиги миллий бирдамликда яққол кўринади.

Миллий ифтихор фуқаролик тушунчасига яқин тушунчадир. Маълумки, фуқаролик кишини қайси миллатга мансублигини эмас, балки муайян мамлакатга, шахс яшаб турган маконга боғлиқлигини ифодаловчи тушунчадир. Бошқача айтганимизда, фуқаролик – шахс билан давлат ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Турли миллатга мансуб бўлган бир мамлакат фуқаролари миллатидан қатъий назар ўз давлатининг мустақиллиги, давлатнинг рамзлари (герби, байроғи, мадҳияси, Конституцияси) билан фахрланадилар.

Маънавий тикланишнинг энг муҳим неъматларига хос бўлган асосий хусусиятлардан яна бири фахрланишдир. Фахрланиш миллий ғурурнинг бошланишидир. Миллий ғурур инсонпарварлик билан уйғунлашиб кетади. Ўзбекона миллий ғурур бошқа миллатлар, элатларнинг миллий ғуруридан ўзининг инсонпарварлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекнинг инсонпарварлиги кексаларга, улуғларга ҳурмат, ёшларга меҳршафқат, бечора, ғариб, мискинларга, етимларга хайр-саховат, ота-онанинг қўнглига қараб иш тутиш, дўстларга, қариндош-уруғларга яхшилик қилиш, бошга ташвиш тушганда ғамхўр, мадақдор бўлиш, топганини яхшиликка сарфлаш каби миллий кадриятларимизда равшанроқ кўринади. Афсуски, халқимизнинг биз юқорида санаб ўтган кадриятлари ҳаммининг турмуш тарзидан кенг ўрин олган деб бўлмайди. Бундай маданий-маънавий меросдан бебаҳра бўлиб қолган кишилар ҳам борки, улар худбинлиги, бахиллиги, ҳасадгўйлиги, очкўзлиги, ғаразгўйлиги билан ўзбек миллатининг обрўсини тўкадилар.

Албатта жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустаққиллигимизнинг биринчи кундан бошлаб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «маънавий тикланиш», “тил”, «миллий кадриятлар», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» каби атамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Зотан, мустақиллик, айна пайтда, маънавий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Хуллас, халқимизнинг маънавий тикланиши – менталитетига баҳо беришда юқоридаги муҳим жиҳатларни эътиборга олиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
3. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахти икболи ва буюк келажакимиз йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 302 б.
5. Хоназаров Қ. Миллий менталитет-тараққиёт омили // Мулоқот, 2000, – №3.
6. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Тошкент, 2001. – 95 б.
7. Юсупов Ш. Миллий менталитет – тараққиёт омили. – Тошкент, 2016.
8. Эркаев А. Маънавият миллат нишони. – Т.: Маънавият, 1997.
9. Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2005.

Наширга проф. С.Чориев тавсия этган

АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХУРУЖЛАРНИНГ ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИГА ТАЪСИРИ МАСАЛАСИ

Очилов У. (ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти)

Аннотация. Мақолада ҳозирги кунда интернет халқаро ахборот тармоғи орқали тарқатилган ахборот ва руҳий таҳдидларнинг инсон онги ва қалбига салбий таъсири таҳлилу тадқиқ қилинади, терроризм, экстремизм, мафқуравий-ахборот хуружларига қарши кураш йўллари ва олдини олиш чора-тадбирлари кўрсатиб берилди. Айниқса, бир сўз билан “жаҳолат” деб аталадиган бундай хуружларни илму маърифат билан бартараф этиш асосий йўл эканлиги ҳақида сўз юритилди.

Таянч сўзлар: *терроризм, экстремизм, мафқура, профилактика, жаҳолат, маърифат.*

Annotation. In this scientific article, the analysis of the negative impact of information attacks and psychological threats on the human mind and soul, which are currently distributed through the international information network of the Internet, is researched. Ways to fight against terrorism, extremism, ideological and informational attacks and measures to prevent attacks will be shown. In particular, it is said that the main way to eliminate such attacks, which are called “ignorance” with knowledge, is the main way.

Key words: *Terrorism, extremism, ideology, prevention, ignorance, enlightenment.*

Аннотация. В данной научной статье исследуется негативное влияние информационных атак и психологических угроз на разум и душу человека, которые в настоящее время распространяются через международную информационную сеть Интернет. Будут показаны пути борьбы с терроризмом, экстремизмом, идеологическими и информационными атаками и меры предотвращения атак. В частности, говорится, что основным способом устранения таких нападков, которые называют «незнанием» со знанием, является основной способ.

Ключевые слова: *терроризм, экстремизм, идеология, профилактика, невежество, просвещение.*

Мамлакат тараққиёти фарзандларнинг юртига бўлган муҳаббати ва садоқати билан белгиланади. Ватанпарвар, билимли инсонлар бугун дунё рўбарў бўлаётган бало-қазолар – терроризм, экстремизм, одам савдоси, оммавий маданият, маънавий, мафқуравий-ахборот хуружлари, бир сўз билан айтганда, жаҳолат таъсирига тушмайди. 2020 йилнинг 24-январь куни Мухтарам Юртбошимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда шундай дедилар: “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваломбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тайёрлашимиз керак. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча

бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл – заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”.

Мамлакат Президенти жаҳолатга қарши курашиш учун маърифат механизми ғоясини илгари сураётган экан, энг аввало, ёш авлодда мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурияти тақозо қилинаётганини таъкидлаган. Яъни, Президент ибораси билан изоҳлаганда “*ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир*”. Янада содда қилиб айтганда, глобал ахборот тармоғи орқали ёғилиб келаётган маънавий- мафкуравий ва рухий хуружлардан фақат ва яна фақат бугунги ёшлар билим, маънавият билан ва оқни қорадан ажратиш ҳимояланиши мумкин.

Бунинг учун биринчи навбатда, ўз фарзандларимизни ўзимиз тарбиялашимиз, ҳар бир ота-она бола тарбияси билан жиддий шугулланишимиз, боз устига фарзандларимизни илм билан “куроллантириши” айтиш муддаодир.

Иккинчидан, жамоатчилик, имом-хатиблар, маҳалла-куй, нурунийлар, хотин-қизлар, фаоллар, барча-барча ҳудудимиздаги ҳар бир болага нисбатан ўз эътиборини аямасдан, доимо бу борада огоҳ бўлиши ва уни ғаразгўй кимсалар қўлига бериб қўймаслиги, нотўғри йўлдан қайтариши лозим. Президент таъбири билан айтганда, “*ана шу йўналишда шаклланган тизим самарадорлигини янада оширишимиз, айниқса, диний масалалар билан бевосита шугулланадиган ҳоким ўринбосарлари, мутасадди ташкилотлар масъулиятини янада кучайтиришимиз зарур. Хусусан, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари - барча-барчамиз биргаликда иш олиб боришимиз лозим*”. Аниқроқ қилиб айтганда, иш ана шундай мустаҳкам ҳамкорликда ҳамда бефарқ бўлинмасдан рисоладагидек ташкил этилса, фуқароларимиз диний экстремизм ғоялари ва маънавий-мафкуравий таҳдидлар таъсирига тушмайди.

Учинчидан, биз фарзандларимизда китобхонлик маданиятини шакллантиришимиз даркор. Чунки китоб ўқиган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди ёки у жиноят кўчасига кириб қолмайди. Аччиқ бўлса ҳам тан олиш керакки, террорчилар сафига қўшилиб қолганлар ҳам, одам савдоси қурбонига айланганлар ҳам, жиноят ботқоғига ботганлар ҳам, оммавий маданият тарғиботчилари ҳам бу энг аввало, билимсиз ҳамда китоб ўқимаган жоҳил кимсалардир. Жаҳолатнинг ҳам луғавий маъноси илмсизлик эканлигидан келиб чиқсак, Президент Шавкат Мирзиёев айтмоқчи, бу иллатнинг бирдан бир давоси бу - илм-маърифатдир. Шунинг учун бугун болаларимиз лозим даражада таълим-тарбия кўрса, дунёвий ва диний билимларни ўзлаштира, нима яхши ва нима ёмонлигини ажрата олса, комил инсон бўлиб улғайса, қарабсизки бундай инсонлар ҳеч қандай қора кучлар таъсирига тушмайди.

Бироқ, ҳар нарсанинг яхши ва ёмон тарафи бўлганидек, сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларнинг ҳам жиддий хатарлари – жаҳолат юзага чиқмоқда. Бу ҳақда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Ижтимоий одоблар” китобида шундай деган: “Шу билан бирга интернетга боғлиқ муаммолар ҳам кўпайиб ва жиддийлашиб бормоқда. Барча соҳалардаги каби, интернетнинг фойдалари муқобилида зарарлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Интернетда фойдали маълумотлар билан бир қаторда зарарли, бузук маълумотлар ҳам тарқалмоқда. Ақидага путур етказувчи, фоҳишабозлик ва беҳаёликни тарғиб қилувчи, ахлоқсизликни тарқатувчи ва шунга ўхшаш инсон зотига ор келтирувчи ишларни тарғиб қиладиган сайтлар кўпайиб бормоқда. Баъзи одамлар интернет орқали бир-бирига тухмат қилмоқда, ҳақоратлаб, сўкишмоқда, бир-бирини шарманда қилмоқда ва ҳаказо. Айнан интернет орқали нафақат ахлоқий бузуқликлар, балки сиёсий, ижтимоий, молиявий, илмий ва бошқа кўпгина соҳаларда ҳам жиноятлар содир этилмоқда. Қўпол қилиб айтганимизда,

интернет мазкур қабоҳатларни амалга оширишни осонлаштирамоқда”.¹ Айтиб ўтилган маълумотлардан кўришиб турибдики, интернет ҳам икки тарафлама – ҳам яхшиликка, ҳам ёмонликка хизмат қилиши мумкин манбага айланди. Бизнинг вазифамиз уни яхшиликка хизмат қилдириб, ёмонликка бошламаслик чораларини кўриш, унинг зарарларидан четланишга ҳаракат қилишдир.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқимиз, хусусан ёшларни ана шундай хатарлардан огоҳ этиш ҳар бир зиёли, маърифатпарвар инсоннинг энг долзарб вазифасига айланиб бормоқда. Зотан, мамлакат Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида таъкидланганидек, “аҳолининг Интернет халқаро ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш лозим”.

Ҳозирги глобаллашув даврида энг асосий муаммога айланган иллатлардан бири – ёлғон ахборотдир. Айниқса, ижтимоий тармоқларда турли асоссиз маълумотларни тарқатиш, турли бўҳтонлар ва уйдирмаларни урчитиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Айрим соддадил мусулмонлар мана шундай уйдирмаларга ишониб, ёлғон ва бўҳтонга шерик бўлиб қолмоқдалар. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди. яъни: “Эй, мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий ахволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб кўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!” (Хужурот сураси 6-оят). Одамлардан эшитган нарсасини суриштирмай гапиравериш гуноҳ эканига қуйидаги ҳадис ҳам яққол далил ҳисобланади. Бу борада Пайғамбаримиз алайҳиссалом: яъни: “*Кishiга гуноҳ бўлиши учун эшитган нарсасини гапиришининг ўзи кифоядир*”, – деганлар (Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривояти). Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таъбири билан айтганда, интернетдаги имкониятлар кўпайиб кетганини баъзилар суистеъмол қилишга ўтишган, ёлғон хабарлар, суратлар ва видеолар ҳалол тарқатишга одатланишган. Бунда ўз мақсадига эришиш ҳам, одамларни майна қилиш ҳам, яхшиликка чақириш нияти ҳам бўлиши мумкин. Аммо нима бўлганда ҳам, буни қилмаслик керак. Ислолда бу каби ишлар қаттиқ қораланади.

Мисол учун, Қуръони каримни беҳурмат қилгани учун қиёфаси ўта жирканч ҳолатга ўзгариб қолди, дея бир қизнинг сурати эълон қилинди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Эҳтимол бу нарса содда одамларга таъсир қилиши мумкин. Лекин Қуръони карим бу каби “ёрдам”ларга муҳтож эмас. Шунинг учун ҳам сохтакорлик ила тўқилган мазкур хабар уламолар томонидан қораланди. Қуръони каримни эҳтиром қилиш кераклигини ўз йўли билан тушунтириш лозим.

Шунингдек, интернет орқали гўё Каъбаи Муаззама устида учиб юрган фаришталарнинг видеолар ҳақида тарқатилди. Бу ҳам ёлғондан, сохтакорлик билан тўқилган нарса. Фаришталар доимо ҳамма ерда мавжудлигига барча мусулмон уммати иймон келтиради. Аммо уларни видеога олишга иймон келтиришмаган. Бу шарт ҳам эмас. Агар ушбу нарсанинг кераги ва фойдаси бўлганида, аввалдан айтилган бўларди. Фаришталарга ғайбдан иймон келтиришнинг ўзига хос ҳикмати бўлгани учун, Аллоҳ таоло бандаларидан айнан шуни талаб қилган.²

Ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсиридан бутун миллат, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳимоя қилиш ҳар бир онгли инсоннинг муқаддас бурчи эканини таъкидлаш лозим. Ёшлар ўртасида интернет тармоғидан фойдаланишнинг суистеъмол қилиниши оқибатида турли кўнгилсизликлар, оиласига хиёнат, фахш суратлар ва киноларни томоша қилиш, юздан ҳаё пардасининг кўтарилиши каби нохуш ҳолатлар кўпайгани кузатилмоқда. Булар ҳаммаси оилалар тинчлигига раҳна солмай қолмайди. Агар бу камчилик вақтида тузатилмас экан, оилавий ажралишлар сони янада кўпайиш хавфи каттадир.

Албатта, инсон у ёки бу ахборотни эшитар экан, адашмаслиги учун ҳеч бўлмаганда: “Бу ахборотни ким узатаяпти?”, “Қандай мақсадда узатаяпти?” деган саволларни, аввало, ўзига

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Т.: Ҳилол-нашр, 2012. – Б. 256.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Т.: Ҳилол-нашр, 2012. – Б. 274.

бериши, уларга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак”. Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя” китобида ёзилишича, интернетда кишиларнинг шаънига, обрў-иззатига тегадиган видеолархалар ёки суратларни томоша қилиш ёхуд уларнинг шахсий ҳаётларига тегишли маълумотларни ўғринча билишга ҳаракат қилиш, уларни ёйиш инсон ҳақ-ҳуқуқларини бузишдир. Бу тўғрида Қуръони каримда шундай дейилади: “Айтинг: “Раббим, албатта, фахш ишларнинг ошкорою пинҳонасини, гуноҳ(ишлар)ни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳ ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарса(лар)ни Унга шерик қилишингизни ҳамда Аллоҳнинг шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилди” (Аъроф, 33).¹

Сўнгги йилларда интернет сиёсий курашлар майдони, турли хил манфаатларнинг кучли куралиши ҳам айланиб бормоқда. Ҳар қандай тўсик, чеклов ва тақиқларни айланиб ўтишга мослаштирилган ижтимоий тармоқлар бугунги кунда чинакамига жиловлаб бўлмас кучга айланди. Террорчи тўдалар, адашган фирқалар ва бошқа бузғунчи кучлар ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда одамларни, айниқса ёшларни тўғри йўлдан адаштириб, улардан ўзларининг манфур мақсадлари йўлида фойдаланиб, айрим жамиятларда нифоқ чиқариб ҳамда энг ачинарлиси уруш оловини ёқишга уринишмоқда ва бунга маълум маънода эришишмоқдалар ҳам. Бунга яқин тарихдаги “Араб баҳори” деб ном олган араб давлатларидаги зиддиятлар яққол мисол бўлади.

Турли оқимлар ўзларининг манфур қарашларини ёшлар онгига сингдириш учун ижтимоий тармоқлардан кенг қўламда фойдаланмоқдалар. Бу ҳам ёшлар, умуман, диндан, диний маърифатдан яхши хабардор бўлмаган кишиларни соф ақидадан оғиб кетишига, фикҳий мазҳаблар борасида нотўғри фикр ва тушунчалар шаклланишига сабаб бўлмоқда. Аввало шунини айтиш керакки, ислом уламолари ёш авлодга илмларни тартиб билан ўргатишга алоҳида эътибор берганлар. Илмни ўрганиш – динни ўрганишдир! Илмсиз одам ҳеч қачон диннинг мақсадини англолмайди. Қолаверса, диний илмларни ва фатво олишда шахсиятлар муҳимдир. Интернет орқали, ижтимоий тармоқлар орқали диндан, шариатдан гапирётган, лекин аслида кимлиги ҳам, кимдан таълим олгани ҳам номаълум. Келиб чиқиши номаълум кимсалардан дин олинмайди. Чунки, фатво бу – дин демакдир. Шариатга қўра эса уни ким етказаетгани муҳимдир. Шунинг учун машҳур тобеин Муҳаммад ибн Сийрин раҳматуллоҳи алайҳи: “*Бу илм – диндир. Динларингизни кимдан олаётганингизга қаранглар*”, – деганлар (Имом Муслим ривояти). Ҳолбуки, террорчилар ўзларига тегишли веб-саҳифа ва ижтимоий тармоқларда “шаҳидлик”, “жиход”, “ҳижрат”, “такфир”, “халифалик” каби тушунчаларни бузиб талқин қилиши натижасида айрим ёшларни ўзларининг тузоқларига илинтиришга муваффақ бўлишаётгани ачинарли ҳол, албатта.

Бугунги кунда одамларнинг ижтимоий тармоқларда шиддат билан суҳбатдош излаши замонамиз авлодига хос аҳмоқликнинг янги туридан бошқа нарса эмас. Виртуал оламда ёшларнинг қанча фаоллигига қараб, уларнинг феъл-атвориغا баҳо берса бўлади.² Бинобарин, тажрибасиз, ҳали оқу қорани ажрата олмайдиган ўқувчи кибер дўстларига шахсий ҳаёти, ўй-кечинмалари, ўтмиши, келажаги ҳақидаги барча маълумотларни, сирларини ишониб айтаверади. Уларнинг далдаси, ширин алдовлари, сохта мулозаматлари кун сайин уни интернет билан мустаҳкамроқ боғлаверади. Бориб-бориб у интернетсиз яшай олмай қолади. Бу эса ўз навбатида ғаразғўй кучларнинг виртуал оламдаги зарарли суҳбатлари таъсирига билим савияси паст ва ғўр ёшларнинг тушиш хавфини туғдиради. Гап шундаки, бундай суҳбатлар таъсиридаги ёшлар моддий рағбатларга берилиб, турли бузғунчи оқимлар ноғорасига ўйнаши ҳеч гап эмас.

Хўш, онгимиз ва қалбимизни ишғол қилишга қаратилган маънавий хуружлардан қандай ҳимояланамиз? Интернетдан фойдаланишда ва мулоқот жараёнларида қатъий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ҳимояланиш чораларидан биридир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф интернетдан фойдаланиш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилишни тавсия қилган:

¹ Яхё. Муҳаммад Амин. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. – Т.: Мовароуннаҳр, 2016. – Б. 235.

² Яхё. Муҳаммад Амин. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. – Т.: Мовароуннаҳр, 2016. – Б. 230.

1. Халқаро ахборот тармоғидан фойдаланишда киши ниятни яхши қилиши керак.
 2. Интернетга киришдан олдин вақтни зое қилмаслик учун умрининг каддини эсга олиш, унинг ҳар лаҳзаси ҳисобли эканини, қиёмат кунда ҳисоб-китоб бўлишини эсга олиш зарур.
 3. Интернетга киришдан олдин иш режасини яхшилаб тузиб олиш керак.
 4. Интернетда ишлашни Яратганнинг номи билан бошлаш керак.
 5. Ижтимоий тармоқларда кўриладиган, ўқиладиган ва эшитиладиган нарсаларнинг барчаси шариат рухсат берган нарсалар бўлиши шарт.
 6. Сайт эгаларининг маънавий-маърифий ҳуқуқларига тўла риоя қилиш чин мусулмонлик бурчидир.
 7. Ишхона ёки бошқа бирор шахснинг интернетидан рухсатсиз фойдаланиш мумкин эмас.
 8. Болаларнинг интернет ва компьютердан фойдаланилишини оқилона ва эътибор билан йўлга қўйиш керак.
 9. Интернет орқали ўзгалар билан мулоқот қилишдан яхшилик ва тақвода ҳамкорлик қилиш ҳамда ёмонлик ва душманликда ҳамкорлик қилмаслик мақсад қилиб олиниши зарур.
 10. Интернетда бефойда ишлар билан шуғулланмаслик лозим.
 11. Ижтимоий тармоқлар орқали бошқалар билан мулоқот қилишда мусулмон киши ўзига тақвони, яхшиликни ва гўзал хулқни лозим тутиши талаб этилади.
 12. Халқаро ахборот тармоғида номаҳрамлар масаласида жуда эҳтиёт бўлиш керак.
 13. Интернет орқали ўзгалар билан мулоқот қилишда иш айнан никоҳланишгача етиб бормаслиги керак.
 14. Интернет орқали ўзгалар билан мулоқот қилишда ёлғон ишлатмаслик, сохтакорлик ила уйдирма хабарлар, суратлар ва видеолархалар тарқатмаслик талаб этилади.
 15. Интернет орқали ўзгалар билан мулоқот қилишда худди кўз- кўзга тушиб тургандек, ўзини одоб ва ахлоқ ила тутиш лозим.
 16. Интернет орқали ўзгалар билан мулоқот қилишда нотаниш кишини “сизлаб”, уларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш керак.
 17. Интернет орқали ўзгалар билан мулоқот қилишда баҳс-мунозара ҳар қанча қизиса ҳам, бировга озор беришгача бормаслик керак.
 18. Интернет орқали ўзгалар билан мулоқот қилишда беҳуда тортишувларга йўл қўймаслик, беодобликларга қарши курашиш яхши ишдир.
 19. Интернет орқали ўзгалар билан мулоқот қилишда савдо ишлари олиб борилса, олдин бунинг тафсилотини яхши ўрганиб олиш шартдир.¹
- Мухтасар айтганда, интернетдаги жаҳолат кўринишларига қарши фақат билим, тарбия ва ахлоқ одоб, яъни маърифат билан курашиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Куръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” НМБ, 2009. – Б. 617.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 176.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Т.: Ҳилол-нашр, 2012. – Б. 456.
4. Ислам энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2004. – Б. 320.
5. Шермухаммедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: “Тошкент ислом университети” НМБ, 2010. – Б. 68.
6. Яхё Муҳаммад Амин. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. – Т.: Мовароуннаҳр, 2016. – Б. 456.
7. Тулепов А. Ислам ва ақидапараст оқимлар. – Т.: Шарқ НМАК БТ, 2014. – Б. 536.

Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Т.: Ҳилол-нашр, 2012. – Б. 249-262.

BARKAMOL AVLODNI SHAKLLANTIRISHDA ETIKANING ZAMONAVIY MUAMMOLARI**Axmedova D.S. (QarDU)**

Annotatsiya. Maqolada yurtimizda sogʻlom va barkamol, bilimli, yuksak maʼnaviy-axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan, hayotga yangicha qaraydigan, oʻz fikri va qarashlariga ega boʻlgan avlodni shakllantirish, yaqin va oʻrta istiqbolda kurrai zamin taraqqiyotiga tahdid soladigan xavf-xatarlar haqida fikr yuritiladi.

Tayanch soʻzlar: *globallashuv, axloqiy muhit, axliqiy madaniyat, biosfera, noosfera, biologik axloq, ekologik axloq, biotibbiy axloq.*

Аннотация. В статье рассказывается о формировании в нашей стране здорового и гармоничного, образованного, обладающего высокими духовно-нравственными качествами имеющего собственное мнение и взгляды молодого поколения, об опасностях, угрожающих развитию общества в ближайшей и средней перспективе.

Ключевые слова: *глобализация, этическая среда, этическая культура, биосфера, ноосфера, биологическая этика, экологическая этика, биомедицинская этика.*

Annotation. The article tells about the formation in our country of a healthy and harmonious, educated, possessing high spiritual and moral qualities, independent thinking, a new outlook on life, having its own opinion and views, about the dangers threatening the development of the land of Kurraya in the near and medium term.

Keywords: *globalization, ethnic environment, ethical culture, biosphere, Noosphere, biological ethics, environmental ethics, biomedical ethics.*

Bugungi kunda dunyoning ayrim hududlarida axloqqa zid boʻlgan harakatlar natijasida katta maʼnaviy yoʻqotishlar yuz berayotgani, millatning asriy qadriyatlarini, milliy tafakkuri va turmush tarzi izdan chiqayotgani, axloq-odob, oila va jamiyat hayoti, ongli yashash tarzi jiddiy xavf ostida qolayotganini kuzatish mumkin. Bugungi globallashgan XXI asrda yoshlarni axloqimizga zid boʻlgan illatlardan himoya qilish dolzarb vazifadir. Goʻzal axloq va odob bilan belgilangan maʼnaviy fazilatlar insonlar oʻrtasidagi barcha munosabatlarga singib ketganidan keyingina chinakam axloqiy ahamiyat kasb etadi. Shu sababli ham axloqiy qadriyatlar barcha davrlarda insonning maʼnaviy kamoloti, jamiyat taraqqiyotining asosiy omillaridan biri sifatida eʼtirof etilgan. Barcha ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy muammolarni hal etish imkoniyati inson shaxsini tarbiyalash orqali yaratilgan. Oʻzbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimov taʼkidlaganlaridek, «Bizning vazifamiz, kerak boʻlsa, oliy burchimiz – farzandlarimizning ham jismoniy, ham maʼnaviy jihatdan uygʻun rivojlangan, zamonaviy bilim va tajribalarni puxta egallagan, Vatanimiz va xalqimiz kelajagi uchun masʼuliyatni oʻz zimmasiga olishga qodir boʻlgan barkamol insonlar boʻlib voyaga yetishi uchun qoʻlimizdan kelgan barcha-barcha ishlarni amalga oshirishdan iboratdir»¹.

Mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarga ega, hayotga yangicha qaraydigan, sobiq mustabid tuzumga xos tushunchalardan ozod boʻlib voyaga yetayotgan, oʻz fikri va qarashlariga ega boʻlgan navqiron yoshlarimiz hayotga ishonch bilan kirib kelmoqda, jamiyatimizda mustahkam oʻrin olmoqda va mamlakatimizning taraqqiyoti yoʻlida hal qiluvchi kuchga aylanmoqda². Maʼlumki, axloq insoniyat maʼnaviy hayotining tarkibiy qismidir.

Oʻzbekiston Respublikasida ziyolilar oldiga maʼnaviy barkamol insonni shakllantirish vazifasi qoʻyilgan bir paytda axloq masalasini chetlab oʻtish mumkin emas. Deyarli bir yarim asr moybaynida adolatsizlikni milliy kamsitishni, milliy iftixor hissining oyoqosti qilinishini, begona irodaning zoʻrlab qabul qildirish kabi holatlarni boshdan kechirgan xalqimiz, endlikda,

¹ Oʻzbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I. A. Karimovning mamlakatimizni 2013-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2014-yilga moʻljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yoʻnalishlarga bagʻishlangan Vazirlar Mahkamasidagi maʼruzasi.

²Karimov I. A. Oʻzbekiston erishgan yutuqlar va marralar – yoʻlini tasdigʻidir. Oʻzbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I. A. Karimovning Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 21 yilligiga bagʻishlangan tantanali marosimdagi maʼruzasi. – T.: Oʻzbekiston, 2014. – B. 92.

mustaqilliqqa erishib, adolatli fuqorolik jamiyati tuzishga kirishdi. Adolat bugungi kunda bizning mustaqil, kelajagi buyuk davlatimizning mohiyatini anglatuvchi tushunchaga aylanib bormoqda. Jahon sivilizatsiyasining har bir bosqichida insoniyatni ma'naviy va axloqiy kamolotga erishish masalasi dolzarb hisoblangan. Ma'naviy tahdidlar, axloqiy buzilishlar global miqyosda kuchayib borayotgan taraqqiyotning bugungi bosqichida ham insonlar ma'naviy immunitetini, axloqiy sifatlarini rivojlantirish, ularda milliylik ruhini yuksaltirish tobora muhim ahamiyat kasb etib bormoqda. Zero, yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek, - "Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigankim – yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan"¹.

Hozirgi zamonning o'ziga xos xususiyatlarining shiddat bilan o'zgarib borayotgan sharoitida O'zbekiston davlat mustaqilligini ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, huquqiy, madaniy-ma'naviy zaminlarini barqarorlashtirishga mustaqil yondasha oladigan, ayni zamonda shaxsiy manfaatlarini mamlakat va xalq manfaatlari bilan uyg'un holda ko'radigan, islohotlarga daxldorligini, ijtimoiy ma'sulligini sezadigan, har jihatdan milliy o'zligini anglagan barkamol insonlarni tarbiyalash vazifasi har doim dolzarb masala bo'lib qolaveradi. Axloqiy tarbiya hamma davrlarda ham yuksak ahamiyat kasb etib kelgani hech kimga sir emas. Faqat zulm va zo'raonlik, adolatsizlik va huquqsizlikka asoslangan totalitar tuzumlardagina u yolg'onga bo'ysundirilgan, soxtalashtirilgan hamda shu yo'l bilan ahamiyati pasaytirilgan. Mamlakatimiz mustaqillikka erishishi sharofati bilan yana axloqshunos yuksak mavqeyini egallab bormoqda. Insoniyatning tarixiy taraqqiyoti o'z-o'zini anglash, eng avvalo, insoniy mavjudlikning mohiyatini ma'naviy voqe'lik, sha'n, qadr-qimmat, obro'- e'tibor, or-nomus orqali namoyon bo'lishini ko'rsatadi. Hayotning ma'no-mazmuni, maqsadini tushunib yetish, o'zlikni anglashdan boshlanadi. Insonning axloqiy hayoti uning axloqiy tarbiyasi bilan chambarchas bog'liq. Zero, axloqiy tarbiya insonning shaxs bo'lib yetishuvini ta'minlaydigan uzluksiz jarayonlardan biri. Unda individ axloqiy qadriyatlarini anglab yetadi, o'zida axloqiy fazilatlarini barqaror yetadi, axloqiy tamoyillar va meyorlar asosida yashashga o'rganadi. Axloqiy tarbiya insoniyat tarixi mobaynida ikki muhim masalaga javob izlaydi: bulardan biri – qanday yashamoq kerak, ikkinchisi – nima qilmog'-u, nima qilmaslik lozim. Ana shu savollarga javob izlash jarayoni axloqiy tarbiyaning amaliy ko'rinishidir. Tarbiya ona qornidan boshlanadi degan gap bor. Uning asl ma'nosi, avvalo, ota-onaning o'zi axloqiy tarbiya ko'rgan bo'lishi kerak degani. Zero, qush inida ko'rganini qiladi: ota-ona oilada yuksak axloq namunasini ko'rsatishi lozim. Shuni ham alohida ta'kidlash joizki, axloqiylik insonda faqat axloqiy tarbiya vositasidagina vujudga keladi, degan moddiyatchilik qarashlari ko'p yillar mobaynida hukmronlik qilib keldi. To'g'ri, axloqiy tarbiyaning ahamiyati nihoyatda katta. Lekin axloqiylik insonga uning insoniylik belgilaridan eng muhimi sifatida ato etilgan ilohiy ne'mat. Shu ma'naviy ne'mat asosini axloqiy tarbiya yordamida takomillashtiramiz. Aks holda maymun va itlardan ham axloqiy mavjudot tarbiyalab yetkazishimiz mumkin bo'lar edi. Shunday qilib, axloqiy tarbiya inson farzandini takomilga, komillikka yetkazish yo'llaridan biri. Uning vositalari ko'p. Ular ming bir qismi an'anaviy tarbiya vositalari bo'lsa, yana bir qismi zamonaviy vositalar. Odatda, har ikki turdagi vositalardan foydalaniladi. Chunonchi, maktabgacha bo'lgan axloqiy tarbiyada ertak va rivoyatlar vositasidagi an'anaviy tarbiya bilan o'yinchoqlar va o'yinlar vositasidagi zamonaviy tarbiya muvaffaqiyatli qo'llaniladi; bunda bola qizg'anchilik, g'irromlik qilmaslikka, halol bo'lishga o'yinlar yordamida da'vat etiladi. Shuningdek, bolalar axloqiy tarbiyasida telyevideniye, radio, qo'g'irchoq teatri, kino san'ati katta rol o'ynaydi. Zero, yurtimizda erkin va obod, farovon hayot barpo etish yo'lini qat'iyat bilan davom ettirish va O'zbekistonning mustaqil taraqqiyot yo'lini amalga oshirishda yosh avlodning qalbi hamda ongiga Vatanga muhabbat va sadoqat tuyg'ulari, adolat, milliy istiqlol g'oyasining

¹ <https://www.facebook.com/fanmirziyoyev/posts/biz-kimmiz> qanday ulug' zotlarning avlodimiz degan da'vat yoshlarning qalbida doim/158229902380847

maqsad va vazifasini singdirish muhim o‘rin tutadi. Barkamol avlodni tarbiyalashda axloqiy tarbiya bilan bir vaqtda axloqiy madaniyat ham muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Madaniyatning turlari ichida, xususan ma’naviy madaniyat doirasida axloqiy madaniyat o‘zining nihoyatda keng qamrovliligi bilan ajralib turadi. Uning shaxs hayotida voqe bo‘lishi xilma-xil omillar vositasida ro‘y beradi. Chunonchi, hayotiy tajriba tarbiya, axloqiy ta’lim, san’at ana shunday vositalardan hisoblanadi. Axloqiy madaniyat shaxsga o‘zgalar bilan munosabatda an’anaviy axloqiy qonun-qoidalaridan ijobiy foydalanishni, ularga zamonaviylik nuqtayi-nazaridan yondashishni, ezgulik bilan yovuzlikning farqiga borishni va egallagan axloqiy bilimlarni samarali tadbiq etishga o‘rgatadi. Qisqasi u shaxsning jamiyat axloqiy tajribalarini egallash va ulardan o‘z tajribalarida foydalanishi, o‘z-o‘zini muntazam takomillashtirib borishi singari jihatlarni qamrab oladi; shu bilan shaxs axloqiy taraqqiyotining belgisi hisoblanadi hamda davlat va jamiyatdagi axloqiy darajani yuksaltirishga xizmat qiladi. Axloqiy madaniyat doimo zamonaviydir. YA’ni, u muayyan zamon erishgan axloqiy yutuqlar yoxud darajaning shaxs axloqiy hayotidagi ko‘rinishidir. Masalan, mulozamat, takalluf va murojaat odobini olaylik. Bu axloqiy qadriyatlar qadimdan mavjud. Lekin ularning bugungi kundagi shakllari, deylik, Navoiy davridagidan farq qiladi. Garchand, u davrdagi mulozamat, takalluf va murojaat odobi o‘z mohiyatini saqlab qolgan bo‘lsa-da, bugun ulardan o‘sha shakllarda foydalanish erish tuyuladi, hazilomuz-kulgili ko‘rinadi, hatto istehzoli-kinoyaviy urg‘u kasb etadi.

Axloqiy madaniyat axloqiy tafakkur madaniyatining qator unsurlarini o‘z ichiga oladi. Ana shunda eng muhim unsurlardan biri – muomala odobi. Ma’lumki, yuzlab asrlar mobaynida inson kichik biologik olam sifatida katta biologik olam ichida, uning bir parchasi, jonli organizmlarning oqil va hukmron qismi sifatida yashab keldi. XIX asrning oxiridan boshlab, ayniqsa XX asrda u o‘z tafakkur quvvati bilan, ilmiy-texnikaviy yuksalishlar tufayli ana shu biosfera ichida noosferani — texnikaviy muhitni yaratdi. Mana, hozirgi kunda, qarang, ertalabdan kechgacha biz o‘z texnikaviy kashfiyotlarimiz ichida yashaymiz – yeymiz, ichamiz, yuramiz, uxlaymiz, ularsiz hayotimizni tasavvur qila olmaymiz. Bular – metro, avtobus, televizor, radio, telefon, eskalator, pleyer, lift, kompyuter, poyezd, teploxod, gazplitalari, elektraboblari, zavodlar, lokatorlar, kimyoviy dori-darmonlar va h.k. Bugun video telefonda gaplashar ekanmiz, yuzlab chaqirim naridagi suhbatdoshimizni ko‘rish va u bilan gaplashish uchun ot-ulovda yoki piyoda boradigan bo‘lsak, necha kunlab yo‘l bosishimiz kerakligi haqida o‘ylab o‘tirmaymiz, to‘g‘rirog‘i, bu esimizga ham kelmaydi. Chunki, texnika bizning yashash muhitimizga aylanib qolgan. Faqat bugina emas. Inson yendilikda o‘zi yashayotgan butun boshli sayyoraga ta’sir ko‘rsata boshladi. Yer tarixida inson birinchi marta ulkan geologik kuch bo‘lib maydonga chiqdi. Insoniy tafakkur biosferadagi o‘zgarishlarning asosiy sababiga aylandi. Noosfera ta’limoti asoschilaridan biri buyuk rus-ukrain olimi V.I.Vernadskiy ilmiy tafakkur va inson mehnati ta’siri ostida biosfera yangi holat bo‘lmish noosferaga o‘tayotganligini, butun geologik davr mobaynida yaratilgan, o‘z muvozanatlarida barqarorlashgan biosfera inson ilmiy tafakkuri bosimi ostida tobora kuchliroq va teranroq o‘zgarishga kirishganini ta’kidlaydi: «Sayyoramiz yuzi — biosfera inson tomonidan ongli va asosan ongsiz ravishda keskin kimyoviy o‘zgarishlarga duchor etilmoqda, — deb yozadi u. — Inson quruqlikning fizikaviy va kimyoviy havo qobig‘ini, uning barcha tabiiy suvlarini o‘zgartirmoqda... Hozir biz biosferadagi yangi geologik evolyutsion o‘zgarishlarni boshdan kechiryapmiz. Biz noosferaga kirib boryapmiz»¹.

Ana shu nuqtadan tafakkur o‘zi nima degan muammo paydo bo‘ladi. Bu haqda V.I.Vernadskiy shunday mulohaza bildiradi: «Tafakkur energiyaning shakli emas. U qanday qilib moddiy jarayonlarni o‘zgartira oladi? Bu masalaning hanuzgacha ilmiy jihatdan yechimi topgan emas»².

Vernadskiyning hayratga solgan masala hozir ham o‘sha-o‘sha, hal etilmagan. Xo‘sh, tafakkur o‘zi nima? U biologik hodisa bo‘lmish insonda, uning ruhiy-fiziologik yaxlitlikdan iborat miyasida tug‘iladi, lekin tug‘ilishi bilan biologik qobiqdan chiqadi va tashqi muhitda energiyaga o‘xshab nimanidir yaratadi. Endi inson bilan uning tafakkuri orasida muayyan masofa

¹Вернадский В.И. Начало и вечность жизни.— М.: Сов. Россия, 1989. — С. 186-187.

²O‘sha manba. — С.185.

paydo bo'ladi, masofa uzoqlashgani sari tafakkurning mohiyati ayon bo'lib boradi: inson kutgan oqibat kutilgandan boshqacha mazmun kasb eta boshlaydi. Nega? Bizningcha, noosferada, yuqorida aytganimizdek, inson fikri narsalashadi, o'z intellektimiz narsalarga aylanib, bizni o'rab oladi. Insonning ichki tabiati muhit mavqeyini egallab, tashqi tabiatga ta'sir ko'rsata boshlaydi va ko'p hollarda bundan eng avvalo, insonning o'zi ozor chekadi. Tafakkur biologik xususiyatga ega bo'lmagani uchun biologik muhitning o'rnini egallashga, uni asta-sekin siqib chiqarishga harakat qiladi. Bu harakat ma'lum nuqtadan o'tganidan so'ng esa o'z ijobiy xususiyatini yo'qota boradi va insoniyat uchun salbiy hodisaga aylana boshlaydi. Atom, vodorod, neytron bombalarining kashf etilishi, yadrokallakli ballistik raketalarining yaratilishi ana shunday salbiy hodisalardandir. Bundan tashqari, noosferaning paydo bo'lishi atmosferani, olam yoki okeanni, yer osti va yer usti suvlarini, nabototni, hayvonotni, hatto insonni ich-ichidan kimyoviy zaharlanishga olib kelmoqda. Hozirgi kunda tirik organizmlarning, o'simliklarning, hayvonlarning ko'pgina turlari jisman yo'q bo'lib ketish arafasida turibdi. Ayniqsa, joy topolmay, okean bo'ylab kemalarda suzib yurgan radioaktiv chiqindilar yoki ularning kimsasiz go'zal orollarga ko'mib tashlanishi, kislotaga yomg'irlarining ko'payib borishi singari hodisalar bag'oyat xatarli. Afsuski, inson ko'ra-bila turib, o'zi o'tirgan shoxga bolta urishni to'xtatmayotir. Bu muammolarning hal etilishi faqat atrof-muhitni kimyoviy zahardan ekologik tozalashnigina emas, balki, eng avvalo, global ma'noda, XXI asr kishisi ongini texnokratiya zaharidan forig'lantirishni taqozo etadi. YA'ni, ulari nsoniyat oldida endilikda ekologik hodisa emas, balki tom ma'nodagi axloqiy muammolarsifatidako'ndalangbo'lib turibdi. Mashhur avstriyalik yetolog olim, Nobel mukofoti laureati Konrad Lorensning: «Yoppasiga va tez yoyilib borayotgan jonli tabiatga begonalashish hodisasi uchun asosan sivilizasiyamiz kishisidagi estetik va axloqiy to'poslik aybdordir», — degan so'zlari shu nuqtayi nazardan diqqatga sazovordir¹.

Yuqorida aytilganlardan chiqadigan xulosa bitta: kelajakda inson o'zini va o'z sayyorasini muqarrar halokatdan qutqaraman desa — XXI asrda etosfera davriga o'tishi kerak; axloqiylik har birimiz uchun har qadamda bugungi texnikaviy muhit kabi zaruratga aylangandagina bunga erishish mumkin. Bunda axloq ilmining o'zni nihoyatda beqiyos.

Foydalangan adabiyotlar

1. Вернадский В.И. Начало и вечность жизни М.: Советская Россия», 1989. – С. 186-187.
2. Лоренц К. Восемь смертных грехов цивилизованного человечество // Вопросы философии, – № 3, 1992. – С. 42.

Наширға проф. С. Чориев тавсия этган

QASHQADARYO VILOYAT ARABLAR MILLIY-MADANIY MARKAZINING MILLATLARARO MUNOSABATLAR RIVOJLANISHIDA AHAMIYATI

Usanov Sh.M. (TTA Termiz filiali)

Annotatsiya. Ushbu maqolada mamlakatimizda millatlararo do'stlik, hamjihatlik va milliy totuvlikni rivojlantirishda o'zbek va arab xalqlari an'analari o'zaro uyg'unligini targ'ib etishda arab milliy markazi faoliyati e'tirof etilgan. Mustaqillik yillarida Qashqadaryo viloyat arablar milliy-madaniy markazining tarixi, bugungi kundagi ma'lumotlar keltirib o'tilgan.

Tayanch so'zlar: arablar, arablar milliy madaniy markazi, diniy bag'rikenglik, millatlararo munosabatlar, sabr-toqat, tolerantlik, milliy markaz, nodavlat notijorat tashkilot, milliy totuvlik, Jeynov qishlog'i.

Аннотация. В данной статье признается деятельность Арабского национального центра по содействию взаимному согласию традиций узбекского и арабского народов в развитии межнациональной дружбы, солидарности и национального согласия в нашей стране. Представлена история арабского национально-культурного центра Кашкадарьинской области за годы независимости, актуальная информация.

¹Лоренц К. Восемь смертных грехов цивилизованного человечество // Вопросы философии, – № 3, 1992. – С. 42.

Ключевые слова: арабы, арабский национальный культурный центр, веротерпимость, межэтнические отношения, терпение, толерантность, национальный центр, негосударственная некоммерческая организация, национальное согласие, село Джейнов.

Annotation. In this article, the activities of the Arab National Center in promoting the mutual harmony of the traditions of the Uzbek and Arab peoples in the development of inter-ethnic friendship, solidarity and national harmony in our country are acknowledged. The history of the Arab national-cultural center of Kashkadarya region during the years of independence, the current information is presented.

Key words: Arabs, Arab national cultural center, religious tolerance, inter-ethnic relations, patience, tolerance, national center, non-governmental non-profit organization, national harmony, Jeynov village.

O‘zbekiston bu qadimdan turli millat va elatlar hamjihatlikda, o‘zaro qavm va qarindoshlik rishtalari ila bog‘lanib ketgan turli millatga mansub kishilar yashovchi yurt hisoblanadi. Mamlakatimiz mustaqillikni qo‘lga kiritgan ilk kunlardan boshlab uning rivoji taraqqiyoti yo‘lida eng avvalo undagi turli millat va elatlar orasida hamjihatlik, ertangi kunga shukronalik hissini shakllantrishdek maqsadni o‘z oldiga qo‘ydi.

Mustaqillikning ilk kunlardan boshlab mamlakatimiz hududida istiqomat qiluvchi turli millat vakillarini jipslashtirishga alohida e‘tibor qaratildi.

Mustaqillikning dastlabki yillaridayoq islohotlarning tashabbuskori bo‘lgan respublikamiz Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning “O‘zbekiston XXI asrga intilmoqda” nomli asarida ta’kidlaganidek, “Jamiyatdagi barqarorlik, tinchlik, millatlar va fuqarolararo totuvlikni sarhadlarimiz daxlsizligini, mamlakatimiz hududiy yaxlitligini ta’minlash, islohotlarini chuqurlashtirish va jamiyatni yangilash borasidagi faoliyatimizning ustuvor yo‘nalishlaridan birini tashkil etadi[2].

2016-yildan Sh.M.Mirziyoyev hokimiyatga kelgandan boshlab mamlakatimizdagi turli millat vakillariga ularning yashashi, huquqiy erkinligi, yagona vatan g‘oyasiga alohida e‘tibor qarata boshladi. Prezident Shavkat Mirziyoyev Konstitutsiyamizning 24yilligiga bag‘ishlangan nutqida 2017-yilni “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlar yili” deb e‘lon qilshi, Mustaqil O‘zbekistonda millatlararo munosabatlarning o‘zaro totuvlik va hamjihatlik munosabatlarini rivojlantirish va mustahkamlash uchun yangi bir davrni boshlab berdi.

Shu o‘rinda O‘zbekiston Respublikasi davlat siyosatining asosiy maqsadlari va prinsiplariga e‘tibor qaratsak, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil 15-noyabdagi (PF 5876 son farmoni): “Millatlararo munosabatlar sohasida O‘zbekiston Respublikasi davlat siyosati konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi farmonining ikkinchi bobida Millatlararo munosabatlar sohasida O‘zbekiston Respublikasi davlat siyosatining asosiy maqsadlari va prinsiplari keltirilgan bo‘lib unda:

Millatlararo munosabatlar sohasida O‘zbekiston Respublikasi davlat siyosatining asosiy maqsadlari quyidagilardan iborat:

-jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e‘tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqeyidan qat’i nazar fuqarolarning teng huquqlari va erkinliklarini, ularning qonun oldida tengligini ta’minlash;

-ko‘p millatli O‘zbekiston xalqining birligini, millat va elatlarning tiliga, huquqiy maydon doirasidagi urf-odatlar va an‘analariga izzat-hurmat munosabatini mustahkamlash, ularning to‘la huquqli rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish;

-millatlararo munosabatlarni uyg‘unlashtirish, jamiyatda do‘stlik, o‘zaro hamjihatlik, jipslik, insonparvarlik va bag‘rikenglik madaniyatini mustahkamlash;

-respublikaning barcha millat va elatlari sa’y-harakatlarini olijanob g‘oya mamlakat suverenitetini mustahkamlash va barqaror rivojlantirish, davlatning hududiy yaxlitligini mustahkamlash maqsadlariga erishish g‘oyasi atrofida birlashtirish, kuchli va adolatli fuqarolik jamiyatini va demokratik huquqiy davlatni shakllantirish jarayonlarida ularning faol ishtirokini ta’minlash;

-millatchilik va shovinizm namoyon bo‘lishi ehtimoliga qarshi kurashish, fuqarolarning millatiga qarab kamsitilishiga hamda Konstitutsiyaviy huquq va erkinliklari buzilishiga yo‘l qo‘ymaslik.

Millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosatining asosiy prinsiplari quyidagilardan iborat:

- fuqarolarning teng huquqliligi;
- ijtimoiy adolat;
- qonun ustuvorligi;

-millat va elatlarning madaniy, til va diniy qadriyatlarini, an'ana va urf-odatlarini o'zaro hurmat qilish;

-O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining, shu jumladan, chet ellarda yashovchi fuqarolarining huquq va erkinliklarini himoya qilish;

- O'zbekiston Respublikasi davlat suvereniteti va hududiy yaxlitligi[1].

Mamlakatimizda millatlararo munosabatlar masalasiga jiddiy yondashuv kuzatilganini ko'rishimiz mumkin bo'ladi. Bugungi kunda mamlakatimiz hududida 130 dan ortiq turli millat vakillari istiqomat qilishadi. Xuddi shu, millatlardan biri bu Qashqadaryo viloyatida boshqa millat vakillar kabi erkin va tinch-totuv yashab kelayotgan arab millatga mansub kishilardir.

Arab millatiga mansub aholi vakillarining boshqa millatlar bilan do'stlik, hamjihatlik aloqalarini mustahkamlanishida ushbu milliy madaniy markazining o'rni muhimdir.

Arablarning mamlakatimiz hududiga kirib kelishi VIII asrda bo'lgan. Markaziy Osiyo arab jamoalari o'tgan asrning 60-yillarning oxirigacha mahalliy aholi bilan aralashmagan. Ushbu arab jamoalarining jamoa bo'lib mahalliy aholi bilan aralashtirilmaganligi aynan 1990-yillarda ham arab tilining o'sha vaqtgacha saqlanib qolishiga imkon bergan[6].

Sovet davrida arab diosporasi, ayniqsa O'zbekiston va Tojikistonning O'rta Osiyo arablari o'troq turmush tarziga o'tishi o'zbeklar, tojiklar va turkmanlar bilan oilaviy nikoh munosabatlariga o'tib mahalliy aholi bilan aralasha boshladilar. Markaziy Osiyoning ayrim qishloqlarida arab tilida gaplashiladi, afsuski u ham ko'p emas.[6]

Sovet davrida yashagan arablar demografiyasi haqida N.N.Burkina hamda M.M.Izmailovalar o'zining "Записки Коллегии Востоковедов" kitobida arab xalqlarining tumanlararo yashashi haqida ma'lumotlar berib o'tadi. Kitobda berilgan ma'lumotlariga ko'ra, eng ko'p arablar Qashqadaryo tumaniga to'g'ri kelib shundan 4133 ming nafar erkak, 3814 ming nafar ayol jami 7947 kishi va Buxoro tumaniga 3104 ming nafar erkak, 2745 nafar ayol, jami 5849 kishini tashkil etadi. Ulardan Buxoro tumanida arab tilida so'zlashuvchilar ko'proqni tashkil etgan deyiladi[5].

Arab tilida so'zlashuvchilar aholiga nisbatan farq qilgan, masalan, Qashqadaryo tumanida jami 1026 nafar, Zarafshonda 4088 kishi, Konimexda 2308 kishi, Andijonda 1792 kishi, Surxondaryoda 1589 nafar arablar yashagan bo'lsa, arab tilida so'zlashuvchi arablar soni ham aholiga nisbatan kam bo'lib chiqdi: Zarafshonda 67 kishi, Konimexda 83 kishi, Andijonda 61 kishi, Surxondaryoda esa eng yuqori ko'rsatkich 111 kishini tashkil etadi[5].

Buxoro va Qashqadaryo viloyatlarini tanlab, arab tilida so'zlashuvchi arablarning eng ko'p qismi Buxoro viloyatining G'ijduvon tumanida 343 nafar erkak va 362 nafar ayol, jami 705 nafar va Vobkentda 120 nafar erkak, 87 nafar ayol, jami 207 kishi, va Qashqadaryo okrugining Beshkent hududida - 209 nafar erkak, 198 nafar ayol, jami 407 nafar, Koson tumanida 158 nafar erkak, 138 nafar, jami 296 nafarni tashkil etilishi keltirilgan[5].

1926 yilgi Butunittifoq tomonidan aholini ro'yxatga olish materiallarida keltir-ilishicha. O'zbekiston SSRda (tahrir. TsDU, Samarqand, 1927) alohida qishloq sovetlari va barcha qishloq aholi manzillari uchun arab xo'jaliklarining raqamlarini keltirib o'tadi Unda: Qashqadaryo viloyatida 81 ta aholi punktida 1500 ga yaqin arab xo'jaligi, xususan: Jeynov qishlog'ida 503 arab fermer xo'jaligi, Chandir qishlog'ida 432 ta, Mushkaka qishlog'ida - 224 va Kahlak qishlog'ida - 176 nafar arab xo'jaliklari ro'yxatga olinganligi qayd etilgan[5].

Qashqadaryo viloyatida arab xalqining mavjud ekanligi ushbu millatga mansub fuqarolarning sovet davrida ham turli mintaqalarida yashaganligini ko'rib o'tdik. Mustaqillik yillarida Qashqadaryo viloyatida yashovchi arablar jamoalarini birlashtirib turgan jamoat tashkiloti bo'lgan. Arablar milliy madaniy markazi tashkil etilish tarixi haqida Sovet davrida

arablari milliy madaniy markazining tashkil etilishiga bag'ishlangan ta'sis majlisining yig'ilishida (1990-yil 7-dekabr jeynov qishlog'i) dastlabki qaror qabul qilingan[3].

Qashqadaryo arab milliy madaniy markazining tashkil etish masalasiga bag'ishlangan 1990-yil 7-dekabrda bo'lib o'tgan ushbu yig'ilishda Koson, Ulyanov, Muborak, Bahoriston va Usmon Yusupov nohiyalarda yashab kelayotgan 560 nafar arab millatiga mansub vakillar ishtirok etdi, jumladan: Qashqadaryo viloyat firqa qo'mitasining mafkura bo'lim boshlig'i o'rinbosari Z.Begimqulov, Qashqadaryo viloyati "Bilim" jamiyati boshqaruvining raisi, Qashqadaryo viloyat pedagogika ilmgohi (QarshiDU)ning falsafa kafedrasi mudiri falsafa fanlari doktri, professor A.Choriyev, Usmon Yusupov nomidagi nohiya qo'mitasi firqa qo'mitasining uchinchi kotibi X.Muhammadiyeva, xalq deputatlari Usmon Yusupov Nohiya ijro qo'mitasi raisining o'rinbosari Sh.Qurbonov, xalq deputatlari Usmon Yusupov nohiya ijro qo'mitasi sovetining muovini E.Hamrayev va boshqa bir qancha qariyalar ham ishtirok etdi[3].

Ushbu yig'ilishda kun tartibiga qayta qurish va millatlararo munosabatlar madaniyati, arab milliy madaniy markazining kengash a'zolarini saylash, arab milliy madaniy markazining hayat a'zolarini saylash, arab milliy madaniy markazining prezidenti, vetsi prezidentini va kotibni saylash va boshqa vazifalar kun tartibiga kiritildi. Kun tartibidagi masala yuzasidan viloyatga mehmon Samarqand viloyat Pstdarg'om nohiyasidagi "Arabxona" qishloq sho'rosining raisi Eshonqulov Muhammadi o'z so'zida: "Samarqand viloyatida 200 ming kishiga yaqin arablarning yashab kelayotganligini hamda Pstdarg'om nohiyasidagi "Arabxona"qishloq soveti hududida 17000 aholidan 17250 nafari arab millatiga mansub ekanligini, lekin ushbu xalqlarning tili mutloq yo'qolib ketganligi, urf -odatlar va madaniyatlarining ham yo'qolish arafasida ekanligini ta'kidladi" [3].

Ushbu yig'ilish davomida bir qancha fikrlar o'rtaga tashland va muhokama etilib yig'ilish qarorlari:

- 1) Qashqadaryo viloyatida sovet arablarning milliy madaniy markazi tashkil etilsin.
- 2) Sovet arablari milliy madaniy markazlarining dasturi va nizomi tasdiqlansin.
- 3) Sovet arablari milliy madaniy markazining manzilgohi etib vaqtinchalik Usmon Yusupov nohiyasidagi "Jeynov" qishlog'i etib belgilansin.
- 4) Qashqadaryo viloyatidagi pasportlarga o'zbek, tojik va boshqa millat vakillari deb qayd etilgan arablar pasportlariga arablar deb o'zgartirib berilish masalasida yordam ko'rsatish xalq deputatlari Qashqadaryo viloyat sovetidan so'ralsin.
- 5) Kengash a'zolari soni 150 nafardan iborat qilib belglash taklifi kiritilsin.
- 6) Arab milliy madaniy markazi hay'at a'zolari soni esa 12 kishi qilib belglansin.
- 7) Arab milliy madaniy markazi president etib professor A.Ch.Choriyev, vitse prezidenti etib M.S.Saidov, kotib etib N.P. Panjiyevlar tayinlansin.
- 8) Arab milliy madaniy markazi taftish komissiyasi raisi etib A.Ibodov va a'zolari etib esa T.Sharipov, S.G'oyipov, Sh. Imomov, I.Niyozovlar tayinlansin [3].

Arablar milliy madaniy markazi 1991-yil tashkil etilib 1992-yildan NNT sifatida davlat ro'yxatidan o'tgazilgan. Markaz tashkil etilgan kundan boshlab o'z oldiga qo'yilgan qator muammo va kamchiliklarini jamoatchilik asosida hal etib bordi. Masalan, markaz tashkil etilgan kundan boshlab markaz uchun muhim bo'lgan muhr va shtamplar tashkil etish dolzarb masalalardan biriga aylangan. Umuman olganda arab milliy madaniy markazining qator yig'ilishlarida ushbu masala muhokama etildi. 1992-yil 10-aprel kuni O'zbekiston jumxo'riyati arablari milliy-madaniy markazi hayatining yig'ilishining №-1 sonli qarori asosida markaz o'z muhri va shtampasiga ega bo'ldi [4].

Markazning mustaqillik yillarida yurtimizda Nodavlat Notijorat tashkilotlarga qaratila boshlagan etbori natijasida keng imkoniyatlarga ega bo'la boshladi, qator imtiyozlar va o'z o'zini boshqarishda erkinliklar berildi.

1992-yil 10-aprelda markazning yig'ilishida asosiy masala qilib, kun tartibiga markaz muhri va shtampani tayyorlash masalasi qo'yildi.

Ushbu yig'ilishda so'zga chiqqan markaz rahbari falsafa fanlar doktori A.Choriyev shunday deydi: "Arablar milliy madaniy markazi 1991-yil 8-oktabr kuni markaz sifatida

ro'yxatdan o'tganligi oradan 6 oy o'tganligiga qaramasdan madaniy markazning muhri va shtamp hozirga qadar tayyorlanmaganligi, sababdan o'zining dasturi bo'yicha ish faoliyatini boshlay olgan emas. Arablar milliy madaniy markazining nizomining 5-bandiga asosan markazning muxri va shtampini tayyorlab dasturga asosan ish faoliyatini boshlash lozimligini takidlagan [4].

Markaz o'z muhri va shtampiga ega bo'lgandan keyin o'z faoliyatini dastur asosida boshlab oladi. Markazning shakllanishiga nazar tashlasak bir qator markazga direktorlik qilgan va faoliyatida salmoqli ishlar qilgan faol shaxslarni sanab o'tishimiz mumkin:

- 1) 1991-yildan 1999-yilgacha Anvar Choriyev;
- 2) 1999-yildan 2009-yilgacha Murodilloy Saidov;
- 3) 2009-yildan 2012-yilgacha Xoliqberdi Bobomurodov;
- 4) 2012-yildan 2014-yilgacha Narzulla Boev;
- 5) 2014-yildan 2020-yillarda Xoliqberdi Bobomurodov;
- 6) 2020-yildan 2022-yilgacha Niyozmuhammad Panjiyev;
- 7) 2022-yil 10-apreldan buyon Davlatmurod Yog'mirov rahbarlik qilmoqda.

Yuqorida sanab o'tilgan markaz direktorlaridan tashqari bir qator faol a'zolari ham arablar milliy markazi faoliyati, arab xalqlarining boshqa millat vakillari bilan o'zaro hamjihatlikda o'z madaniyati, qadriyatlarini asrab avaylashda faol bo'lib kelmoqda.

Qashqadaryo arablar milliy madaniy markazining hozirda rahbari Yog'mirov Davlatmurod Cho'liyevich bo'lib, markaz asosiy maqsadi bo'lgan viloyatdagi arab millati vakillarini ma'naviy va madaniy ehtiyojlarini qondirish, arab milliy urf odatlarini, tili madaniyatini, tarixini o'rganish hamda millatlar o'rtasida do'stik rishtalarini bog'lash va tinchlikni yanada mustahkamlashda samarali ishlarni amalga oshirib kelmoqda.

Arablar milliy madaniy markazi qoshida 19 nafar arab millatiga mansub madaniy hodimlardan iborat "Al-arabiya" kattalar jamoasi va "Al-Jiynat" bolalar folklor badiiy jamoalari faoliyat yuritayotgan bo'lib, respublika hamda viloyat miqyosida o'tgazilayotgan tadbirlar davomida badiiy chiqishlari bilan o'zlarini munosib hissasini qo'shib kelmoqda. Bugungi kunda Qashqadaryo viloyatida 10250 nafar milliy madaniy markaz a'zolari bo'lib, bu viloyat aholisining 0,4 foizini tashkil etadi. Ushbu fuqarolarning 4980 nafari esa xotin-qizlar ekanligi diqqatga sazovor hisoblanadi. Arab millatiga mansub fuqarolarning asosiy qismi Mirishkor, Koson, Qarshi shaharlarida yashab kelmoqda. Bugunki kunda arab millatiga mansub bo'lgan fuqarolarning 3 nafari fan doktori, 6 nafari fan nomzodlari, 20 nafari esa xalq ho'jaligining turli sohalarida rahbarlik lavozimlarida faoliyat yuritib kelmoqda. Viloyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda o'zlarining munosib hissalarini qo'shgan 13 nafar arab millatiga mansub bo'lgan kishilar O'zbekiston respublikasining turli davlat mukofotlari bilan taqdirlangan[7].

2012-yil 26-iyun kuni Qashqadaryo arablar milliy madaniy markazi davlat ro'yxatidan o'tkazilgan. 2021-yil 14-dekabr kuni milliy madaniy markaz uchun yana bir muhim kun hisoblanadi. Shu kuni O'zNNTMA tomonidan (№ 10-05 sonli) arablar milliy markaziga Qashqadaryo viloyat Qarshi shahar "Paxtazor" MFY 25 A uy manzilida joylashgan "Nodavlat notijorat tashkilotlari uyi" ga joylashish huquqini beruvchi tavsiyanoma beriladi. Ushbu hujjat berilishi bilan markaz zamonaviy sharoitga ega bo'lgan binoga joylashdi va o'z ish faoliyatini davom ettirmoqda.

Xulosa

Xulosa o'rnida shuni keltirish mumkinki bugunki kunda mamlakatimiz hududlarida ko'p millatli mamlakatimizning ayrim viloyatlarida kichik etnik guruh bo'lsa-da, arab millatiga mansub aholi ham hozirgacha istiqomat qilib keladi. Albatta, millatning nomiyoq aytib turibdi, bu millatga mansub aholining tarixi ming yilliklarga borib taqaladi. Zero, bu da'voni ularning shu paytgacha saqlanib qolgan milliy o'ziga xosliklari va tarixiy manbalar ham tasdiqlaydi. Fikrimiz tasdig'i uchun mustaqillik yillarida chop etilgan professor P. Ravshanov va O'zbekiston Qahramoni M. Saidovlarning "Jeynov tarixi" (Jeynov: yigirma mingdan ziyod arab millatiga mansub aholi yashaydigan qasaba) kitobi, tarix fanlari doktori, professor Rustam Rajabovning yillar davomida olib borgan tadqiqotlari samarasi sifatida dunyo yuzini ko'rgan arablar tarixiga doir risolalari va kitoblari, gruziyalik olim, akademik G. Sereteli va shogirdlarining tadqiqotlari,

YE. Berezikovning Jeynovda yashaydigan arablar, ularning urf-odatlarini va tarixiga bag‘ishlangan o‘nlab matbuot chiqishlari fikrimiz dalilidir.

Xullas, vohamizda yashaydigan arablar, tili, kiyinishi, urf-odatlarini, milliy o‘ziga xosliklari va ularning tarixiga oid materiallar shu darajada ko‘pki, ular kelajakda yana katta-katta tadqiqotlar o‘tkazish uchun manba bo‘la oladi.

Shuni alohida e‘tirof etmoq joizki, har bir millat boshqalarga o‘xshamagan udumlari, o‘ziga xos yashash tarzi bilan muhimdir. Rivojlanib, gurkirab borayotgan O‘zbekistonda har bir millatning milliy xususiyatlariga hurmat bilan qaralishida ulkan ma‘no bor. Eng muhimi, yurtimizda millatlar orasidagi teng huquqlilik, har bir millatning urf-odatlariga, an‘analariga, tili va udumlariga hurmat bilan qarash tamoyillari qonun yo‘li bilan kafolatlangan.

Xalq ta‘limi homiysi M. Saidov rahbarligi davridan boshlab to hozirgacha Mirishkor tumanidagi Jeynov shaharchasida joylashgan Madaniyat saroyida “Al-Arabiya” ansambli (ayni paytda “Al-Jiynat”) (folklor-etnografik guruh) faoliyat yuritib kelmoqda. Ayni kunlarda ham Markazning eng yaxshi ishlari davom ettirilmoqda. Ayniqsa Qashqadaryodagi – vohamizdagi Turkman, Tatar, Rus va Tojik Madaniyat markazlari bilan hamkorlikning yo‘lga qo‘yilganligi tahsinga loyiqdir. Bugunki kunda markazda til o‘rganish uchun kompyuter va kompyuter jihozlari, lingafon xonasi uchun kerakli anjomlar, “Al-Jiynat” ansambli uchun o‘nga yaqin arab milliy cholg‘u asboblari, 20 komplektdan ortiq erkaklar kiyim-boshi, 25 komplekt ayol va qizlar kiyadigan milliy liboslar, to‘qimachilik va tikuvchilik hunarlari namunalari, bir nechta gilam, so‘zani, milliy taqinchoqlar – xullas, yuzlab milliylikni ifoda qiluvchi jihozlar tayyorlandi va to‘plandi. Milliy markaz ishtirokida o‘nlab tadbirlar, do‘stlik kechalari, uchrashuvlar Milliylikni ifodalovchi chiqishlar tashkil etildi.

2022-yil 12-aprel kuni milliy markaz tashabbusi bilan “Jeynov Arab shevasi” kitobi nashr qilindi. Mazkur kitobda Jeynov arablari so‘zlashuvida foydalanib kelingan 10.000 dan ortiq arabcha so‘zlar kiritilgan. Nashr qilinishidan avval kitobga yetuk arabist, filolog olimlar tomonidan taqrizlar yozildi. Toshkent davlat Sharqshunoslik instituti Arab filologiyasi kafedrasi mudiri f.f.d. prof. Shorustam Shomusarov, QarshiDU, Filologiya kafedrasi mudiri f.f.d. prof. Nafas Shodmonov, f.f.d. prof. Gulbahor Tojiyeva va Odiljon Avaznazarovlar (ph.d) mazkur kitob taqrizini yozdilar hamda ushbu kitobni lingvistik manba sifatida yuksak e‘tirof etdilar.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil 15-noyabrdagi “Millatlararo munosabatlar sohasida O‘zbekiston Respublikasi davlat siyosati konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” PF 5876-son farmoni.
2. Karimov I.A. O‘zbekiston XXI asrga intilmoqda. – T.: O‘zbekiston. 1999. 19 b.
3. Qashqadaryo viloyat arxivi fondi: Savet arablari milliy madaniy markazining tashkil etilishiga bag‘ishlangan ta‘sis majlisining yig‘ilishi qaroridan ko‘chirma (1990-yil 7-dekabr Jeynov qishlog‘i).
4. Arab milliy madaniy markazining joriy arxiv ma‘lumoti: 1992-yil 10-aprel kuni O‘zbekiston Jumhuriyati arablari milliy-madaniy markazi hayatining №-1 sonli qarori.
5. Буркина Н.Н., Измаилова М.М. Записки Коллегии Востоковедов. –ЛЕНИНГРАД СССР Фанлар академияси нашриёти, 1930 йил. – Б. 527–528.
6. Чиковани Г.Г. На каком языке говорят арабы Центральной Азии? 20 ноября 2017 г.
7. Mahmanazarov A., Ashurov Y. Jeynovarabshevasi. – Qarshi: Intellekt, 2022.
8. Qashqadaryo viloyat arablar milliy markazi joriy arxivi.
9. <https://gov.uz>
10. <https://www.caa-network.org/archives/10806>

Наируза проф. С.Чориев тавсия этган

В СИСТЕМЕ ПОЛИТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ УГРОЗОУСТОЙЧИВОЕ ОБЩЕСТВО КАК УСЛОВИЕ УСТОЙЧИВОГО СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

Авазов К.Х. (Национальный центр обучения педагогов новым методикам Сурхандарьинской области)

Аннотация. Сегодня проблема обеспечения стабильности и национальной безопасности набирает обороты. Это понятно, учитывая растущий опасностей и угроз новому столетию, включая международный терроризм. Одним из важнейших направлений изучения законов политического анализа и философского понимания проблемы угроз социальным структурам государства является изучение законов жизни. Концепция устойчивости улучшается с представлениями о культурной самобытности общества и может служить теоретической основой для разрешения конфликтов в обществе. Угроза, устойчивости общества в настоящее время обусловлена тем фактом, что современный этап развития человечества изобилует кризисами различной природы и различных масштабов.

Ключевые слова: *угрозустойчивая общества, политическая власть, психология безопасности, политический анализ, национальная безопасность, внешние угрозы, внутренние угрозы.*

Аннотация. Бугунги кунда барқарорлик ва миллий хавфсизликни таъминлаш муаммоси алоҳида касб этмоқда. Янги асрга кириб келган хавфлар ва таҳдидлар, шу жумладан, халқаро терроризмнинг кучайиб боришини ҳисобга олиб, бу тушунарлидир. Сиёсий таҳлил ва давлатнинг ижтимоий тузилмаларига нисбатан таҳдид муаммосини фалсафий тушуниш ҳаёт қонунларини ўрганишнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Барқарорлик концепцияси жамиятнинг маданий қимлиги ҳақидаги ғоялар билан такомиллашиб келажакда жамиятдаги низоларни хал этишда назарий асос бўлиши мумкин. Жамиятнинг барқарорлигига таҳдид бугунги кунда инсон тараққиётининг ҳозирги босқичида турли табиат инкирозлари ва турли улчовлар билан тўлдирилиши билан боғлиқ.

Таянч сўзлар: *таҳдид, тизим, хавфсизлик, барқарорлик, геосиёсат, хавф, таҳдидбардошлик, демократия, хавф-хатар, жамият, таҳдидбардош жамият, сиёсий ҳокимият, хавфсизлик психологияси, сиёсий таҳлил, миллий хавфсизлик, ташқи таҳдидлар, ички таҳдидлар.*

Annotation: Today, the problem of ensuring stability and national security is gaining momentum. This is understandable, given the growing dangers and threats of the new century, including international terrorism. One of the most important directions of studying the laws of political analysis and philosophical understanding of the problem of threats to the social structures of the state is the study of the laws of life. The concept of sustainability is improved with ideas about the cultural identity of society and can serve as a theoretical basis for resolving conflicts in society. The threat to the sustainability of society at the present time is due to the fact that the current stage of human development is replete with crises of various nature and of various scales. Also, the exacerbation of this problem at the present stage, undoubtedly, contributes to the increasing influence of technogenesis on society, on the whole structure of social relations. To understand and predict negative directions of social development, it is necessary to carry out a comprehensive analysis of the formation of crisis tendencies.

Keywords: *threat, stability, societies, system, geopolitics, globalization, threat, security, risk, power, stability, the threat of a stable society, political power, security psychology, political analysis, national security, external threats, internal threats,*

Введение

Социальная угрозустойчивость, согласно структуре областей общественной жизни, включает в себя из социально-экономическую, социально-политическую, социально-идеологическую, социально-психологи-ческую устойчивость, которые взаимосвязаны между собой в проблематике угрозустойчивости с точки зрения актуального измерения современного государства. Все обозначенные сферы общественной жизнедеятельности при их очевидной связи относительно самостоятельны. Понимание технологий, рисков и последствий может помочь в разработке более совершенного законодательства, более совершенной политики и стратегий, а также в обеспечении лучшей организации в области разных ролей и сфер ответственности. Управление рисками повышает устойчивость к глобальным угрозам.

– Угрозустойчивость общества базируется на определенной специфике поведения человека, которое рассматривается в четырех различных аспектах:

– «поведенческая экономика», иногда называемая «поведенческими финансами», рассматривает человеческие предубеждения – эмоциональные, социальные и когнитивные – и как они влияют на экономические решения;

– «принципы принятия решений», а точнее ограниченная рациональность, которая определяет, как мы принимаем решения. Ни то, ни другое не имеет прямого отношения к угрозоустойчивости, но оба смотрят на концепцию риска: поведенческая экономика больше связана с экономическим риском, и психология принятия решений в более общем плане рассматривает ситуацию с точки зрения рисков угрозоустойчивости;

– Психология риска – восприятие риска: когда мы преувеличиваем риски и когда мы их преуменьшаем;

– Нейробиология. Психология безопасности тесно связана с тем, как мы думаем: как интеллектуально, так и эмоционально. На протяжении тысячелетий наш мозг разрабатывал сложные механизмы борьбы с угрозами. Понимание того, как работают наши мозги, и как они терпят неудачу, имеет решающее значение для понимания чувства безопасности.

Материалы и методы

Цель исследования – комплексный политологический анализ современных механизмов формирования угрозоустойчивого общества и поддержания политической стабильности в контексте системного противодействия угрозам и вызовам национальной безопасности внутреннего и внешнего характера в целом и в условиях глобализации в частности.

Основная часть

Концепция риска чрезвычайно актуальна сегодня для поиска идей и ответов на проблему угрозоустойчивости как одного из актуальных измерений современного государства. Проведя детальный анализ концепции разрывов в историческом развитии, Мартинелли показывает, что особенности современного общества создают осознание рисков и вызывают появление рисков в различных областях.

Из-за опасности новых, ранее невозможных глобальных катастроф, таких как ядерная война или разрушение окружающей среды, риск становится всеобщим: эти катастрофы затрагивают всех, независимо от класса, этнической принадлежности или пола. Кроме того, риски, помещенных в специализированные организации, для которых риск является основополагающим принципом (например, фондовых бирж, страховых компаний, спортивных событий и т. д.).

Наконец, помимо того факта, что риски возникают в результате вероятности ошибок в абстрактных системах планирования, оперативного управления и контроля, они также возникают как непредвиденные результаты или как непредвиденные или непреднамеренные последствия преднамеренных действий, предпринятых для достижения законной общественной цели [Мартинелли А. 2015 с. 143].

Риск теракта увеличивает этот список рисков, как и переживание террористической угрозы или психологического феномена «переживания угрозы теракта» через освещение в СМИ происходящих терактов, информации о них в Интернете и так далее [Быховец Ю.В. 2007 с. 6].

Исследования показывают, что интенсивность переживания, например, угрозы насилия или террористического акта уменьшается с увеличением расстояния от таких событий. Специфика реакций людей на напряженные, сложные ситуации отражается на реакциях психики и сознания человека.

Одной из современных политических угроз является религиозный экстремизм, желающий подорвать демократические принципы государственности. Каждое общество на протяжении огромного исторического периода вырабатывало свое видение мира, свою культуру, традиции, верования – все это является духовным, культурным наследием, объединяющим фактором для жителей определенной страны, а иногда и большого региона. Разрушение этих традиций, навязывание иных духовных ценностей приводит к уничтожению самобытности народа, уничтожению самого. Специалистами выведена

«формула» «человек – государство – духовность», которая, с их точки зрения, является основой процветания государства [Пахрутдинов Ш.И. 2016 с. 67-83-73].

Трагедия ныне живущих граждан заключается в том, что для них искусственно создается ситуация духовного разрыва связи времен. С революционным нетерпением российские, узбекские, украинские и пр. радикальные либералы вычеркивают из жизни российского общества советский опыт, объявляя его ошибкой истории. В то же время нынешний «живой» опыт общества в реальных условиях входит в противоречие с квазилиберальной практикой радикальных «трансформаторов» [Левашов В.К. 2010. с.22].

С другой стороны, хотя религия России и бывших республиках союза, включая Узбекистан, долгое время была слабой, коммунистическая идеология в эпоху СССР, возможно, когда-то играла роль, сравнимую с религиозной. На протяжении многих десятилетий коммунизм казался волной будущего. Вера в то, что они строили лучшее общество, возможно, придала смысл жизни многим людям. Трудно понять приход к власти коммунистических движений в **России, Китае и Вьетнаме**, не признавая мотивирующую силу системы убеждений, которая когда-то придавала смысл жизни многим людям и заставляла их жертвовать своей жизнью ради дела.

В Латинской Америке традиционные верования в Бога и страну остаются сильными; но в бывших коммунистических странах крах коммунизма оставил духовный вакуум. Определенно, что духовность в разных своих ипостасях формирует угрозу устойчивости общества.

Глобализация коммуникационных процессов высветила такие аспекты, как субъект-субъектные отношения, «Обратная связь», символический контекст социального взаимодействия. Концептуальная переоценка коммуникации как специфического социокультурного феномена особенно важна в современном контексте, поскольку в процессе глобализации особое внимание уделяется диалогу между странами и народами. В этой новой ситуации «пересечения» культурных сфер становятся все более разнообразными.

В современных условиях уровень развития индивида и его способность расшифровывать тексты в значительной степени зависят от его вовлеченности в сетевое общество [Кастельс М. 2000 с.105].

Общение и взаимодействие становятся зависимыми от уровня знаний в области современных информационных технологий. Новое коммуникационное пространство все еще находится на стадии развития, и потенциальные последствия этого процесса во многом остаются неясными. В то же время, несомненно, Интернет и виртуальная реальность, составляющие базовые элементы нового мира коммуникации, характеризуются концептуальным сдвигом, как в восприятии, так и в понимании мира [Донцов А.И., 2013. – С. 4, 15].

Эти условия характеризуются резко возросшими масштабами взаимосвязей и степени взаимозависимости в современном обществе. Эти процессы настолько интенсивны и очевидны в социальных сообществах и движениях, странах и континентах, многонациональных корпорациях и развивающихся рынках, что сегодняшнее общество превращается в «сетевое» общество, где в качестве ядра представлена глобальная экономика. Эта экономика, в отличие от иерархической модели мировой экономики, описанная у Ф. Броделя и И. Валлерстейн, работает как единая система в режиме реального времени по всей планете [Кастельс М. 2000. – С. 105].

Противостояние основных компонентов проблемы выводит на первый план две тенденции. Первая тенденция связана с нарастающими угрозами, кризисными ситуациями, деструктивным потенциалом происходящих преобразований, вторая – с минимизацией влияния этих угроз и кризисов и поиском эффективных методов управления формами и механизмами стабильности. С точки зрения функциональной парадигмы субъект психологической безопасности рассматривается как открытая система коммуникации с окружающей средой, придающая устойчивость динамике.

Неравновесность и нестабильность больше не рассматриваются как деструктивные и негативные явления.

Переход от состояния равновесия к неустойчивому, неравновесному порождает новую, ранее неизвестную закономерность. Эти подходы к пониманию безопасности в контексте диалектического взаимодействия напряженности ситуаций и их стабильности предполагают (1) Возможность политического анализа психологической безопасности через возможность преодоления угроз, (2) важность стабильности и (3) значение стабилизирующих механизмов для ослабления напряженности в предметно-деятельностной сфере и в социальном восприятии опасности с целью формирования угрозоустойчивости общества [Донцов А.И. 2013. – С. 4, 15].

Таким образом, не только политическая и экономическая независимость государства, но и духовная составляющая общества становится уязвимой, поэтому необходимо разрабатывать механизмы борьбы против разрушительных идеологических и религиозных движений, что стало одним из актуальных измерений современного государства [Пахрутдинов Ш.И. 2016. – С. 11,12,17].

Угрозы не только внешние, но и внутренние могут подорвать целостность государства и привести к катастрофическим последствиям. Вспомним, например, Веймарскую республику (историографическое название Германии в 1919-1933 годах), которая просуществовала большую часть мирного периода между двумя мировыми войнами, и стала попыткой учреждения в Германии либеральной демократии, а завершилась приходом к власти НСДАП, которая создала тоталитарную диктатуру.

Веймарскому государству еще в период его существования дали определение «демократия без демократов», что свидетельствовало о существенной проблеме в его устройстве, а в частности, отсутствие прочного конституционного консенсуса, который мог бы связать весь спектр политических сил – от правых до левых.

Поражение Веймарской республики невозможно объяснить каким-то одним обстоятельством: институциональными недостатками Веймарской конституции, мировым экономическим кризисом конца 20-х – начала 30-х годов, нищетой и массовой безработицей, способствовавших расширению электоральной базы национал-социалистов или отсутствием демократических преобразований в органах юстиции, управления и в армии. Вину за поражение первой демократии в Германии не стоит также возлагать исключительно на отдельных политиков, не обладавших необходимыми личностными качествами.

Решающей причиной не может быть и харизматическая привлекательность образа фюрера, поскольку к концу 1932 года Гитлер и национал-социалисты уже прошли пик «любви избирателей».

Крах Веймарской республики – это результат совпадения целого комплекса причин, отсутствие общей стратегии по предотвращению возможных угроз. Или другой пример – Пакистан. 21 декабря 1971 года Зулфикар Али Бхутто занял пост президента Пакистана. За оказанную ему помощь в борьбе с Яхья-ханом Бхутто назначил генерала Зия-уль-Хака начальником штаба сухопутных войск. Бхутто, лично выдвинувший его на этот пост и поверивший в его лояльность, не сумел разглядеть в Зия-уль-Хаке будущего военного диктатора и жестоко поплатился за свою ошибку: в результате государственного переворота Бхутто был свергнут и казнен, демократические выборы были устранены, как противоречащие «духу ислама», а в стране стала осуществляться политика «исламизации». Но существуют не только внутренние, но и внешние угрозы для политического самоопределения государства. Несмотря на отсутствие универсальных «рецептов» демократической модели, которая могла бы быть применима к любому государству, некоторые страны стремятся «экспортировать ее», не учитывая национальные особенности и исторический опыт.

Как отмечал первый Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов, «экспорт демократии, напоминает, с одной стороны, недавнее стремление всем навязать коммунизм, с другой стороны, вообще противоречит самой природе свободной демократии». Например, на Украине, «превратившейся в экспериментальный майдан цветных

революций», до сих пор не проведены конституционные реформы. «Скажем, в какой-то стране наблюдается "дефицит демократии", считается, что народу этой страны нужно помочь избавиться от этого "дефицита". Для этого выделяются большие средства, направляются соответствующие политические, военные и материальные ресурсы. Цель же всех этих действий одна – организация переворота и устранение власти, которая собственно и создала этот "дефицит".

В такой ситуации запускаются технологии "бархатных революций": предусматривается уход прежней власти наиболее мирным путем, без жертв, а на ее место приходят силы, отвечающие интересам групп, которые имеют свои интересы в данном регионе» [Пахрутдинов Ш.И. 2016. – С. 11,12,17].

При отсутствии комплексного межгосударственного подхода, в случае непосредственной угрозы ситуация может развиваться непредсказуемо. Эффективность общих подходов в решении проблем по достижению безопасности могла бы способствовать обеспечению активного и устойчивого политического и экономического развития государства. Практическое применение модели «угрозоустойчивости» может привести к следующим результатам:

1) если мероприятия по устранению угрозы эффективны, экономика и политическая ситуация в стране стабильны;

2) если мероприятия осуществляются не на должном уровне, появляется угроза для возникновения критического состояния в экономике и политике;

3) если мероприятия не дают практических результатов, возникают перманентные раздоры, опасные воздействия могут стать причиной ослабления политической системы государства;

4) не проведение мероприятий по устранению всевозможных угроз или их неэффективность ведет к полному разлому политической системы государства, а чаще переход от демократии к диктатуре. Чтобы государство было угрозоустойчивым необходимо найти баланс **между интересами народа и государства**. Важно создать организационно-правовые условия для формирования представительств местных органов власти (областной, городской) администрации и исполнительных органов власти, поддержанных инициативными гражданами, активными участниками в социально-политической жизни страны.

Значит, главной идеей правовых документов должно стать практическое решение идеи «от сильного государства к сильному гражданскому обществу», т. е. введение другой логической последовательности «гражданин – общество – государство» вместо прежней, где государство было на первом, а человек на последнем месте. Которая помогает обществу и стране в новой политической реалии оставаться единой и гармонично развивающейся структурой

Заключение

Соответственно, данные факторы формируют угрозоустойчивость общества. Полученные данные весьма важны для того, что они свидетельствуют о принятии решений в напряженной ситуации или кризисе. Как иллюзия контроля над ситуацией, так и эффект консерватизма с запоздалыми решениями создают угрозу безопасности личности, группы или социальной среды в зависимости от содержания и объема решения.

Список литературы

1. Ralph, D. (2018). Geopolitical and security shocks rise across the world.
2. Левашов, В.К. (2010) Социально-политическая устойчивость общества: теория, измерения, стратегии. – М., 1986.
3. Кастельс М. (2000). Информационная эпоха: Экономика, общество и культура. Пер. с англ. под науч. ред. О.И. Шкаратана; Гос. ун-т. Высш. шк. экономики. – М., 1992, – С. 105.
4. Мартинелли А. (2006). Глобальная модернизация: переосмысляя проект современности. (Martinelli, Alberto Global modernization. O.V. Malets & A.V. Rezayev, Trans.) / Альберто Мартинелли;

[пер. с англ. под общ. ред. А. В. Резаева]; Санкт-Петербургский гос. ун-т, Фак. социологии. – Санкт-Петербург: Изд-во Санкт-Петербургского ун-та, 2005. – С. 143.

5. Быховец Ю.В. (2011) Представления о террористическом акте и переживание террористической угрозы жителями разных регионов РФ: диссертация ... кандидата психологических наук: 19.00.13. – М., 207. – 172 с.

6. Пахрутдинов, Ш.И. (2016) Угрозоустойчивое общество в качестве фактора развития государства и общества / Ш.И. Пахрутдинов // СПб.: Фонд развития конфликтологии, 2008, – № 4. – С. 73.

7. Inglehart R., Foa R., Ponarin E., Welzel Ch. (2013). 'Understanding the Russian Malaise: the Collapse and Recovery of Subjective Well-Being in Post-Communist Russia'. National Research University Higher School of Economics.

8. Донцов А.И., Перельгина Е.Б. (2013). 'Напряженные ситуации и значение стабильности для психологической безопасности Психология в России: современное состояние', вып. 6. 2, Шарипова, С. (1999). Современные вопросы естествознания // *Вопросы философии*, 2009. – № 3. – С. 4 – 15.

9. Горшков, В. Г. (1995). 'Физиологические и биологические основы устойчивости жизни'. – М.: Наука. – 220 с.

Рекомендовано к печати проф. С. Чариевым

ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ТАБИАТ БОРЛИҒИ НЕЪМАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САЛОМАТЛИККА ТАЪСИРИГА ОИД ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

Саломова Н.М. (Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси)

Аннотация. Мақолада табиат неъматларини асраш инсоният саломатлигининг пойдевори эканлиги, ҳар бир тур жуда-жуда қимматлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар берилган. Қуръони каримда ўсимликлар оламининг инсон учун шифобахшлиги ҳақидаги мулоҳазалар фалсафий таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *Қуръони Карим, сура, оят, ўсимлик, Бухоро, Самарқанд, экологик муаммо.*

Аннотация. В данной статье излагается опорой здоровье человечества считается здоровье окружающей среды. Каждый вид бесценный, т.е. незаменимый. Священный Коране подчеркивается о лечебных свойствах растительного мира. Об отношении человека к окружающей среде.

Ключевые слова: *Священный Коран, сура, аят, растение, Бухара, Самарқанд, экологическая проблема.*

Annotation. In the article, opinions are given about the fact that the preservation of natural resources is the foundation of human health, and that each species is very valuable. Philosophical analysis of the comments about the healing power of the world of plants for humans in the Holy Qur'an.

Key words: *Quran, sura, verse, plant, Bukhara, Samarkand, ecological problem.*

“Маълумки, аждодларимиз ўз вақтида юксак маънавияти, бой илмий мероси, ижоди билан бутун дунёга устозлик қилганлар”¹. Уларнинг тиббий маънавияти ҳам, экологик маънавияти ҳам юксак бўлган. Ўз давридаёқ Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Коинот ва инсон” рисоласида инсониятни табиат неъматларини асрашга даъват этиб, уларни ўз табиий эҳтиёжлари даражасида фойдаланишга даъват этган. Зеро, инсоният табиатга муҳтож. Биз нафас олаётган ҳаво, биз ичадиган сув, биз мириқиб истеъмол қиладиган маҳсулотлар, бизга ҳаёт бағишловчи ўрмон, соя-салқин дарахтлар барчаси – табиат неъматлари, уларнинг беминнат фаолиятларидир.

Муқаддас диний китобларда – Қуръони карим, Ҳадиси шарифларда атроф-муҳитни асраш, ҳайвонларни боқиш, ўсимликларни парвариш қилиш тўғрисида ибратли фикрлар айтилган. Баъзи ҳайвонларни овлаш таъқиқланган, дарахтларни кесиш, ўрмонларни нобуд қилиш ман этилган. Ҳатто урушларни ҳам махсус жойларда ва маълум муддатда олиб бориш тайинланган.

Пайғамбарлар, ислом мутафаккирлари, сўфийлар ўз ҳаёт йўлларида табиат борлиғи ҳамда унинг ноёб ҳар бир оламига жуда эзгулик билан мунособатда бўлганлар. Дунёда

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. [Матн] / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: O'zbekiston, 2021. – Б. 410.

биринчи бор дехқончилик, тегирмончилик ва нонвойлик қилган киши Одам (а.с.)дирлар. Қалам билан биринчи марта ёзув ёзган, биринчи бўлиб тош-тарозу ишлатган Идрис (а.с.) ўсимликлардан дори тайёрлаб, турли касалликларни даволар эдилар.¹

Қуръони Каримнинг бир қанча суралари ҳайвонлар номи билан аталган, масалан, “Бақара”(Сигир), “Фил”, “Наҳл” (Асаларилар), “Анъом” (Чорва моллари), “Анкабут” (Ўргимчак),”Намл” (чумолилар),”Одиёт (Чопқир отлар).

Унда мевали ўсимликка бағишланган “Тийн” (анжир) суралар,”Масад” (Пишик тола; хурмо пўстлоғи) ва экотизимга бағишланган оятлар, масалан, “Аҳқоф” (қумтепалар) ҳамда минералларга бағишланган “Қамар” (ой сайёраси),”Шамс” (Куёш) ва “Ҳадид” (темир-Ер қуррасида энг кўп учрайдиган инсонга фойдали металлнинг номидан олинган) суралар ҳам бор.

Қуръоннинг 40 та жойида дарахтлар ҳақида маълумотлар берилган бўлса, шу оятларнинг 20 таси “хурмо” дарахти ҳақидаги маълумотлар эканлиги диққатга сазовордир.

Бундан 6000-8000 йиллар илгари **хурмо дарахти** Месопатамияда хонакилаштирилган. Хурмо юракнинг бир маромда ишлашини таъминлайди; хотирани ўткирлаштиради; астма касалига даво; кўз касалликлари – кератит офтальмия касалига – шифо; хомиладор аёллар учун фойдалилигини Ибн Сино ўз асарларида алоҳида таъкидлаганлар².

Қовоқ ўсимлиги ҳақида “Саффот” сурасининг 146-оятида маълумот берилган. Олимларнинг аниқлашича, қовоқ инсонни тўқ тутиш хусусиятига эга экан³. “Аллоҳ таоло қовоқни ҳикмат билан яратган. Унинг барги ўта мулойим, сояси қалин. Унга чивин яқинлашмайди, мевасини пўсти ва уруғи билан пишириб ҳам, хомича ҳам ейиш мумкин. Унинг инсон саломатлигига фойдаси катта. Бу дарахт меваси инсонларга берилган Аллоҳнинг улуғ неъматларидандир”⁴.

Хантал ўсимлиги (“аччиқ қалампир”) оятларнинг “Анбиё” сураси 47 ҳамда “Луқмон” сураси 16-оятларида учратиш мумкин.

Тошкент Ислон университети катта илмий ходими А.Юнусов ҳақли равишда кўпчилик дарахтлар Қуръони каримда ўз номи билан эмас, балки “Шажара” сўзи орқали, мевалар эса “Фақиҳа” сўзи орқали берилганини жуда ўринли таъкидлайди.

Зайтун ўсимлиги “Нур” сурасининг 35-оятида унинг мойини тиниқ ёниши ҳақида маълумот берилган: “... У (чирок) на шарқий ва на ғарбий бўлмаган муборак зайтун дарахти (мойи)дан ёкилур. Унинг мойи (мусаффолигидан), гарчи унга олов тегмасада, (атрофни) ёритиб юборгудекдир...”⁵. Ибн Сино зайтун мойининг ошқозон касалликлари ва ўн икки бармоқли ичак касалликларига даво эканлигини уқтирган⁶.

Қуръони каримда анжир калимаси бир марта зайтун калимаси эса етти марта келади. Агар бир анжир билан етти дона зайтун меваси қўшиб истеъмол қилинса уларнинг аралашмасидан келадиган самара, алоҳида алоҳида истеъмол қилингандагидек бўлмаслигини яқинда фан исботлаб берди. 1 анжир (тийн) : 7 зайтун бу саломатликнинг табиий мутаносиблиги ўз вақтидаёқ инсонларга марҳамат қилинган.

“Бақара” сурасининг 61-оятида саримсоқ, бодринг, мош, ловия, пиёз ҳақида; кафур ўсимлиги, яъни хина ҳақида “Инсон” сурасининг 5-оятида; “Инсон” сурасида занжибил ўсимлиги ҳақида;“Ар Раҳмон” сураси 68 – оят ва “Анъом” сураси 99 ва 141-оятларида анор дарахти ҳақида кенг маълумотлар келтирилган. Ҳар бир ўсимликнинг фойдали томонлари, даволаш хусусиятлари ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Пайғамбаримиз (с.а.в.)

¹ Раҳматуллоҳ қори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. (Қуръони каримда пайғамбарлар сиймоси). – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 47–63.

² Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. – Т.: Абдулла Қодирий нашриёти, 1993. – Б.136.

³ Plants of the Quran By M. I. N. Farooqi. Published by Sidrah Publishers, 1989. P. 42.

⁴ Ибн Касир Қисасул-анбиё. Қоҳира. 218-219 бетлар. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир.(Қуръони каримда пайғамбарлар сиймоси). – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 232.

⁵ Қуръони карим. “Нур” сураси 35-оят.

⁶ Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. – Т.: Абдулла Қодирий нашриёти, 1993. - Б. 136.

майитни кафанлашдан олдин уни “хина” сувига ювишга буюрганлар. Араб давлатларида хинани олтинга тенглаштирилган.

Қуръони каримнинг 12-оятда узум ҳақида маълумот берилган. Ислом дини пайдо бўлгандан сўнггина Арабистон яриморолида узум парваришlash анча камайган. Қуръони каримнинг “Моида” сурасининг 90-оятда май ичиш қатъий ман этилган¹. Ҳозирги кунда узумнинг 8000 дан ортиқ тури Европа мамлакатларида етиштирилади. Ўзбекистонда етиштириладиган қовунлар эса 16 хориж мамлакатларига экспорт қилмоқда.

Бухоро алломалари номлари жаҳонга машҳур. Улардан бири тиб илмининг асосчиси бўлса, бошқа бири “ҳадис аҳлининг пешвоси”, яна бири тарихчи, фақиҳ, шоир, сўфий, яна бири инсон танасини даволовчи бўлса, бошқа бири инсон қалбини даволовчи, тарбияловчи, ҳунарманду дониш аҳли бўлишган.

Бухоро тупроғида дунёга келган буюк алломалар – Исмоил Бухорий, Бобо Туркий Жандий, Ибн Сино, Абу Муслим Нужободий, Абу Исо Кабодий, Хошим Девона, Абдуҳолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Шайх Низомиддин, Абу Зафар Бухорий, Муҳаммад Наршахий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Абу Ҳафс Кабир Аҳмад ибн Ҳафс ибн Забуркон ибн Абдуллоҳ Бухорий (767-832) ислом оламнинг буюк фақиҳ олими², уларнинг ўғиллари Абу Абдуллоҳ Абу Ҳафс Сағир Бухорий (вафотлари 877 йил) оталари сингари фикҳ илмининг пешқадамларидан бўлганлар. Уламолар ота болани адаштирамасликлари учун оталарини Абу Ҳафс Кабир, ўғилларини Абу Ҳафс Сағир деб аташган.

Абу Мансур Хасан ибн Нух Қумрий Бухорий (табобат илмида Инб Синонинг устозлари бўлган) (вафотлари 990 йил), улар Сомонийлар амири Мансур Ибн Яҳёнинг шахсий табиби бўлганлар. Муҳаммад Авфий Нуриддин Муҳаммад ибн Тохир ибн Усмо Бухорий (1177-1233) – Шарқ адабиётидаги тазкирачилик асосчиларидан бири. Абу Исҳок Иброҳим ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Шис ибн Ҳакам Саффор³ Бухорий (1065-1139) бир вақтнинг ўзида улар қалом илми алломаси сифатида ҳамда машҳур қосиб сифатида ҳам шуҳрат қозонганлар. Абу Нажиб Шаҳобиддин Аъмак Бухорий (вафотлари 1148 йил) шоир. Маҳмуд ибн Садру – с-саид Тожуддин Аҳмад ибн Садру-л-кабир Бурҳониддин Абдулазиз ибн Умар ибн Моза (XVI асрда яшаган) фақиҳ, ислом ҳуқуқининг турли тармоқлари ривожига улкан ҳисса қўшган.

Улар табиат унинг захиралари, уларнинг одамга таъсири, фойдали ўсимликлар табобат олами ўсимликлари ҳақида кўп улуғвор фикрлар айтдиларки, бу фикрлар чиғанок орасидаги дурдек, дарҳол кўзга ташланмаса-да, аммо оқил фикрлар эди. Айниқса, Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» китобида (бу китоб араб тилида 943 йилнинг 4 сентябридан 944 йилнинг 28 августигача ёзилган). Бухоро вилоятининг ўша пайтдаги экологик ҳолатини батафсил тасвирлаб беради. Асарнинг II, IV, XIII бобларида шаҳар ва туманларнинг ўзига хос табиати кенг ёритилган. Бухорода ботқоқликлар, дарахтзорлар, тўқайзорлар кўп бўлиб, ҳар хил паррандалар, мевалар жуда сероб бўлган. Айниқса, Жўйи Мўлиён деган жой гўё жаннатни эслатган, бу ерларда боғлар, гулзорлар, бустонлар кўп бўлиб, доимий оқиб турувчи сувларнинг қаердан келиб, қаерга кетишини топиш мушкул бўлган, ҳатто бу ҳақда шоир бундай деган экан:

Ҳаёт суви бу чаманга келди-ю зор-зор йиглаб кетди,

Бу гулшанни ташлаб кетаётанидан нола қилди.

Сахий Бухоро ерларининг серҳосиллиги, унумдорлиги, қимматбаҳолиги, дарё сувларининг биологик сифати юқорилиги, ҳайвонот олами ҳақида ажойиб далиллар келтирилган. Шаҳарда бир-бирини кесиб ўтган ўн икки анҳор, унинг атрофидаги қишлоқлар, анҳор шаҳобчалари ҳақида аниқ маълумотлар беради. Масалан, Фаровизи Улё

¹ Мансур А. Қуръони карим. Маъноларининг таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2007. – Б. 36.

² Наршахийнинг ёзишча, уларнинг шарофати билан Бухоро “Қуббату-л-ислом” – “Ислом динининг гумбази” унвонини олган. Уларга “Кабир Бухорий” – “Бухорийларнинг каттаси” ва “Ҳожатбарор имом” деган унвонлар берилган.

³ “Саффор” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “Мисгар”, “Мис қуйиб ҳар хил идишлар ясовчи” деган маънони англатади.

суви етмиш бешта қишлоққа хизмат қилган. Бухоро ва унинг атрофида куйидаги анҳорлар бўлган: Кармана анҳори, Шопурком, Харконат, Харқонруд, Овхатфар, Сомжан, Байқонруд, Фаровизи Улё фаровиз ис-Суфло ёки Коми Даймун ҳам дейилган. Арвон Кайфур, Руди Зар – бу дарё шаҳарни суғориш манбаи ҳисобланар экан. Ҳамма анҳорларни халқ қазиган, аммо Овхатфар анҳорини қазийда халқ заҳмат чекмаган. Овхатфар дарёни бухороликлар Руди Нафар деб ҳам юритишган.

Аллома Зарафшон дарёси ҳақида маълумотлар келтиради: «Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф» – Мосаф дарёси деб атаганлар. Бу дарёда кўп сув йиғилган, у бир талай ерларни ювиб-ўпириб, кўп лойқаларни суриши натижасида ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то Битик (Битик – Чоржўй рўпарасидаги Амударё бўйида жойлашган қишлоқ – С.Н.) ва Фарабгача суриб келтира берди, сўнг сув тошиб кела бериши тўхтади. Бухоро ўрнашган жой аста-секин тўлиб, текис ерга айланди ва шундай қилиб, у катта дарё Суғд ва бу лойқалар билан тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди: ҳар томондан одамлар йиғилиб, у жой обод бўлди. Бу ерлар ов қилинадиган жой, сув, дарахт кўп бўлиб, одамлар олдин ўтовларда, кейин иморатлар қилиб яшай бошладилар»¹. Наршахийнинг ёзишича, биринчи кўрикхона ҳам аслида Бухорода Малик Шамсулмулк томонидан ташкил этилган бўлиб, ўша пайтларда кўрик (кўрик) деб аталган. Кўрикхоналарда отлар учун алоҳида ўтлоқлар, каптарлар учун каптархоналар қурилган; буғу, тулки, айиқлар ҳам сақланиб, уларга махсус кишилар бириктирилган бўлиб, улар ҳайвонларнинг емиши, яшашидан доимо хабардор бўлиб туришган. Кўрикхона деворлари баланд бўлиб, ҳайвонларнинг қочишларига йўл берилмаган².

Наршахийнинг таъкидлашича, Бухорода Тавоис деган жой – вилоят бўлиб, асли номи Арқуддир (бу жой ҳозирги пайтда Ғиждувон туманининг ерлари – С.Н.), у Работи Малик чўлининг ғарбида жойлашган. Тавоис Самарқандга бориладиган катта йўл устида бўлиб, ундан Бухорогача 7 фарсангдир (бир фарсанг 7-8 километр дир – С.Н.). Тавоис вилоятининг халқи зебу-зийнатга ўч халқ бўлиб, зийнатга берилганидан ҳар бир кишининг уйида битта ёки иккита товус сақланиб боқилган.

Араблар бу ерга келишдан илгари товусни кўрмаган эканлар, бу ерда кўп товусларни кўриб, қишлоқни «Зот ут-тавоис», яъни «товуслар эгаси» деб атаганлар, унинг асл номи Арқуд унутилиб, «зот» сўзини ташлаб, Тавоис деб қўя қолганлар. Ҳақиқатан ҳам, товус энг гўзал қуш бўлиб, биргина думининг ўзида 42 хил ранг жилоланади, биргина турининг ўзида бунчалик кўп рангнинг бўлиши бирор бир бошқа жониворда кузатилмаган. Унинг чиройли патларини ёзиб юришидан одамлар баҳра олишган. Демак, ўша даврда кишиларнинг экологик онги юқори бўлган, табиат билан жамият ўртасидаги муносиблик қоидаларига риоя қилинган.

Инсон саломатлигининг моддий пойдевори табиат ҳамда унинг ноз-неъматлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламию тоза сув, ҳаво, тупроқ бўлиб уларнинг барча-барчаси кўз қорачуғидек асралган. Шу сабабли ҳам бугун мамлакатимизда экологик муаммо давлат сиёсати даражасида кўтарилди. Мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт”га ўтишига асос бўлувчи “яшил” энергетика, “ақлли” қишлоқ хўжалиги тамойилларини янада кенгрок жорий этиш вазифаси долзарблигини сақлаб қолмоқда³.

¹ Наршахий. Бухоро тарихи. – Т., 1966. – Б. 15. Яна қаранг: Абу Тохирхужа. Самария; Наршахий. Бухоро тарихи; Баёний. Шажараи Хоразмшохий; Ибрат. Фарғона тарихи. Тарихий эссе. – Т.: Камалак. 1991.

² И з о х: Шамсулмулк 1068 йилдан 1080 йилгача Бухорода ҳукмронлик қилган. Бу даврда вилоятнинг табиати, ҳайвонот ва ўсимлик оламига катта эътибор бериб, ҳамма ёқни яшнатган. Малик Шамсулмулкхоннинг вафотидан (1080 йилдан) сўнг тахтга унинг укаси Хизрхон ўтирди. У ҳам сидқидилдан Шамсул мулкхон бошлаган ишларни давом эттирди, кўрикхоналарни бойитди, боғлар барпо қилди, шаҳар ободонлиги учун кўп ишлар олиб борди. У дунёдан ўтгач, унинг ўгли Аҳмадхон Шамсободга қарамай қўйди. Натижада кўрикхона вайроназорга айланди.

³ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. [Матн] / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – Б. 392.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. [Матн]/ Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: O'zbekiston, 2021. – 392 б.
2. Мансур А. Қуръони карим. Маъноларининг таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2007.
3. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Пайгамбарлар тарихи исломият тарихидир. (Қуръони каримда пайгамбарлар сиймоси). – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.
4. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. – Т.: Абдулла Қодирий нашриёти.1993. – 136 б.
5. Plants of the Quran By M. I. H. Farooqi. Published by Sidrah Publishers, 1989. P. 42.
6. Ибн Касир Қисасул-анбиё. Қоҳира. – Б. 218-219. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 232 б.
7. Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: 1966.

Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган

УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАЪЛИМИЙЛИГИ

Маматқобилов Т.Д., Шокирбоев А.А. (ЎзР Қуролли Кучлари Академияси)

Аннотация. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг моҳияти, маърифий ишларни ташкил этилишида тинчлик ва барқарорликни роли муҳим эканлиги ҳамда бу борада мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг дахлдорлик туйғуси билан яшаши ва меҳнат қилиши муҳимлиги мақолада акс этган.

Таянч сўзлар: маънавий – маърифий ишлар, концепция, таълим ва тарбия, ижтимоий ва маданий ҳаёт, ватанпарварлик.

Аннотация. В статье отражены сущность концепции непрерывного духовного образования, важность роли мира и стабильности в организации воспитательной работы, важность того, чтобы каждый гражданин, проживающий в стране, жил и работал с чувством сопричастности.

Ключевые слова: духовно-просветительская работа, концепция, образование и воспитание, общественно-культурная жизнь, патриотизм.

Annotation. The essence of the concept of continuous spiritual education, the importance of the role of peace and stability in the organization of educational work, and the importance of every citizen living in the country to live and work with a sense of belonging are reflected in the article.

Key words: spiritual - educational work, concept, education and upbringing, social and cultural life, patriotism.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарори билан Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси тасдиқланган бўлиб, унда “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”ни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, фуқароларни узлуксиз маънавий тарбиянинг самарали усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам таништириб бориш иборат.

Концепциянинг мақсади — ёш авлодда мустақил ҳаёт учун зарур ижтимоий кўникма ва фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш асосида юксак фазилатли, баркамол авлодни вояга етказишдан иборат.

Концепция тўртта босқични қамраб олади:

- биринчи босқич: оилаларда (ҳомила даври, бола туғилгандан 3 ёшгача бўлган давр);
- иккинчи босқич: мактабгача таълим 3–6 (7) ёшгача бўлган давр;
- учинчи босқич: умумий ўрта таълим (7 (6)-10 ёшгача бошланғич синф, 11–17 (18) ёш);
- тўртинчи босқич: ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар ва ОТМ тизимидаги ёшларга бўлган эътибор билан изоҳланади.

“Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да белгилаб берилган таянч компетенциялар: ўн фазилатда намоён бўлади. Булар: Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликнинг мазмунини тарғиб этиш масалалари бўйича тренингларини ўзида мужассам этган услубий қўлланмалар сериясини тайёрлаш ва чоп қилиш билан ҳаётийлик касб этади.

Демак, узлуксиз маънавий тарбия концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари режасига мувофиқ:

- Оилаларда узлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш;
- Мактабгача таълим тизимида узлуксиз маънавий тарбияни йўлга қўйиш;
- Умумий ўрта таълим тизимида маънавий тарбияни ривожлантириш;
- Ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим тизими, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар ўртасида узлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш белгиланганлиги айтилган.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондониди Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб

бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз”. Демак, биз бугун фарзандларимизни нафақат моддий балки маънавий – маърифий имкониятларини тўла рўёбга чиқаришимизни назарда тутуди.

Бу ҳақда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озик керак. Агар шу озикни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озикни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак”¹.

Мамлакатимизда кейинги йилларда мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўи, нуфузини ошириш, янги давр педагогларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан халқ таълими тизимига оид 6 та фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилиниб, бу соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди. Ҳуқуқий тенглик нафақат инсон ҳуқуқини таъминлаш, балки, жамиятни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган эзгу кадриятдир. Қолаверса, ҳуқуқий тенглик — бу, мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикаторлардан бири ҳисобланади². Айнан, бугунги глобаллашув шароитида жамиятимизда бу масалага устувор масала сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059 - сон қарорига кўра, “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” қабул қилинган эди.

Мазкур концепциясига кўра, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган аҳоли, айниқса ёшлар тарбияси билан боғлиқ вазифаларни самарали амалга ошириш, уларни тинч-осойишта ҳаёт учун энг зарур таянч компетенциялар билан таъминлаш, маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш, тарбия жараёнида узлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда аввало, онанинг ҳомиладорлик даврини тўғри ташкил этиш, гўдақлар ва болаларни маънавий тарбиялаш бўйича асосий йўналишларни белгилаш кўрсатиб ўтилган эди.

Шунингдек, ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болалиқдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш муҳим ҳисобланади. Айниқса, аёл кишининг ҳомиладорлик давридан бошлаб 30 ёшгача давом этадиган узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишда ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигининг ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш, аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, фуқароларни узлуксиз маънавий тарбиянинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам таништириб боришга асосий вазифа сифатида эътибор қаратилган. Шу билан

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзuidaги анжуманда сўзлаган нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/vatanimiz-ta-diri-va-kelazhagi-y-lida-yanada-amzhi-at-b-lib-15-06-2017>

² Гендер тенгликка эришиш стратегияси миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланади. <https://yuz.uz/news/gender-tenglikka-erishish-strategiyasi-milliy-va-umuminsoniy-qadriyatlariga-asoslanadi>

бирга, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет - жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш, узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш белгиланган эди.

Бугун Ўзбекистон «**Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари**» тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Бу ҳақда фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “**Янги Ўзбекистон**” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир”¹. Зеро, янги давр шиддати таълим-тарбия тизимида ҳам ўзининг аниқ, қатъий ва изчил кечиктириб бўлмас талабларини қўймоқда. Мазкур талаблар доирасида таълим соҳасида педагогларнинг моддий-маънавий шароити тубдан яхшиланиб, таълим сифатини оширишнинг замонавий технологиялари жорий қилинмоқда.

Дунёвий тараққиётдан маълумки, тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшлар етишиб чиқади. Айнан, мазкур омиллар, Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантиришни талаб этмоқда.

Донишманд халқимизда фарзанднинг ёруғ дунёга келиши ва илк тарбияси билан боғлиқ жуда кўп удумлар, одатлар, расм-русумлар бор, бу соҳада халқ томонидан яратилган тарбиявий анъаналар мавжуд. Булардан бири илк тарбия воситаларидан бўлмиш алладир. Оналик меҳридан тароватланган муқаддас қўшиқ, алланинг ҳар бир инсон ҳаётида қанчалар муҳим аҳамият касб этиши барчамизга маълум. Алла ижтимоий эстетик қимматига кўра икки вазифани бажарар экан, овутиш ва ухлатиш баробарида она ўз фарзандига меҳру муҳаббатини, қалбидаги дил изҳорини, дарду аламларини, келажак орзулари ва умидларини унда кўришни истаётганини намоён қилади. Алла қайси тилда жарангламасин барчанинг қалбига бирдек йўл топа олади. Жаҳон илм-фан маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолар Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий ва Алишер Навоийнинг гувоҳликлари алланинг узоқ замонлардан бери халқимиз турмушига, болалар тарбиясига кенг ва чуқур сингганлигидан далолат беради.

Алишер Навоий алла айтгувчини “навоғў” деб атаган бўлса, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида алла “балу-балу” номи билан машҳур бўлган мустақил жанр бўлганлигини таъкидлайди. Абу Али Ибн Сино эса алланинг икки муҳим хусусиятини бундан минг йил илгарийёқ англаб шундай деган эди: “Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Биринчиси болани секин-секин тебратиш, иккинчиси эса уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадан тарбиясига ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади”².

Бугунги кунда глобаллашувнинг тобора авж олиши тарбияга янги ва тизимли ёндашувни тақозо этмоқда. Бу эса болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни талаб

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2020>

² Охунжон Сафаров “Ўзбек халқ аллалари. Алла-ё алла”. 1997 йил Т.: “Ўқитувчи”. Б-10.

этади. Бу ҳақда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат мустаҳкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксак тараққиётга эриша олади. Шу мақсадда биз “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта “Тарбия” фанини жорий этмоқдамиз”¹, – дея таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Бинобарин, мазкур йўналиш доирасида амалга ошириладиган ишлар ўзининг истикболдаги вазифаларини бажаришга йўналтирилган.

Ҳозирги пайтда дунё микёсида кескин тус олиб бораётган шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бериш стратегик вазифа сифатида бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланмоқда. Бу борада мамлакатимиз ёшларини Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатларини шакллантириш орқали мустақил ҳаётга дадил кириб келишини таъминлаймиз. Айрим йигит ва қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида бир қатор муаммолар юзага келаётганлиги ҳам сир эмас.. Жумладан, айрим ўқувчи-ёшларда юксак мақсадларнинг шаклланмаганлиги, ўзини ўзи ўқишга сафарбар қилиш, ирода, матонат, тиришқоқлик, ҳаракат фазилатлари етарли ривожланмаганлиги таълим сифатига ҳам зарар кўрсатаётганлигини кузатиш мумкин.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз”².

Маънавий тарбия соҳасида баъзан ўқитувчиларнинг фаолиятини методик таъминловчи ўқув материаллари, шу жумладан, ғоявий тарбия соҳасига оид методик қўлланмалар, ўқувчилар учун зарур дарсликлар етарли эмаслиги намоён бўлмоқда. Ушбу камчиликларни олдини олиш ва бартараф этишда “Узлуксиз маънавий тарбия” концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали маънавий тарбия тизимини янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзuidaги анжуманда сўзлаган нутқи.
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
4. Сафаров О. Ўзбек халқ аллалари. Алла-ё алла. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 10.
5. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий мустақиллик – Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам асосидир // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 1-сентябрь.

Наширға н.ф.д. Ш.Нуриллаева тавсия этган

ЛИЧНОСТЬ, ПРОБЛЕМА ИДЕНТИЧНОСТИ В СОЦИОЛОГИИ

Сейтова З.П. (НГПИ)

Annotatsiya. Muallif shaxsni sotsiologiya nuqtai nazaridan ko'rib chiqadi va uni sotsiologik tadqiqotlar nuqtai nazaridan tahlil qiladi. Shaxs va o'ziga xoslik gumoral va morfologik nazariyalarda tahlil qilinadi. Bu masalada Zigmund Freyd va boshqa tadqiqotchilar nuqtai nazaridan psixanaliz nazariyasiga ishora qiladi. Birinchi navbatda gender o'ziga xosligi bilan bog'liq bo'lgan bahs-munozaralarni keltirib

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2020>

² Мирзиёев Ш.М. “Миллий мустақиллик-Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам асосидир”. // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 1 сентябрь.

chiqaradigan jinslar o'rtasidagi xulq-atvor farqlariga e'tibor qaratadi. Shaxsni o'rganishda psixologik va sotsiologik ikkita asosiy yondashuv mavjud.

Tayanch so'zlar: *shaxs, jins, o'ziga xoslik, psixoanaliz, multikulturalizm, o'zini o'zi anglash.*

Аннотация. Автор рассматривает личность с точки зрения социологии, где она анализируется это в ракурсе социологических исследований. Анализируется личность и идентичность в гуморальной и морфологической теориях. Обращается к теории психоанализа с точки зрения Зигмунда Фрейда и других исследователей в этом вопросе. Обращает внимание на поведенческие различия между полами, которые вызывают споры, касающиеся, прежде всего, гендерной идентичности. Выделяется два основных подхода к изучению личности, психологический и социологический.

Ключевые слова: *личность, гендер, идентичность, психоанализ, мультикультурализм, самоидентичность.*

Annotation. The author considers personality from the point of view of sociology, where she analyzes it from the perspective of sociological research. Personality and identity are analyzed in humoral and morphological theories. Refers to the theory of psychoanalysis from the point of view of Sigmund Freud and other researchers in this matter. Draws attention to behavioral differences between the sexes, which cause controversy, primarily related to gender identity. There are two main approaches to the study of personality, psychological and sociological.

Key words: *personality, gender, identity, psychoanalysis, multiculturalism, self-identity.*

Введение. Личность выступает в качестве одного из центральных понятий в социологии. Сам термин «личность» происходит от латинского слова «persona», означающего «маска»¹.

В настоящее время существует большое количество определений личности, которое помогает раскрыть содержание данного понятия. Например, личность может трактоваться в широком смысле как систематизированная совокупность привычек, черт, установок и идей индивидуума, которые внешне организованы в роли и статусы, а внутренне связаны с мотивацией, целями и различными аспектами самоидентификации².

Личность может определяться как сумма и организация тех черт, которые определяют роль индивидуума в группе³. Личность также может охватывать организованную совокупность психологических процессов и статусов, относящихся к индивидууму⁴. Личность может охватывать весь опыт индивидуума, все, чем является и что он пережил, в его единстве⁵. Термин личность может относиться к привычкам, установкам и другим социальным чертам, характерным для поведения данного человека⁶.

Помимо этого, под личностью могут понимать интеграцию социально-психологического поведения человека, представленного привычками действий и чувств, установками и мнениями⁷.

В целом, можно выделить два основных подхода к изучению личности, психологический и социологический. Психологический подход рассматривает личность как определенный стиль, свойственный индивидууму. Этот стиль определяется характерной организацией психических тенденций, комплексов, эмоций и чувств.

¹ The Meaning of Personality. URL: [https://www.sociologyguide.com/personality/meaning-of-personality.php#:~:text=Personality%20is%20a%20patterned%20body,and%20various%20aspects%20of%20selfhood.\(датаобращения:09.09.2022\)](https://www.sociologyguide.com/personality/meaning-of-personality.php#:~:text=Personality%20is%20a%20patterned%20body,and%20various%20aspects%20of%20selfhood.(датаобращения:09.09.2022))

² What is Personality – Definition, Meaning, Types of Personality, Factors. URL: <https://www.sociologygroup.com/personality-meaning-types/> (дата обращения: 09.09.2022)

³ What personality traits do sociologists have?. URL: <https://www.careerexplorer.com/careers/sociologist/personality/> (дата обращения: 09.09.2022)

⁴ Ibid

⁵ The Meaning of Personality. URL: [https://www.sociologyguide.com/personality/meaning-of-personality.php#:~:text=Personality%20is%20a%20patterned%20body,and%20various%20aspects%20of%20selfhood.\(датаобращения:09.09.2022\)](https://www.sociologyguide.com/personality/meaning-of-personality.php#:~:text=Personality%20is%20a%20patterned%20body,and%20various%20aspects%20of%20selfhood.(датаобращения:09.09.2022))

⁶ The Meaning of Personality. URL: [https://www.sociologyguide.com/personality/meaning-of-personality.php#:~:text=Personality%20is%20a%20patterned%20body,and%20various%20aspects%20of%20selfhood.\(датаобращения:09.09.2022\)](https://www.sociologyguide.com/personality/meaning-of-personality.php#:~:text=Personality%20is%20a%20patterned%20body,and%20various%20aspects%20of%20selfhood.(датаобращения:09.09.2022))

⁷ Ibid

Психологический подход позволяет понять явления дезорганизации личности и роль желаний, душевного конфликта, вытеснения и сублимации в развитии личности.

Социологический подход рассматривает личность с точки зрения статуса индивида в группе, с точки зрения его представления о своей роли в группе, членом которой он является. То, что другие думают о нас, играет большую роль в формировании нашей личности¹.

Личность формируется индивидом в результате его участия в социальной жизни. Как член социальной группы, он усваивает определенные системы поведения и символические навыки, которые определяют его идеи, отношения и социальные ценности. Эти идеи, отношения и ценности, которых придерживается индивидум, составляют его личность. Социальные свойства человека формируют целостность его личности.

Личность охватывает настроения, отношения и мнения и наиболее ярко проявляется во взаимодействии с другими людьми. Она включает в себя черты поведения, как врожденные, так и приобретенные, которые отличают одного человека от другого и которые можно наблюдать в отношениях людей к окружающей среде и к социальной группе.

Изучение личности берет свое начало в фундаментальной идее о том, что люди отличаются характерными для них индивидуальными моделями поведения-своеобразными способами ходьбы, разговора, обустройства своего жилища или выражения своих побуждений.

Степень изученности проблемы. Можно сказать, что систематическое изучение личности как узнаваемой и отдельной дисциплины в рамках психологии началось в 1930-х годах с публикации в Соединенных Штатах учебников «Психология личности» (1937 г.) Росса Стагнера и «Личность: психологическая интерпретация» (1937 г.) Гордона У. Олпорта, за которым последовали «Исследования личности» Генри А. Мюррея (1938г.); Американский антрополог Маргарет Мид «Пол и темперамент в трех первобытных обществах» (1935). Тем не менее, истоки изучения восходят к античности, когда была предложена своего рода биохимическая теория личности².

Идея о том, что люди попадают в определенные категории типов личности в зависимости от своих физических характеристик, заинтриговала многих современных психологов, а также их коллег в древности. Однако идея о том, что люди должны относиться к тому или иному жесткому классу личности, в значительной степени отвергалась. Можно выделить гуморальные и морфологические теории.

Понятие личности связано с понятием идентичности. Данное понятие интенсивно и широко используется в современной социологии наряду с такими понятиями как «личность», «индивид», «индивидуальность».

При этом, за последние десятилетия существенно изменилось содержание понятия «идентичность». Если ранее оно увязывалось с некоторыми понятиями из психоанализа, социальной психологии и социологии, то уже к концу XX – началу XXI вв. понятие «идентичность» стало трактоваться широко и использоваться в социальных науках и социальной жизни. Классическая концепция идентичности создавалась в рамках психоаналитической теории в середине XX в. Э. Эриксонем.

Теория идентичности, сформулированная Э. Эриксонем, стала важнейшим компонентом его общей теории развития личности. Идентичность занимает важное место в структуре личности, являясь функцией «эго», интегрирующей сексуальность, индивидуальные способности и социальные обязательства³. Теория идентичности стала одним из первых вариантов конструктивистского подхода к пониманию личности и общества, своеобразным конструктивистским вариантом общей теории социализации. Самым существенным аспектом теории идентичности Э. Эриксона стало понимание, что идентичность является процессом, в котором человек самоопределяется и соотносит свою самоидентификацию с социумом.

¹ Ibid

² Philip S. Holzman. Personality URL: <https://www.britannica.com/topic/personality>. (дата обращения: 09.09.2022)

³ Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. – М.: Владос, 1996. – 326 с.

Понимание динамики процесса идентичности заложено в теории социализации. Две фундаментальные теории социализации относятся к исследованиям Т.Парсонса, с одной стороны, и теории идентичности Э. Эриксона, с другой. Т.Парсонс разработал функционалистскую теорию социализации, которая привела его к созданию ролевой теории личности как части теории социальных институтов. Однако процессы индивидуализации, развернувшиеся под влиянием очередной информационной революции, оставляют актуальной и теорию Э. Эриксона, поскольку она менее скована жесткими нормативно-ролевыми конструкциями функционализма¹.

На рубеже XX-XXI веков проблема идентичности претерпела дальнейшую актуализацию. Стали развиваться основные направления теоретического осмысления процессов идентичности в рамках конструктивистского, постмодернистского и интеракционистского.

Э.Гидденс разработал теорию идентичности в качестве рефлексивного проекта, которая предстает в виде попытки увязать в единое целое его концепцию природы и характера модерновских или постмодерновых социальных институтов. Процессы глобализации изменяют «внутреннюю жизнь» индивида и его идентичность. Индивид в современных условиях «выбирает» свою идентичность среди множества выборов, выбирает он и стратегию среди многих предлагаемых вариантов.

При этом, если в традиционном обществе самоидентичность личности формировалась на основе последовательных психовозрастных характеристик с четкими социальными чертами, то современный человек использует все прежние образы своей идентификации для конституирования самоидентичности в ее изменчивом социальном контексте².

Самоидентичность в настоящее время может обладать качественными характеристиками, такими как рефлексивный проект, подразумевающий создания или воссоздания целостного ощущения идентичности, или же многоэтапный жизненный цикл со связанным автобиографическим повествованием. Идентичность таким образом постоянно создается и поддерживается посредством саморефлексии и осмысления сквозь призму собственной биографии, которая воспринимается как ядро самоидентичности в меняющейся социальной жизни.

В целом, имеется теоретическое согласие в современной социологии в том, что самоидентичность как процесс опирается на определенные базовые данности, заложенные в самовосприятии индивида. Личностная идентичность является сложным и многомерным явлением, которое основано на уникальности личности, в том числе ее генетического наследия. Личностная идентичность как самовосприятие связано с осознанием собственной индивидуальности и уникальности, и принятием того, что «я» является одной и той же личностью³.

Глобализация создает условия, при которых идентичность современного человека формируется в сложных отношениях между местными социальными структурами и культурными традициями, с одной стороны, и глобализирующими структурами, с другой. Личность становится «включенной» в сложную и все более усложняющуюся совокупность социокультурных ценностей и связей, зачастую состоящих из противоречивых и даже несопоставимых культурных образований и мультикультурных идентичностей.

¹ Симонова О.А. Социология идентичности. URL: <https://publications.hse.ru/mirror/pubs/share/folder/76vsb5ad5e/direct/61536774?ysclid=17yamdapqe307392244> (дата обращения: 09.09.2022)

² Кимелев Ю.А., Полякова Н.Л. Философия социальных наук // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 18. Социология и политология, 2014. – № 1. – С. 20–46.

³ Полякова Н.Л. «Идентичность» в современной социологической теории. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/identichnost-v-sovremennoy-sotsiologicheskoy-teorii?ysclid=17yamhsxdr792726498> (дата обращения: 09.09.2022)

Задача «самоидентичности» заключается в приспособлении и переосмыслении сформировавшихся социальных типов и моделей поведения в условиях «текущей» современности, когда положение индивидов и сами места, к которым стремятся индивиды, быстро трансформируются, затрудняя определение целей в жизни. Проблема идентичности тем самым изменила свою форму и содержательное наполнение. Актуализируется не просто обретение идентичности и ее признание окружающими, но выбор идентичности, который необходимо делать все чаще и чаще.

З.Бауман указывает, что эти обстоятельства формируют «текучесть» личности, обусловленный необходимостью делать выбор и быть открытым к новым возможностям. Также, развивается феномен фрагментарности идентичности, которую можно представить в виде элементов одежды, или смены места жительства¹.

Выводы. Понятия личности, идентичности и самоидентичности взаимосвязаны друг с другом. Несмотря на отсутствие единого общепризнанного определения личности, в самом общем плане личность представляет собой уникальную и целостную совокупность привычек, черт, установок и идей индивида, которые формируют его внутренний и внешний образ. Уникальность личности тесно связана с идентичностью, тем как человек определяет себя (самоидентифицирует), и тем как его определяют окружающие. Основной исследований личности и идентичности в социологии долгое время была теория психоанализа. Теория социализации личности стала включать в себя исследования процесса идентичности. К двум основным теориям относятся идеи Т. Парсонса (функционализм) и теории идентичности Э. Эриксона.

Процессы глобализации и новая информационная революция привели к изменениям сформировавшихся теоретических представлений. Концепции Дж. Фридмана и З. Баумана обращали внимание на изменчивость идентичности, обусловленную динамикой и изменениями окружающего пространства, в связи с чем личность вынуждена постоянно адаптироваться, меняя те или иные черты идентичности и формируя ее «текучесть».

Литература

1. Добренев В.И., Кравченко А.И. Социология: Учеб. – М.: ИНФРА. – М, 2009.
2. Жукова Н. Глобализация и сохранение национальной идентичности // Философия и общество. – № 2. 2006. – С. 146-153
3. Кимелев Ю.А., Полякова Н.Л. Философия социальных наук // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 18. Социология и политология, 2014. – № 1. – С. 20–46.
4. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. – М.: Владос, 1996. – 326 с.

Рекомендовано к печати проф. С.Чариевым

АФҒОНИСТОН ҚУРОЛЛИ ТУЗИЛМАЛАРИ: ШАКЛЛАНИШИ, ТАСНИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рашидов Р.Р. (ЖИДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Афғонистонда кейинги 40 йилдан кўпроқ вақт мобайнида хавфсизлик ва барқарорлик жуда долзарб масала бўлиб қолаётган шароитда афғон миллий армиясини шакллантириш ҳамда унинг тўлақонли ва мунтазам армия сифатида фаолият олиб бориши ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: Афғонистон қуроли тузилмалари, Афғонистон Демократик Республикаси Қуроли Кучлари, мужоҳидлар, “Толибон” ҳаракати, сиёсий-ҳарбий гуруҳ (“танзим”), Афғон Миллий Армияси.

¹Жукова Н. Глобализация и сохранение национальной идентичности // Философия и общество, – № 2, 2006. – С. 146-153.

Аннотация. В данной статье рассматривается формирование Афганской национальной армии и ее функционирование в качестве полноценной и регулярной армии, а также ее специфические характеристики, в контексте безопасности и стабильности, которые остаются весьма актуальным вопросом в Афганистане на протяжении следующих 40 лет.

Ключевые слова: *вооруженные формирования Афганистана, Вооруженные силы Демократической Республики Афганистан, моджахеды, движение «Талибан», военно-политическая группировка («танзим»), Афганская Национальная Армия.*

Annotation. This article examines the formation of the Afghan National Army and its functioning as a full-fledged and regular army, as well as its specific characteristics, in the context of security and stability, which remain a highly relevant issue in Afghanistan over the next 40 years.

Key words: *Armed formations of Afghanistan, Armed Forces of the Democratic Republic of Afghanistan, Mujahideen, The “Taliban” Movement, Military-political group (“Tanzim”), Afghan National Army.*

Афғонистонда кейинги 40 йилдан кўпроқ вақт мобайнида хавфсизлик ва барқарорлик жуда долзарб масала бўлиб қолаётган шароитда афғон миллий армиясини шакллантириш ҳамда унинг тўлақонли ва мунтазам армия сифатида фаолият олиб боришини таъминлаш – афғон сиёсий тизимининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этиши табиийдир.

Афғон армияси ўзига хос тузилма бўлиб, тарихан у мунтазам равишда фаолият юритмаган. Армия фақат зарурат бўлганда, яъни ҳарбий юришлар ёки мамлакатни ҳимоя қилиш чоғида кўнгилли равишда халқ орасидан йиғиладиган лашкардан иборат бўлган. Бундай бўлишига сабаб сифатида биринчидан, иқтисодий-молиявий нуқтаи назардан кучсиз афғон ҳукуматининг мунтазам армияни шакллантириш ва таъминлашдаги имкониятларининг чекланганлиги бўлса, иккинчидан, маҳаллий ҳукмдорлар, қабилла оқсоқоллари ва сардорларининг марказий ҳукумат олдида муайян миқдордаги ҳарбий кўшин билан ўз ҳарбий мажбуриятини бажариши заруриятининг узок вақт давомида мавжуд бўлиб келганлигини келтириш мумкин¹.

XX аср бошидан бошлаб ўз мустақиллигига эришган мамлакатда замонавий кўринишдаги доимий равишда фаолият юритадиган мустақил армия тузишга киришилган бўлса, ҳозирги кунга келиб ҳам ушбу масала тўла даражада ўз ечимини топди деб айтиш мушкул. Чунки, давлат мавжуд бўлишининг асосий шартларидан бири бу ҳеч шубҳасиз унинг сарҳадлари хавфсизлиги ҳамда ушбу давлат фуқаролари осойишталигининг кафолати бўлган қуроли кучлар ҳисобланади.

Совет Иттифоқи ёрдамида барпо этилган Афғонистон Демократик Республикаси Қуроли Кучлари сафларида руҳий тушқунлик кайфияти юқори бўлган ва дезертирлик ҳолатлари оддий ҳолга айланган эди. Бу даврда, таъкидлаш жоизки, АДР Қуроли Кучлари таркиби 300 минг нафардан ортиқ эди. Шу жумладан, Мудофаа вазирлигида сафларида 132 минг, Ички ишлар вазирлигида 100 минг ва Давлат хавфсизлик хизматида 80 минг нафар ҳарбий хизматчи бор эди². АДР Қуроли Кучларини бутланганлик даражаси бирмунча паст бўлган, жумладан Мудофаа вазирлиги 30 фоиз, Ички ишлар вазирлиги 60 фоиз ва Давлат хавфсизлик хизмати 70,5 фоиз атрофида тегишли қурол-яроғ, ўқ-дори, кийим-кечак ва ш.к. билан бутланган эди³. Бу борада Афғонистон Республикаси Қуроли Кучлари Олий Бош Қўмондони ҳарбий маслаҳатчиси лавозимида 1989-1990 йилларда фаолият юритган армия генерали М.А. Гареевнинг маълумотларига кўра, Совет армияси томонидан Афғонистон Қуроли Кучларига 1568 та танк, 828 та пиёдалар жанговар машинаси, 4880 дан ортиқ артиллерия қуроллари ва миномётлар, 140 та жанговар самолёт ва вертолётлар қолдириб кетилган эди⁴.

¹ Колесников М.М. Командные кадры афганских вооруженных сил: история и современность // Офицерский корпус ближневосточных государств. Сборник статей Института Ближнего Востока РАН. – М., 2004. – С. 125.

² Ляховский А.А. Трагедия и доблесть Афгана. – М.: ГПИ «Искона», 1995. –С. 308.

³Ўша жойда.

⁴ Христофоров В.С. Афганистан: военно-политическое присутствие СССР 1979-1989 гг. – М.: ИРИ РАН, 2016. – С. 443.

Совет ҳарбийлари мамлакатни тарк этгач, Нажибулло муҳолифат кучлари билан курашда якка қолиб кетди. Эндиликда у ҳукуматни афгон ҳарбийлари ёрдамида ҳимоя қилиши зарур бўлиб қолди. Шу билан бирга, АДР армияси вақт ўтиши билан, яъни Совет кўшинлари афгон заминини тарк этгач, бир қатор муваффақиятли ҳарбий ҳаракатларни олиб борганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

1989 йил 18 февралда мамлакатда фавкулотда ҳолат юзага келди. Парламентнинг кўпчилиги аъзолари кўлига қурол олиб, Нажибулло ҳукуматига қарши чиқди. Сиёсий ҳолат яна издан чиқди. Бироз вақт ўтиб, ҳукумат армияси уларни тўхтатишга эришди.

Нажибулло мужоҳидларга ҳукуматни бошқаришда қатнашиш имконини берди ва уларни ҳам бир қатор муҳим давлат лавозимларига таклиф этди. Жумладан, ҳукуматдаги муҳим лавозим ҳисобланган мудофаа вазирлигига раҳбарлик мужоҳидларнинг машҳур кўмондони Аҳмадшоҳ Маъсудга бўшатиб берилиб, унга бу лавозим таклиф этилди. Бироқ, Аҳмадшоҳ Маъсуд Нажибулло ҳукуматини бу таклифини рад этди. Мужоҳидлардан бирорта ҳам вакил Нажибулло ҳукуматида иштирок этишни истамади ҳамда улар Нажибулло ҳукуматининг таклифига жавобан Кобулга ракеталар билан ҳужум уюштирдилар¹.

Совет кўшинлари Афғонистондан олиб чиқилган бўлса-да, мужоҳидлар қаршиликни тўхтатмадилар ва Нажибулло ҳукуматини ағдариш пайига тушдилар.

1989 йилнинг май ойида кўшни Покистон томонидан Жалолобод шаҳрига ўн минглаб қуролланган мужоҳидлар гуруҳи ҳужум қила бошлади. Гарчи мужоҳидларнинг ҳужуми шиддатли бўлса-да, ҳукумат кўшинлари ушбу ҳужумни тўхтатишга муваффақ бўлди.

Жалолобод жанги бутун мамлакатни титратиб юборди. Бу вақтда ҳукумат кўшинлари ҳарбий қуролланиш жиҳатидан мужоҳидлардан устун турар эди. Чунки, Совет кўшинлари ўзининг барча ҳарбий техникаси ва қурол-аслаҳаларини афгон ҳукумати ҳарбийлари ихтиёрига топшириб кетган эди. Афғон армиясининг ҳаводан ва қуруқликдан уюштирган шиддатли ҳужумлари мужоҳидларни қийин аҳволга солиб қўйди. Мазкур операция давомида мужоҳидлар кўшинлари икки тарафдан ўраб олиниб, чекинишга мажбур қилинди. Ҳукумат кўшинлари Баграм авиабазасида жойлаштирилган ҳаво кучлари ёрдамида ҳужумга ўтдилар ва мужоҳидлар армиясига ҳаводан кучли зарбалар берди. Ҳукумат кўшинларининг бундай кучга эга эканлиги мужоҳидларнинг ҳатто, тушига ҳам кирмаган эди. Шундан сўнг мужоҳидлар катта талофатлар бериб, чекинишга мажбур бўлдилар. Ҳукумат кўшинлари айтарлича зарар кўрмади. Шундан сўнг халқнинг катта қисми Нажибулло кўшинларига ишона бошлайди. Чунки, афғон армияси илк марта мамлакатни Совет кўшинларисиз ўзи ҳимоя қилди. Шу сабабли ҳалқда ҳукумат ўзини-ўзи ҳимоя қила олади, деган фикр пайдо бўлди. Бу албатта, Нажибулло ҳукуматининг ғалабаси эди. Бу воқеадан сўнг Нажибулло ҳукуматни ислоҳ қилишга киришди.

1989 йилнинг август ойида Кобулда ҳукуматга қарши кўзғолонлар бошланди. Кўзғолончилар орасида давлатга қарши чиққан жангари кучлар ва ҳарбийлар бор эди. Шу йилнинг охирида 100 дан ортиқ давлатга қарши чиққан шахслар қамоққа олинди. Булар орасида юқори лавозимдаги армия генераллари ҳам бор эди. Кўзғолончилар орасида “Халқ” оқими аъзоси бўлмиш мудофаа вазири генерал Шоҳназов Танай ҳам бор эди. Шоҳназов Танай мудофаа вазирлиги генералларини озод қилиш ҳақида фикр билдирди ва мамлакат мудофаа вазирлиги Президентга генералларни озод қилиш талабини қўйди. Нажибулло кўзғолон иштирокчиси бўлмиш 4 нафар генерални озод этган бўлса-да, мудофаа вазирлиги ва Президент ўртасида вужудга келган қарама-қаршилик йўқолмади.

1990 йилнинг 6 мартида Шоҳназов Танай АХДПнинг “Халқ” оқими тарафдорларини Нажибуллога қарши қуролли кўзғолонга чақирди². Шу куни эрталаб у бир гуруҳ офицерлар ва кучли ҳимоячилар билан Кобулдан 50 км шимолда жойлашган Баграм

¹ Пахлавон Чингиз. Афғонестон, асре мужоҳедин ва баромадан-е толебон (Афғонистон, мужоҳидлар даври ва толибларнинг пайдо бўлиши). – Техрон: Маҳде Мино, 1378 (1999). – 493 б.

² Пластун В., Андрианов В. Наджибулла. Афганистан в тисках геополитики. – М.: Русский биографический институт, Агентство «Сократ», 1998. – С. 105.

аэродромига етиб келди. Унинг тарафида афғон армиясининг 15-танк бригадаси ҳамда 40-дивизияси бор эди.

Генерал Шоҳнавоз Танай шахсан Кобулга штурмлар билан зарба бериш тўғрисида буйруқ берди. Бунинг олдини олиш мақсадида Нажибулло зудлик билан бутун ҳарбий кучларни Шоҳнавоз Танай бошчилигидаги давлат тўнтаришини амалга оширишга уринаётган кучларнинг қаршилигини синдириш учун сафарбар этди. Нажибулло Баграм аэродромини бомбардимон қилишга буйруқ берди. Нажибулло бу ҳақда кейинроқ шундай дейди: “Мен шу тариқа Баграмни бомбардимон қилдим, ҳаттоки ўзим учун зарарли бўлса ҳам”. Ушбу операция чоғида Ураган номли қирувчи самолёт қўзғолончиларни ташвишга солиб қўйди. Шундан сўнг чорасиз қолган Шоҳнавоз Танай ва унинг сафдошлари 7 март куни Баграм аэродромидан учиб кетди ва Покистонга бориб қўнди¹. У ерда амалга ошмаган давлат тўнтариши иштирокчиларини Покистон армияси генерали Аслан Бек, Покистон Идоралараро Разведкаси (инглизча – Inter Service Intelligence – ISI) бошлиғи Шамсур Раҳмон Каллу (1989-1990) кутиб олдилар ва Шоҳнавоз Танай қароргоҳи Покистон худудида жойлашган мужоҳидларнинг машхур етакчиси Гулбиддин Ҳикматёр билан учрашди ҳамда икки томон Кобулдаги Нажибулло ҳукуматига қарши ҳамкорликда ҳаракат қилишга келишиб олдилар.

Шу тариқа Шоҳнавоз Танай бошчилигида давлат тўнтаришини амалга ошириш муваффақиятсиз тугади ҳамда Баграм аэродроми ҳукумат қўшинлари назорати остига ўтди.

Фаолияти давомида Нажибулло мамлакат бўйлаб ўзига ҳарбий таянч яратишга ҳаракат қилган эди. Ушбу мақсадда афғон армияси сафларидаги миллати пуштун бўлмаган қўмондонларни қўллаб-қувватлай бошлайди. Бундай қўмондонлардан бири миллати ўзбек Абдурашид Дўстум бўлса, иккинчиси шиа оқимига эътиқод қилувчи Сайид Мансур Нодирий эди. Ушбу ҳарбий қўмондонлар остидаги кучлар Кобул-Хайратон автомагистралини ва мамлакатнинг шимолидаги иқтисодий ривожланган ҳудудларни химоя қилар эди. Совет ҳарбийлари мамлакатни тарк этгач, Нажибулло ҳукумати ихтиёрида мамлакат шимолидаги ҳудудларни химоя қилиш учун етарлича ҳарбий куч қолмаган эди. Шу сабабли Нажибулло юқоридаги икки қўмондонга мамлакат шимолидаги ҳудудларда ҳокимиятни бошқариш ваколатини берган эди.

Абдурашид Дўстум маркази Мазори Шариф шаҳри бўлган шимолдаги кўпгина ҳудудларни назорат қилар эди. Сайид Мансур Нодирий эса Бағлон вилоятида ўз ҳокимиятини ўрнатиб, бошқарувни қўлига олган эди. А.Дўстумнинг ҳарбий кучлари Нажибуллога қўзғолон ва нотинч вазиятларда катта ёрдам қилиб келар эди. Шу сабабли, 1986 йилда Абдурашид Дўстум Ватан олдидаги хизматлари учун “Афғонистон Демократик Республикасининг Қаҳрамони” унвонига сазовар бўлган эди². Дўстумнинг сиёсий саҳнага келиши 1988 йилда юз берди. Шу йили Қандаҳорда мужоҳидлар ва ҳукумат қўшинлари ўртасида катта жанг бўлиб ўтди. А.Дўстум ўз қўмондонлиги остидаги 53-дивизияси билан Қандаҳор можоросига аралашди ва ҳукумат қўшинлари бостира олмаган Қандаҳор қўзғолонини бостирди. Шундан сўнг Дўстум халқ орасида танилди ва мамлакат сиёсий ҳаётида бевосита иштирок эта бошлади³.

Мужоҳидлар билан келишувга эриша олмаган Кобул ҳукумати муҳолифат сафларидан чиқиб алоҳида сиёсат юритаётган исломий гуруҳлар билан алоқа боғлашга ҳаракат қилди. Бу борада муайян муваффақиятларга эришган Нажибулло ҳукумати бир қатор кичик гуруҳлар билан алоқа боғлаб, улар билан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида келишув имзолади. Ҳукумат уларга кўплаб моддий ёрдам ҳам берилишини ваъда қилди. Шундан сўнг, Кобул ҳукумати бир қатор ютуқларга эга бўлди. Хусусан, Нажибулло халқ орасида катта ҳурматга сазовор бўлди.

¹ Пластун В., Андрианов В. Наджибулла. Афганистан в тисках геополитики. – М.: Русский биографический институт, Агентство «Сократ», 1998. – С. 105.

²Коргун В.Г. История Афганистана. XX век. – М.: Крафт+. 2004. – С. 434-435.

³Ўша жойда.

Навбатдаги вазифа мамлакатнинг жанубий, жанубий-шарқий ҳудудларида яшовчи қабила хонлари билан алоқа ўрнатиш эди. Аммо, бу тадбир Нажибуллога ўзи кутганидек натижа бермади. Ҳукумат билан келишув имзолаган кўпчилик қабила хонлари моддий ёрдам олгач, уни жойларда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратиб, сўнгра яна муҳолифат кучлар томонига ўтиб кетдилар. Баъзи қабила бошлиқлари бир вақтнинг ўзида икки тарафга ҳам хизмат қилдилар. Ҳарбий гуруҳлар бошлиқлари билан алоқа кучайтиришга ҳаракат қилган Кобул ҳукумати бу орқали жойларда милиция хизматини шакллантиришни ҳам йўлга қўйди.

Мужоҳидларнинг Пешоварда тузилган ўтиш ҳукумати 1992 йил апрелида Афғонистонда ҳокимиятни эгаллади ва бу билан мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетди.

Мамлакат расман Афғонистон Исломи Давлати деб номланса-да, амалда мамлакат мужоҳидларнинг сиёсий-ҳарбий гуруҳ (афғонча – “танзим”)лари ўртасида таъсир доираларига бўлинган эди¹. Бундай ҳолатни, яъни ўз олдида сиёсий мақсадларни қўйган партияларнинг ҳар бирида ҳарбий тузилма ва бўлинмалар мавжудлигини мужоҳидларнинг бошқарув тизимидаги ўзига хослик сифатида қўрсатиш мумкин. Хусусан, генерал Абдул Рашид Дўстумга тегишли ҳарбий кучлар Кобулга юриш бошладилар ҳамда Аҳмадшоҳ Масъуд қўшинлари шаҳарнинг шимолий-ғарбий ва марказий қисмини, Абдул Рашид Дўстум ҳарбий бўлинмалари пойтахт аэропорти атрофидаги ҳудудларни, Г.Ҳикматёр қўшинлари эса шаҳарнинг жанубий-шарқий қисмини ўз назоратига олди. Шунингдек, ўз сафларида шиа мазҳабига мансуб ҳазорий миллатидаги фуқароларни бирлаштирган ва шўропараст ҳукумат инқирози давомида фаоллашиб қолган “Афғонистон исломий бирлик партияси” (Ҳезб-е ваҳдат-е эсломи-йе Афғонестон) (етақчиси Абдулла Али Мазорий)га тегишли ҳарбий кучлар Кобулнинг жанубий-ғарбий қисмини эгаллади². Таъкидлаш жоизки, юқорида номлари тилга олинган ҳарбий етакчилар нафақат пойтахт Кобулни, балки бутун мамлакатни ҳам ўзаро бўлиб олиб, муайян ҳудудларни ўз назорати остига олган эдилар. Жумладан, А.Масъуд мамлакат шимолий-шарқий ҳудудини, А.Дўстум маркази Мозори Шариф бўлган бир неча шимолий вилоятларни, Исмоилхон Хирот шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларни, Г.Ҳикматёр мамлакатнинг жанубий-шарқий ҳудудини ва ҳазорийлар Бомиён деб номланувчи мамлакатнинг марказий қисмини назорат қилишар эди³.

С.Мужаддадий қисқа муддатли давлат раҳбарлиги даврида ўтиш ҳукуматида мудофаа вазири лавозимини эгаллаган тожик Аҳмадшоҳ Масъуднинг таъсирини камайтириш мақсадида ўзбек Абдул Рашид Дўстумни қўллаб-қувватлаб, гарчи 2 юлдузли генерал бўлса-да, унга бирийўла 4 юлдузли армия генерали унвонини берган эди⁴.

Афғонистонда мужоҳидлар бошқаруви давридаги қуроли тузилмалар фаолиятига назар ташлар эканмиз, бу даврда Афғонистон амалда “кичик мулклар”га бўлинганлиги ва ушбу кичик мулкларнинг ҳар бирида алоҳида қуроли тузилмалар бўлганлиги намоён бўлади, яъни мамлакат пароканда ҳолига келгач, ягона армия ҳам бўлмаганидек, мазкур ҳолат Афғонистонда армиянинг давлатга тегишли муҳим ҳарбий-сиёсий институт сифатидаги ролига буткул путур етказди.

Муайян бир ҳудудни ўз қўли остида ушлаб турган авторитетга эга шахс ёки дала қўмондони⁵ ушбу ҳудудда олий ҳокимиятни амалга ошириб, уни ўз билганича бошқарар, унинг қўли остидаги ҳарбий-сиёсий ташкилот (танзим) эса давлат вазифаларини бажарар

¹ Bhatia, M. and Sedra, M. Afghanistan, Arms and Conflict. Armed groups, disarmament and security in a post-war society. – New York: Routledge, 2008. – P. 73.

² Бегий А. Афғонестон бад аз пирузи-йе энқелоб-е эсломи то сукут-е шимол ба даст-е толебон (1992-1998) (Афғонистон ислом инқилоби ғалабасидан то шимолнинг толиблар қўлига ўтгунича, 1992-1998). – Пешовар: Дониш, 2002. – Б. 24.

³ Gritzner, J.A., Shroder, J.F. Afghanistan. 2nd ed. – New York: Chelsea House, 2007. – P. 62.

⁴ Бегий А. Афғонестон бад аз пирузи-йе энқелоб-е эсломи то сукут-е шимол ба даст-е толебон (1992-1998) (Афғонистон ислом инқилоби ғалабасидан то шимолнинг толиблар қўлига ўтгунича, 1992-1998). – Пешовар: Дониш, 2002. – Б. 25-26.

⁵ Дала қўмондони (war lord – полевой командир) – мамлакатда бир неча йиллик уруш натижасида етишиб чикқан ҳамда мамлакатнинг муайян ҳудудини ўз назоратига олган ва ҳозирги пайтда ҳам ўзининг муайян даражадаги таъсирини сақлаб қолган турли даражадаги ҳарбий етакчиларни илмий тилда ушбу атама орқали ифода этиш қабул қилинган. Яна қаранг: Pejcinova, A. Afghanistan: Creation of a Warlord Democracy. – Budapest: Central European University, 2006. <http://www.anapejcinova.org/Theses/Afghanistan/1frontpage.htm>

эди. Бундай ҳолатнинг амалдаги кўриниши сифатида сиёсий доираларда А.Дўстум назорати остида бўлган шимолий ҳудудлар (маркази Мазори Шариф шаҳри бўлган Балх, Жузжон, Форёб, Қундуз вилоятлари)га нисбатан қўлланиладиган “Дўстумистон”¹ атамаси, А.Масъуд назорати остида бўлган мамлакатнинг шимолий-шарқий ҳудудларига нисбатан қўлланиладиган “Масудистон”² атамасининг пайдо бўлиши бежиз эмас эди. Демак, ҳарбий куч-қудратга эга ва ўтмиши армия билан боғлиқ шахслар муайян ҳудудларда олий ҳукмдор вазифасини бажара бошладилар.

2001 йил Боннда ўтказилган Халқаро Конференциядан сўнг Афғонистонда тинчликни таъминлашда иштирок этаётган аксилтеррор коалициясига аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатлари билан **афғон миллий армиясини шакллантириш** ва катта ҳажмдаги қурол-аслаҳага эга дала қўмондонларини қуролсизлантириш жараёни бошланди³.

Афғонистонда янги ҳукумат барпо этилгач, мамлакат хавфсизлик тузилмалари, хусусан **Афғон Миллий Армияси** ва **Афғон Миллий Полициясини** ташкил этиш масаласи долзарб масалага айланди.

Афғонистонда кейинги 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида хавфсизлик ва барқарорлик жуда долзарб масала бўлиб қолаётган шароитда **армиянинг** муҳим давлат институти сифатидаги ўрни ва роли ниҳоятда ўсди. Хусусан, ўтган асрнинг 90-йиллари давомида мужоҳидларнинг **“танзим”** (ҳарбий-сиёсий тузилма)лари, мамлакат шимолида А.Дўстумнинг милицияси ва мамлакат шимолий-шарқида А.Масуднинг **“Шўро-йе Наззор”** деб аталувчи ҳарбий-сиёсий тузилмаси ўзига хос ҳукумат вазифасини бажарарди.

2001 йилги Бонн Келишувларига асосан Халқаро ҳамжамият томонидан хавфсизликни таъминлаш бўйича марказий давлат институтларини шакллантиришга киришилди ҳамда **“Толибон”** ҳаракати ва шу каби кучларга қарши курашда муҳим таянч бўлиши учун Афғонистон Мудофаа вазирлиги таркибида Афғон Миллий Армияси ҳамда Афғонистон Ички ишлар вазирлиги таркибида Афғон Миллий Полицияси тузила бошланди⁴.

Хавфсизлик тузилмалари дастлаб 60 минг нафардан иборат армия, 8 минг нафар ҳарбий ҳаво кучлари, 12 минг нафар чегара қўшинлари ва 70 минг нафар полиция кучларидан иборат таркибда ташкил этилиши режалаштирилди⁵.

2002 йил апрелида Женевада хавфсизлик бўйича донор мамлакатларнинг конференцияси бўлиб ўтди ва унда иштирокчилар **“Афғонистон учун хавфсизлик соҳаси ислохоти дастури”** (Security Sector Reform (SSR) program for Afghanistan)ни қабул қилдилар⁶. Ушбу дастурга кўра, Афғонистонда хавфсизлик соҳасидаги ислохотларни беш йўналишда амалга оширишга келишиб олинди. АҚШ ҳарбий йўналишда, Германия полиция тузилмаларини шакллантириш йўналишида, Италия адлия йўналишида, Буюк Британия наркотик моддалар етиштиришни олдини олиш йўналишида амалга ошириладиган ислохотларга масъул этиб белгиланган бўлса, Япония **“Қуролсизланиш, демобилизация ва реинтеграция”** жараёнининг амалга оширилишига масъул этиб белгиланди⁷.

Дастлабки босқичда дала қўмондонларининг ҳарбий тузилмаларидан иборат бўлган афғон армияси юкоридаги келишувга биноан ўтказилган ислохотлар натижасида бирмунча ўзгартирилди. Жумладан, армиянинг ташкилий жиҳатлари, кадрларни қайта тайёрлаш, ўқитиш масалалари ҳамда молиявий таъминоти билан асосан АҚШ шуғулланди ва бу жараёнда Франция, Буюк Британия, Туркия ҳам иштирок этди⁸.

¹ RotarI. Will ‘Dostumistan’ Be Established near Afghanistan’s Border with Uzbekistan? / Eurasia Daily Monitor Volume: 11, Issue: 45. March 10, 2014. <http://www.jamestown.org/programs/edm/archives/2014/>; Яна қаранг: Brian, G.W. The Last Warlord. The Life and Legend of Dostum, the Afghan Warrior Who Led US Special Forces to Topple the Taliban Regime. – Chicago: Chicago Review Press, 2013. – P. 80.

² Ахмад Шах Масуд и его жизнь. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1028230>

³ Рашидов Р.Р. Афғонистонда давлатчилик масаласи: тарих ва ҳозирги замон / Монография. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2017. – Б. 158-159.

⁴ Jones S.G., Munoz A. Afghanistan’s Local War: Building Local Defense Forces. – Santa Monica, CA: RAND Corporation, 2010. – P. 6.

⁵ Jalali A.A. Rebuilding Afghanistan’s National Army / Parameters, US Army War College Quarterly – Autumn 2002. – P. 82. <http://strategicstudiesinstitute.army.mil/pubs/parameters/Articles/02autumn/jalali.htm>

⁶ Kelly T.K., Bensahel N., Olikier O. Security Force Assistance in Afghanistan. Identifying Lessons for Future Efforts. – Santa Monica, CA: RAND Corporation, 2011. – P. 21.

⁷ Ўша жойда.

⁸ Jones S.G. Counterinsurgency in Afghanistan. – Santa Monica, CA: RAND Corporation, 2008. – P. 72.

2005 йил охирига қадар амалга оширилган “Қуролсизланиш, демобилизация ва реинтеграция” (ҚДР) дастури¹ доирасида дала қўмондонларининг мавжуд ҳарбий тузилмаларидан баъзилари расман афғон армияси таркибига киритилди, баъзи ҳарбий тузилмалар таркибидан 63 минг нафардан ортиқ жангчи қуролсизлантирилди ва уларнинг 53 минг нафардан ортиғи учун тинч ҳаётга мослашувига имконият яратилди².

Юқоридаги дастур билан бир қаторда “Оғир қуролларни ҳарбий базаларда жойлаштириш” (Heavy weapons cantonment – HWC)³, маҳаллий милиция кучлари сифатида фаолият юритган 129 минг нафар қуролланган шахслардан иборат 1800 дан ортиқ гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида “Ноқонуний қуролли гуруҳларни тарқатиб юбориш” (Disbandment of Illegal Armed Groups – DIAG)⁴ каби дастурлар ҳам амалга оширилди ва бу афғон хавфсизлик кучларининг кейинги фаолиятига бирмунча ижобий таъсир қилди.

Афғонистон ҳукумати қисқа муддатларда марказга бўйсунувчи 65-70 минг⁵ нафардан иборат мунтазам равишда ҳарбий хизматни ўтайдиган тузилмаларни шакллантиришни режалаштирган бўлиб, келажақда мамлакат қуролли кучлари сафларида хизмат қилувчилар сонини 200 минг нафарга етказиш мўлжалланган эди. Аммо, кўплаб сабаб ва омилларнинг таъсири остида ушбу режа амалга ошмай қолди.

АҚШлик машҳур мутахассис, афғон хавфсизлик тузилмалари, шу жумладан афғон армияси ва полицияси фаолияти бўйича бир қатор илмий ва оммабоп ишларни нашр эттирган Энтони Кордесман ва унинг ҳамкасби Эдем Моуснер биргаликда олиб борган тадқиқотларида афғон армиясини ташкил этиш жараёнлари дастлабки босқичда қай тарзда кечганлиги хусусида атрофлича маълумотлар келтирилади. Мазкур мутахассисларнинг таҳлиллари асосида қуйидаги жадвал тузилди ва унда муайян вақт оралиғида янги афғон ҳукумати саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилаган Афғон миллий армиясидаги ташкилий жараёнлар ёритилди.

1-жадвал⁶.

Афғон миллий армиясидаги ҳарбий хизматчилар сони			
№	Вақт, муддат	Режада	Амалда
1	2005 йил боши	65-70 минг	8 минг
	2005 йил охири	65-70 минг	25 минг
	2006 йил июль	70 минг	27 минг
	2006 йил ноябрь	70 минг	35 минг
	2007 йил май	70 минг	47 минг
	2007 йил декабрь	70 минг	55 минг
	2008 йил охиригача	70 минг	57 минг
	2009 йил боши	110 минг	83 минг
	2010 йил август	170 минг	113 минг
	2010 йил октябрь	170 минг	140 минг
	2011 йил ва ундан кейин	200-240 минг	150 минг
	2018 йил	200-240 минг	227 минг ⁷

Афғонистон Мудофаа Вазирлиги расмий вакили генерал М.З.Азимийнинг маълумотига кўра, 2005 йил бошларида афғон армияси сафларида атиги 8 минг нафар атрофида ҳарбий

¹ Maley W. Rescuing Afghanistan. – Sydney: University of New South Wales Press Ltd, 2006. – P. 68-69.

² Bhatia M. and Sedra M. Afghanistan, Arms and Conflict. Armed groups, disarmament and security in a post-war society. – New York: Routledge, 2008. – P. 130.

³ 2004 йил ёзига қадар 5600 дан ортиқ турли оғир қуроллар ва ҳарбий техника йирик шаҳарлардан, шу жумладан Кобулдан олиб чиқилди. 2006 йил июнида бу кўрсаткич 12200 дан ошди. Қаранг: Michael Bhatia and Mark Sedra. Afghanistan, Arms and Conflict. Armed groups, disarmament and security in a post-war society. – New York: Routledge, 2008. – P. 133.

⁴ Bhatia M. and Sedra M. Afghanistan, Arms and Conflict. Armed groups, disarmament and security in a post-war society. – New York: Routledge, 2008. – P. 134-135.

⁵ Туляганова Н.У. Афғонский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2004. – С. 102.

⁶ Cordesman A. H., Mausner A. Afghan National Security Forces. What it will take to implement the ISAF Strategy. November 2010. – P.89.

⁷ Enhancing Security and Stability in Afghanistan // Department of Defense Report to Congress. December 2019.– P. 27.

хизматчи бўлиб, охириги ойлар мобайнида улардан 3 минг нафардан ортиғи ҳарбий казармаларни ўз хоҳишларича тарк этган. Баъзи маълумотларга кўра, афғон армиясида бундай дезертирлик ҳолатларининг рўй беришига ҳарбий хизматчиларнинг америкалик, британиялик ҳамда француз инструкторлари кўл остида ҳарбий тайёргарликдан ўтганлиги сабаб бўлган ва афғон жангчиларига чет эллик инструкторларнинг машғулотлари маъқул бўлмаган. Шу билан бирга, афғон ҳарбийларининг ўз ҳарбий қисмларини тарк этганликларининг асосий сабаблари сифатида иш ҳақининг (бир ойда 50-70 АҚШ доллари) камлиги ва қониқарсиз ижтимоий таъминотнинг мавжудлигини ҳам келтириш мумкин. Буларга қўшимча қилиб яна шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, эндигина шаклланаётган армиядаги аскарлар турли миллат ва маъмурий ҳудудларга тегишли бўлганлиги улар орасида ихтилофларнинг келиб чиқишига хизмат қилмоқда.

Афғонистонда янги ҳукумат фаолиятининг дастлабки босқичида афғон мужоҳидларнинг барча ҳарбий тузилмалари миллий армия таркибига кирса-да, улар Мудофаа Вазирлигига номигагина бўйсунган ва илгаригидек ҳудудий тамойил асосида ўз қўмондонларига бўйсуниб келган, бу ушбу қўшинларни ягона қўмондонлик остига бирлаштиришда катта мушкулликлар мавжудлигини кўрсатиб беради. Афғонистондаги қайта тиклаш жараёнлари бўйича эронлик эксперт К.Энтехоби-Фарднинг фикрича, Ҳ.Карзай олдида турган долзарб масалалардан бири – дала қўмондонлари [полевой командир (русча) – war lord (инглизча)] ни қуролсизлантириш яқунига етмаган¹. Чунки, улар наркотик моддалар савдосидан олаётган каттагина даромадни қурол-яроғ сотиб олишга ва жангчи гуруҳларни молиявий таъминлаш учун сарфлаб келишган.

Покистонлик журналист, афғон муаммоси бўйича таниқли эксперт Аҳмед Рашиднинг берган маълумотларига кўра, Афғонистонда «Қуролсизланиш, демобилизация ва реинтеграция» (ҚДР – Разоружение, демобилизация и реинтеграция, РДР) дастури амалга оширилиши ва унга мувофиқ, дала қўмондонларининг ҳарбий тузилмалари 2005 йил ўтказилиши режалаштирилган парламент сайловларига қадар тарқатиб юборилиши лозим эди ва ушбу иш бирмунча бўлсада амалга оширилди².

Шу тариқа, бирмунча қийинчиликлар билан ташкил этилган Афғон Миллий Армияси ўзига хос тузилмага (қаранг 4.1.1-илова) эга бўлди ва 2019 йил охирига келиб қарийб 230 минг нафарни ташкил этувчи³ қуйидаги таркибий тузилмалардан иборат бўлган эди:

- Бош Штаб – Кобул шаҳрида;
- Миллий Коммандос Бригадаси – Кобул шаҳрида;
- 111-Бригада – Кобул шаҳрида;
- 201-Корпус – Кобул шаҳрида;
- 203-Корпус – Гардез шаҳрида;
- 205-Корпус – Қандаҳор шаҳрида;
- 207-Корпус – Ҳирот шаҳрида;
- 209-Корпус – Мазори Шариф шаҳрида;
- 215-Корпус – Лашкаргоҳ шаҳрида⁴.

Афғон армиясини шакллантиришни ўз зиммасига олган АҚШнинг Афғонистонда бўлган даврининг сўнгги пайтларида АҚШ томонидан замонавий ҳарбий самолётларнинг афғон армиясига берилишида бирмунча муаммолар кўзга ташланди, жумладан мазкур замонавий самолётларни бошқарадиган, эксплуатация қиладиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган профессионал афғон кадрларининг етишмаслиги муаммоси юзага чиққан эди. Бу даврда афғон армиясидаги Ҳарбий Ҳаво Кучлари (ҲҲК)да 2та алоҳида Ми-17 ва Ми-35 вертолётлари билан қуролланган эскадрилья мавжуд бўлиб, авиациянинг умумий сони 50 дан ортиқ самолёт ва 50 дан ортиқ вертолётдан иборат эди. Бироқ, мазкур техникаларнинг асосий қисми ўз эксплуатация ресурсларини ишлаб бўлган ва капитал

¹ Ottaway M. and Lieven A. Rebuilding Afghanistan: Fantasy versus Reality. Carnegie Endowment for International Peace. Policy Brief №12. – Washington, D.C, January 2002. – P. 6-8.

² Аҳмед Рашид. Карзай осваивает 300 млн.\$ на разоружении полевых командиров.
<http://www.centrasia.ru/newsA.php4?st=1091498700>

³ Enhancing Security and Stability in Afghanistan // Department of Defense Report to Congress. December 2019. – P. 27, 43.

⁴ Afghan National Army Command & Corps Structure from Institute for the Study of War. October 2014.
<http://www.understandingwar.org/afghanistan-national-army-ana>

таъмирга мухтож бўлганлигини таъкидлаш жоиз. ХХКнинг таъминот базалари Қандахор, Баграм ва Шиндонда жойлаштирилган бўлиб, имкониятлари Хирот, Мазори Шариф ва Жалолободдаги объектлар ҳисобидан кенгайтирилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, гарчи афғон армиясида Ҳарбий Ҳаво Кучлари барпо этилган бўлса-да, АИР ҳаво қатламлари ўз даврида АҚШ ХХКлари томонидан назорат қилинган эди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, АИР армия қўмондонлиги асосий устувор йўналишни афғон армияси таркибидаги Миллий Операциялар Қўшинлари (МОК)ни шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратди. Ушбу қўшинларнинг ташкилий тузилмаси 2012 йилда тасдиқланган ва таркиби 15 минг нафар атрофида бўлган. Мазкур қўшинлар қўмондонлиги Кобулдаги “Кемп Коммандо” ҳарбий базасида жойлашган бўлиб, таркиби 2 та бригаддан, яъни ўз ичига ҳар бири 4 тадан батальон, махсус вертолёт эскадрильяси, 5 та махсус “Ктах-хас” батальони, психологик операциялар батальони, разведка бўлини маси ва моддий техник бўлиниларидан ташкил топган эди¹. Бироқ, ушбу махсус тузилма томонидан бирор бир муваффақиятли ҳарбий операция ёки амалиёт ўтказилганлигини қайд эта олмаймиз.

Афғон Миллий Армияси (АМА) шахсий таркибини шакллантириш Афғонистон Мудофаа вазирлиги томонидан олиб борилиб, ихтиёрий асосда 4 йиллик ҳарбий хизматга 22-30 ёш оралиғидаги талабгорлар таклиф қилинган². Танлов жараёни расмий равишда ихтиёрий тартибда амалга оширилган бўлса-да, АМА шаклланиш жараёнининг илк даврида унинг таркиби асосан миллий армияда ўз вакилларига эга бўлиш мақсадида маҳаллий дала қўмондонлари томонидан юборилганлар билан тўлдирилганлиги кузатишган³.

Шу қаторда афғон армиясига хос ахлоқий руҳий ва жанговар қобилиятга бевосита таъсир кўрсатувчи бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, 2012-2013 йиллар оралиғида барча армия корпуслари ва 111-мотоўқчи бригадасини текшириш натижасида қисм ва бўлинилар жанговар қобилияти қониқарсиз баҳоланганлиги маълум бўлди. Фақатгина айрим кўрсаткичлари юзасидан 201, 205 ва 215 корпуслар талабга жавоб бера олиши қайд этилган. Баҳолаш АҚШ ва НАТО мезонлари асосида амалга оширилди⁴.

АМА фаолияти давомида шахсий таркиб қуроллар билан 70%га бутланганлиги, шундан мавжуд қурол ва техниканинг 50% эски ва таъмир талаб ҳолга келиб қолганлиги 2021 йил ёзида “Толибон” ҳаракатининг ҳукуматни эгаллаши жараёнида маълум бўлган. Кейинчалик “Толибон” ҳаракатига қолдирилган қурол-аслаҳа, жанговар техникаларнинг умумий қиймати 80 млрд. АҚШ долларидан ортиқ эканлиги маълум бўлди⁵.

Хулоса қилиб айтганда, асримиз бошларида Афғонистонда рўй берган ўзгаришлар натижасида Афғонистон Миллий Армияси ҳам замонавий кўринишда шакллантирила бошланди. Бу борадаги бир қатор камчиликлар ва салбий омилларга қарамасдан, Афғонистон хавфсизликни таъминловчи кучлари 2013 йил июнидан бошлаб бутун мамлакат ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олди⁶. Бироқ, ушбу тузилмалар ўз фаолиятини самарали тарзда ташкил эта олмади ва ўз зиммасидаги масъулиятли вазифаларни тўлақонли бажара олмади. Натижада 2021 йилнинг ёзида “Толибон” ҳаракати Афғонистонда марказий ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Наширға Санжар Чориев тавсия этган

¹ Chlosta M. ANA Commandos First on the Ground in Marjah. 2007. <http://www.rs.nato.int/article/news/ana-commandos-first-on-the-ground-in-marjah.html>

² Jones S.G. Counterinsurgency in Afghanistan. – Santa Monica, CA: RAND Corporation, 2008. – P. 75.

³ Kelly, T.K., Bensahel, N., Olikier O. Security Force Assistance in Afghanistan. Identifying Lessons for Future Efforts. – Santa Monica, CA: RAND Corporation, 2011. – P. 7.

⁴ Cordesman A.H. Transition in Afghanistan: Loosing the Forgotten war? The need to reshape US strategy in Afghanistan, Pakistan, and Central Asia. – Washington, D.C.: CSIS, 2015. – P. 91.

⁵ Cordesman A.H. Transition in Afghanistan: Loosing the Forgotten war? The need to reshape US strategy in Afghanistan, Pakistan, and Central Asia. – Washington, D.C.: CSIS, 2015. – P. 91.

⁶ Brown V.F. Security and Political Developments in Afghanistan in 2014 and After: Endgame or New Game / Outlook on Security № 2, 2014. – P. 8. <http://www.brookings.edu/research/papers/2014/03/24-security-political-developments-afghanistan-2014-beyond-felbabbrown>

НОҚАРДОШ ТИЛЛАР ҚУРИЛИШИНING БОШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рўзиев Я.Б. (БухДУ)

Аннотация. Мақолада немис, рус, араб ва ўзбек тилларидаги феъл ўзагини ўзаро қиёслаш орқали ушбу тиллар қурилишининг бош хусусияти ҳақида мулоҳаза юритилади.

Таянч сўзлар: *тил, таълимот, руҳий қувват, тежамкорлик, грамматик маъно, луғавий маъно.*

Аннотатсион. The article discusses the main features of the construction of German, Russian, Arabic and Uzbek by comparing the stem of the verb in these languages.

Key words: *language, doctrine, spiritual power, economy, grammatical meaning, lexical meaning.*

Аннотация: В статье рассматриваются основные особенности построения немецкого, русского, арабского и узбекского языков путем сравнения корня одного глагола в этих языках.

Ключевые слова: *язык, учение, духовная сила, экономичность, грамматическое значение, лексическое значение.*

Назарий тилшунослик асосчиси В. Гумболтнинг ёзишича тилнинг айрим унсурида унинг характерли белгилари мужассам бўлади. Ҳақиқатан шундайлигини билиш мақсадида тўртта тилда битта феълнинг ўзагини қиёслаб кўра бўлади: *кр' – чита – les – ўқи*. Араб тилида ўзак учта ундошдан иборат бўлиб фақат грамматик эмас, луғавий маъно ҳам англатмайди. Унга ҳар қайси ундошдан кейин битта унли қўшилса бирданига луғавий ва бир нечта грамматик маъно намоён бўлади. *Ўтган замон, учинчи шахс, бирлик* шулар жумласидан: *қара'а – ўқиди*. Рус тилида феълнинг ўзаги фақат луғавий (аташ) маъно англатади. Грамматик маъно ифодаланиши учун қўшимча талаб этилади: *чита-й – ўқи*. Немис тилида ўзакдан луғавий маъно англашилиб грамматик маъно унли ўзгариши билан ифода этилади: *lies – ўқи*. Ўзбек тилида эса тамоман бошқача ҳолга дуч келамиз. Феълнинг ўзаги (*ўқи*)дан аввало рус тилидагидек луғавий маъно яъни ҳаракатнинг инсонга ҳос фаолият эканлиги англашилади. Бундан ташқари рус ва немис тилидагидек эга, тўлдирувчи, ҳол билан бирикиш имконияти (*валентлиги*) сезилиб туради. Шу билан бирга ўзакдан ўнга яқин грамматик маъно англашилади. *Шахс (тингловчи), сон (бирлик), майл (буйруқ), замон (келаси), бўлишлик (масдиқ), ҳурмат (бетарафлик), нисбат (бош шакл), тарз, аспект (ҳаракатнинг тугалланганлиги ва ҳоказога бетарафлик) ҳамда ҳис-туйғуга бетарафлик (ифодаланиши ургу ва ҳоказога боғлиқ) шулар жумласидандир. Феълнинг ўзаги бундан ташқари коммуникатив вазифа ҳам бажаради. Битта ўзи фикр ифодалаб тингловчини ўзакдан англашилган ҳаракатни бажаришга ундайди. Предикативлик тўлиқ ифодаланганидан буйруқ гап бўлиб келади: *Ўқи*. Шунини таъкидлаш лозимки ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг ўзаги энг кичик гап бўлиб гапнинг бошқа барча кўриниши шундан қўшимча ва бошқа воситалар билан ҳосил бўлади. Кўринадики ҳозиргача нол кўрсаткичли шакл деб қаралган восита ҳам луғавий ҳам грамматик ҳам коммуникатив бирлик вазифасини бажаради.*

Бундан ташқари рус, немис тилларида луғавий ва грамматик маъно алоҳида-алоҳида восита билан ифодаланса араб тилида луғавий маъно ифодаланишида ҳам ундош ҳам унли иштирок этиб грамматик маъно фақат унли воситасида намоён бўлади. Ўзбек тилида эса фақат луғавий ва грамматик маъно эмас, коммуникатив маъно ҳам бирор қўшимча воситасиз феълнинг ўзагидан англашилаверади. Бунинг асосий сабаби шуки, мазкур халқларнинг борлиқни идрок қилиши аниқроғи миллий тилларнинг шаклланиш даврида борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг тушунча ва фикрга айланиш тарзи бир хил бўлмаган. Араб (сом) ва ўзбек (туркий) халқлари тежамкорлик йўлини тутган бўлса славян ва герман халқлари нотежамкорлик йўлидан борган. Бошқа сўз туркумларида ҳам шунга ўхшаш фарқ-тафовут мавжуд [2: 63-65].

Руҳий-ижтимоий ёки идеалистик-материалистик йўналишга оид тадқиқотларда асосланилишича тежамкорлик ўзбек тилида лисоний бирликларнинг барчасига турли

кўриниш ва даражада хос. Жумладан, кўшимчанинг тежаб ишлатилиши [3: 124]¹, қисқарув [10: 2004], бирикмада сўз қўлланмаслиги, гапда мустақил ва ёрдамчи сўз ишлатилмаслиги, содда ва кўшма гаптаги шаклий ҳамда мазмуний номувофиқлик, содда гап билан эргашган кўшма гап маънодошлиги, ўзлаштирма хабар, уюшган гап, пресуппозиция, импликация ходисаси, тўлиқсиз гапнинг барча тури тежамкорликнинг турлича кўринишидир. Шуларга асосланиб биз ҳам ўзбек адабий тили курилишининг бош хусусиятини *тежамкорлик* деб атаймиз.

Юқоридаги қисқача шарҳдан кўринадики сўзнинг тузилишига кўра (морфологик, типологик жиҳатдан) таснифлаб ўрганиш усули 19 асда қиёсий-тарихий тилшуносликда асослаб берилган. Унга кўра ҳинд-оврупо, хом-сом (хамит-семит) тиллари флектив, олтой (туркий, мўғул) тиллари агглютинатив деб аталади. Бинобарин ўзбек тилида сўзнинг тузилиши рус, немис, инглиз, француз, араб, форс-тожик тилларидан фарқ қилади деб қаралади. Ана шу фарқлардан бири сўз қисмлари (ўзак ва кўшимча) орасидаги муносабат (мустақил қўлланиш-қўлланмаслиги, бир-бирига уланиши) бўлса, иккинчиси улар орқали луғавий, грамматик ва коннотатив (услубий, кўшимча) маъно ифодаланишидир.

Шўро ҳудудида тили ҳам ҳинд-оврупо ҳам олтой оиласига мансуб халқлар яшаганлигидан қиёсий-типологик тадқиқ усулига қизиқиш кучайиб давлат сиёсатига мувофиқ ўзга тилларни рус тили билан қиёслаб ўрганиш устуворлик қилди. Ўзбек тилшунослигида ҳам шундай бўлди. Рус тили билан ўзбек тили орасида фарқ эса асосан нуфузли рус олимлари (акад. В.В. Виноградов, проф. А.А. Реформатский)нинг тадқиқотларига таяниб тайёрлаштирилди. Назарий фикрлар амалиётга татбиқ этилиб ўрта ва олий мактаб дарсликларига қоида қилиб киритилгани учун умумхалқийлик, умуммажбурийлик, намунавийлик мақомини олди. Мисол тариқасида *Ўзбек тили* дарслигининг тилшуносликдан умумий маълумот бўлимида берилган иккита қоидани олиб кўрайлик. “Агглютинатив тилларда ҳар бир грамматик маъно, одатда, алоҳида аффикс билан ифода этилади. Масалан, ўзбек тилида кўплик ва келишик маъноларини алоҳида аффикслар ифода қилади: *Иичи-лар-га мукофот-лар-ни топшир-дик*. Флектив тилларда бирдан ортиқ грамматик маъно, одатда, биргина кўрсаткич орқали ифода этилади. Масалан, *Эти книги сдаю в библиотеку* гапида *эти книги* сўзлари охиридаги **-и** аффикси икки маънони: тушум келишиги ва кўпликни билдириб келган; *сдаю (сдай+у)* сўзи охиридаги **-у** аффикси майл, замон, шахс, сонни билдириб келган” [4: 16]. Аввало шуки, қиёс тўлиқ эмас. Рус тилида феъл (кесим)даги кўшимчанинг тўртта грамматик маъно ифодаланиши кўрсатилади-ю ўзбек тилида феъл (*топшир-ди-к*) даги **-ди** майл ва замонни, **-к** шахс ва сонни билдириши айтилмайди. Сўздаги охирги кўшимча (**-к**) тушириб қолдирилса **-ди** майл, замон, шахс, сондан ташқари ҳурматга бетарафликни ҳам англатади; **-ди** тушириб қолдирилса грамматик маъно сони яна ортади. Кўринадики, кўшимчанинг кўп маънолиги фақат рус тилига эмас, ўзбек тилига ҳам хос. Рус ва ўзбек, кенгроқ олиб қарайдиган бўлсак флектив ва агглютинатив тиллар курилишидаги фарқ бошқа. Бу фарқ шундан иборатки, рус тилида сўзнинг ўзаги луғавий маъно ифодалаш учун хосланган, ўзбек тилида эса ўзак ҳам луғавий ҳам грамматик маъно ифодалай олади. Шунга кўра рус тилида феълнинг ўзаги грамматик шаклланмаган бўлиб мустақил ишлатилмайди, ўзбек тилида бунинг акси кўрамаиз. Мазкур тиллар курилиши аниқроғи тузилишида бошқа ўзига хосликлар ҳам мавжуд [2: 43-57].

Юқоридаги қисқача қиёслашдан маълум бўладики агглютинатив тиллардаги кўшимчаларнинг бир маънолиги, флектив тилларда кўп маънолиги ҳақидаги даъво асосли эмас экан. Маълумки бу фикр шўро тилшунослигида жумладан проф. А.А. Реформатский томонидан илгари сурилган эди [5: 212].

Бундан ташқари 19-асда тарихий-қиёсий тилшунослик вакиллари томонидан тили флектив хусусиятга эга бўлган халқлар руҳий-маънавий жиҳатдан тили бошқа тузилишга мансуб халқлардан устун деб даъво қилинган. Бу ғоя тилни руҳий фаолият маҳсули деб

¹Г.П. Мельников аффиксни тежаб ишлатишни барча туркий тилнинг бош хусусияти деб ҳисоблайди.

қараган атоқли олим В. Гумболт томонидан рад этилган. Ўз тажрибамга асосланиб шуни аниқ айта оламанки, деб ёзади у, турли тузилишли тиллардан имкон қадар кўпроғи чуқур ўрганилса мазкур нуктаи назарнинг пучлиги, қуруқ даъво эканлиги аён бўлади, чунки бирорта тилни ҳам соф флектив деб бўлмайди[11: 241]. Афсуски бу даъво шўро тилшунослигида ҳам ҳукмрон халқ ва мустамлака халқлар тилига нисбат берилган эди. Қиёсий-типологиялик тадқиқотларда шу нуктаи назар асос қилиб олинган эди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки В. Гумболт халқларнинг руҳий қуввати бир хил эмас шу сабабли тилларнинг тузилиши ҳам бир хил бўлмайди. Қўшимча аслида сўз бўлиб ўзак билан уйғунлашиб кетмаса у суффикс (ёш суффикс) деб аталади. Бундай тил ҳам грамматик муносабат ифодалайди аммо руҳий қувват бир қадар суст бўлади дейиш мумкин деб ёзади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёш гумболтчилар оқимининг йирик намояндаси Лео Вайсгербер ўз устозининг мазкур фикрига тўла қўшилмайди. У шундай деб ёзади. В. Гумболт тафаккур қоидалари барча халқларда мутлақо ўхшаш, айнан бир хил деган. Ҳолбуки Кантнинг категориялар тизими европача категориялар тизимидан иборат холос [1: 114, 116].¹

Шўро тилшуносларининг фикрига кўра Л. Вайсгербер тафаккурнинг мантиқий ва мазмуний жиҳатини фарқламайди. У мазмуний шакллар миллий хусусиятга эга бўлади деб эътироф этиш билан мантиқий категориялар (субъект, предикат ва б.) нинг бутун инсоният учун муштараклигини инкор этади. Бошқача айтганда Л. Вайсгербер тилни икки ботиний жиҳатнинг ўзаро боғлиқлиги (зиддият)дан иборат деб талқин қилганда тамомила ҳақ. Шунга кўра уни тадқиқ объектга диалектик нуктаи назардан ёндашган деса бўлади. Бироқ янги гумболтчиларнинг умумий метафизик методологияси Л. Вайсгерберча диалектик ёндашув (позиция) га тўлиқ ўтишига монелик қилади. У тилни ўзаро узвий боғланган ҳосила (продукт) ва фаолият деб эътироф этар экан бунда мазкур икки жиҳатнинг бирлиги ўзаро уйғунлиги, мувофиқлигини кўради холос. Уларнинг ўзаро рақобатини (борьба), бир-бирининг номувофиқлигини юзага чиқарадиган зиддият (противоречие) дан иборат деб ҳисобламайди. Ҳолбуки ҳосила бўлган лисон билан фаолият (яъни тил тизими билан нутк) орасидаги рақобат, зиддият (борьба) тил тизимида мавжуд бўлмаган нарсани юзага чиқаришга имкон беради. Айни пайтда тил тизимида мавжуд бўлган нарсани рўёбга чиқаришга монелик қилади. Тил тизимига борлиқни акс эттиришда мазмуний тафовут ва ўзгаришлар хос. Нутқда булар бартараф этилади ва дунёнинг ягона, кўпқиррали замонавий амалиёт ва замонавий илмий билиш даражасига мос шаклланиши учун шарт-шароит пайдо бўлади [9: 51].

Мазкур фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин, миллий тиллар тузилишига баҳо беришда дунёни идрок қилишнинг ўзига хос усуллари борлигини эътироф этишга тўғри келади. Тили флектив деб аталувчи халқлар руҳияти борлиқни тилга айлантиришда икки босқичли синтездан фойдаланади. Тили агглютинатив деб аталувчи халқларда эса синтез бирданига рўй беради. Иккала босқич хусусияти ҳам ўзакда воқеланади. Бундай ҳолда В. Гумболтнинг нима грамматик маъно ифодаласа ўша грамматик шакл деб қаралади деган фикри инobatга олинган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вайсгербер Й.Л. Язык и философия. *Вопросы языкознания* журналы. 1993, 2-сон.
2. Зикриллаев Ф. Истиклол ва адабий тил. Тошкент, “Фан”, 2004.
3. Мельников Г.П. Принципы системной лингвистики в применении к проблемам тюркологии. Структура и история тюркских языков (тўплам). М., 1971.
4. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1978.
5. Реформатский А.А. Введение в языкознание. М., 1955.
6. Рўзиев Я.Б. Ўзбек тилшунослигида кўчирма ва ўзлаштирма нутқнинг талқину тавсифи. БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ, 2022. -№ 4-сон. 68-77-б. http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8285.
7. Рўзиев Я.Б. Рус тилида кўчирма ва ўзлаштирма нутқ. *Ilm sarchashmalari*, UrDU, 2022 yil, 11- son. 141-145-b. https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/authorDashboard/submission/8287.

¹Вайсгербер Й.Л. Язык и философия. *Вопросы языкознания* журналы. 1993, 2-сон.

8. Рўзиев Я.Б. Рухий қувват билан тилнинг ўзаро муносабати. Innovative Development in Educational Activities. ISSN: 2181-3523. Volume 1, Issue 6, 2022. https://zenodo.org/record/743451/1#.Y5nmLX1BzIUhttps://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/authorDashboard/submission/8289
9. Чесноков П.В. Неогумбольдтианство // Философские основы зарубежных направлений в языкознании (тўплам). Москва, Наука, 1977.
10. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув. Самарқанд, 2004.
11. Wilhelm von Humboldt. Gesammelte Schriften. Band VII. Erste Abteilung: Werke VII. Erste Hälfte. Berlin, B. Behr's Verlag, 1907.

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA PEDAGOGIKAGA OID TERMINLARNING LEKSIKOGRAFIKASIDA FORMAL-STRUKTURAVIY TAHLIL

Nizomova M.B. (QarDU)

Annotatsiya. Ingliz va o'zbek tillarida pedagogikaga oid terminlarining paydo bo'lishidagi asosiy omillarini aniqlash, tilshunoslikda o'rganilishini yoritib berish hamda pedagogikaga oid terminlarning leksik xususiyatini ochib berish, sohaga oid terminlarni struktur-semantik jihatdan tahlil qilishga doir ko'plab tadqiqotlar olib borib, izlanishlarimizni ilmiy asoslab berdik. Shu o'rinda ingliz va o'zbek tillarida pedagogikaga oid terminlarning leksikografikasida formal-strukturaviy tahlilini ishlab chiqishni joiz deb bildik. Ushbu maqolada pedagogika sohasiga oid atamalarining, chog'ishtirilayotgan tillarda leksikografiyasining tahlil jarayonlari muammolarini va tamoyillarining o'ziga xos xususiyatlarini yoritib berdik.

Tayanch so'zlar: *atamalar, pedagogika, tahlil, terminologiya, monoleksemik atamalar, polileksemik atamalar, akademik lug'at, ilmiy lug'at, analogik lug'at.*

Annotation. We have carried out many studies to determine the main factors in the emergence of pedagogic terms in English and Uzbek languages, to shed light on their study in linguistics and to reveal the lexical nature of pedagogic terms, to analyze structurally-semantically related terms we gave a scientific basis. At this point, we considered it permissible to develop a formal-structural analysis of the lexicographical terms related to pedagogy in English and Uzbek languages. In this article, we highlighted the specific features of the analytical processes and principles of lexicography of terms in the field of pedagogy.

Keywords: *terms, pedagogy, analysis, terminology, monolexemic terms, polylexemic terms, academic dictionary, scientific dictionary, analogical dictionary.*

Аннотация. Мы провели множество исследований по выявлению основных факторов возникновения терминов педагогики на английском и узбекском языках, освещению их изучения в лингвистике и раскрытию лексического характера педагогических терминов, структурно-семантическому анализу отраслевых терминов и научно обосновали наши исследования. В этой связи мы решили разработать формально-структурный анализ лексикографии педагогических терминов на английском и узбекском языках. В этой статье мы освещали проблемы аналитических процессов и специфику принципов термина в области педагогики, лексикографии на обсуждаемых языках.

Ключевые слова: *термины, педагогика, анализ, терминология, монолексические термины, полилексемические термины, академический словарь, научный словарь, аналогический словарь.*

Ko'pgina terminologik tadqiqotlarning an'anaviy tarkibiy qismi atamalarining rasmiy turlarini tavsiflash bo'lib, ular nominatsiya tizimida qanday ifodalanishini aniqlashga yordam beradi va shu bilan tadqiqotchiga mantiqiy, konseptual darajada o'tishga imkon beradi. Maxsus leksik birliklarni lingvistik darajaga tahlil qilish bu leksikografikaning majmuasiga xos bo'lgan, birinchidan, yuqoridagi terminologiyani bir butun sifatida tavsiflovchi, ikkinchidan, bir qator semantik jarayonlarni aniqlash imkonini beruvchi oddiy rasmiy xususiyatlar aniqlanadi. Ushbu tahlil natijasi pedagogika sohasiga oid terminologiyaning nominativ birliklarining strukturaviy turlari (*sodda so'zlar, affiks so'zlar, qo'shma so'zlar, iboralar*) va leksik va grammatik xarakterdagi formal terminologik elementlarning (*prefikslar, qo'shimchalar, ildizmorfemalar*) nisbatini aniqlashdir. Ba'zi sabablarga ko'ra, bu ishning asosi bo'lib xizmat qiladigan leksik materialning so'z yasalishi va morfologik tahlilini farqlash muhim ko'rinadi. Birinchi holda, muallifni birinchi navbatda atama hosil qilish usullari va modellari ularning mahsuldorligi nuqtai

nazaridan qiziqtiradi. Ikkinchi holda, diqqat obyektini sifatida o'rganilayotgan hududning maxsus birliklarining tuzilishi, atamalarni tashkil etuvchi elementlar hisoblanadi.

Ingliz va o'zbek tillarida pedagogika sohasidagi terminlar leksikografiyasining tahlil qilinganda turli tuzilishdagi leksik birliklar bilan ifodalanadi. Terminologiyaning ushbu sohasida leksik shakllarning strukturaviy turlarini o'rganish maxsus birliklarning ikkita asosiy turini ajratib ko'rsatishga imkon beradi, xususan:

1) **atama-so'zlar** (*bir so'zli, monoleksemik atamalar*) va

2) **atama-iboralar** (*ko'p so'zli atamalar, polileksemik atamalar*). Bunday bo'linish tilning har bir konkret tushunchani ifodalashda tabiiy qobiliyatsizligi, alohida mustaqil so'z hosil qilishiga asoslanadi. Shu munosabat bilan V.V. Vinogradov ta'kidlaganidek, "tajribaning o'ziga xosligi cheksiz bo'lsa-da, eng boy tilning resurslari ... qat'iy cheklangan".

Agar tilning leksik tizimiga bunday cheklovlar qo'yilgan bo'lsa, u holda muayyan tushunchalarni ifodalash imkoniyatlarini oshirish jarayoni quyidagi ikkita asosiy yo'nalish bo'yicha davom etishi mumkin:

a) **so'z ma'nosining o'zgarishi leksik-semantik o'zgaruvchanlik**- ya'ni bir so'z chegarasidagi ma'nolar sonining ko'payishi, uning shaklining o'ziga xosligini saqlagan holda mumkin bo'ladi;

b) **so'zning boshqa so'zlar bilan birikmaga kirishi natijasida**- ya'ni so'z birikmasi hosil bo'lganda, so'z ma'nosi leksik-frazeologik bog'lanishlar bilan belgilanishi natijasida o'zgarishi mumkin.

Ko'pincha erkin iboraning semantik o'zgarishi va frazeologik birlikning paydo bo'lishi bilan birga bo'lishi mumkin bo'lgan iboradagi so'zning leksik-frazeologik o'zgarishi atamalarni shakllantirishning eng samarali usuli hisoblanadi. Masalan, R.R. Xartmannov tomonidan yaratilgan izohli leksikografik lug'atning alohida kiritilgan maxsus birliklarning 61foizni ikki yoki undan ortiq komponentdan tashkil topgan (lekin oltidan ortiq bo'lmagan) iboralar tashkil qiladi¹.

70-yillarning boshlariga qadar pedagogik terminologik lug'atlar asosan bir so'zli atamalarni o'z ichiga olgan bo'lsa, keyinchalik ko'p so'zli atamalarni, o'ngacha (ba'zan undan ko'p) og'zaki pozitsiyalarni o'z ichiga olgan atamalarning birikmalarini leksikografik birlashtirish tendensiyasi rivojlandi. Pedagogik terminologik lug'atlar sifat jihatidan boshqacha munosabat terminografiyada aslida tavsif birligi deb ataladigan narsaning mohiyatini aniqlash, shuningdek, ushbu birlikka obyekt sifatida pedagogik leksik birlikning xususiyatlaridan tubdan farq qiladigan bir qator xususiyatlarni berish natijasi edi.

Shuni qiziqki, ta'lim jarayonida o'rganiladigan materialni tanlash bir so'zli va ko'p so'zli terminlarni aniqlash jarayoni atama va atama o'rtasidagi chegarani belgilash muammosi bilan chambarchas bog'liqdir. Ma'lumki, atamalarning mutlaq ko'pchiligi turli tipdagi iboralardir. Shunday qilib, V.P. Solovyovning ta'kidlashicha, atama-iboralar terminologiya tizimida muhim o'rin tutadi va "biz ko'rib chiqqan texnik fanlardagi atamalarning juda ko'p sonini (73foiz)"² tashkil qiladi. Turli xil bilim sohalari terminologiyalarida pedagogik terminologik lug'atlarning paydo bo'lishi va faol ishlashi, ko'rinishidan, umuman terminologik tizim xususiyatlarining lingvistik ifodasi sifatida qaralishi kerak, uning predmeti sohasi tushunchalar tizimini izomorf tarzda aks ettiradi. Ko'rinib turibdiki, o'rganilayotgan mavzu bo'yicha bilimlarning tobora ortib borishi allaqachon ma'lum bo'lgan atamalarga doimiy ravishda yangi atributlarni qo'shishni talab qiladi. Pedagogika sohasida terminning shakli, shuningdek, kashf etilgan tur-tur va boshqa terminologik munosabatlarni ko'rsatishning zaruriy vositasiga aylanadi. Shunday qilib, maxsus ibora, bir tomondan, u yoki bu terminologik munosabatlar tizimida, ma'lum bir terminologik sohaning a'zosi bo'lsa, ikkinchi tomondan, pedagogik terminologik lug'atlar bo'lib, ma'lum bir tilning iboralar tizimiga kiradi. "oddiy" iboralardan iborat bo'lib, ikkinchisidan bir qator lingvistik va ekstralingvistik xususiyatlar bilan ajralib turadi.

¹Hartmann R.R.K. and Gregory James "Dictionary of Lexicography" London and New York, 1998.

²Соловьев В.П. Терминологические словосочетания как составная часть системы терминологии. В кн.: Вопросы разработки научно-технической терминологии. —Рига, 1973.— С. 167.

Bizning fikrimizcha, pedagogikaga oid terminologik birikmalarning asosiy xususiyatlari quyidagilardan iborat:

1. Pedagogik terminologik lug'atlar ekspress tushunchalari;
2. Pedagogik terminologik lug'atlar ma'lum darajada barqarorlikka ega;
3. Pedagogik terminologik lug'atlar komponentlari o'zining bevosita nominativ ma'nosini saqlab qoladi (*pedagogik iboralar, lekin har doim ham o'zining bevosita nominativ ma'nosini saqlab qolmaydi*);
4. Pedagogik iboralar uchun xarakterli xususiyat neytral uslubga tegishli, shuningdek sinonimlarning yetishmaslik xususiyati.

Biroq, pedagogikaga oid terminologik iboralarning asosiy xususiyatlaridan biri sifatida sinonimiyaning yo'qligi haqidagi bayonot biz uchun unchalik ishonarli emasdek tuyuladi. Hatto bitta inglizcha leksikografik terminologiyani mahalliy o'rganish natijalari shuni ko'rsatadiki, 80foiz hollarda sinonimik atama bu pedagogik iboradir, bunday shakldagi lug'atlar pedagogika sohasida talaygina. Masalan:

academic dictionary - scholarly dictionary - *akademik lug'at - ilmiy lug'at*;

active dictionary - encoding dictionary - *faol lug'at - kodlash lug'ati*;

analytic definition - classical definition - *analitik ta'rif - klassik ta'rif*;

data collection - data gathering - *ma'lumotlar to'plash - ma'lumotlar yig'ish*;

Ingliz va o'zbek tillaridagi leksikografik atamalarning tahlili yana bir bor zamonaviy Yevropa terminologiyasining o'ziga xos xususiyati pedagogik terminologik lug'atlarda bir so'zli atamalarga nisbatan ustun ekanligini yana bir bor isbotladi. Ingliz terminologiyasida *bir so'zli maxsus birliklar* tanlangan birliklarning umumiy sonida juda kichik ulushga ega bo'lsa, tahlil qilinayotgan leksik massivdagi iboralarning ulushi taxminan 90foizni tashkil qiladi. O'zbek terminologiyasida *monoleksemik* maxsus birliklar tahlil qilingan atamalarning umumiy sonining taxminan 12foizni (ingliz tilida 10foizga nisbatan) tashkil qiladi.

Tilning leksik-semantik tizimining to'liq huquqli elementi bo'lgan atama turli xil birikmalarga kirish qobiliyatini ko'rsatadi, ular orasida barqaror va beqaror, ham idiomatik, ham noidiomatiklarni ajratib ko'rsatish mumkin. Ingliz tilidagi maxsus iboralarning muhim qismi komponentlarning nisbatan katta barqarorligiga ega bo'lgan erkin bo'lmagan frazeologik iboralardir va bunday barqarorlik pedagogik terminologik lug'atlarni tarkibiy qismlarining terminologik sohasi tomonidan mos kelishiga qo'yilgan cheklovlarning natijasidir.

Ingliz tili terminologiyasi uchun eng keng tarqalgan birikma atama turi ikki komponentli atributiv iboraga aylandi (*ikki komponentli pedagogik terminologik lug'atlar* - umumiy so'z birikmalarining 83foizi). Ikki komponentli atributiv ibora, asosiy elementdan iborat bo'lib, u, qoida tariqasida, nominativ holatda ot bilan ifodalanadi va nutqning ushbu qismlariga tegishli so'zlar bilan ifodalanishi mumkin bo'lgan aniqlovchi elementdan iborat. obyektlar, jarayonlar, holatlarning ma'lum xususiyatlarini ko'rsatishga qodir (sifatlar, qo'shimchalar).

Ingliz tili pedagogik terminlar leksikografikasiga mansub *ikki komponentli* atributiv so'z birikmalarining shakliy tuzilish xususiyatlarini hisobga olish quyidagi turlarni ajratib:

1. Ikki komponentli sifatdosh so'z birikmalarining dominant turi sifatdoshli terminologik so'z birikmalarining sifatdosh-substantiv modelidir. (714 tadan 352 birlik), masalan: **analogical dictionary**- analogik lug'at; **analytic definition**- analitik ta'rif; **canonical form** -kanonik shakl, **illustrative example**- tasniflovchi yorliq; Bunday iboralarning tuzilish formulasi **A + N** birikmasidir (bu ishda muallif ingliz tilidagi iboralarning strukturaviy turlarini ifodalash uchun ishlatiladigan umume'tirof etilgan qisqartmalar tizimiga amal qiladi: **N – ot; N's** – egalik holatidagi ot; **A - sifat; Ving;** -ing bilan tugaydigan fe'l shakli; **Ved** ; - ed bilan tugaydigan og'zaki shakli; **P - old qo'shimcha**). Maxsus iboraning bosh atributiv komponentining roli quyidagilardan iborat bo'lishi mumkinligi qayd etildi. 1) texnik bo'lmagan lug'atdagi sifatlar, masalan: *hard word, open corpus*. Bunday holda, butun pedagogik terminologik lug'atlarning qiymati juda shaffof va uni tashkil etuvchi komponentlar qiymatlari yig'indisidan iborat; 2) Maxsus lug'atning turli sohalariga mansub, ya'ni pedagogika sohasidan tashqari boshqa sohani ham qabrab oluvchi deb ta'riflash joiz, lekin asosan o'quvchilarning keng doirasiga tushunarli bo'lgan va o'zak ot

bilan birgalikda ma'nosi shaffof bo'lgan terminologik so'z birikmasini tashkil etuvchi sifatlar. Masalan: *primary definition*-birlamchi ta'rif; *regional dictionary*- mintaqaviy lug'at; *social label*- ijtimoiy yorliq; *alphabetical order*- alifbo tartibi. 3) O'zak ot bilan qo'shib, asosan pedagogik faoliyat sohasi bilan shug'ullanuvchi mutaxassislariga tushunarli iboralar hosil qiluvchi yuqori ixtisoslashgan sohaning sifatleri. Masalan: *special excerption*-maxsus ko'chirma; *syntagmatic dictionary*-sintagmatik lug'at; *extensional definition*-kengaytmali ta'rif;

2. Bir oz kamroq tarqalgani **atributiv iboralarning mazmunli modeli** bo'lib, bu yerda ot prepozitiv ta'rif sifatida ishlaydi, masalan, asosiy so'z, iqtibos fayli, yorlig'i hisoblanadi. Ingliz tili pedagogik terminlar leksikografikasiga ushbu modellar taxminan 225 ta birlikga guvoh bo'ldik. Strukturaviy formulasi **N + N** qisqartmasi (**ot + ot**) bilan ifodalangan iboralar zamonaviy ingliz leksikografik terminologiyasi tizimida osongina yaratilgan desak, adashmagan bo'lamiz. Bunday terminologik shakllanishlar qo'shma so'z va iboralarni bir-biridan ajratib turadi. **N + N** tipidagi ikki komponentli iboralarni tahlil qilishda asosiy strategik yo'nalish hisoblanib. Qo'shma so'zlar va iboralarni ajratishning eng ko'p eslatib o'tilgan mezonlari bu fonetik mezonidir. Masalan. Ingliz pedagogik terminlar orasida ko'plab uchraydigan- *uzluksiz talaffuz* yoki *bir urg'uli* atamalarni misol qilib keltirishimiz mumkin.

Ingliz tili pedagogik terminlar leksikografikasiga qo'shma so'zning integral shakllanishining birlamchi belgilari quyidagilar:

- 1) ta'limning yagona shakllantiruvchi asos sifatidagi xatti-harakati;
- 2) ta'limning yagona so'z yasovchi asos sifatidagi xatti-harakati;
- 3) ta'limning tarkibiy qismlarini har qanday boshqa so'z bilan ajratishning mumkin emasligi;
- 4) shakllanishning uzluksiz talaffuzi yoki uzluksiz imlosi;
- 5) bitta urg'uning mavjudligi¹.

Yuqorida ta'kidlangan **N + N** kabi iboralarni tahlil qilish quyidagilarni ko'rsatdi:

O‘zbeklarda tahlildagi paremiyaning mohiyati shundan iboratki, elga qo‘shilgan, uning og‘irini yengil qilishga tayyor kishilargina kelajakda unib-o‘sadi, o‘z eli ham ularni ardoqlaydi, olqishlaydi, obro‘-etibor qozonishida kamarbasta bo‘ladi. Eliga qayishmagan, undan xizmatini darig‘ tutgan kishilar hayotida ma‘no-mantiq bo‘lishi aslo mumkin emas. Chunki ular yashashi mumkindir, ammo xuddi bu dunyodan o‘tgan kishilar boqiy orom olishlari uchun yerga qo‘yilganidek, ular ham el uchun safdan chiqariladi, el xotirasidan o‘chadi, hayotda tirik bo‘la turib jonsiz vujudni ko‘tarib yurgandek faqat o‘zlari uchun umrini davom ettiradi. Qoraqalpoq xalqiga xos paremiyalarda ham ana shu mazmun mujassam. Ammo ta‘kidlash kerakki, qoraqalpoq xalq og‘zaki ijodiga oid yuqorida keltirilgan har ikki paremiyaning ikkinchi komponentida jer tushunchasi aks etgan. Demak, qoraqalpoqlar bu bilan o‘tmish davrlardan yerning inson bolasi uchun naqadar azizligini, yer barcha boyliklarning manbai ekanligini, yerga qarash, ishlov berish orqali undan kutgan hosilni olish mumkinligini, yer kishilar hayotining to‘kin-sochin, bekamiko‘st bo‘lishida muhim ahamiyat kasb etishini ta‘kidlashgan.

O‘zbek xalqida **Er bo‘l, er bo‘lmasang, qaro yer bo‘l** paremiyasi qo‘llaniladi. Qoraqalpoq xalqi tomonidan bu paremiya ozroq o‘zgargan shaklda, ya‘ni **Jigit bolsañ shoq bol, Shoq bolmasañ joq bol** tarzida ishlatiladi. O‘zbek xalqi qo‘llaydigan ushbu paremiya orqali otabobolarimiz yigitlarni, avvalo, haqiqiy inson bo‘lishga chorlashgan. Agar xalqiga dushman ko‘lankasi soya solgudek bo‘lsa, hech narsadan toymaslikka, hattoki, jonini jabborga berib bo‘lsa ham eli sarhadlarini tish-tirnog‘i bilan bosqinchilar hujumidan himoya qilishga, ana shunday vaziyatlarda hamisha mard, jasur, qo‘rqmas, botir bo‘lishga da‘vat etib kelishgan. Qoraqalpoqlar tomonidan ishlatiladigan paremiya o‘zbek xalq og‘zaki ijodi namunasiga aynan o‘xshamaydi. Biroq har ikki xalq paremiyalari mazmunan umumiylikni yuzaga keltiradi, deyish mumkin.

Qoraqalpoq xalqi ijodkorligi namunasi sifatida tahlildagi paremiyada yigitni hayoti davomida sho‘x bo‘lishga, so‘zamolligini namoyish etishga undash motivi aks etsa-da, uni konnotativ ma‘noda tushunish kerak. Garchi bu hayotda yashab, qo‘lidan barcha ishni amalga oshirish kelsa-da, mehnat qilishni aslo o‘ylamaydigan, hech kimga nafi tegmaydigan, doim boshqalar nazaridan qochib, pisib yuradigan, tepsa-tebranmas, hech kimga qo‘shilmaydigan va hech kim bilan sirlashishni afzal bilmaydigan shunday insonlar ham bo‘ladiki, ular na jamiyatga, na atrofida qilargalarga hech qachon manfaat keltirmaydi. Bundaylar qalbida erkaklik g‘ururi, jasurlik, botirlikdan asar ham bo‘lishi mumkin emas. Paremiya zamirida, avvalo, haqiqiy er yigit bo‘lsang, boshqalarga nafing tegsin, o‘zingning serharakatchanliging, atrofingdagilar bilan til topisha olish salohiyating bilan barchani e‘tirofiga sazovor bo‘l, el-yurt nazariga tush, agar bu narsa qo‘lingdan kelmasa, hayotda yashashingga ne hojat, degan ma‘no mujassam.

O‘zbek xalqi tomonidan **Er yigitning so‘zi o‘lguncha, o‘zi o‘lgani yaxshi** paremiyasi ham faol qo‘llaniladi. Qoraqalpoqlarda uning muqobili **Jigittiñ sózi gór bolgansha, Kózi gór bolsm** paremiyasidir. O‘zbek xalqi qadimdan o‘ziga, shuningdek, aytgan so‘ziga bek bo‘lib yashab kelgan. Aytilgan so‘z – otilgan o‘q, deganlaridek, har qanday kishi agar birovga so‘z berdimi, albatta, uni bajarishi kerak. Aks holda boshqalar oldida uning yuzi shuvut bo‘ladi, u o‘ziga nisbatan «lafzsiz» degan nom orttiradi. Hayotda boshqalar ishonchiga kirib, ularni aldab, avrab, har xil va‘dalar berib, qo‘lidan keladimi yoki yo‘qmi, sherigining qo‘ynini puch yong‘oqqa to‘ldirib yuradigan insonlar talaygina. Ular bunday xatti-harakati bilan o‘zgalar ishonchini suiiste‘mol qilayotganligini bilib-bilmasdan, va‘dasiga vafo qilmasdan hurmat-e‘tiboridan mosuvo bo‘ladi. Natijada tanish-bilishlari ularga nisbatan qo‘lini yuvib qo‘ltig‘iga uradi. Bu paremiyada so‘zida sobit turmaydigan, boshqalarni aldash bilan kun kechiradigan bunday kimsalarni bu yorug‘ dunyoda yashaganidan ko‘ra odamlar orasidan daf bo‘lishi, o‘lgani afzalligi ta‘kidlanadi.

Qoraqalpoqlar otabobolari ijodkorligi mahsuli sifatida qayd qilingan paremiya mazmuni sal boshqacharoq talqin etiladi. Ushbu paremiyaning har ikki komponentida ham gór konsepti

qo'llanilganki, aslida «gór» – «qabr» – jonsiz tana qo'nim topadigan makon. Paremiyadan ayon bo'ladiki, yigit va'da berdimi, uni so'zsiz ado etishi lozim. U o'z so'zida turmasa, boshqalarda xuddi jonsiz tana qabrga kirganidek, uning so'zi ham zulmatga ravona bo'ldi, o'ldi degan tasavvur shakllanadi. Shundan keyin el-ulusning unga nisbatan nafrati yanada oshadi. Kishilar oldida uning obro'-e'tibori bir pul bo'ladi. Paremiyada aynan shunday holat tasvirlangan. Ya'ni, so'z berib, uni bajarmaslikdan ko'ra hayotni tark etmoq afzal. Paremiyaning ikkinchi komponentidagi kózi gór bolsin birikmasini shunday izohlash mumkinki, hayotdan ko'z yumgan kishining borar joyi – qabrdir. Paremiyada sózi, kózi so'zlari ma'no jihatdan uyg'unlikni vujudga keltirib, kishining so'zi jonsiz vujud singari qabrdan qo'nim topgandan ko'ra uning o'zi o'sha qabrga kirgani yaxshi, degan tushuncha ifodalangan. Bu o'rinda kózi so'zi o'zi degan mazmuni anglatadi.

Qayd qilish joiz, xalqimizda yana bitta, ya'ni **Tog'ning ko'rki qor bilan, Erning ko'rki yor bilan** degan mazmunga ega paremiya uchraydi. Qoraqalpoqlar uning **Erkek – hayaldin kórki, Hayal – erkektin bórki** degan muqobilini ishlatadi. Har ikki xalq madaniyatiga mansub bu paremiyalar shaklan noo'xshash, ammo ular mazmuniga ko'ra muvofiq keladi, deyish mumkin. O'zbek xalqiga xos paremiya mohiyati shuki, baland tog' bir qaraganda yastanib yotgan katta-kichik toshlardan iborat holda kishilar diqqatini o'ziga tortmaydi. Chunki u qanchalik baland bo'lmasin, oddiy toshlar uyumidan qad rostlagan osmono'par tepaliklar ko'rinishida har kimda ham bir xil taassurot qoldiradi. Ammo tog'ning tepasini qoplab olgan oppoq qor kishida o'zgacha zavq uyg'otadi. Go'yoki tog'ni qoplagan qor to'y kuni kelinlar egniga kiyib olgan oppoq libos kabi tasavvur hosil qiladi. Uning go'zalligiga mahliyo bo'lib qaraydi kishi. Demak, oppoq qor tog'ga yanada ko'rkamlik baxsh etar ekan, bu hayotda erkak uchun ko'rkamlik in'om etuvchi nozik nihol – uning jufti haloli sanaladi. Chunki dunyodagi insonlar juft-juft qilib yaratilgan. Erkak va ayol umr bo'yi bir-biri bilan maslakdosh, hamfikir bo'lib yashashi farz. El-yurt oldida erkak obro'-e'tiborini ko'kka ko'tarilishida ayolning o'rni beqiyos. Bejizga xalqimiz «erni er qiladigan ham, qaro yer qiladigan ham xotin» deyishmaydi. Aqlli, dono ayol doim o'z eri martabasini o'ylaydi. Buning uchun uni qo'llab-quvvatlaydi, muvaffaqiyatlarga erishishi uchun madadkor bo'ladi. Shu nuqtayi nazardan, ushbu paremiyada ayol erkak kishi hayot yo'llarini charog'on qilib turadigan nozik xilqatligi tasvirlangan.

Qoraqalpoq xalqining paremiyasida boshqacharoq fikr umumlashgan. Unda erkak kishi ulug'langan. To'g'ri, ayolni baxtli-saodatli qilish uchun erkak javobgar. Erkak uyim-joyim, ayolim, farzandlarim deb, ular hayotini to'la-to'kis qilgan taqdiridagina oila mukammalligi ta'minlanadi. Aks holda, ya'ni erkak tomonidan o'z ayoliga jonsiz haykalday munosabat ko'rsatilsa, unga jabr, zulm o'tkazilsa, oxir-oqibatda bu oila parokandaligiga olib keladi. Xullas, paremiyaning dastlabki qismida erkak ayolning hayotida muhim rol o'ynashi ta'riflangan. Uning ikkinchi komponenti bevosita qoraqalpoq xalqining milliy-madaniyatiga daxldor. Bizga ma'lumki, bók qoraqalpoqlarning qadimiy bosh kiyimi. Qadimgi davrlardan ota-bobolarimiz boshidagi kiyimini, belidagi pichog'ini, nikohidagi xotinini birovga ishonmagan. Ularning har birini umri oxirigacha ko'z qorachig'iday asrashga odatlanishgan. Qoraqalpoqlardagi bu paremiya xuddi ana shu g'oya asosida shakllangan. Bosh kiyim qanday e'zozlanadigan bo'lsa, xotin kishi ham xuddi shunday e'tibor-u e'tirofga munosib deb hisoblangan. Shu tariqa ushbu paremiya vujudga kelgan, degan fikrdamiz.

Shuni ham ta'kidlash joizki, o'zbek xalqi **Er-xotin – qo'sh ho'kiz** degan mazmuni aks ettiruvchi paremiyani ishlatadi. Uning mohiyati shuki, qadimdan ota-bobolarimiz dehqonchilik jarayonida, yer haydash bilan bog'liq ishlarda chorva mollaridan foydalanishgan. Chorva mollari dehqon uchun qo'shimcha ko'makdosh kuch sifatida qo'l mehnati bilan bajariladigan barcha yumushlarni bir zumda nihoyasiga yetkazilishini ta'minlagan. Ikkita, ya'ni qo'sh ho'kiz omoch bilan haydaydigan yerning ko'lami bir ho'kiznikiga qaraganda ancha ortiq bo'lgan. Qo'sh ho'kizdan foydalanish dehqonga ish unumdorligini kafolatlagan. Shunga bog'liq holda, agar oilada er va xotin hamjihat bo'lib, bir yoqadan bosh chiqarib yashasagina barcha mashaqqatlarni yengib o'tishi va yorug', orombaxsh kunlarga yetishi muqarrar, degan ma'noda ushbu paremiya yaratilgan. Qoraqalpoqlarda uning muqobili uchramaydi.

O'zbek xalqida **Yaxshi xotin – umr boli, yomon xotin – jon zavoli** degan paremiya bor. Ushbu paremiyada yaxshi va yomon xotirlarning fe'l-atvori, yurish-turishi, eriga, boshqalarga tegadigan foydasi va zarari tasvirlangan. Darvoqe, yaxshi xotin oila tashvishlarini faqat eri gardaniga yuklab qo'ymasdan, unga ko'maklashadi. Erini butun hayoti davomida qo'llab-quvvatlaydi, ro'zg'orni u bilan teng tortishga odatlanadi. Yomon xotin esa dangasa, xushyoqmas bo'lib, uying saranjom-sarishtaligiga e'tibor bermaydi, u boriga qanoat qilmaydi, turmush tashvishlaridan doim eriga shikoyat qilib yashaydi. Shuning uchun yaxshi xotin bilan kun kechirish xuddi asal yegandek totli bo'lishi, yomon xotin bilan yashash esa umrning zavol bo'lishiga olib kelishi juda to'g'ri va haqqoniy qayd qilingan.

Qoraqalpoq xalqi orasida ham yaxshi yoki yomon xotinlar konsepti berilgan paremiyalar talaygina. Ular o'zbek xalq paremiyalariga aynan o'xshash bo'lmasa-da, mazmuniga ko'ra birmuncha yaqindir. Xususan, **Alganiñ jaman bolsa, ómiriñ xorliq, Mingeniñ jaman bolsa, qamshig'a zorliq** paremiyasida shunday mazmun aks etganki, jufti halol sifatida tanlaganing yomon bo'lsa, xudoning urgani. Hayoting faqat g'am-tashvishlardan iborat bo'ladi. Uning uyda ko'rsatadigan karomatlari o'z yo'liga, u sening qo'ni-qo'shnilaring oldidagi obro'yingni ham yer bilan yakson qiladi. Paremiyaning ikkinchi komponentida ushbu fikr uzviyligini ta'minlash maqsadida tamoman boshqa mazmun ifodalanganligi kuzatiladi. Bu o'rinda qoraqalpoqlarning asriy milliy xususiyati e'tiborga tushadi, ya'ni bu xalq azaldan chorvachilik, yilqichilikni yashash tarzining ustuvor qismi sifatida belgilanganligi ayon bo'ladi. Hozirgi kunga qadar ot, tuya, qo'y, echki boqish ko'pchilik qoraqalpoq oilalari hayotining ajralmas qismidir. Shunga muvofiq, paremiyaning keyingi komponentidan shunday ma'no anglashiladiki, yangi xarid qilingan yoki, aslida, boshqa birovga tegishli ot asov, yovvoyisifat bo'lsa, uning ustiga mingan kishiga otni jilovlash haddan ortiq mushkulot tug'diradi. Har qanday odam qo'lidagi qamchisi bilan uni qayta-qayta savalab, katta kuch sarflashiga to'g'ri keladi. Demak, ushbu paremiyaning dastlabki komponentida o'rta tashlangan fikr keyingi komponentda yanada mukammallik kasb etadi.

Qoraqalpoq xalqi ishlatadigan **Jaqsı bolsa qatınıñ, Kelip turar jaqınıñ, Jaman bolsa qatınıñ, Basıñnan keter aqılıñ** degan paremiya bundan oldingisiga mazmunan o'xshash. Unda, agar umr yo'ldoshing yaxshi bo'lsa, qarindosh-urug'laring, do'st-u birodarlaring yaxshi-yomon kunlaringda uyingga kelib-ketishni hech qachon kanda qilmaydi. Mabodo uning aksi bo'lib, yaxshilik alomatlari xotiningda kuzatilmagan ekan, nafaqat o'z yaqinlaringdan, hattoki, aqlingdan judo bo'lishing hech gap emas, degan tushuncha ifodalangan.

O'zbek xalqi orasida **Bir xotinning hiylasi, Qirq eshakka yuk bo'lar** degan paremiya mavjud. U qoraqalpoqlarda ham o'zbek tilidagi singari aynan bir xil mazmunga ega bo'lib, **Bir qatinnıñ mákkarlıgı, Qırıq eshekke júk bolar** tarzida ifodalanadi. Xotin zukko, yetti o'lchab bir kesadigan, oilasi, eri, farzandlarini o'ylab, ro'zg'orim deb yonib-kuyib yashasa, xonadoniga hamisha baraka yog'iladi. Agar xotin o'ta mug'ombir, hiylagar bo'lib, eri topgan-tutganini ko'kka sovurib, oila daromadlaridan faqat o'z manfaatlari yo'lida ishlatib, yolg'on-yashiq gaplarni ro'kach qilib, ro'zg'or but emas, kamchiliklar bisyor, deb eriga noliyveradigan holatlarga nisbatan ushbu paremiyani qo'llash mumkin. Shuningdek, oramizda ayrim yengil tabiat ayollar ham borki, ular ko'cha-ko'yda tilyog'lamachilik, hiylagarlik yo'li bilan boshqalarni chuv tushirish evaziga yashashni doimiy hayot tarziga aylantirib olishgan. Shundaylarning xatti-harakatiga baho berish asnosida ham ushbu paremiya qo'llaniladi. Darhaqiqat, xotinning makkorligi qirq eshakka yuk bo'ladigan darajada juda qimmatga tushishi qadimdan e'tirof etib kelingan. Hozirgi kunda ham xotin hiylasiga uchib, uning ayyorona tuzog'iga ilinganlarning bu hayotda baxti qaro bo'lib, oilasiga darz ketib, u yaqinlari, qo'ni-qo'shnilari, kasbdoshlari orasida mavqeidan ajralganligi isbot talab qilmaydigan haqiqatdir.

Xullas, paremiyalar xalqlarning qadimiy urf-odat, an'ana va qadriyatlarini, umuman, milliy-madaniy tushunchalarni obrazli aks ettirishga xoslangan. Shunga ko'ra ularga frazeologik birliklar kabi qarash hollari ham kuzatiladi. Biroq paremiyalarni o'ziga xos xususiyatlariga muvofiq frazemalardan farqlash kerak. Shuningdek, paremiyalarga folklor (xalq og'zaki ijodi) janri sifatida baho berilishi hamda ularni frazeologiya tarkibida talqin etilishi unchalik to'g'ri emas. Bu esa paremiologiyaning muayyan darajada chegaralanib qolishiga sababkor bo'ladigan holatdir. Umuman,

o‘zbek va qoraqalpoq tillari qadimgi davrlardan e‘tiboran bir-biriga hamohang madaniyat og‘ushida biri ikkinchisini oziqlantirib kelayotganligi ayni haqiqat. Buni yuqorida talqini berilgan, gender konsept aks etgan paremiyalar misolida ham ko‘rish mumkin. Demoqchimizki, azal-azaldan bir-biriga qarindosh ushbu tillarni ularning milliy-madaniy hamkorligi asosida o‘rganish natijasida tillararo va madaniyatlararo umumiy, shuningdek, xususiy jihatlar oydinlashadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Stoller R.J. Presentations of Gender. NewHeaven, 1985. –P. 45.
2. Брандт Г.А. Природа женщины как проблема: Концепция феминизма // «Общественные науки и современность», 1998. – № 2. –С. 167-168.
3. Пушкарёва Н.Л. Что такое гендер? // Гендерная теория и познание: материалы научно-практической конференции. – Сыткытвар, 2005. –С. 9.
4. Васькова О.А. Гендер как предмет лексикографического описания (на материале фразеологии): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006. 21 с.
5. Зыкова И.В. Гендерный компонент в структуре и семантике фразеологических единиц современного английского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. Москва: МГУ, 2002. 219 с.
6. Кирилина А.В. Гендерные аспекты языка и коммуникации: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Москва, 2000. 40 с.
7. Никольская В.А. Гендерные асимметрии и стереотипы в английской фразеологии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Н.Новгород, 2005. – 23 с.
8. Горошко Е.И. Особенности мужского и женского стиля письма // Гендерный фактор в языке и коммуникации: Сб. науч. Тр. МГЛУ. Вып. 446. – Москва, 1999. –С. 46-60.
9. Тухтасинов И.М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: УзГУМЯ, 2011. –С. 30.
10. Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг кийсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. фалсафа док-ри дисс (PhD). – Тошкент, 2011. –Б. 165.
11. Морозова А.А. Лингвокогнитивное содержание гендерных стереотипов женственности и мужественности (на материале испанского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд: СамГИИЯ, 2011. –С. 25.
12. Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларнинг шаклланиши: Автореф. дис. филол. фан. д-ри (DSc). – Тошкент, 2018. – Б. 29.

Наируза ф.ф.д. Г.Тоъжиева тавсия этган

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Рўзиева Х. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада ўзбек тили антропонимларининг бадий матндаги лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Бадий асарлардаги антропонимлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *ономастика, антропоним, тил бирликлари, лингвопоэтика, “тагматли антропоним”, лингвопоэтик таҳлил, бадий матн.*

Аннотация. В статье рассматриваются лингвопоэтические особенности антропонимов узбекского языка в художественном тексте. Анализируются антропонимы в произведениях искусства.

Ключевые слова: *ономастика, антропоним, языковые единицы, лингвопоэтика, «антропоним с тегом», лингвопоэтический анализ, художественный текст.*

Annotation. The article discusses the linguopoetic features of the anthroponyms of the Uzbek language in the literary text. Anthroponyms in works of art are analyzed.

Key words: *onomastics, anthroponym, language units, linguopoetics, “anthroponym with tag”, linguopoetic analysis, artistic text.*

Бадий матндаги антропонимлар ономастиканинг алоҳида ўрганилиши лозим бўлган қисмидир. Бунда тил бирликларини лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш воситасида ижодкорнинг бадий нияти ва асар қатламларидаги яширин маъноларни чуқурроқ англаш

мумкин. Антропонимларни ўрганишдаги зарур жиҳат уларнинг матн қатламлари билан алоқадорлиги масаласидир. Тилшуносликда бу “тагматли антропоним” термини билан изоҳланади¹. Бунда асар қаҳрамонининг характери ёритилиб борилади экан, антропонимга юклатилган маъно қўлами ҳам ойдинлашиб боради. Бадиий матндаги барча антропонимлар поэтик мақсадда қўлланилмаслиги мумкин, лекин антропонимлар муайян бир халқнинг исм қўйиш маданиятидан хабар беради. Антропонимларнинг ижодкор бадиий ниятига қай даражада хизмат қилиши лингвопоэтик тадқиқотлар орқали аниқланади. Чунки “лингвопоэтик таҳлилда бадиий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш ҳам муҳим тамойиллардандир. Бундай воситаларнинг лингвистик ва бадиий моҳиятини очиб бериш орқали бадиий мазмуннинг шаклланиши ва ифодаланиши механизмларини аниқ тасаввур қилиш мумкин”².

Улуғбек Ҳамдам ўз асарларида Пўлат, Севинч, Ёдгор, Тошхўжа, Самандар, Сабо, Шердил, Солиҳа сингари киши исмларини қўллайди. Айтиш мумкинки, ёзувчи бу сингари антропонимлардан ўз индивидуал интеллектини, ижодий маҳоратини юзага чиқариш мақсадида фойдаланган.

Одатда, антропонимлар бадиий адабиётда қўлланилганда, алоҳида маъноларни реаллаштириб келиши кузатилади. Мақсадли қўлланилган антропонимлар китобхоннинг асар ғоясини тушуниши, образларни тўғри талқин қилишига ёрдам беради. М.Йўлдошев таъкидлаганидек, “... маҳоратли ёзувчилар қаҳрамоннинг ҳаёти, тақдири ва руҳияти билан унинг исми ўртасида муштараклик ўрнатиш орқали бетакрор образлар яратишга ҳаракат қиладилар. Бу, албатта, ёзувчининг лингвопоэтик маҳорати ҳисобланади ва бундай ҳолатларни тадқиқ этиш орқали ёзувчининг поэтик оламига кириб бориш мумкин”³.

Ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “Ота” романидаги асар қаҳрамонига бежиз Пўлат исми танланмаган.

“ПЎЛАТ [ф. — жуда қаттиқ кулранг металл] 1 Темирнинг маълум миқдордаги углерод билан қўшилишидан ҳосил бўлган, кулранг, чўкичланувчи қаттиқ металл. Зангламайдиган пўлат. *Бе-е, менда пўлат нима қилади, тақсир. Эски тақалар, темир-терсақлар билан зўрга қимирлаб турибмиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шу металлдан тайёрланган, ясалган. Пўлат сим. Пўлат қайчи. Пўлат тиш. Пўлат пичоқ қинсиз қолмас. Мақол”⁴.

Сўзнинг луғавий маъносидан келиб чиқилганда, Пўлат исмининг маъноси пўлатдек мустаҳкам, ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера олиш имкониятини ўзида мужассам этиши ният этилганлигига ишора қилинади. Асар қаҳрамони бўлмиш Пўлат Отажоновнинг тақдири шундай ўқубатли ҳаётга бардош берганлиги ижодкор томонидан ёритилиб берилади.

“*Шу кетганча саккиз йилда уйга кириб борди Пўлат. Саккиз йилда-я! Ушанда 1953йил эди. Сталин ўлган йил. Ўлдик, чиқди. Йўқса, яна қанча ўтирарди Пўлатдек пўлатлар, пўлатойлар – ёлғиз Парвардигорга аён...*” У сабр-матонатда тенги йўқ рафикаси Ёғду билан ўн икки йил кўришмади. Узоқ йиллик айриликдан сўнг улар фарзандли бўлишади. “*Чақалоққа Севинч деб от қўйишди! Чунки севинчли эди улар! Минг йиллик гусса бор эди Ўткир аканинг оиласида. Шу учун севинайлик, севинчларга ётайлик деб севинчланишди. Қолаверса, бу оилада ўгил-қизларга туркона от қўйишарди*”.

Севинч исми шодлик, қувонч, бахтиёрлик, меҳрибон, хурсандчилик маъноларини англатади ва инсонга нисбатан ғам-ғуссадан холи, армонсиз, дардлардан фориғ ҳолда ҳаёт кечирсин деган ниятда қўйилади.

“**СЕВИНЧ** Хурсандлик хис-туйғуси; шодлик, қувонч. *Юрагида севинчи тўла, чопади қиз, қуш каби енгил. Т. Тўла. -Эҳ, маза! Маза! — Попук севинчидан қуёндай диконг-диконг сакради. Ҳ. Назир, Ёнар дарё*”⁵.

¹ Зиннатуллина Г. Функции антропонимов в произведениях А.Еники // Филология и культура. Philology and Culture. – М., 2012. – №1 – С.30.

² Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ...дисс. –Тошкент, 2009. –Б. 172.

³Йўлдошев М. Кўрсатилга диссертация. – Б. 255-256.

⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Учинчи жилд. Н – Тартибли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 328.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд – Б. 471.

Ҳаётнинг берилган аччиқ зарбалари туфайли бош қаҳрамон Пўлат ота рафиқаси Ёғдудан, ёлғиз қизалоғи Севинчдан ажралади. Умрининг охириги йилларида қизидан қолган ёлғиз ёдгорлик – набираси Ёдгоржон билан яшайди. ”– Ёдгор!.. Ёдгорбек! – деб кўрди у илк бор бу исми тилга олиб. Исм аллақандай ширин туйилди. Худди унинг ҳар бир ҳарфига бол суриб қўйилгандек. Тагин такрорлади: – Ёдгоржон!.. Исмни такрорлар экан, Пўлат отанинг юрагига аллақандай маъно тўла бошлади. У неча замондир маънодан ҳоли эди”.

Асарда эпизодик образларга танланган исмларга эътибор қиладиган бўлсак, танланган образлар исми ҳатто характериғача очиб берилган: ”Тошхўжа аканинг авлодаждоди хўжалардан саналса-да, бу пайтга келиб айнан у кишимнинг ўзи бир бечора колхозчи одамга айланиб қолганди. У оилада тўнғич фарзанд бўлиб, исмини гоҳ Тошхўжа, гоҳ Бошхўжа деб айтар, ҳатто шундай майда-чуйда қитмирликлардан ҳам завқ оладиган ажойиб девона одам эди. Маҳаллада ўзига хос феъли-хўйи, бошидан ўтган саргузаштларни гоҳат қизиқарли ҳикоя қилиб бериш санъати билан роса танилган одам эди ўзиям... ана, Амир Темурнинг аскаридек бўлиб, бутун зал унга маҳлиёю мубтало боқиб ўтирган бўлса, яна нима керак?! Бундай эътибор, бундай муносабат яна қайда бор!.. Қандингни ур, Тошхўжа, даврингни сур Бошхўжа!..”

Тошхўжа исмининг маъноси –хўжалар авлодига мансуб шахс, тошдек маҳкам ва умрининг узоқ бўлиши ният қилинган шахс. Демак, бу ном шахсга наслу насабнинг юқорилиги билан бирга, мустаҳкам саломатлик ҳамда узоқ умр тилаш мақсадида қўйилган.

Ёзувчи Эмил Золя бир мактубида бадий асар қаҳрамонлари исмининг аҳамияти ҳақида шундай ёзган эди: ”Исмлар бизнинг кўз ўнгимизда гўёки қаҳрамоннинг қалби. Ҳатто исм орқали қаҳрамон характери кўришга ҳаракат қиламиз”¹.

Маълумки, киши исмлари миллий тафаккурнинг, халқ ҳаёт тарзининг, орзу ва истакларининг таржимони бўлиб, гоҳат ранг-баранг, кенг фаолият майдонига эгадир. Бу сўзлар номлаш вазифасидан ташқари исм соҳибига муносабатни ҳам ўзида акс эттиради. Киши исмлари бадий адабиётдаги қўлланилиши ҳам фақатгина қаҳрамонларни номлашга эмас, балки ижодкорнинг турли бадий мақсадларини ифодалашга хизмат қилади². Номларнинг мазкур вазифаси тилшунослар диққатини ҳам жалб қилганини кўриш мумкин. Жумладан, А.Нурмонов шундай ёзади: ”Бадий адабиётда қаҳрамонларнинг характериға мос исм танлашга ҳаракат қилинади. Масалан, “Тоҳир ва Зухро” достонида Тоҳир – покиза, нуқсонсиз; Зухро – нурли, кўркам; нияти қора бўлган қаҳрамонга эса Қоработир деб от қўйилади. Кўринадики, исм инсоннинг ўз зурриётига бўлган орзу-ниятининг дебчаси, бадий асарларда эса қаҳрамон характериға ишорадир. Демак, исмда гап кўп. Исмнинг тилсимини очиш, маъноларини белгилаб бериш катта аҳамиятга эга”³.

Улуғбек Ҳамдам қўллаган антропонимларни тарихий этимологик қатлам (ТЭҚ)га кўра қуйидаги туркумларга бўлиш мумкин:

Туркий: *Севинч*.

Эроний: *Пўлат, Ёдгор, Шердил, Самандар*.

Арабий: *Сабо, Солиҳа*.

Аралаш (туркий+арабий): *Тошхўжа* бўлиб, ўзбек исмлари мазмунан ёркинликдан кўра “сирллик” белгиларинг устунлигини таъминлаш учун қўйилганлигини англаш қийин эмас.

Улуғбек Ҳамдамнинг “**Сабо ва Самандар**” романида эса *Самандар, Сабо, Шердил, Бақир, Соллиҳа* сингари антропонимлар қўлланиб, номинатив-белги семалари билан поэтик хусусиятни намоён қилган.

Самандар – афсонага кўра, гўё ўт ичида туғилдиган ва ўтда яшайдиган махлук (434).

Сабо – шарқий шамол; ёшлик (410)

Шердил – ботир, кўркмас, жасур.

Солиҳа – хушахлоқ; яхши, очиқ кўнгилли; яхши, эзгу; фойдали; тўғри (547).

¹Письмо Э. Золяде Сиону (29 января 1882 г.) // Лит. учеба. – М. 1940. – № 8 – 9. – С. 34 – 35.

² Анданиёзова Д. Бадий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2017. – Б.14.

³ Бу ҳақида қаранг: Нурмонов А. Танланган асарлар. ИИИ жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 286.

Ёзувчи бу исмларни сўзнинг апеллятив имкониятларини зоҳир этибгина қолмасдан, унинг ижобий кўчма маъноларини ҳам ҳисобга олган, ҳамда танланган киши исмлари уларнинг ижобий хусусиятлари билан муштараклик хусусиятларини зуҳур этган.

Маълумки, ономастик бирликлар бадий матнда ономастик метафора, аллюзив ном, «сўзловчи» ном каби лингвопоэтик вазифаларда келади. Шунингдек, бу бирликлар ижодкорнинг субъектив муносабатини ифодалаб келувчи, матнни шакллантирувчи восита ҳамдир. Номларнинг юқоридаги вазифалари бадий матнда бошқа лингвопоэтик воситалар қаторида муҳим аҳамият касб этади¹.

Ономастик бирликлар ҳам бадий матнда метафорик маънода қўлланиши мумкин. Метафоранинг бу тип бирликлар билан намоён бўлиши ономастик метафора деб юритилади ва у муайян ономастик бирликни ном бўлмаган бошқа сўз ёки сўз бирикмаси аниқлаб маъно ўрнида қўллашга асосланади. Масалан, **Сабо** исми тонг ели, шабадаси; ёқимли, мулойим ёки саҳар пайтида туғилган бола маъносини билдиради. Асарда ушбу исмнинг маъноси қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиқ берган ўринларни учратишимиз мумкин.

Шердил антропоними эса форс-тожикчада шерюрак, жасур, кўркмас, довурак деган маъноларни билдиради. Шердил – улуғ ишларга муносиб, унга интиланган ва интилишларини қай даражададир амалга ҳам оширган йигит тимсоли. Маълумки, бадий матнда қўлланиладиган антропонимларга соф лингвистик назарияларни исботлаш учун керак бўладиган материал бўлмай, улар, энг аввало, ёзувчининг бадий ниятига, асарнинг умумий поэтикасига хизмат қилади. Негаки «бадий матн ижодкорнинг дунёни, воқеликни образли эстетик идрок қилиши маҳсули сифатида пайдо бўлади. Бадий матннинг яратилиши ҳам, унинг ўзи ҳам, бадий бутунлик сифатида ўқувчи томонидан тушунилиши, идрок этилиши ҳам мураккаб эстетик фаолиятдир»².

Ёзувчининг бадий нияти асарнинг умумий поэтикасининг метафорик қийматини белгилашда **Бакир** антропоними ҳам ўзига хос номинатив-услубий бажарган. Яъни Бакир «бўталокнинг онаси» ёки айбсиз, гуноҳсизнинг ростгўйнинг отаси» маъносини ташиши билан бирга, ижодкор кўзлаган семантик мақсадни – шу ном остида шаклланган шахс характерида мунислик, беозорлик, хокисорлик семалари устунлик қилишининг ифода манбаи бўлган.

Умуман олганда, топонимлар бадий матнда хилма-хил лингвопоэтик хусусиятни намоён қилиб, ёзувчининг бадий ифода имкониятларига қўлам бағишлаган, матннинг эстетик таъсир қувватини оширадиган восита сифатида лингвопоэтик мақсадни шакллантирган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар икки бадий асардаги антропонимларни муаллиф шунчаки танлаб қўймаган, ҳар бир асар қаҳрамони исми орқали ўқувчига ижодкорнинг турли бадий ниятларини ёритишга хизмат қилишга эришган, шунингдек, қаҳрамонлар исмлари антропологик мазмунга мос характерга эгаллиликни намоён этувчи ричаг бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зиннатуллина Г. Функции антропонимов в произведениях А.Еники // Филология и культура. PhilologyandCulture. – М, 2012.
2. Yo‘ldoshev M. Badiiy matnning lingvopoetik tadqiqi: Filol. fan. d-ri. ...diss. –Toshkent, 2009.
3. Andaniyozova D. Badiiy matnda onomastik birliklar lingvopoetikasi: Filol. fan. nomz. ...diss. – Tashkent, 2017.
4. Nurmonov A. Tanlangan asarlar. III jild. – Toshkent.: Akademnashr, 2012.
5. Begmatov E. O‘zbek tili antroponimikasi. –Toshkent: Fan, 2013.
6. Begmatov E., Kenjayeva S. O‘zbek ismlari ma’nosi. – Toshkent:Fan. 2007.

Наируза ф.ф.д. Г.Тожиёва тавсия этган

¹Анданиёзова Д. Кўрсатилган манба. – Б.12.

²Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. ...д-ри. дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 163.

ПРАГМАТИК ТРАНСПОЗИЦИЯ ҲОДИСАСИ ЁХУД СЎРОҚ ГАПЛАРДА ПРАГМАТИК КЎПМАЪНОЛИЛИКНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ**Жуманов В. (ҚарДУ)**

Аннотация. Сўроқ гаплар прагматик транспозиция ҳодисаси туфайли улар доирасида юзага келадиган сўроқ гапларнинг тасдиқ ёки буйруқ нутқий актлари вазифасида келади. Матн шароитига кўра сўроқ семаси нейтраллашиб, хабар бериш ва ҳаракатга ундаш маънолари фаоллашади ва прагматик кўпмаънолиликни юзага келтиради.

Калим сўзлар: транспозиция, прагматика, иллокуция, сема, кўпмаънолилик.

Аннотация Вопросительные предложения, благодаря явлению прагматической транспозиции, выступают в качестве утвердительных или повелительных речевых актов. В соответствии с контекстом текста нейтрализуется вопросительная сема, активизируются значения уведомления и действия, порождает прагматическую многозначность.

Ключевые слова: транспозиция, прагматика, иллокуция, сема, многозначность.

Abstract Interrogative sentences, due to the phenomenon of pragmatic transposition, act as affirmative or command speech acts of interrogative sentences that occur within them. According to the context of the text, the interrogative sema is neutralized, the meanings of notification and action are activated, and generated pragmatic polysemy.

Key words: transposition, pragmatics, illocution, sema, polysemy.

Транспозиция ҳодисаси тилшунослар томонидан узоқ пайтлардан бўён эътироф этилиб келинаётганлигига қарамасдан, ҳозиргача аниқ тавсифга эга эмас.

Анъанага биноан, тил бирликларининг умумий мазмунини сақлаган ҳолда грамматик маъносининг ўзгариши транспозиция ҳодисаси сифатида талқин қилиниб келинмоқда [Степанов1981:185]. Бошқача ёндашувга асосан транспозиция тил бирлигининг бир категориядан бошқасига кўчишидир [Кубрякова 1974:64; Балли 1955:278-279]. Бунда кўчиш вазияти, сўзсиз, тил бирлиги маъносининг ўзгаришига олиб келади.

Буни сезган Ш. Балли, “транспозиция” атамасини қўлланишга киритаётиб, ушбу ҳодисани функционал ва семантик турларга ажратишни таклиф қилган эди. Функционал транспозиция лисоний белгининг ўз семантик мундарижасини тўлиқ сақлаган ҳолда, грамматик маъносини ўзгартириш йўли билан бошқа лексик категориянинг синтактик вазифасини бажаришида намоён бўлади. Иккинчи турдаги транспозиция ҳолатида эса, грамматик вазифа кўчиши билан бир қаторда мазмун ҳам ўзгаради [Балли 2001:131-132].

Равшанки, ҳар иккала ҳолатда ҳам транспозиция бевосита синтагматика билан боғлиқдир. Лекин, транспозициянинг ситаксис билан боғлиқ жиҳатлари устувор бўлишига қарамасдан илмий адабиётларда тўлиқ ёритилмаган.

Бу масаланинг прагмасинтаксис нуқтаи назаридан ўрганилишида транспозиция грамматик қурилмаларнинг маълум мулоқот вазиятларида кўчма ёки бошқа маънода қўлланилиши аниқланади. Албатта, бундай маъно кўчиши маълум бир коммуникатив вазифани бажаради. Нутқий тузилмаларнинг прагматик транспозицияси у ёки бу иллокутив турдаги тузилмаларнинг уларга хос бўлмаган прагматик вазифа ижросига тортилишидир.

Синтаксис сатҳининг асосий бирлиги бўлган гапнинг семантик структураси поғонали тузилишга эга ва бу структурада асосий, бирламчи ва иккиламчи маъноларни фарқлаётган тадқиқотчиларнинг (Ломтев 2007; Арутюнова 2007) ишларида мазмуний қатламлашув қайд қилинади [Москальская 1981: 38]. Жумладан, анъанавий равишда фарқланадиган дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар маълум ҳолатларда бир хил коммуникатив вазифани бажаради. Масалан, шаклан тасдиқ гаплар савол ёки буйруқ мазмунини олиши, савол гаплар эса, ўз навбатида, тасдиқ, илтимос, инкор мазмунини ифодалаши кузатилади. [Шомаҳмудова 2019:57] Қиёсланг:

Would you like something to drink ease your throat a little? [J.Hoffenberg, p. 132].
(ҳаракатга ундаш, таклиф);

What difference does it make? They're both the same—six of one and half a dozen of the other.[SDAI, p.610] (инкор);

Will you get a glass of water, please? [N.Bawden, p. 84] (илтимос). Маъно структурасининг бундай поғоналашуви синтактик қолип вазифаларининг бир текис бўлмаслиги билан боғлиқдир. Гап семантик структурасида намоён бўладиган нотекисликларни кузатган тадқиқотчилар “бирламчи” ва “иккиламчи” маъноларни фарқлаш тарафдоридирлар. “Бирламчи” ва “иккиламчи” маъно ғояси Е.Куриловичга (1962) тегишли бўлсада, у кейинчалик бошқалар томонидан қатъийлаштирилди. Иккиламчи функция грамматик транспозициянинг самараси бўлиб, маълум лексик-грамматик камровни талаб қилади. Савол гапларнинг бирламчи вазифаси–ахборот сўровидир ва унинг асосий ифода воситаси сўз тартибининг ўзгартирилишидир. Жумладан, гап тарихига нот элементининг қўшилишида сўров инкор мазмунини олади: *Don't you think about me now?* [N.Bawden, p.132]; *Won't you knit me pullover?* [T. Dialogues, p.6]; *Aren't you about to finish with dishes?* [J.Hoffenberg, p.339].

Бу турдаги гапларда сўров мақсади аниқ ифдаланган ва шу сўровга жавоб талаб қилинади. Сўроқ диалог вазиятини туғдириб, адресатнинг жавоб бериши нутқий актнинг бевосита шартидир. Бундай тузилмалар, одатда, савол гапларнинг намунавий модели сифатида қаралади. Нутқий мулоқот жараёнида ушбу намунавий моделларнинг фаоллашуви контекст ва оҳанг ёрдамида юзага келади. Бундан ташқари, тузилманинг луғавий-грамматик таркиби ҳам мазмун ифодасида ўз ўрнига эга. Масалан, юқорида келтирилган мисолларда *any*, *anybody* олмошларининг мавжудлиги гапларнинг инкор мазмунини бўрттиради. Ушбу турдаги олмошларнинг сўроқ ва инкор гапларида кенг миқёсда қўлланиши инглиз тили грамматикаларида қайд этилган. Бундай қўлланишда *any*, *anybody*, *anything* каби олмошлар маъноларини ўзгартириб, инкор маъносини касб этадилар. Худди шундай маъно фаоллаштирувчи ролини *ever*, *at all*, *yet* каби равишлар ҳам бажариши мумкин (Huddleston 1995). Аммо, сўроқ гапларда кечадиган семантик транспозиция жараёнида ушбу равишлар ҳеч қандай вазифани ўтамайдилар. Масалан: *Haven't you ever seen her? Isn't he back yet? Don't you know him at all?*

Келтирилган гапларда равишлар гапдаги инкор маънони кучайтириш вазифасини ўтайди. Улар бажарилаётган ҳаракат ёки берилаётган сифатнинг турлича даражаланишини ифодалайдилар. Сўроқ гапнинг тасдиқ, буйруқ нутқий актлари контекстида қўлланиши иккиламчи вазифанинг фаоллашув натижаси, деб ҳисобланади. Юқорида айтилганидек, иккиламчи вазифа семантик ва функционал транспозиция натижасидир. Иккиламчи вазифа лисоний бирлик коммуникатив қиймати (communicative value) ўзгаришига сабаб бўлади. Маъно доирасидаги функционал кўчиш нутқий тузилма мазмуннинг унинг таркибидаги унсурлар йиғиндисидан иборат эмаслигидан дарак беради. Бундай шароитда, одатда, сўроқ гаплари маъно структурасидаги сўроқ семаси кучсизланади ва сўроқ гапларни бошқа турдаги тузилмага хос бўлмаган вазифаларнинг фаоллашуви масалан, дарак ва буйруқ гаплар билан синонимия муносабатига киришиши кўпмаъноликни юзага келтиради [Валимова 1978:24]. Транспозициянинг ўзиёқ синонимия даражасини ва хусусиятини белгилайди, зотан ушбу тузилмаларнинг синонимик қаторини ташкил қилиши улар маъносининг тўлиқ мос келиши билан эмас, балки умумий семанинг ҳосил бўлиши билан белгиланади.

Функционал кўчишнинг юзага келиши мулоқот муҳитида асосий сема бўлган сўроқ маъноси ўз қийматини йўқотиб, ёндош маънолардан бири устуворликка эришиши мумкин. Бунда турли тузилмалар бир хил мазмунни ифодалаш қобилиятини намоён қилади. Бинобарин, сўроқ гапларнинг тасдиқ ёки буйруқ нутқий актлари матнида қўлланишида сўроқ семаси нейтраллашиб, хабар бериш ва ҳаракатга ундаш маънолари фаоллашади.

Oh! "How can I be sure of anything at this point?" She said in a tired voice [E. Forber, p. 73].

Ушбу диалогик фикр алмашинувида сўроқ семасининг нейтраллашуви ва хабар бериш семасининг фаоллашуви натижасида прагматик кўчиш ҳодисаси кузатилади. Фикримизча, бу ерда нейтрализация икки босқичда кечмоқда: сўроқ/хабар ҳамда тасдиқ/инкор қарама-қаршиликларида. Биринчи коммуникант (сўзловчи) сўроқ воситасида ахборот олиш мақсадини кўзлаётгани йўқ, у тингловчига мурожаат қилаётиб, фикрининг тасдиқланишини олдиндан билишини маълум қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, сўроқ гаплар прагматик транспозицияга кескин даражада мойиллиги туфайли улар доирасида юзага келадиган сўроқ гапларнинг тасдиқ ёки буйруқ нутқий актлари матни қўлланишида сўроқ семаси нейтраллашиб, хабар бериш ва ҳаракатга ундаш маънолари фаоллашади ва прагматик кўпмаънолилики юзага келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл.–М.: URSS, 2007. – 383с.
2. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Изд. 2. –М.: URSS, 2001. – 416 с.
3. Валимова Г.В. Синонимия вопросительных предложений // Вопросы синтаксиса русского языка. – Ростов н/Д.: 1978. – С. 28-31.
4. Кубрякова Е. С. Деривация, транспозиция, конверсия// Вопросы языкознания, 1974 №5. – С.61-68.
5. Кукаркина Н. А. Речевая этика и вежливость. Русская словесность. – 2011. – № 4. – С. 60-69.
6. Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории. – М.: URSS, 2007. –200 с.
7. Москальская О.И. Проблемы системного описания синтаксиса. –М.: Высшая школа, 1981. – 175 с.
8. Степанов Ю.С. Имена, предикаты, предложения. – М.: Наука, 1981. – 361 с.
9. Шомахмудова А.Ф. Бевосита нутқий актларни мулоқот матнида воқеалаштирувчи этнопрагматик омиллар. Филол. фан. бўйича фалсафа докторидисс. – Самарқанд, 2019. – 164 б.
10. Huddleston R. Introduction to the Grammar of English. – Cambridge: Cambridge University Grammar, 1995. – 483 p.
11. Bawden N. Anna Apparent. – Great Britain: Penguin Books, 1976.– 214p.
12. Forbes E. Paul Revere and the world he lived in. – Boston: Houghton Mifflin Company, 1988. – 510 p.
13. Hoffenberg J. The Desperate Adversaries. – USA: Avon Books, 1976. – 472 p.
14. Серафимова М.А., Шаевич А.М. Topical Dialogues. – L.: Prosveshcheniye, 1967. – 192 p.
15. SAID – Speare R.A. NTS's American Idioms Dictionary.– Lincolnwood, USA.: – 2008. – 363 p.

Наширға проф. Б.Менглиев тавсия этган

NEYROLINGVISTIKA VA TILNING BUZILISHI

Masharipova Sh., Bahodirova F.B. (UrDU)

Annotatsiya. Maqolada Neyrolingvistika til va muloqotning miya faoliyatining turli jihatlariga bilan bog'liqligini o'rganadigan fan ekanligi shuningdek, til va miya munosabatlari bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar natijalari to'g'risidagi fikrlar yoritib berilgan.

Tayanch so'zlar: *neyrolingvistika, afaziya, til buzilishi, lingvistik jihat, fanlararo tilshunoslik, chap yarim shar.*

Аннотация: В статье отражены мнения о том, что нейролингвистика является наукой, изучающей взаимосвязь языка и диалога с различными аспектами деятельности мозга, а также о результатах проведенных исследований по языковому и мозговому отношениям.

Ключевые слова: *нейролингвистика, афазия, нарушение речи, лингвистический аспект, междисциплинарная лингвистика, левое полушарие.*

Abstract: The article highlights the fact that Neurolinguistics is a science that studies the connection of language and communication with various aspects of the brain, as well as the results of research on the relationship between language and the brain.

Key words: *neurolinguistics, aphasia, language disorder, linguistic aspect, interdisciplinary linguistics, left hemisphere.*

Psixolingvistikaning jadal rivojlanishi quyidagi kichik fanlardan iborat: “Nazariy psixolingvistika” (tildan foydalanishda inson psixik jihatlariga e’tibor qaratadi), “O’sish va rivojlanish psixolingvistikasi” (birinchi va ikkinchi tilni o’zlashtirishga e’tibor qaratadi), “Ijtimoiy psixolingvistika” (tilning ichki bog’lovchi sifatidagi ijtimoiy jihatlariga), “Ta’lim psixolingvistikasi” (til va til o’qitish), “Eksperimental psixolingvistika” (til faoliyati va og’zaki xatti-harakatlar tajribalari bo’yicha), “Nevrologik psixolingvistika” (til, qo’llaniladigan til va inson miyasi haqida), “Amaliy psixolingvistika” (psixolingvistikaning barcha kichik fanlarini ta’lim, nevrologiya, psixiatriya, adabiy

tanqid va aloqa kabi boshqa sohalarda qo'llash). Psixolingvistikaning ushbu kichik fanlari 1953 yilda psixolingvistikaning paydo bo'lishi tufayli o'z-o'zidan rivojlanadi.

Psixo-nevrologiya yoki neyro psixolingvistika ham yaxshi yo'nalishda rivojlangan. Nevrologlar ko'pincha inson miyasi tilga kiritilgan ma'lumotlarni qayta ishlash va til chiqishini dasturlash jarayoni haqida so'rashadi. Boshqa tomondan, tilshunoslar, agar kimdir miya kasalliklari tufayli til buzilishidan aziyat cheksa, yuzaga keladigan og'zaki jihatlarni o'rganishga jalb qilindi. Til va miya munosabatlari bo'yicha ko'proq tadqiqotlar olib borildi. Bundan tashqari, Vernik Broka tomonidan topilgan ekspressiv afaziyaning retseptiv afaziya bilan farqini tushuntirgan birinchi tadqiqotchidir. Ekspressiv afaziya odamning so'zni tushunish qobiliyatiga olib keladi, lekin uni to'g'ridan-to'g'ri aytish qobiliyatiga ega emas. Bundan tashqari, retseptiv afaziya bilan og'rigan odamlar so'zni tushuna olmaydilar, lekin ular noto'g'ri grammatik qoidalarda gapirish qobiliyatiga ega. Vernik miyaning chap yarim sharidagi temporal loblarning shikastlanishi bilan retseptiv buzilishning aloqasini ko'rsatadi. Brokaning ta'kidlashicha, ekspressiv afaziya motor korteksi bilan yopilgan hududlarning shikastlanishi tufayli yuzaga keladi, Vernikning so'zlariga ko'ra, retseptiv afaziya chap miya yarim sharining orqa qismidagi eshitish po'stlog'i bilan yopiq hududlarning shikastlanishi natijasida yuzaga keladi. Bu korteks barcha ovoqli stimulyatsiya va nutqni tartibga soladi. Ikkala nevrolog Broka va Vernik miya funksiyasining lokalizatsiyasini va uning til buzilishi bilan bog'liqligini o'rganadilar. Broka uning yonog'iga chuqur bostirib kirilgan va peshonasidan chiqib ketgan temir panjara portlashi oqibatida jiddiy jarohat olgan fabrika ishchisi Pinkas P. Geyjni topdi. Bu ishchi voqeadan 12 yil o'tib omon qoldi. Unda hech qanday fikrlash buzilishi yo'q edi, lekin u grammatik jihatdan til buzilishini ko'rsatdi. Uning munosabati ham ba'zi o'zgarishlarga duch keldi, u ko'proq hissiyotli, kamroq sabrli va g'azabga to'la bo'ldi. Bu holat chap va o'ng yarim sharlar tomonidan boshqariladigan boshqa miya funksiyasi mavjudligini isbotlaydi. Miyaning chap tomonidagi jiddiy shikastlanish til qobiliyatiga putur etkazadi, miyaning o'ng tomonidagi shikastlanish esa insonning til qobiliyatiga hech qanday ta'sir qilmaydi. Shunday qilib, til funksiyasi inson miyasining chap yarim shari tomonidan tartibga solinishi aniq. Miyaning ikkala yarim sharlari ham har xil funksiyalarga ega, ammo til nuqtai nazaridan ularning funksiyasi bir-birini qo'llab-quvvatlaydi. Tilning grammatik qoidalar bo'yicha segmental funksiyasi miyaning chap yarim shari tomonidan tartibga solinadi, ammo miyaning o'ng yarim shari tomonidan boshqariladigan ohang va intonatsiya kabi segmentlardan yuqori jihatlarsiz til hech qanday ma'noga ega emas. Muloqot uchun tildan foydalanish hissi, ma'no va inson nutqining boshqa kommunikativ komponentlari kabi boshqa pragmatik jihatlar bilan ham nazorat qilinadi. Inson miyasining o'ng yarim shari bu funktsiyani tartibga soladi. Ushbu hodisa insonning hissiy qismi miyaning o'ng yarim sharining funksiyasiga asoslanganligini ko'rsatadi (DharmaperwiraPrins, 2004). Ba'zi hollarda miyaning o'ng yarim shari chap yarim sharning ba'zi funksiyalarini o'z zimmasiga olishi mumkin. Gap chap qo'l odamlar bilan sodir bo'ladigan kabi, o'ng yarim sharning chap yarim sharning to'liq funksiyasini o'z zimmasiga olishi haqida emas. Aniqrog'i, o'ng yarim shar miyaning chap yarim shari tomonidan boshqariladigan tilni idrok, his-tuyg'u va tildan foydalanish usullari bilan bog'laydi. Shuning uchun neyro-psixolingvistika nihoyat neyrolingvistika deb nomlandi. Bu davr nevrologlar va tilshunoslarning inson miyasi va tilini kuzatish bo'yicha birgalikdagi tadqiqotlari boshlanganidan beri boshlandi.

Shu sababli, inson hayotida og'zaki va og'zaki bo'lmagan muloqotni o'z ichiga olgan yaxshi muloqot uchun ikkala yarim shardan foydalanish talab qilinadi. Og'zaki muloqot insonning tildan foydalanish qobiliyati bilan qo'llab-quvvatlanadi, ammo ko'pchilik odamlar bir xil malakaga ega emaslar. Oddiy va anormal til qobiliyati ham mavjud. Bu har qanday holatda ham bor. Tildan foydalanishda me'yoriy bo'lish tilni grammatik jihatlar, ohang va intonatsiya kabi to'g'ri lingvistik qoidalarda ishlata bilish bilan tengdir. Boshqa tomondan, g'ayritabiiy bo'lish - bu nevrologik hujayralardagi buzilishlardan va individual darajada muloqot va o'zaro ta'sir qilish uchun tildan foydalanishni tartibga soluvchi psixologik jihatlardan azob chekishdir. Bu g'ayritabiiy deb ataladigan narsa, shuningdek, oddiy inson kontekstida qobiliyatsiz bo'lishni anglatadi. Bu aloqada muvaffaqiyatsizlikka olib keladi.

G'ayritabiiy til ishlatadigan odamlar jamiyatda raqamlarda topilgan. Bu anormallik jiddiy shikastlanish natijasida miya ichidagi til sohalarida nevrologik shikastlanish, artikulyar organlarning shikastlanishi va stress kabi ba'zi omillar tufayli yuzaga keladi. Bundan tashqari, inson miyasining chap va o'ng yarim sharlaridagi disfunktsiya og'zaki va og'zaki bo'lmagan ifodalarda ko'plab buzilishlarni keltirib chiqaradi. Ushbu buzilishlar aloqani buzadi. Ushbu texnologiya davrida og'zaki va hissiy kasalliklarni keltirib chiqaradigan omillar mavjud bo'lib, ular til va nutqning buzilishiga olib keladi. Aslini olganda, neyrolingvistika bu buzilishlarni lingvistik va nolingvistik jihatlarni o'z ichiga olgan kengroq kontseptual spektrda kuzatish va o'rganish uchun fandır.

Neyrolingvistika shuningdek, til nevrologiyasi, ma'nosi, tilni tushunish va qayta ishlash bo'yicha inson miyasi funktsiyalarini o'rganadigan fanlararo tilshunoslik deb ta'riflaydi.

Ushbu intizom tilni tushunish va ishlab chiqarishdagi buzilishlarni ham o'rganadi. Bu soha og'zaki ifoda va muloqot qobiliyati orqali til belgilarini tushunishdan oldin tilni qayta ishlashda odatda talab qilinadigan inson miya tuzilmalarini tushuntiradi.

Ayrim neyrolingvistik qoidalar quyidagilardan iborat:

1) miya shikastlanishi tilni qayta ishlashga zarar etkazadi, yurak, o'pka, jigar va buyraklardagi shikastlanishlar esa til funktsiyasiga bevosita ta'sir qilmaydi. Ko'rinib turibdiki, miya tilni qayta ishlash markazi uchun organdır. Miyaning shikastlanishi ko'pincha afazi deb ataladigan o'ziga xos til disfunktsiyasini keltirib chiqaradi;

2) chap yarim sharning shikastlanishi nutqni tinglash mumkin bo'lsa-da, lekin u bu so'zlarni tushunolmasa ham, tilni qayta ishlashda muammolarni keltirib chiqaradi. O'ng yarim shardagi zarar bu buzuqlikka olib kelmaydi. Ko'pincha shikastlanish miyaning chap yarim sharida sodir bo'ladi.

Chap yarim shar ko'plab funktsiyalarni, shu jumladan tilni qayta ishlashni tartibga soladi, o'ng yarim shar esa masofa va ko'rish fazoviy ishlov berish, til va ong ijodi, his-tuyg'ular, pragmatik nazorat kabi boshqa qobiliyatlar uchun javobgardir, keyinchalik u neyropragmatik, individual tadqiqot sifatida rivojlanadi.

3) Frontal mintaqadagi miya shikastlanishi, shuningdek, nutq va yozish uchun lingvistik stimulyatsiyaga javob berishda buzilishlarni keltirib chiqaradi, orqa tomonda joylashgan shikastlanish esa tinglash va o'qishda buzilishlarni keltirib chiqaradi. Turli yarim sharlar turli xil aqliy funktsiyalarni tartibga soladi. Shuning uchun miyaning chap tomonidagi shikastlanish ham tilni tushunish jarayonini buzadi. Miyaning shikastlanishi, shuningdek, apelsin, durian va boshqa mevalarning xushbo'y hidini tanib olish qobiliyati kabi hid sezgilarini (agnoziya) tushunishda buzilishlarni keltirib chiqaradi. Bu muammo, shuningdek, buyruq ostida lablarni yalash yoki aniq gapirish kabi umumiy harakatlar qilish qobiliyatining etishmasligiga olib keladi. Ko'rinib turibdiki, miyaning shikastlanishi tilni qayta ishlashda buzilishlarni keltirib chiqaradi (afaziya) va hidlarni his qilish organini tushuna olmaslik (agnoziya) uchun javobgardir. Bu muammo, shuningdek, odamlarning o'z-o'zidan va boshqarib bo'lmaydigan harakatlarini (apraksiya) va aniq buzilishlarni aniq gapirishga (dizartriya) olib keladi.

Til buzilishi - har qanday so'zni ravon va to'g'ri ishlab chiqarolmaslik va tushuna olmaslik (afaziya). Blumshteyn motorik afazi bilan og'rigan odam so'zlarni aytishda qiyinchiliklarga duch kelganini aytadi. Sabr faqat bir so'z aytish uchun katta harakatni ko'rsatadi. Shuning uchun, sabr aralash natijalarda og'zaki ifodalarni ko'rsatadi, ba'zi so'zlar ravon gapiriladi, ikkinchisi esa yo'q. Bastiaanse afaziyani uchta toifaga ajratdi: 1) ravon afaziya, 2) ravon bo'lmagan afaziya, 3) hissiy afaziya.

Ravon va ravon bo'lmagan afaziya odamlarning nutqida va artikulyar organlardan foydalanishda ko'plab muammolarni keltirib chiqaradi. Shunday qilib, afazi bilan og'rigan sabr-toqat artikulyar mushaklarning falajligi tufayli gapirishda ko'p qiyinchiliklarni boshdan kechiradi. Ushbu paralitik holat neyronlar markazidagi yoki miyaning ba'zi hududlaridagi motorli neyronlarning shikastlanishi tufayli yuzaga keladi. Bu zararlar jismonan ko'rinmaydi, ammo miya hududlarida chap va o'ng yarim sharlar va miya sopi kabi buzilishlar mavjud bo'ladi.

Miya poyasi xabarni miyadan yoki miyadan uzatish uchun ishlaydi. Ushbu mintaqadagi buzilish tananing chap yoki o'ng tomonidagi hissiy organlarda falaj va boshqa kasalliklarga olib

keladi. Bu miya poyasi, shuningdek, ko'z va ongning harakatini tartibga solish uchun o'ziga xos funktsiyaga ega. U yutish, balg'am tashlash va yo'talish kabi boshqa harakatlarni nazorat qiladi.

Til nuqtai nazaridan, miya poyasi so'zlarning tuzilishi va talaffuz qilish qobiliyatini tartibga soladi, ammo u xabar yoki ma'no uchun javobgar emas. Insult bilan og'rigan odamlar so'zlarni aytish yoki gapirishda qiyinchiliklarga duch kelishadi, lekin ular aslida nimani anglatishini aniq tushunadilar. Bu holat dizartriya sifatida aniqlanadi.

Miyadagi til jarayoni yoki mexanizmi bo'yicha ko'plab tadqiqotlar o'ng yarim sharning ham muloqotda o'ziga xos funktsiyasi borligini ko'rsatadi. Bu funktsiya tilshunoslikning jihatlariga taalluqli emas, lekin u ijtimoiy funktsiya sifatida tasniflanadi, chunki miyaning o'ng yarim sharidagi shikastlanish ijtimoiy muhitdagi odamlarga ijtimoiy ta'sir ko'rsatadigan ba'zi til buzilishlarini keltirib chiqaradi. O'ng yarim shar tilning ba'zi jihatlarini tartibga soladi, bu sohadagi shikastlanish yoki shikastlanish quyidagi kasalliklarni keltirib chiqaradi: ekspressiv va retseptiv leksik-semantik buzilish, ekspressiv va retseptiv makro tuzilmalarning buzilishi, pragmatik buzuqlik, prosodiya va uning tarkibiy qismlarining buzilishi, leksikaning buzilishi, sintaktik buzilish, histuyg'u va suhbat buzilishi, to'g'ri suhbat buzilishi va boshqalar.

Kattalar tildan foydalanish ularning to'liq lingvistik qobiliyatlarini qamrab oladi. Bu jarayon miyadagi neyronlarni faollashtiradi, gapirish esa ularning tilni qayta ishlashdan keyin xabarlar yoki fikrlarni ifodalash qobiliyati haqidadir. Natijalar nutq organlari tomonidan ishlab chiqarilgan og'zaki iboralardir. Darhaqiqat, nutqning buzilishi nutq organlari (til va nutq) ichki yoki tashqi omillar ta'sirida ba'zi buzilishlarni boshdan kechirganligi sababli yuzaga keladi.

Ushbu neyrolingvistik tadqiqotlar Sastra va boshqalar tomonidan o'n yildan ko'proq vaqt davomida olib borilgan. Har bir tadqiqot lingvistika va neyrolingvistikaga nazariy jihatdan va jamiyat uchun amaliy maqsadlarda hissa qo'shadi. Logopediya modellari ishlab chiqilgan va rehabilitatsiya qilish uchun ba'zi tibbiyot markazlarida sinovdan o'tgan, tilshunoslar yoki neyrolingvistlar tibbiyot fanlari va shifokorlar bilan birgalikda ishlashlari mumkin. Bundan tashqari, bioakustika bo'yicha ushbu tadqiqot nutq buzilishidan aziyat chekadigan sabr-toqatning malaka darajasini o'rganishi kutilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Tilshunoslik kasalliklari va patologiyalarida "Afaziyadagi segmental buzilishlar". Gerxard Blanken, Yurgen Dittman, Hannelore Grimm, Jon C. Travis, LE 1971.
2. Nutq patologiyasi va Audiologiya bo'yicha qo'llanma. – Nyu-York: Meredit Korporatsiya Cher, Abdul. 2003.
3. Linguistik Umum. – Jakarta: Rineka Cipta. Kusumoputro, Sidiarto. 1993.
4. Afasia: Gangguan Berbahasa. Jakarta: Balai Penerbit FKUI Ingram, Jon CL 2007.
5. Neyrolingvistika: og'zaki tilni qayta ishlashga kirish. Bastiaanse R, Bosje M, Visch-Brink EG. Kay J, Lesser R, Coltheart M. Universitas Andalas. Sastra, Gusdi. 2011.
6. Neurolinguistik Suatu Pengantar. Afaziyada tilni qayta ishlashni psixolingvistik baholash. Xouv, – Buyuk Britaniya: Lawrence Erlbaum Associates Ltd, 1995.
7. O'ng yarim sharning buzuqligi. Xulq-atvor va miya fanlari, 4, Sastra, Gusdi. 2014.

Nashrga prof. B. Mengliyev tavsiya etgan

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИККА МУНОСАБАТИ

Мадиева Г.М. (Китоб тумани 2-мактаб)

Аннотация. Мақолада ҳозирги пайтда мавжуд бўлган гегемон тилларнинг мавқеи ҳамда нисбатан гаплашувчи аҳоли сони кам бўлган тилларнинг инкирози ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, бу жаҳада ўзбек тилининг тутган ўрни ҳамда унинг яшовчанлик хусусиятини барқарорлаштириш мезонлари борасида баҳс олиб борилади.

Таянч сўзлар: *реликт, реликтолингвистика, гегемон тиллар, барқарор тиллар, дисфункционал тиллар, туркий тиллар, фин-угор тиллари, аборигенлар тили.*

Аннотация. В статье обсуждается текущий статус языков-гегемонов и кризис языков с относительно небольшим количеством носителей. Также на этом фронте будет обсуждаться роль узбекского языка и критерии стабилизации его жизнеспособности.

Ключевые слова: *реликт, реликтолингвистика, языки-гегемоны, устойчивые языки, дисфункциональные языки, тюркские языки, финно-угорские языки, аборигенный язык.*

Annotation. The article discusses the current status of hegemonic languages and the crisis of languages with relatively few speakers. Also, the role of the Uzbek language and the criteria for stabilizing its viability will be discussed in this front.

Key words: *relict, relictolinguistics, hegemonic languages, stable languages, dysfunctional languages, Turkic languages, Finno-Ugric languages, aboriginal language.*

Реликтолингвистиканинг вазифаси нафақат йўқ бўлиб кетган тиллар тўғрисида сақланиб қолган маълумотларни тўплаш, балки унутилиш хавфи остида бўлган тилларни сақлаб қолиш бўйича олиб бориладиган уринишлар, шунингдек, бундай тилларни қайта тиклаш бўйича ташкил этиладиган саъй-ҳаракатларни ҳам қамраб олади. Айни ҳолда, «реликтолингвистлар» бошқа «тилшунос муҳандислар» – интерлингвистлар (сунъий алоқа тилларини ўрганувчилар ва ишлаб чикувчилар), қиёсий ўрганувчилар (боботилларни қайта тиклаш бўйича мутахассислар), археоллингвистлар (қадимги тилларни ўрганувчи филологлар) билан биргаликда ҳаракат қилишлари, ҳозирги тиллардаги реликтив ҳолатлар орқали уларда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечимини топишлари, тилларнинг бардавонлигини таъминлаш учун биргаликда фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Чунки “Бу дунёда хотира тирик экан, ҳали ўлим ғалаба қилмайди”¹.

Тилшуносликнинг янги бўлимини очиш мумкин – лингвистик реликтология (ёки реликтолингвистика, ретролингвистика), унинг вазифаси нафақат йўқ бўлиб кетган тиллар тўғрисида сақланиб қолган маълумотларни йиғиш, балки ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлган тилларни сақлаб қолиш бўйича тадбирлар, шунингдек, йўқолган тилларни қайта тиклаш бўйича бир қадар ишларни амалга ошириш ташаббускори ҳам бўлиши мумкин.

Бугунги кунда дунёда 7000 тилда сўзлашилади, уларнинг 2000 тасининг қўлланиш имконияти бошқалариникидан фаолроқ. Бошқа тадқиқотларга кўра, ҳозирги пайтда дунёда тилларнинг умумий сони 2,5 дан 5-6 мингга етади. Баҳолашда бундай катта тафовутлар тил ва диалект орасидаги фарқланишни аниқлашдан, айниқса, ёзувга эга бўлмаган тилларнинг лингвистик мезонларини белгилашдан келиб чиқади. Ер юзининг баъзи минтақаларида тилларни ўрганиш бўйича тадқиқотчилар, умуман олганда, 5-6 минг тилдан ошадиган рақамларни келтирадилар, баъзи маълумотлар эса уларнинг сони 8000 дан ошишини кўрсатади. Масалан, Африкада тахминан 2000 тил мавжуд, Жанубий Америкада камида 3000 маҳаллий тиллар бор. Океаниянинг учта штатида – Папуа-Янги Гвинея, Соломон ороллари ва Вануату Республикасида – 900 дан ортиқ тиллар борлиги тахмин қилинади. Индонезиядаги тилларнинг сони 660 тадан ортиқ, Австралия тилларининг сони баъзан 500-600 тагача етади деб баҳоланади. Дунёдаги энг кўп миллатли ва кўп тилли мамлакат бўлган Ҳиндистон 1652 тилга эга. Африкадаги энг кўп миллатли мамлакат бўлган Нигерияда 300 га яқин тил мавжуд. Ҳозирги Россияда 150 га яқин тил истеъмолда.

ЮНЕСКО XXI асрнинг охирига қадар, бугунги кунда маълум бўлган тилларнинг фақат ярми яшаб қолиши мумкинлигини ва Африка давлатларининг тилларини сақлаб қолиш бўйича катта йўқотишлар кутилаётганлигини уқтиради. Австралия, Океания ва Жануби-Шарқий Осиё халқлари ҳам катта йўқотишларга дуч келишади. Қўшма Штатлар аҳолиси мамлакат аҳолисининг юзлаб тилларини йўқотиши мумкин.

Дунё аҳолисининг ярми кундалик ҳаётда атиги 8 та тилдан фойдаланади, Янги Гвинеянинг ўзи эса барча дунё тилларининг 1/6 қисмидан фойдаланади. Ҳозирги пайтда 357 тилда 50 дан кам одам гаплашади, шунингдек, 46 та таниқли лаҳжалар мавжуд бўлиб, улар фақат битта она тилига бирлашади.

Дунёдаги 10 та тилда сўзлашувчиларнинг сони энг кам ҳисобланади: 1) Камикуро (камиколо, камеколо, камикуро), Перу хиндулари – 2008 йилда 8 киши бу тилда сўзлашган; 2)

¹ Йўқ бўлиб кетган Прусс тили ҳақидаги Миккелс Клуссис ибораси.

Ҳимолойда яшовчи думи (дум фор, думи бролси жаннат, клано, сотмали) – 2007 йилда бу ерда 8 киши сўзлашган; 3) Онгота (бира(й)ле); 4) Лейки (Моар); 5) Танема (танима, тетаво); 6) Нереп; 7) Чемеуэви (Чемегуэви); 8) Лемериг (Пак, Бек, Сасар, Леон, Лем); 9) Каиксана; 10) Тауширо (пинчи, пинче) сингари тилларда ҳам санокли инсонлар мулоқот қилишган.

Сўнги 500 йил ичида мавжуд бўлган тилларнинг умумий сонининг қарийб 4,5 фоизи йўқолган деб ҳисобланади.

Айтилишича, Шимолий Америка қабилалари фойдаланадиган 176 тилдан 52 таси бутунлай йўқ бўлиб кетди. Маълумки, 1887 йилда мактабларда тубжой америкаликларнинг тилларидан фойдаланиш қонун билан тақиқланган эди, 1990 йил ушбу қонун бекор қилинди, натижада сақланиб қолган тилларни ўрганиш ва ривожлантиришга янги йўл очиб берилди, лекин 60 га яқин ҳинд тиллари йўқолиб кетган эди, яна 60-120 таси йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган. Ҳозирги пайтда мандан тилида 7 киши гаплашади, эяк тилини битта қария билган, катоба тилида сўзлашувчи охириги ҳиндистонлик шахс 1996 йилда вафот этган эди.

Австралиядаги мустамлакачиликдан кейин аборигенлар 30 лаҳжани йўқотдилар. Олимларнинг фикрига кўра, юз йилдан кейин 3000 дан 6000 гача, яъни (50 – 90 фоиз) ҳозирги вақтда мавжуд тиллар йўқолади. Бугун биз кунига битта тилни йўқотаямиз.

Дунёда ҳозирги пайтда 400 дан ортиқ тиллар йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Масалан: Россияда: 2 киши сўзлашадиган керек тили ва 100 киши сўзлашадиган удеге тиллари; Африкада: 1 киши сўзлашадиган бикия тили, 8 киши сўзлашадиган элмоло тили, 30 киши сўзлашадиган гундо тили, 30 киши сўзлашадиган камбап тиллари шундай позицияда туришибди; даҳала кушите тилида эса фақат катталар гаплаша олади. Австралияда: тахминан 20 киши гаплашадиган алауа тили; Шимолий Америкада: 12 киши сўзлашадиган чинук тили, 19 киши сўзлашадиган канса тили, 35 киши сўзлашадиган кагуила тили; Жанубий Америкада: тахминан 30 киши сўзлашадиган техулче тили, 100 киши сўзлашадиган итонама тилларининг ҳам тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Баъзи тиллар ўзига хос хусусиятлари туфайли муҳим ҳисобланади. Масалан, Папуа-Янги Гвинеядаги Россел оролининг аҳолиси гапирадиган *ели дне* тили ғайриоддий товушларга эга.

Лекони Боливия анди тилида 20 га яқин киши гаплашади ва бу тил ноёблиги билан ажралиб туради, унда рақамларнинг номланиши ҳинд-европа ва туркий тиллар ўртасида туради.

Америка ҳиндулари тиллари структура жиҳатидан ўзига хос бўлиб, уларнинг йўқ бўлиб кетиши янада ёрқинлашмоқда; бу тиллар дунёни тасвирлаш ва тушунишнинг одатдагидан бошқача усулларига эгаллиги билан характерли. Масалан, ироку тилларида исм ўрнига предикатлардан фойдаланиш имкониятига эга.

Ижтимоий ҳодисалар ҳам тилларнинг барҳам топишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай объектлар Европада йўқолиб кетган ёки унутилиш эҳтимоли юқори бўлган тилларнинг “Қизил китоб”ининг юзага келишига сабаб бўлди. Шунга мувофиқ, бу жабҳага қирувчи тилларнинг қуйидаги гуруҳларга мансублиги олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

Деярли йўқ бўлиб кетган тиллар: уме сами, пите сами, аккала сами, тер сомий, ливониян, вотиан, италиян (яхудо-италия), эваник (яхудо-юнон), кримчак (яхудо-крим татарлари) ва ҳоказо.

Йўқолиш хавфи жиддий бўлган тиллар: жанубий сомий, луле соми, инари сами, сколт соми, килдин сами, ингриан, лудиан, вепсия, ғарбий мари, кашуб тилларига тегишли хорват тили, шарқий фризия, шимолий фризия, яҳудий (яхудо), бретон, леонесе, ладино (яхудо-испан), ланкедосиен, аувергнат, лимузин, канал оролининг французча лаҳжаси, истриот, истро-румун, мегленитик арванитика албанлари тили, тсаконийлар тили (замонавий ласэдаэмоннинг спарталиқ лаҳжаси), италия юнон-понттик юнон тили, караим тили, крим татарлари тили, кипр араблари тили.

Йўқолиб кетиш хавфи мавжуд бўлган тиллар (дисфункционал тиллар): шимолий сомий, карелия, олонетсиан, эрзя, мокша, шарқий мари, удмурт, пермяк, коми, тундра ненетс, қуйи сорбиян, юқори сорбия, бургенланд, хорватия, русин, ғарбий фриз, кимбриан,

ирландиялик гаэл, шотланд, гаэл, уэлс, астуриан, арагонесе алгересе каталон, провенсал, гаскон, валлон, римликлар тили, ладин, фриулиан, галлури сардинян, логудоресе сардинян, кампиданесе сардиния, сассаресе сардинян, руминия арманлари тили, ноғай, трухмен, гагауз, қалмиқ, баск тиллари.

Потенциал хавф остида турган тиллар (беқарор тиллар): тоғли белоруслар тили, скотч, паст саксон (немис тилига яқин), галисиан, франсопровенчал, пиздмонтесе, лигуриан, ломбард, эмилиан, корсикан тиллари.

Йўқолиш хавфи йўқ тиллар: эстон, фин, венгер, польша, чехия, словак ва бошқа тиллар.

Шунингдек, хавф остида бўлган ва дисфункционал тиллар – келтлар тили, кичик романлар тили, юнон, кичик туркий тиллар, кичик фин-угор тиллари, Сибирнинг сон жиҳатидан кам бўлган халқларининг тиллари ҳам мавжуд, яъни улар – баск, кет, нивх, юкагир сингари ноёб тиллар ҳам йўқолиш арафасида турибди.

Таниқли рус ёзувчиси И.К. Гаршин (1855–1888) 150-200 йиллар олдин: “Мен баъзи бир ҳозирги ёки қадимги тилларнинг йўқ бўлиб кетишини Искандария кутубхонасининг ёнгани каби фалокат бўлишига ишонаман. Ахир, қадимги тиллар Этруск, Шумер, бошқа қадимий ва ажратилган замонавий тилларнинг келиб чиқиши ҳамда уларнинг машҳур замонавий аждодлари ҳақида маълумот бериши мумкин. Номи маълум, аммо ўзи ҳали ҳам топилмаган скриптлар тили фанга маълум, илмий изланишлар яна қанчаси топилишига сабаб бўлиши мумкин. Охир-оқибат, тадқиқотлар маҳкум тилларнинг декодланган реликт тиллари эканлигини исбот этиши мумкин. Бундай обидалардаги матнларни ўқиб чиққач, биз инсоният тарихининг янги ғайриоддий қатламларини ўрганишимиз аниқ. Масалан, Осиёда ёки ҳатто Жанубий Америкада бир вақтлар мавжуд бўлган боботилининг қолдиқлари ҳам йўқ бўлиб кетмоқда. Масалан, Боливияда қадимда истеъмолда бўлган бурушаски ёки леко тили, Ўрта Осиёда илк ўрта асрларгача қўлланган суғд, қадимги хоразм тилларининг лингвистик асослари ҳам тўлиқ маълум эмас. Бундай тилларнинг барҳам топиши билан ўтмиш оламларидан бирига эшик абадий ёпилиши мумкин¹”, – деб ёзган эди.

Айрим тилларнинг йўқ бўлиб кетиши ҳақиқатни тасвирловчи кам учрайдиган, аммо ривожланган моделларнинг йўқолишига сабаб бўлади. Бундай тилларни ҳар жиҳатдан ўрганиш инсониятнинг универсал-боботилларини, фойдаланиши чекланган тилларни ёки ҳозирги тилларнинг терминологик тизимларини диахроник жиҳатдан куриш учун асос бўлади. Бундан ташқари, турли хил тизимдаги тилларни ўрганиш тилни ривожлантиришнинг асосий қонуниятларини, унинг тизим сифатида ишлаш механизмларини, ташқи ва ички дунёни унинг қўлланилишига таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Бундай қиёсий тадқиқотлар, компьютер таржимаси, психолингвистика, типология ва назарий ва амалий тилшуносликнинг кўплаб бошқа фанлари учун зарурдир.

Академик Вячеслав Всеволодович Иванов (1929–2017) эса: “Мен йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлган барча тилларни, айниқса, ажратиб олинган тилларни етим деб биламан, уларни «оилаларга қабул қилишни» – уларни ўрганишни, уларнинг ташувчиси ва келгусида узатувчиси бўлишини таклиф қиламан”, – сингари шиор билан чиққан эди.²

Бугунги кунда гегемон тилларнинг нуфузи ошиб бормоқда. Шу боисдан бошқа тилларнинг қайсидир маънода мавқеи бир қадар сусаяётганлиги сезилмоқда. Бундай тилларда илмий грамматика, радио, телевидение ҳамда матбуот ишлари олиб борилаётган бўлишига қарамай, фақат ички алоқа воситаси бўлиб қолмоқда. Аниқроғи, бундай тилларнинг халқаро аҳамияти чекланган. Шу сабабдан ҳам ҳар бир тилнинг структураси диахроник ва синхроник аспектда мукамал ўрганилишни талаб қилади. Реликтолингвистиканинг яна бир энг муҳим вазифаси ҳар бир тилнинг боқийлигини сақлаш борасида унинг таркибини фундаментал тадқиқотлар негизидаги базани яратишдан иборат бўлиши лозим³.

¹ http://budetinteresno.info/toponim/tverdiy/perevod_1146.html

² https://biblioclub.ru/index.php?page=author_red&id=6144

³ http://budetinteresno.info/toponim/tverdiy/perevod_1146.html

Фойдаланилган адабиётлар

1. Щербак А.М. Сравнительная грамматика тюркских языков. – Ленинград: Наука, Ленинградское отделение, 1970. – 204 с.
 2. Хромов А.Л. Согдийские документы с горы Муг. – М., 1962. – 266 с.
 3. Рязанов Э. Неподведённые итоги. Издательство: Вагриус, 2007. (цитата из НКРЯ).
- Источник: Викисловарь. <https://www.labyrinth.ru/books/>

Наширга проф. Б.Менглиев тавсия этган

ТИЛ БИРЛИКЛАР ЎРТАСИДА ФОНЕТИК ВА МОРФОЛОГИК СИММЕТРИЯ ВА АССИМЕТРИЯ ҲОДИСАСИ (“ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК “АСАРИ МИСОЛИДА)

Бахтиёрова С. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада тилнинг табиати, тил бирликлари ва хусусиятлари тўғрисида тўхталинган ва ўзбек тили фонетик ва морфологик сатҳида унинг синхрон ва диахрон табиатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг симметрик ва ассиметрик қиймати борасида фикр юритилган. Бунда Махмуд Кошғарийнинг “Девон-ул луғатит турк “асари таянч вазифани бажарган.

Аннотация. В статье основное внимание уделяется природе языка, языковым единицам и особенностям, а также обсуждается симметричное и асимметричное значение узбекского языка на основе его синхронического и диахронического характера на фонетическом и морфологическом уровне. Основой для этого послужило произведение Махмуда Кошгари «Девон-ул луғатит тюрк».

Таянч сўзлар: *тил сатҳлари, “Девону луғотит турк”, симметрия, асимметрия, морфологик симметрия, фонетик симметрия, қолдиқ.*

Аннотация. В статье основное внимание уделяется природе языка, языковым единицам и особенностям, а также обсуждается симметричное и асимметричное значение узбекского языка на основе его синхронического и диахронического характера на фонетическом и морфологическом уровне. Основой для этого послужило произведение Махмуда Кошгари «Девон-ул луғатит тюрк».

Ключевые слова: *языковые уровни, словарь Девону турецкого языка, симметрия, асимметрия, морфологическая симметрия, фонетическая симметрия, реликт.*

Annotation. The article focuses on the nature of the language, language units and features, and discusses the symmetrical and asymmetric meaning of the Uzbek language based on its synchronic and diachronic nature at the phonetic and morphological level. The basis for this was the work of Mahmud Koshgari "Devon-ul lugatit Turk".

Key words: *language levels, Devon Turkish dictionary, symmetry, asymmetry, morphological symmetry, phonetic symmetry, remainder.*

Қадимги туркий адабий тили морфем тузилишининг ҳозирги ўзбек адабий тили билан мос келувчи ва фарқ қилувчи томонлари мавжуд. Баъзи шакллар истеъмолдан чиққан бўлса, баъзиларининг вазифаси ўзгарган. Айримлари турли фонетик ўзгаришларда ҳозирги туркий тилларда учрайди. Қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида сақланмаган, лекин умумхалқ тилида ёки бошқа туркий тилларда учрайдиганлари ҳам йўқ эмас. Қадимги туркий тилда фаол саналган айрим шакллар ҳозирги ўзбек тилида қолдиқ сифатида қузатилади.

Маълумки, давр ўтиши билан морфемалар маъно ўзгаришига учраши мумкин; сўз-морфема ҳам, аффикс-морфема ҳам ўз маъносини йўқотади. Яъни улардан бири истеъмолдан чиқади. Шунда тарихан мустақил морфемалар бир сўзга айланиб, ҳозирги пайтда маъноли қисмларга бўлинмайди. Бунга *қаттиқ, юксак, юксал, эгиз, силжимоқ, қишлоқ* сўзларини мисол сифатида келтириш мумкин. Қадимги туркий тил морфемалари ҳозирги адабий тилдагидан фонетик вариантларининг кўплиги билан фарқланади. Ҳозирги адабий тилда кўпроқ морфологик принцинга амал қилинса, қадимда фонетик принцип устун бўлган. Талаффуз қандай бўлса, ёзувда ҳам кўпроқ шунга амал қилинган ва бу адабий тил меъёри ҳисобланган. Тилшуносликнинг ҳар бир сатҳида давр ва фан нуқтаи назаридан мослик ва номослик жиҳатларини кўришимиз мумкин. Бундай мослик ва

нормувофиклик тилшунослик учун, унинг қонуниятлари учун жуда зарур жараён ҳисобланади. Бу жараёнда тилнинг тарихий (диахроник) ва ҳозирги(синхрон) ҳолати ўрганиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Аввало, борлиқдаги мослик ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда симметрияга тариф қуйидагича:

Симметрия – бу геометрия, расм чизиш, график дизайн, меъморчилик ва бошқа санъатлар каби турли хил фанларга оид тушунчадир. Шунингдек, бу термин биология, физика, кимё ва математика каби фанларда учрайди.

Геометрияда – бир бутун сифатида танани ёки фигурани ташкил этувчи қисмлар ёки нуқталарнинг мунтазам жойлашишида қайд этиладиган, марказга, ўққа ёки текисликка нисбатан кўриб чиқиладиган объект қисмларининг шакли, ўлчами ва ҳолати бўйича текшириладиган аниқ ёзишмалар.

Биологияда – симметрия сифатида ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг танасида танилган ёзишмалар марказ, ўқ ёки текислик сифатида қабул қилинади, уларга нисбатан органлар ёки уларга тенг қисмли тартибли жойлаштирилган, мода.

Симметрия учун хусусиятлар:

Мутаносиблик;

Ўхшашлик;

Тартиблилик.

Ассиметрия эса симметриянинг тескараси, унинг бузилиши¹. Шундай қилиб, биз уни бир бутуннинг шакли, ҳажми ва жойлашуви ўртасидаги ёзишмалар ёки мувозанатнинг етишмаслиги деб таърифлашимиз мумкин. Ассиметрия объект ёки фигура кўринишини ташкил этувчи хусусиятлар ўртасида эквивалентликнинг етишмаслиги сифатида намоён бўлади. Ассиметрияни тушуниш симметрияга боғлиқ. Симметрия композициясининг асосий хусусияти – мувозанат. Ассиметрия симметриянинг барча элементларининг объекти йўқлиги билан боғлиқ. Ассиметрия симметрияга қарама-қарши туради, яъни мувозанатнинг бузилишини акс эттиради. Ассиметрия ва симметрия бутун объектив борлиқнинг иккита қароқчиси, доимо бирликда ва курашда.

Шу тарифларга суянган ҳолда тилшунослик учун ҳам симметрия ва ассиметрия ҳодисалар тааллуқлидир.

Тилшуносликда симметрия сатҳлараро тил бирликлари ўртасида ўзаро бир-бирига мос ва ўхшаш, тартиб ва тенгликка эга бўлган хусусиятлар, тамойиллар назарда тутилади. Мувозанатнинг борлиги, бир-бирига мослиги ва нумутаносиблигини тилшуносликнинг ҳар бир²сатҳида кўришимиз мумкин. Бошқа фанлардаги таърифлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, симметрия тил талабларига, хусусиятларига, қурилишига давр нуқтаи назаридан мослик бўлса, ассиметрия бу мосликнинг бузилишидир. Тилнинг ҳар бир сатҳида бундай симметрик ва ассиметрик талқинни кўришимиз мумкин. Фанда ҳар бир ҳодиса ўзида алоҳида хусусиятларни, тузилишни тартибни талаб қилади. Шу боисдан симметрия ва ассиметрия ҳодисалари учун ҳам диахрон ва синхрон жиҳатдан ёндашиш фандаги ўз ўрнини янада мустаҳкамлайди, тил – сўз бойлиги учун хизмат қила оладиган бирлик сифатида эътиборга олинади. Тил сатҳларининг ҳар бири учун бирдек тааллуқли бўлиб, бу ҳодисалардан бир қанчасини тарихийлик ва замонавийлик жиҳатдан таҳлил қиламиз.

1. Фонетик ассиметрия – тил тизимининг товуш имкониятларидан, хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мувозанат бузилиши¹. Маъно фарқловчи товушлар, яъни фонемалар ўзаро тартибли бир хил симметрик жойлашувни талаб қилади: *бир-пир*, *байт-пайт*, *боб-боп*, *доғ-тоғ*, *Ҳасан-Хусан* каби. Агар товушларнинг жойлашув тартиби ҳар хил, яъни бузилиш рўй берса, тартибсизлик юзага келса, ассиметрик ҳодиса юз беради: *ост-сот*, *уст-сут*, *вафо-она*

2. Ўзбек тилида *томоқ*, *қишлоқ*, *пишлоқ*, *қучоқ* каби сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилса, асос охиридаги *қ* товуши *ғ* товушига алмашади: *томоғи*, *қишлоғим*, *пишлоғи*,

¹ Раҳимқориев А.А., Тўхтаўжаева М.А. Геометрия. Дарслик. – Тошкент, 2014. – Б. 51-52.

² Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2009. – Б. 62-75.

қучоғи каби. Лекин *нутқ, равнақ, завқ* каби сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда эса ҳеч қандай фонетик ҳодиса юз бермайди, фонетик ассиметрия намоён бўлади.

3. Морфологик симметрия – сўз туркумлари ва грамматик воситалар ўртасидаги мослик ҳисобланади. Масалан, *Богимизга гуллар экишиди* - гапида *-имиз* I шахс кўпликдаги эгалик қўшимчаси *-лар* грамматик кўплик шакли билан симметрик мослик ҳосил қилади.

4. Ўзбек тилидаги келишик шакллари ҳам *Тошкентда, қаламдан, онамга, уйни, мактабнинг* каби сўзларида симметрияни ҳосил қилган, яъни ўз вазифасини тартибли, мувозанатли бажарган. Лекин баъзи сўзларда *олдинда, ортда, жўрттага, юқорига, пастда, қуйига* каби сўзларда эса келишик шакллари ассиметрик ҳолатни юзага келтирган.

5. Морфемик симметрия – сўз таркибини мувозанатли, тартибли жойлашуви: *китобхонлардан* – асос – сўз ясовчи қўшимча – луғавий шакл ясовчи қўшимча – синтактик шакл ясовчи. Бу тартиб ўзбек тили агглютинацияси учун мос. Лекин *мақтанчоқ* сўзида асос – луғавий шакл ясовчи қўшимча – сўз ясовчи қўшимча тартибида, яъни ассиметрик ҳолатда жойлашган. Бундай намуналарни тилшуносликнинг ҳар бир сатҳида кўришимиз мумкин.

Бу мақолада фонетик ва морфологик сатҳда учровчи диахрон ва синхрон мослик ва номосликларни Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари мисолида кўриб ўтамиз.

1. Фонетикада симметрик мослик: а товушининг о товушига давр жиҳатидан мослашган намуналари:

- Йирақ (ДЛТ) - йироқ;
- Чумали (ДЛТ) - чумоли;
- Қалқан (ДЛТ) - қалқон;
- Тупрақ (ДЛТ) - тупроқ;
- Саман (ДЛТ) - сомон;
- Тавар (ДЛТ) - товар;
- Талқан (ДЛТ) - талқон;
- Яқа (ДЛТ) - ёқа;
- Талақ (ДЛТ) - талок;
- Лачин (ДЛТ) - лочин;
- Ав (ДЛТ) - ов;
- Алма (ДЛТ) - олма;
- Амач (ДЛТ) - омоч;
- Ана (ДЛТ) - она;
- Арслан (ДЛТ) - арслон;
- Тавар (ДЛТ) - товар ,жонли ва жонсиз мато¹.

2. Даврлараро бир хил истеъмолда бўлган лисоний қатлам; морфологияда симметрик мослик:

- Ари- (ДЛТ)- ари, асалари;
- Эл (ДЛТ)- эл, мамлакат, юрт;
- Ун (ДЛТ)- ун, маҳсулот;
- Улуғ (ДЛТ)- улуғ, ҳар нарсанинг улуғи;
- Уруғ (ДЛТ)- уруғ, ҳар бир нарсанинг уруғи;
- Ини (ДЛТ)- ини, ука, биродар;
- Ўрдақ (ДЛТ)- ўрдақ;
- Арпа (ДЛТ)- арпа;
- Қир (ДЛТ)- қир, ясси тоғ;
- Қил (ДЛТ)- қил, мўй. Одам ва ҳар нарсанинг мўйи;
- Қимиз (ДЛТ) - қимиз, бу йилқи сути^{2,3}.

Бундай сўзлар маълум бир даврнинг бошқа даврда истеъмолда бўлган сўзлар бойлиги билан мослик ва номослик ҳосил қилиши ҳам мумкин. Шу жиҳатдан вариант

¹ Муталибов С. Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 154-188.

² Муталибов С. Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 154-188.

³ Муталибов С. Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 154-188.

сўзига икки хил ёндашиш мавжуд: 1) лисоний тизим бирликларини модификацияланиши, хилма-хиллик ёки маълум бир меъёрдан оғиши; 2) тил бирликлари ва умуман лисоний тизимнинг мавжудлиги ва ишлаш услубини тавсифловчи атама. Бунда тил тизимида тарихийлик ва замонавийлик ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Аналогия ва аномалия қонун-қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тилда формал-семантик симметрия ва ассиметрия қонуниятининг мавжудлиги; тилнинг тарихий тараққиёти; нутқий тежамкорлик; тилда танлаш имкониятининг мавжудлиги каби омиллар даврлараро мувофиқлик ва номувофиқлик имкониятларини келтириб чиқаради^{1,2}.

Хулоса қилиб айтганда, тил бирликлари ўртасида давр ва макон тушунчалари тилнинг луғат бойлигини бойитувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бундай тил сатҳлари орасида мутаносиблик ва номутаносибликлар ўзбек тилининг бой тил эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Улуқов Н. Тилшунослик назарияси. – Тошкент, 2016. – Б. 17.
2. Раҳимқориев А.А., Тўхтаўжаева М.А. Геометрия. Дарслик. – Тошкент, 2014. – Б. 51-52.
3. Қомус. Инфо. Online энциклопедия. С ҳарфи.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Б. 25-130.
5. Сайфуллаева ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2009. – Б. 62-75.
6. Муталлибов С. Маҳмуд Қошғарий. – Тошкент: Фан, 1960.
7. Базарова Д.Б. Ўзбек тилида вариантдош бирликларнинг нутқий қўлланиши ва услубий хусусиятлари: Филол. фанл. бўйича. фалс. докт. (PhD) ...дисс. – Қарши, 2020. – Б. 11-12.

Наишга проф. Б.Баҳриддинова тавсия этган

ЎЗБЕК ТИЛИДА ВАҚТ-ЗАМОН АНГЛАТУВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИК-СЕМАНТИК БЕЛГИЛАРИ ХУСУСИДА

Кенжаева З.С. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада ўзбек тилида қўлланиладиган замон ва пайт маъноларини берувчи лексик бирликларнинг формал-семантик имкониятлари тадқиқ қилинган ва уларнинг этимологик қиймати борасидаги фикрлар баён қилинган.

Таянч сўзлар: *ўз қатлам, ўзлашма қатлам, форсий изофа, эроний этимологик қатлам, арабий этимологик қатлам, русча-байналмилал сўзлар, ички манба, ташқи манба.*

Аннотация. В статье изучено отношение употребляемых в узбекском языке лексических единиц со значениями времени и времени к слоям ассимиляции и высказаны мнения об их происхождении.

Ключевые слова: *исконный пласт, приобретенный пласт, персидская изофа, иранский этимологический пласт, арабский этимологический пласт, русско-интернациональные слова, внутренний источник, внешний источник.*

Annotation. In the article, the relationship of the lexical units used in the Uzbek language with the meanings of time and time to the layers of assimilation was studied and opinions were expressed about their origin.

Key words: *native layer, acquired layer, Persian isofa, Iranian etymological layer, Arabic etymological layer, Russian-international words, internal source, external source.*

Тил луғат бойлигини тарихий-этимологик нуқтаи назардан текширганда, аввало, тарихан, генетик жиҳатдан ўзбек тилининг ўзиники бўлган сўзлар белгилаб олинади. Бу каби сўзлар ўзбек тилида тарихан мавжуд бўлган туркий сўзлардир. Сўнгра ўзбек тили тарихан қайси тиллар билан алоқада бўлганлигига қараб луғат таркибида ўзга, яъни ўзлашма сўзларнинг элементлари ахтарилади. Мана шу нуқтаи назардан масалан, ўзбек

¹ Базарова Д. Б. Ўзбек тилида вариантдош бирликларнинг нутқий қўлланиши ва услубий хусусиятлари: Фило. фанл. бўйича. фалс. докт. (PhD) ...дисс. – Қарши, 2020. – Б. 11-12.

² Базарова Д. Б. Ўзбек тилида вариантдош бирликларнинг нутқий қўлланиши ва услубий хусусиятлари: Фило. фанл. бўйича. фалс. докт. (PhD) ...дисс. – Қарши, 2020. – Б. 11-12.

тилининг луғат таркибидан уйғур тили, сўғд тили, хитой тили, араб тили, мўғул тили, форс-тожик тили ва бошқаларнинг элементларини ахтариш қонунийдир. Бу тиллар ўзбек тили луғат таркибига турли даврларда, турли даражада ва турли йўллар билан кириб келган. Шундай қилиб, ўзбек тили лексикасини тарихий-этимологик нуқтаи назардан текшириш икки масалага қаратилади. Бу лексикани бир қанча мавзувий гуруҳларга бўлиб ўрганиш имконияти мавжуд. Жумладан, вақт ва пайт тушунчасини ифодаловчи лексик бирликларни айрим олиб тадқиқ қилиш бундай луғавий birlikлар замирида талай диахрон ва синхрон чигалликлар – “сир-синоатлар” мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, *кеча, бугун, эрда, энди, индин, сўнг* сингари вақт-замон семали умутуркий лексик birlikлар тадқиқи ҳақида тўхталайлик.

Кеча сўзи морфологик жиҳатдан пайт равишига оид бўлиб, бугунги ўзбек тили меъёрларига кўра содда туб сўз ҳисобланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “КЕЧА 1 Сутканинг қоронғи тушгандан тонг отгунча ўтадиган қисми ; тун. Ойдин кеча. Қоронғи кеча. *тун -Ойимни бир ойдан бери кўрганым йўқ. Бир кеча ёнида ётишни орзу қиламан, — деди энгилланиб Нури. Ойбек, Танланган асарлар. Сидиқжон йўлга тушиши нияти борлигини айтмаса ҳам, чол. бу кеча шу ерда қолишни, эрта саҳар йўлга чиқишни маслаҳат берди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари*”¹.

В. Банг *кеча* сўзини шаклидан *кеч-* феълидан шаклланганлигини уқтиради, бу сўз дастлаб *кйч+й* тарзида воқеланган бўлиб, *йртй* сўзининг ясаиш қолипига ўхшаган, дейди². Бу – ҳақиқат, чунки *кеча* сўзи бугунги ўзбек тилининг мезонлари бўйича ҳам осонлик билан морфемаларга ажрала олади, фақат *-а* ясовчиси тарихийлик меъёрларига хос, холос.

Бугун сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “БУГУН [асли бу + кун] 1 рвш. Сўз бораётган пайтда кечириладиган ёки кечирилган кун, кеча-кундуз. *Мен сенга муносиб эмаслигимни бугун билдим. С. Аҳмад, Уфқ. Азизхоннинг бугунига, эртасига Лутфинисо жуда-жуда зарур эди. С. Аҳмад, Уфқ. Ўтган куни ҳам, кеча ҳам, бугун ҳам шундай қилмоқчи бўлди-ю, бари бир кўнгли чопмади. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.*

2 от взф. Ҳозирги пайт, ҳозирги кун. *Бугунимиз жуда яхши, эртаниз бундам ҳам яхши бўлади. Бугунни ўйлама, эртани ўйла. Мақол*”³

Бугун лексик birlikи бу ва кун мустақил сўзларининг бирикиши, яъни композиция усули билан юзага келганлиги кўриниб турибди; кун морфемасининг *гун* шаклига келиб қолганлигининг боиси эса туркий тилларда қонуният бўлган ассимеляция, аниқроғи, биринчи асосдаги жарангли *б* таъсирида жарангсиз *к* томон силжиши натижасида – контакт-прогрессив ассимеляция натижасида ҳосил бўлган.

Боя – “БОЯ рвш. Сўз бораётган пайтдан бирмунча вақт олдин; ҳали; яқинда. *Боя шивалаб ёга бошлаган ёмғир тинганди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Мунира ҳам, Аҳмад ҳам боя ўрталарида бўлиб ўтган тўқнашувни унутмаган эдишар. Ф. Мусажонов, Ҳиммат*”⁴.

Боя сўзини Л.Будагов қадимги туркий тилдаги баға вариантыдан шаклланганлигини уқтиради⁵. Бунга асос олтой тилида *ба:*, ёқут тилида *ма:* чўзиқ унлили асослар “боя” маъносини ифодалашини кўрсатади. К. Броккелман ҳамда М.Расянинлар қадимги уйғур тилида *бага > байа* кўринишлари қўлланганлигин эътироф этишган⁶. Бу талқиндан кўринадикки, *бага ~ байа* сўзларининг асоси бағ ~ бай ҳисобланиб, *-а* ясовчисининг этимологий қиймати ҳозиргача мунозаралидир.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 362.

² Bang W. Turkische Bruchstucke einer nestorianischen Georgspassion. "Le Museon", 39. Louvain, 1926.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. А – Д. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 360.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати Биринчи жилд. – Б. 346.

⁵ Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, т.1. СПб., 1869; Т.П. СПб., 1871. – С. 240.

⁶ Brockelmann C. Ostturkische Grammatik der island.- echen Idttatersprachen Mittelasiens. Leiden, 1954. – § 20; Rasanen M. Materialien zur Morphologie der turkischen Sprachen. Helsinki, 1957. Pp. 91.

Эрда сўзи эр “эрталаб” асосига ўрин-жой келишиги қўшимчаси *-та* нинг қўшилиши билан ҳосил бўлган. В.Банг унинг асоси *эртэ* бўлганлигини қайд этади¹, С.Е. Малов², Э.Р.Тенишев³ лар *эртэ* ўрин-жой келишиги орқали юзага келган ва “аллақачон”, “олдин”, “эрталаб” маъноларини ифодаловчи сўз деб кўрсатишган. *И:р ~ эр* ўзаги *ir* билан гомоген асослигини Гаферўглу (Gaf. EUS, 96) “қуёш” ва Маҳмуд Кошғарий (Д. 1–464) “қуёш томон” маъноларини билдиришини ёзишган. *Эрта* сўзининг келишик қўшимчасининг жаранглилигини (эрдэ) В.Банг ва В.Радлов (Р. 1–194) ёқут ва қадимги уйғур тилларида *erde, erden* «этароқ» эски туркий тилда шаклида ва кўринишида ишлатилганлигини айтишган. С.Малов эса “Олтин ёриқ”да *эртэ* тарзида келиши қўшимчаси жарангсиз кўринишида ишлатилганлигини ёзган эди.

Эрта – *эриш* ва *эрмак* сўзлари билан гомоген асосли ҳисобланади. *Эрта*- морфемаси эса эр ўзагига *-та* феъл ясовчисини қўшиш орқали юзага келган. *Эртак* сўзининг бошқа бир этимологик талқинига кўра: *эр-* (феъл) + *ит* (орттириш) + *ак* (сўз ясовчи қўшимча) “айтишга мажбурлаш” маъносини ифода этган. Г.Вамери бу сўзни *ir, er, ar, ur* “олдинги”, “эрталабги” ва *irteki* “ўтмишдаги”, “аввалги” маънодаги вариантлари билан қиёслаб, венгер тилидаги *reg* “эски”, *rega* “эртақ” сўзлари билан бир мақомга эга бўлиши мумкинлигини ёзиб қолдирган (Vam. 41).

Эрта сўзи туркий тилларда вариантларга-дп эга (**и:р/эр+та(лаб)**) бўлиб, *у ир ~ эр ~ ур* кўринишларда ҳам кўлланади. Унинг асоси э:- ~ э- бўлиши мумкинлигини Кастрен ёзиб қолдирган эди. Будагов ҳам бу сўзнинг маъноси эр ~ ир “эрталаб” эканлигини уқтиради.

Энди сўзи *-ди/-ти// -ды/-ты* отдан феъл ясовчи қўшимчасини *ин* (*ан-, эм-, им-*) отига қўшилишидан ҳосил бўлганлигини К. Броккелман қайд этади⁴. Бу ерда асос *а-* архаизми ҳам бўлиши мумкин (*амти/ амди// амтм/эмди* сўзларида бўлгани каби). Бу ерда асос *а-* архаизм ҳам бўлиши мумкин (*амти/ амди// амтм/эмди* сўзларида бўлгани каби).

Сўнг сўзи В.В. Радловнинг кўрсатишича со “кейин”⁵ асосига *-н* равиш ясовчисини қўшиш орқали юзага келган деса, В. Вербицкий тува тилида со “бошнинг орқа томони” маъносини англатишини таъкидлайди⁶, Севортян *сон* асосига жўналиш келишиги кўрсаткичи қўшилишидан *сонра* равиши юзага келганлигини уқтиради⁷. Шундай қилиб ҳозирги ўзбек тилидаги *сўнг* равиши ҳам бугунги адабий тилимиз меъёрлари бўйича ясама ҳисобланади, фақат унинг ҳосила лексема эканлигини этимологик тадқиқ асосида исбот этиш мумкинлиги аён бўлади.

Демак, ҳозирги ўзбек тилидаги вақт, замон маъносини ифодаловчи туркий луғавий бирликларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек тилидаги вариантлари билан семантик яқинлик касб этади, улар орасидаги ташқи – зоҳирий фарқлар ареал ва вақт нутаи назаридан пайдо бўлган. Замонавийлик кўксида тарихийлик ҳар доим мавжуд бўлганидек, вақт-замон семали лексик бирликларда ҳам бу хусусият то ҳануз сақланиб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.
2. Bang W. Turkische Bruchshstucke einer nestorianeschen Georgspassion. "Le Museon", 39. Louvain, 1926.
3. Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, т.1. СПб., 1869; Т.П. СПб., 1871. – С. 240.
4. Brockelmann C. Ostturkische Grammatik der island.- echen Idtteratursprachen Mittelasiens. Leiden, 1954. – § 20; Rasanen M. Materialien zur Morphologic der turkischen Sprachen. Helsinki, 1957. Pp. 91.

¹ Bang W. und von Gabain A. Turkische Turfan-Texte. II. - SPAW, 1929, XXII.

² Малов С.Е. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. –М.; -Л., 1951. – С. 366.

³ Тенишев Э.Р. Хозяйственные записи на древнеуйгурском языке. "Исследования по грамматике и лексике тюркских языков". – Ташкент, 1965. – С. 1-136.

⁴ Brokkelman C. Келтирилган манба. – Б. 41.

⁵ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий, IV. СПб., 1893–1911. – С. 512.

⁶ Вербицкий В. Словарь алтайского и аладагского наречий тюркского языка. Казань, 1884. – С. 300.

⁷ Севортян А.В. Этимологический словарь тюркских языков. т. I – М., 1974. – С. 599–594.

5. Bang W. und von Gabain A. Turkische Turfan-Texte. II. - SPAW, 1929, XXII.
6. Малов С.Е. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.-Л., 1951. – С. 366.
7. Тенишев Э.Р. Хозяйственные записи на древнеуйгурском языке. "Исследования по грамматике и лексике тюркских языков". – Ташкент, 1965. 1-136.
8. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий, IV. СПб., 1893–1911. – С. 512.
9. Вербицкий В. Словарь алтайского и аладагского наречий тюркского языка. Казань, 1884. – С. 300.
10. Севортян А.В. Этимологический словарь тюркских языков, т. I – М., 1974. – С. 599–594.

Наширға ф.ф.д. Г.Тожиева тавсия этган

ЎЗБЕК ТИЛИДА БИР ҚИСМИ МУСТАҚИЛ МАЪНОГА ЭГА БЎЛМАГАН ЖУФТ СЎЗЛАР ТАСНИФИ

Бегимова М. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада ўзбек тилида қўлланиладиган жуфт сўзлар, уларнинг шаклланишидаги диахроник талқини, этимологик асоси ва семантик хусусиятлари баён этилган, бундай сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилида нутқий имкониятлари талқин этилади.

Таянч сўзлар: *сўз, лексема, жуфт сўз, компонент, архаизм, семантик силжиш, ўз қатлам, ўзлашма қатлам, фонетик ўзгариш, синтактик бирлик.*

Аннотация. В статье описываются пары и слова, употребляемые в узбекском языке, их диахроническая интерпретация при их образовании, этимологическая основа и семантические особенности, интерпретируются речевые возможности таких слов в современном узбекском языке.

Ключевые слова: *слово, лексема, словосочетание, компонент, архаизм, семантический сдвиг, родной пласт, исконный пласт, фонетическое изменение, синтаксическая единица.*

Annotation. The article describes the pairs and words used in the Uzbek language, their diachronic interpretation in their formation, etymological basis and semantic features, the speech possibilities of such words in the current Uzbek language are interpreted.

Key words: *word, lexeme, pair of words, component, archaism, semantic shift, native layer, native layer, phonetic change, syntactic unit.*

Бир қисми мустақил маънога эга бўлмаган жуфт сўзлар ҳозирги ўзбек тилида жуда кўп учрайди. Бундай жуфт сўзларнинг биринчи ё иккинчи қисми ҳозирги ўзбек тилида мустақил маъносини йўқотган, мустақил ҳолда қўлланмайдиган бўлади: *ажойиб-гаройиб, боғ-роғ, гап-гаштак, нест-нобуд, онда-сонда, тавба-тазарру, темир-терсак, турқ-тароват, тўс-тўполон, уна-элик, феъл-атвор, хотин-халаж, амал-тақал, бозор-учар, важ-карсон, кўча-кўй, маза-матра, латта-путта, авраб-савраб* ва бошқалар.

Бир қисми мустақил маънога эга бўлмаган жуфт сўзларда икки ҳодисани кўриш мумкин: 1. Тарихан ўзлашма қатламга эга бўлиб, иккала қисми ҳам аслида мустақил маънога эга бўлиб, ҳозир бир қисми ўз маъносини йўқотган жуфт сўзлар. Буларга мисол сифатида *боғ-роғ, гап-гаштак, гина-қудурат, ранг-рўй* кабиларни кўрсатиш мумкин.

Гарчи, бу жуфт сўзларнинг иккинчи қисми бугунги ўзбек тили меъёрларига кўра ўз маъносини йўқотган бўлса-да, уларнинг форс-тожик тилининг диахрон ва синхрон асосига таяниб тадқиқ этилса, ҳозир ҳам мустақил маънога эга эканлигини кўриш мумкин. Чунончи:

Боғ-роғ жуфт сўзидаги *роғ* компоненти *боғ* қисмига оҳангдош бўлганлиги сабабли жуфтлик ҳозил қилган; *боғ* – “дарахтзор” маъносини ифодалаши ҳеч қандай тадқиқсиз ҳам аён бўлади¹, *роғ* асосли сўз эса ўзбек тили учун хос эмас. Бу қисми этимологик жиҳатдан таҳлил этилса, форс-тожик тилига оид ва “ўтлок” маъносида қўлланиши аён бўлади.

*Оху зи тангу куҳ биёмад ба дашту роғ,
Бар сабза бода хуш бувад акнун, агар хўри* (Рудакий)

¹ Фарҳанги забони тоҷики. II, II– Ч. – Москва: Советская инцклопедия, 1969. – С. 146.

Ган-гаштак жуфт сўзидаги гаштак компоненти “ўйин-кулги, базм” маъносини англатади¹. Демак, *ган-гаштак* жуфт сўзи салбийлик маъносини ташийди ҳамда “ҳар жойда – кўп инсон йиғиладиган жойда шов-шувга сабаб бўлиш” маъносининг қисқа ифодаси саналади.

Гина-кудурат жуфт сўзи бир қадар мураккабликлар асосида юзага келган: биринчи қисм форс-тожик тилига хос бўлиб, аслида “ўч” маъносидаги *кин* отига *-а* кўшимчасини қўшиш билан бунёдга келган; *кудурат* оти араб тилига хос сўз бўлиб, “дил ғашлик, ғусса” маъносига эга *кудурат* оти билан ясалган. Демак, *гина-кудурат* жуфт сўзи товуш алмашилини ҳамда гибридизация ҳодисаси омехталигида ҳосил бўлган.

Ранг-рўй жуфт сўзининг иккинчи *рўй* тожик тилида “юз(а)” маъносини билдириши ҳисобга олинса², бу жуфтлик “юз кўриниши” маъносига тенг бўлади.

Иккинчи қисми маъно англатмайдиган туркий сўзларга *қари-қартанг*, *авраб-савраб*, *турқ-тароват* типигади лексик бирликларни келтириш мумкин.

Қари-қартанг жуфт сўзининг биринчи қисми бўлган *қари* сўзини луғатларсиз ҳам ўзбек жамияти аъзолари тушуниши табиий, *қартанг* сўзи эса алоҳида олинганда тушунарли бўлмайди. Ҳозирги ўзбек нутқида *қартанг* компоненти “қартайиб қолган” синтактик бирлиги таркибида қўлланади ва “қариган” маъносини англатади. Аслида бу сўзнинг тарихий этимологиясига мурожаат қилинса, *қарт-* асоси турк тилининг шеваларида³ “яра устидаги қобик” маъносида ишлатилиши кўриш мумкин. Бу асоснинг лабланган унлили варианты кипчок тилларидан татар, бошқирд ҳамда кўмиқ тилларида ишлатилади.

Тарихий асарларда эса бу сўз “қурук”, “қуриган қатлам”, “яра устидаги қўриган қатлам” маънода истеъмол этилганлиги қайд этилган⁴. Бу далиллар *қари-қартанг* жуфт сўзининг маъноси “қариб қуриган” синтактик бирлигига тенг келишини англаш мумкин.

Қари-қартанг жуфт сўзининг иккинчи – *қартанг* қисмини М.Расянэн ва Ж.Клосонлар *қарт*, яъни “қора кўтир”, “яра” маъноларини билдиришини уқтиришади⁵. Г.Дёрфер эса “қари хўроз” деган маъноси борлигини қайд этади⁶.

Авраб-савраб жуфт сўзидаги *авра-* асосига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Айтганига (мақсадига) юргизиш, кўндириш учун ёлғон-яшиқ гаплар қилмоқ, усталик билан алдаб-сулдамоқ. *Баққол бу сўзларни эшитмагандай аврайверди: -Мен сизнинг фойдангизни ўйлайман. Ойбек, Танланган асарлар*”⁷ тарзида изоҳ берилган. Бу сўз ва ва у ифода этадиган мантиқ ҳозирги ўзбек жамияти учун тушунарли.

Лекин ҳозирги ўзбек тилида *савра-* асосли сўз мавжуд эмас. Маълумки, қадимги туркий тилда *саб* асоси фаол бўлиб, “сўз”, “нутқ” маъноларини ифодалаган. Қадимги туркий тилда *саб* оти фаол бўлган. Масалан: “*Tängri-täg tängri yaratmiş Türük bilgä qag’an sabim: qangim türük bilgä* (Тангридай тангри яратмиш турк Билга хоқон нутқим: Отам турк доно...)”⁸.

М.Раянининг кўрсатишича, *са:в ~ са:б*⁹ морфемалари *со:з* асосининг ўзгарган шаклидир, фақат *са:в ~ са:б* архаик луғавий бирликлари *со:з* лексемасининг маъноси кенгайган шакли ҳисобланади. Яъни: *со:з* – “сўз”, *са:в ~ са:б* – “нутқ” семемаларига тенг. Бир қанча туркий тиллар: турк, халаж, ўзбек, гагауз ва бошқа ҳозирги туркий тилларида

¹ Таджикиско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. – М., 1954. – С.100.

² Таджикиско-русский словарь. – С. 329.

³ Türkiye’de halk ağzından soz derleme dergisi, I-VI. Istanbul, 1939–1952; Türkiye’de halk ağzından derleme sözlüğü, I-III. Ankara. 1963-1968.

⁴ Brockelmann C. Ostturkische Grammatik der island.- echen Idtteratursprachen Mittelasiens. Leiden, 1954; Besim Atalay. Divanu lugat-it-Turk dizini. Endeks. Ankara, 1943; Раддов В.В. Опыт словаря тюркских наречий, II. СПб., 1893–1911. – С. 198–199.

⁵ Рясанен М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. Пер. с нем. А.А.Юлдашева(Ред., предисловие и примечания Н.А.Баскакова). – М., 1955. – С. 239а.; Clauson G. The earliest Turkish loan words in Mongolian. - CAJ, TV, N 3, 1959. – P. 647b.

⁶ Doerfer G. Bd III. Türkische Elemente im Neupersischen. Çim bis käf. Wiesbaden, 1967. – № 1452.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Б. 32.

⁸ Билга хоқон битигтоши. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 126.

⁹ Rasahen M. Versuch eines etymologischen Wörterbuchs der Turkspra- chen. Helsinki, 1969. – P. 391.

